




**ОРЗУЛАРГА
ҲАМОҲАНГ ҲАЁТ**



Тошкент –2022
“FAN ZIYOSI” нашриёти

UO'S: 432.684.24

КБК: 84.5. (5У36)

ОРЗУЛАРГА ҲАМОҲАНГ ҲАЁТ

– Тошкент: «Fan ziyosi» нашриёти, 2022. – 340 бет

Ушбу китоб йирик олим, фалсафа фанлари доктори, профессор, Турон фанлар академияси академиги Норқулов Дўстмурод Тошпўлатович таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан тайёрланган.

Китобдан Дўстмурод Норқуловнинг дўстлари, шогирдлари ва бошқа яқин инсонлари томонидан профессорнинг ҳаёт йўли, етук олим, устоз сифатидаги ҳамда чин инсонийлик жиҳатлари ҳақида ёзилган мақола-эсселари, шунингдек, юбилей муносабати билан ўтказилган илмий-амалий анжуман иштирокчиларининг соҳа йўналишлари бўйича илмий мақолалари жой олган.

Масъул муҳаррир:

Ў.М.Абилов – Тошкент тиббиёт академияси Ижтимоий фанлар кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори

Тузувчилар:

С.Д.Норқулов – Тошкент тиббиёт академияси Ижтимоий фанлар кафедраси мудир, фалсафа фанлари доктори

Ш.А.Искандаров – Тошкент тиббиёт академияси Ижтимоий фанлар кафедраси доценти

Такризчилар:

Б.О.Тўраев – фалсафа фанлари доктори, профессор

Ў.Ғ.Тилавов – фалсафа фанлари доктори, профессор

Хурматли устоз Дўстмурод Тошпўлатович!

Тошкент тиббиёт академияси маъмурияти, кўп минг сонли профессор-ўқитувчилар жамоаси ва “Ижтимоий фанлар” кафедраси ходимлари сизни таваллуд топган кунингизнинг 70 йиллиги, педагогик ва илмий фаолиятингизнинг 50 йиллиги билан чин юракдан самимий муборакбод этади.

Сиз бу умр давомида камтарин инсон, захматкаш педагог, малакали ташкилотчи, чуқур билим ва иқтидорга эга бўлган устоз бўла олдингиз.

Сиз Тошкент тиббиёт академияси “Ижтимоий фанлар” кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи, доцент, профессор ва кафедра мудиридек машаққатли ва шарафли йўлларни босиб ўтмоқдасиз.

Сиздаги инсонийлик, ақлу-заковат, меҳнатсеварлик ташкилотчилик, фидокорлик ва меҳрибонлик каби ижобий хислатларингиз кўпчиликлари ва шогирдларингизга ўрнак бўла олади.

Сиз томонингиздан илмий фаолиятингиз давомида 160 дан ортиқ, жумладан, “Меҳнат, турмуш ва бўш вақт” (1993 й.), “Вақт ва инсон” (2006 й.), “Мустақил Ўзбекистон: маънавий янгиликлар ва ҳуқуқий онг” (2011 й.), “Тарихий-маданий мерос ва миллий ўзлиқни англаш” (2022 й.) каби монографиялар, илмий мақолалар, тезислар, рисоалар, дарслик, ўқув ва ўқув-услугий қўлланмалар чоп эттиргансизки, бу наشرларда инсонни ҳар томонлама камол топтиришда, турмуш шароитини яхшилашда, ёшлар тарбиясида вақтнинг, айниқса, бўш вақтнинг ўрни, Ўзбекистон жамияти маънавий янгиликларидан ҳуқуқий онгнинг роли, Янги Ўзбекистонда тарихий-маданий меросни асраш, унга таяниш ва шу асосда миллий тараққиётга эришиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги масалалари бугунги кун талабида юқори савияда таҳлил этилган.

Хурматли Дўстмурод Тошпўлатович, академия раҳбарияти сиздек юксак билимли, салоҳиятли ва маданиятли ходими борлигидан фахрланади ва сизни доим қадрлайди.

Қутлуғ юбилей ёшингиз ва таваллуд топган кунингиз муборак бўлсин!

*Тошкент тиббиёт академияси
ректори А.К.Шадманов*

*Ушбу китоб йирик олим, фалсафа
фанлари доктори, профессор, Турон
фанлар академияси академиги Норқулов
Дўстмурод Тошпўлатович
таваллудининг 70 йиллигига бағишланади*

СЎЗ БОШИ

Вақт муаммосини тадқиқ қилган олим

Турон Фанлар академияси академиги, фалсафа фанлари доктори, Тошкент тиббиёт академияси профессори Норқулов Дўстмурод Тошпўлатович (расмий ҳужжатларда Нарқулов Дусмурат Ташпулатович деб ёзилган) 1952 йил 21 августда Қашқадарё вилояти Касби тумани Оқжангал қишлоғида оддий ишчи-колхозчи оиласида дунёга келган. Унинг отаси Норқулов Тошпўлат (1920-2007) ўз вақтида дунёвий илмларга қизиқувчан ва унга ихлоси баланд, ҳаётий тажрибага бой, фикри теран, билимдон, адолатпарвар инсонлардан бири бўлиб, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, иккинчи гуруҳ ногирони эди. Бу оила қишлоқдошлари, таниш-билишлари, қариндош-уруғлари орасида ҳурмат-эътиборга эга бўлган оилалардан саналади. Дўстмуроднинг онаси Пардаева Чинни (1930-1967) оддий ишчи-колхозчи оиласидан бўлиб, уй юмушлари билан машғул бўлган.

Дўстмурод Норқулов 1969 йили Қашқадарё вилояти Касби туманидаги Д.И.Менделеев номидаги ўрта мактабни имтиёзли равишда тамомлаган. Ўрта мактабни тамомлаган йили, яъни 1969 йили В.И.Ленин номидаги Тошкент Давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети) фалсафа-иқтисод бўлимининг фалсафа ихтисослигига ўқишга кирди ва 1974 йили уни фалсафа ўқитувчиси мутахассислиги

бўйича тугаллади.

У университетда ўқиб юрган пайтларидан бошлаб ижтимоий фалсафа муаммоларини ўрганишга алоҳида қизиқиш ва эътибор бериб, мазкур йўналишда талабалар илмий жамиятларида, конференцияларида илмий маърузалари билан қатнашиб турар, чиқишлар қилар эди. Шу билан биргаликда ўз чиқишларида вақт, бўш вақт муаммоси, унинг моҳияти ва мазмуни ҳақида, вақтдан рационал фойдаланиш муаммолари тўғрисида илмий мушоҳадага молик фикр-мулоҳазаларини баён қилар, ўртоқлашар эди.

1974 йили Д.Т.Норқуловни Тошкент Давлат университети (ЎзМУ) тақсимот комиссияси Тошкент Давлат тиббиёт институти (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси) Фалсафа кафедрасида ишлашга йўлланма беради ва ўша йили кафедрада ўқитувчилик лавозимида педагогик фаолиятини бошлади. Педагогик фаолияти билан биргаликда фалсафа фанлари доктори, профессор Мираҳмад Анаркулович Абдуллаев илмий раҳбарлигида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориб, 1983 йилнинг 16 июнида “Бўш вақт – қишлоқ меҳнаткашлари маданий-техник савиясини оширишнинг муҳим омили” мавзусида 09.00.04-Ижтимоий фалсафа ихтисослигидан фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун номзодлик диссертациясини Тошкент Давлат университети ҳузуридаги фалсафа фанлари доктори, профессор Карим Содиқович Содиқов раислик қилган Ихтисослашган Илмий Кенгашда мувоффақиятли ҳимоя қилди. Эсимда, бу диссертация ҳимоясида мен ҳам қатнашган эдим.

Диссертацияга расмий оппонентлар академик А.Қ.Валиев, доцент М.И.Сангиловлар жуда юқори баҳо бериб, ҳимоя жуда ҳам қизиқарли ўтганлигига гувоҳман. Мазкур диссертация авторефератига Москвадан профессор М.Н.Ночевник, Тошкентдан академик Ж.Туленов, Х.Пўлатов каби бир қанча йирик олимлардан тақризлар келган эди.

Д.Т.Норқулов 1984 йил Тошкент Давлат тиббиёт институти Фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси лавозимида ишлади. 1989

йилдан Тошкент Давлат Аграр университети ректорати таклифига биноан Аграр университетнинг “Фалсафа ва ҳуқуқ” кафедраси доценти лавозимига ишга қабул қилинди ва 1998 йилгача шу университетда доцент лавозимида фаолият олиб борди.

1998 йил 16 июлдан тиббиёт фанлари доктори, профессор Хамид Ёқубович Каримов раҳбарлик қилаётган Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институти “Фалсафа ва ҳуқуқ” кафедрасига мудирлик лавозимига ишга таклиф қилинди. Д.Т.Норкулов номзодлик диссертациясини химоя қилиб, тасдиғини олган кундан бошлаб докторлик диссертацияси устида илмий тадқиқот ишларини олиб борди ва 2000 йил 21 декабрда профессор М.А.Абдуллаев илмий маслаҳатчилигида “Вақт – жамият моддий-маънавий раўнақи омили: назария ва амалиёт” мавзусида 17.00.08-Маданият назарияси ва тарихи ихтисослигидан докторлик диссертациясини Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги академик Саид Шермухамедович Шермухамедов раислик қилаётган Ихтисослашган Илмий Кенгашда химоя қилди.

Д.Т.Норкуловнинг докторлик диссертациясига республикамиз-нинг таниқли олимлари – академик Эркин Юсупов, профессорлар Қиём Назаров, Муҳаммаджон Йўлдошевлар расмий оппонентлик қилган эдилар. Д.Т.Норкуловнинг докторлик диссертацияси авторефератига Москва, Олмаота, Бишкек, Душанбе шаҳарларида фаолият олиб бораётган таниқли олимлардан ижобий тақризлар келган эди.

Д.Т.Норкулов докторлик диссертация ишида инсоннинг вақтга бўлган муносабати, унинг вақтдан қандай тарзда фойдаланиши, ислоҳотларнинг боришини, унинг натижаларини кўп жихатдан белгилаб бериши масалаларига эътибор қаратган. Вақт тушунчаси шунчаки фалсафий тушунча бўлиб қолмасдан, ижтимоий, сиёсий-иқтисодий, тарихий маданий маънога ҳам эгадир. Вақтга ана шундай ёндашган пайтдагина унинг ижтимоий, сиёсий, маданий-маънавий мазмуни ва моҳиятини ҳамда

жамиятнинг маданий-маънавий ривожланиши, бир-бири билан боғлиқлиги тўлароқ, яхлит ва аниқ концептуал асосга эга бўлиши, инсоннинг вақтни идрок этиши, унга нисбатан тасаввури ҳам ўзгариши каби масалаларга эътиборини қаратган, ўрганган.

Унингча, мамлакатимизда ислохотларнинг бориши, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ўзгаришлар аввало инсон омили билан боғлиқ бўлиб, “инсон-вақт” муносабатларида содир бўлади. Бошқача айтганда, инсоннинг вақтдан қандай мақсадда фойдаланиши билан жамият олдида икки хил имконият пайдо бўлади. Яъни вақт жамият ривожининг тезлашуви ҳамда маърифийлашувига муҳим омил сифатида таъсир кўрсатиши ёки унинг таназулга юз тутишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Шу маънода жамият ривожини вақт омили ва ундан фойдаланиш билан узвий таркибий функционал боғлиқ бўлиши, вақтга бўлган муносабатга қараб, унда икки хил натижа мужассамлашганлиги маълум бўлади. Шунинг учун мамлакат маданий-маънавий ривожланишида вақт омилининг таъсирини инобатга олиш Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши жараёни билан узвий боғлиқ бўлиб, унга бўлган муносабат ва эътиборни доимо етарли даражада ҳисобга олиш зарурлиги масалаларини ўрганган.

Д.Т.Норқулов қайси жойда ва қандай лавозимда ишламасин берилган вазифаларни сидқидилдан адо этади. Айниқса, илмий изланишларда илмий холисликка алоҳида эътибор беради.

Д.Т.Норқулов илмий раҳбарлигида Азамат Худойқулов “Жамият ижтимоий ривожланишида иқтисодий онгнинг роли” (2005), Юлдош Махмудов “Ўзбекистон жамияти маънавий янгиланишида ҳуқуқий онгнинг ўрни” (2010), Нафосат Зиқирова “Марказий Осиё давлатларида миллий тараққиёт моделлари (ижтимоий-фалсафий таҳлил)” (2019) мавзуларида диссертация ишини тайёрлаб, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасига эга бўлишди. Бир қанча шогирдлари, жумладан, Д.Қорабоева “Тарихий-маданий мерос феномени ва унинг миллий

ўзликни англашга таъсири”, Н.Абдурахмонова “Қишлоқ аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари”, А.Раззоқов “Хусусий, корпоратив ва миллий манфаатларни уйғунлаштиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари” мавзуларида фалсафа фани бўйича илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар ва ҳимоя қилиш арафасидадирлар.

Бундан ташқари, 20 дан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган тадқиқотчиларга расмий оппонентлик қилган. Илмий фаолияти давомида 160 дан ортиқ илмий мақолалар, тезислар, рисоалар, ўқув, ўқув-услубий қўлланмалар, дарслик ва монографиялар чоп эттирган. Жумладан, “Меҳнат, турмуш ва бўш вақт” – Тошкент: “Фан” 1993 й., “Вақт ва инсон” – Тошкент: “Фалсафа ва ҳуқуқ” 2006 й., “Мустақил Ўзбекистон: маънавий янгилашиш ва ҳуқуқий онг” – Тошкент: “Фалсафа ва ҳуқуқ” 2011 й., “Тарихий-маданий мерос ва миллий ўзликни англаш” – Тошкент: “Фан ва технологиялар нашриёт-матбаа уйи” 2022 й. монографиялар муаллифи.

Бу китобларда инсонни ҳар томонлама камол топтиришда, турмуш шароитини яхшилашда, ёшлар тарбиясида вақтнинг, айниқса, бўш вақтнинг ўрни, Ўзбекистон жамияти маънавий янгилашишида ҳуқуқий онгнинг роли, Янги Ўзбекистонда тарихий-маданий меросни асраш, унга таяниш ва шу асосда миллий тараққиётга эришиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги масалалари таҳлил этилган.

Д.Т.Норқулов мамлакатимиз миқёсида соғлиқни сақлаш соҳасида кечаётган туб ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ қилишдаги фаол иштироки, билимли, иқтидорли тиббиёт соҳаси мутахассисларини тайёрлашда қўшаётган салмоқли ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси марказий кегаши, Тошкент тиббиёт академияси раҳбарияти томонидан бир неча марта **ФАХРИЙ ЁРЛИҚ**, **ТАШАККУРНОМА**лар билан;

Мамлакатимиз тараққиёти учун етук файласуф, психолог,

социолог, сиёсатшунос мутахассисларни тарбиялашдаги хизматлари, ёшларга ватанпарварлик руҳида таълим-тарбия беришдаги фаоллиги, илм-фан ривожига қўшган салмоқли ҳиссаси учун 2015 йилда Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа факультети ташкил этилганлигига 35 йил тўлиши муносабати билан Миллий университет ректорати томонидан ТАШАККУРНОМА билан, шунингдек, Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи институти ва Турон фанлар академияси томонидан ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашдаги самарали фаолияти учун 2020 йил 27 сентябрда ва 2021 йил 26 сентябрда ФАХРИЙ ЁРЛИҚлар билан, Турон фанлар академияси ташкил этилганлигининг 10 йиллиги муносабати билан, академиядаги фаоллиги эътиборга олиниб, “Турон фанлар академияси 10 йиллиги КЎКРАК НИШОНИ” билан тақдирланган.

Ўрол Абилов

Фалсафа фанлари доктори, профессор.



**1- БЎЛИМ. ПРОФЕССОР Д.Т.НОРҚУЛОВНИНГ
ИЛМИЙ-ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ**

**Монография, дарслик, ўқув, ўқув-услубий
қўлланма ва рисоалар**

1. Д.Т.Норкулов. Икки дунё – икки ахлоқ. (Рисола) – Тошкент: Ўзбекистон, 1979.
2. Д.Т.Норкулов. Социалистик турмуш тарзини шакллантиришда бўш вақтнинг роли. (Рисола) – Тошкент: Ўзбекистон, 1981.
3. Д.Т.Норкулов. Бўш вақт ва коммунистик тарбия. (Рисола) – Тошкент: Ўзбекистон, 1985.
4. Д.Т.Норкулов. Бўш вақт ва унинг ижтимоий моҳияти. (Рисола) – Тошкент: Ўзбекистон, 1982.
5. Д.Т.Норкулов. Методика использования материалов XXVII съезда и январского пленума ЦК КПСС в изучении курса исторического материализма. (Рисола). – Тошкент, 1987.
6. Д.Т.Норкулов. Методика использования материалов XXVII съезда и январского пленума ЦК КПСС в изучении курса диалектического материализма. – Тошкент, 1988.
7. Д.Т.Норкулов. Кечки – сиртки бўлим студентлари учун “Материя ҳақидаги фалсафий таълимот ва унинг ҳозирги замон фани учун аҳамияти” мавзуси бўйича кўрсатмалар. (Ҳаммуаллиф). – Тошкент, 1988.
8. Д.Т.Норкулов. Турмуш маданияти ва бўш вақт (рисола). – Тошкент: Ўзбекистон, 1989.
9. Д.Т.Норкулов. Илмий атеизмдан семинар машғулотларига тайёрланиш методикаси (кундузги бўлим студентлари учун). – Тошкент: ТошДАУ, 1989.
10. Д.Т.Норкулов. Культура педагогической работы (для молодых преподавателей). – Ташкент: Билим, 1989.

11. Д.Т.Норқулов. Социалистик ривожланишнинг муҳим босқичи. (Рисола) – Тошкент: Билим, 1990.
12. Д.Т.Норқулов. Фалсафадан лекциялар (тўплам) II қисм “Жамият ва шахс” мавзуси. – Тошкент, 1991.
13. Д.Т.Норқулов. Фалсафадан контрол ишга тайёрланиш методикаси (сиртқи бўлим талабалари учун). – Тошкент: ТошДАУ, 1991.
14. Д.Т.Норқулов. Логика (ўқув қўлланма). – Тошкент: ТошДАУ, 1992.
15. Д.Т.Норқулов. Бўш вақт, маданият, инсон. (рисола). – Тошкент, 1992.
16. Д.Т.Норқулов. Фалсафадан амалий машғулотларнинг режалари ва уларга методик кўрсатмалар (услубий қўлланма) “Табиат” мавзуси. – Тошкент, 1992.
17. Д.Т.Норқулов. Ҳозирги шароитда бўш вақтнинг долзарб муаммолари. (Рисола) – Тошкент: Билим, 1992.
18. Д.Т.Норқулов. Ёшлар ва бўш вақт. (Рисола). – Тошкент: Билим, 1993.
19. Д.Т.Норқулов. Диншунослик. Маърузалар матни. – Тошкент, 1993.
20. Д.Т.Норқулов. Этика (Адолат мавзуси). – Тошкент: ТошДАУ, 1993.
21. Д.Т.Норқулов. Меҳнат, турмуш ва бўш вақт. Монография. – Тошкент: “Фан”, 1993.
22. Д.Т.Норқулов. Фалсафадан контрол ишга тайёрланиш методикаси (сиртқи бўлим талабалари учун). – Тошкент: ТошДАУ. 1995.
23. Д.Т.Норқулов. Маънавият ва ворислик вақт тизимида (Рисола). – Тошкент: ТошДАУ, 1995.
24. Д.Т.Норқулов. Тасаввуф. (Рисола). – Тошкент: ТошДАУ, 1995.
25. Д.Т.Норқулов. Диншуносликдан тестлар тўплами. (Ҳаммуаллиф). – Тошкент, 1999.

26. Д.Т.Норқулов. Маданиятшуносликдан тестлар тўплами. (Ҳаммуаллиф). – Тошкент, 1999.
27. Д.Т.Норқулов. Этикадан тестлар тўплами. (Ҳаммуаллиф). – Тошкент, 1999.
28. Д.Т.Норқулов. Этика. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2000.
29. Д.Т.Норқулов. Тиббиёт институтлари талабалари учун “Фалсафа” фанидан ўқув дастур. – Тошкент, 2003.
30. Д.Т.Норқулов. Тиббиёт институтлари магистрантлари учун “Тиббиётнинг фалсафий муаммолари” фанидан ўқув дастури (ўзбек ва рус тилида). (Ҳаммуаллиф). – Тошкент, 2004.
31. Д.Т.Норқулов. Диншунослик асослари (маърузалар матни). – Тошкент, 2004.
32. Д.Т.Норқулов. Миллий истиқлол ғояси фани дастури (Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун). (Ҳаммуаллиф). – Тошкент: “ЎАЖБНТ”, 2004.
33. Д.Т.Норқулов. Миллий истиқлол ғояси. Ўзбекистон Республикаси олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. (Ҳаммуаллиф). – Тошкент: “Академия” нашриёти, 2005.
34. Д.Т.Норқулов. Вакт ва инсон (монография). – Тошкент: “Фалсафа ва ҳуқук” нашириёти, 2006.
35. Д.Т.Норқулов. Фалсафа фанидан амалий машғулотларни янги педагогик технологиялар асосида ўтказиш бўйича услубий қўлланма. – Тошкент: ТТА, 2007.
36. Д.Т.Норқулов. Эстетика фанидан амалий машғулотларни янги педагогик технологиялар асосида ўтказиш бўйича услубий тавсиялар. – Тошкент: ТТА, 2007.
37. Д.Т.Норқулов. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанидан магистратурага қирувчилар учун тест синовлари тўплами. – Тошкент: ТТА, 2007.
38. Д.Т.Норқулов. Сборник тестових програм для поступающих в магистратуру по “Теории и практике построения демократического общества в Узбекистане”. (Ҳаммуаллиф). – Тошкент: ТТА, 2007.

39. Д.Т.Норкулов. Ўзбекистон тарихи ва миллий истиқлол ғояси фанидан услубий қўлланма. – Тошкент: ТТА, 2007.
40. Д.Т.Норкулов. Теория и практика построения демократического общества в Узбекистане (курс лекции). – Ташкент: Издательство ТГЮИ, 2009.
41. Д.Т.Норкулов. Ўзбекистон тарихи ва миллий истиқлол ғояси фанидан синов дастури. Битирувчи курс талабалари учун. – Тошкент: ТТА, 2007.
42. Д.Т.Норкулов. Мустақил Ўзбекистон: маънавий янгиликлар ва ҳуқуқий онг. Монография. – Тошкент: “Фалсафа ва ҳуқуқ” нашриёти, 2011.
43. Д.Т.Норкулов. Фалсафа фанидан тарқатма материаллар. – Тошкент: ТТА, 2012.
44. Д.Т.Норкулов. Диншунослик фанидан янги педагогик технология асосида тайёрланган кўргазмали ўқув–услубий қўлланма. – Тошкент: ТТА, 2013.
45. Д.Т.Норкулов. Миллий истиқлол ғояси (маърузалар матни). – Тошкент: “Университет” нашриёти, 2014.
46. Д.Т.Норкулов. Ўзбекистонинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси. Ўқув қўлланма. (Ҳаммуаллиф). – Тошкент: “Университет” нашриёти, 2020.
47. Д.Т.Норкулов. Тарихий-мадавий мерос ва миллий ўзликни англаш. Монография. (Ҳаммуаллиф). – Тошкент: “Фан ва технологиялар” нашриёти, 2022.

Халқаро тўплам ва журналларда эълон қилинган илмий асарлари

1. Д.Т.Норкулов. Свободное время и проблемы комплексного воспитания сельских трудящихся. Философские аспекты управления процесса коммунистического воспитания. – Москва: Знания, 1980.

2. Д.Т.Норкулов. Новый подход к проблеме времени. Социальное и гуманитарные науки (Журнал). № 3-4 – Бишкек, 2000.
3. Д.Т.Норкулов. Духовность во времени. Депонировано в НПИЦ Республики Таджикистан, №13. 2000
4. Д.Т.Норкулов. Некоторые вопросы интерпретации понятий “время” и “свободное время”. Депонировано в НПИЦ Республики Таджикистан. № 14, 2000.
5. Д.Т.Норкулов. Specific Features And Imitation In Social Development Of Kyrgyzstan. European Journal of Business & Social Sciences/ ISSN: 2235-767X. Volume 07 Issue 05 May 2019. Shwetsland. (Ҳаммуаллиф).
6. Д.Т.Норкулов. Social Issues of Rational Nutrition. International Journal of Engineering and Advanced Technology (IJEAT) ISSN: 2249 – 8958, Volume-9 Issue-1, October 2019. –P. 5227- 5229. (Ҳаммуаллиф).
7. Д.Т.Норкулов. Basics of Online Teaching, Usage and Implementation Process Jornal of Adivanced Research in Dinamic and Control Systems (JARDIS) (Scopus) Volume 12, Issue 6. June-July 2020. (Ҳаммуаллиф).
8. Д.Т.Норкулов. Methods for increasing the effectiveness of teaching history. Philosophical Readings XIII.4. (Ҳаммуаллиф). 2021.
9. Д.Т.Норкулов. The relationship between philosophy and pedagogy in the general paradigm of anthropological sciences. Philosophical Readings XIII.4. (Ҳаммуаллиф). 2021.

**Илмий журнал ва конференцияларда
эълон қилинган асарлари**

1. Д.Т.Норкулов. Свободное время и нравственное воспитание молодых сельских специалистов Сборник. Актуальные проблемы нравственного воспитания молодёжи. III часть. – Ташкент, 1980.

2. Д.Т.Норкулов. Маданий тараққиёт. Гулистон журнали, №2, 1981.
3. Д.Т.Норкулов. Формирования активной жизненной позиции личности важное условие коммунистического воспитания. Материалы конференции, - Ташкент: 1986.
4. Д.Т.Норкулов. Роль общественно – политической практики формировании атеистического мировоззрения студенческой молодёжи. Республиканский семинар совещание посвященное 70 летию Великого Октября г. Андижан, 1987.
5. Д.Т.Норкулов. Диалектика свободного времени и культурно технического уровня сельских труженников в условиях совершенствования социализма. Сборник. Диалектика и современность. – Ташкент, 1987.
6. Д.Т.Норкулов. Из опыта атеистического воспитания студентов в Таш СХИ. Сборник. Актуальные вопросы атеистического воспитания молодёжи в свете требований XXVII съезда КПСС. (Ҳаммуаллиф). – Ташкент, 1988.
7. Д.Т.Норкулов. О методике атеистического воспитания студентов медицинского института в свете решений XXVII съезда КПСС. (Ҳаммуаллиф) Научно практическая конференция г. Самарканд, 16-17 декабря 1988.
8. Д.Т.Норкулов. Бу дунёнинг гавхарлари. // Ўзбекистон овози, 4 октябрь 1994.
9. Д.Т.Норкулов. Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида вақт ва меҳнат. Ўзбекистон мустақиллиги ва фалсафа. Тўплам. – Тошкент, 1995.
10. Д.Т.Норкулов. Маънавий маданият вақт тизимида. ТошДАУ профессор–ўқитувчилар, аспирантлар ва ходимларнинг XXXXVI илмий конференцияси маърузалари тезислари. – Тошкент, 1995.
11. Д.Т.Норкулов. Тарихий ўтмишда вақт муаммоси. Мустақил Ўзбекистон: фалсафа фанининг долзарб муаммолари. – Тошкент, 1995.

12. Д.Т.Норкулов. Иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва юксак маънавиятни шакллантириш. Илмий амалий конференция тезислари. Тўплам. – Тошкент, 1995.
13. Д.Т.Норкулов. Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида маънавият ва ворислик. Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат. Тўплам. – Тошкент: ТошДАУ, 1996.
14. Д.Т.Норкулов. Вақт ва маънавий маданият. Шу азиз Ватан барчамизники. Тўплам. – Тошкент, 1996.
15. Д.Т.Норкулов. Маънавият ва ворислик. А.Темурнинг 660 йиллигига бағишланган халқаро конференция материаллар тўплами. – Самарқанд, 1996.
16. Д.Т.Норкулов. Вақт ижтимоий жараёнлар ўлчови сифатида. Ўзбекистон – ҳуқуқий демократик давлат. Тўплам. – Тошкент, 1996.
17. Д.Т.Норкулов. Бозор иқтисодиёти ва дам олиш муаммолари. Маънавият ва иқтисодий тараққиёт. Тўплам. – Тошкент, 1997.
18. Д.Т.Норкулов. Қадриятлар ва қишлоқ турмуш маданияти. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №4, - Тошкент, 1997.
19. Д.Т.Норкулов. Файласуфлар қачон келади? Ёшлик журнали, №4. 1997.
20. Д.Т.Норкулов. Вақт жумбоғи Сирли олам журнали, №11, 1997.
21. Д.Т.Норкулов. Инсон маънавий дунёси ва дунёнинг яхлитлигини англаш масаласи. Ўзбекистонда барқарорлик тараққиёт асоси. Тўплам. – Тошкент, 1998.
22. Д.Т.Норкулов. Маданий мерос ва инсон камолоти. Гулистон журнали. №3, 1998.
23. Д.Т.Норкулов. Вақт мезони. Сирли олам журнали. №8, 1998.
24. Д.Т.Норкулов. Вақт, фазо, тараққиёт. Фан ва турмуш журнали. №5, 1998.
25. Д.Т.Норкулов. Вақтдан оқилона фойдаланиш. Гулистон журнали. №3, 1999.
26. Д.Т.Норкулов. Бўш вақт ва бозор иқтисодиёти. Мулоқот

- журнали. №3, 1999.
27. Д.Т.Норқулов. Вақт –бу, пулдир. Фан ва туршуш журнали. №2, 1999.
28. Д.Т.Норқулов. Вақт ва инсон. Гулистон журнали. №6, 1999.
29. Д.Т.Норқулов. Вақтдан ютаяпсизми? // “Хуррият” газетаси 2002, 13 февраль
30. Д.Т.Норқулов. Маънавият фалсафаси. // “Маърифат” газетаси 2002, 17 апрель
31. Д.Т.Норқулов. Вақт –олтин. Олтинни исроф қилманг // “Туркистон” газетаси 2002, 20 июнь
32. Д.Т.Норқулов. Бозор иқтисодиёти шароитида шифокор ахлоқи. Тиббиёт деонтологиясининг долзарб муаммолари. Тўплам. – Тошкент: П-ТашДавТИ, 2003.
33. Д.Т.Норқулов. Академик мунозара муаммони хал қилиш методи сифатида. П-ТошДавТИ 10-ўқув –услугий анжуман материаллари. – Тошкент, 2003.
34. Д.Т.Норқулов. Тиббий олий ўқув юртларида бўлғуси мутахассислар тайёрлаш сифатини кўтаришда ижтимоий–гуманитар фанларнинг роли. Замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнига қўллаш самарадорлиги. – Тошкент: П-ТашДавТИ, 2003.
35. Д.Т.Норқулов. Вақтдан фойдаланишнинг баъзи муаммолари. Цивилизация. Экология. Инсон. Тўплам. – Тошкент, 2004.
36. Д.Т.Норқулов. Маънавий қадриятлар ривожидида тарихий вақт масалалари. “Миллий ғоя ва маънавий қадриятлар: назария, методология, амалиёт” тўпламида. – Тошкент, 2004.
37. Д.Т.Норқулов. Индукция, дедукция, Декарт, бўш вақт, вақт жами 10 мақола. ФАЛСАФА комусий луғатда. – Тошкент: “Шарқ”, 2004.
38. Д.Т.Норқулов. Маънавий қадриятлар ва баркамол инсон дунёқарашининг ўзаро алоқадорлиги. Замонавий педагогик технологиялар интерактив информацион тизимларни қўллашнинг самарадорлиги. – Тошкент: П-ТашДавТИ, 2005.

39. Д.Т.Норқулов. Баркамол инсон дунёқарашини шакллантириш қирралари. “Ёшлар онги, қалби ва дунёқарашини шакллантириш ҳозирги куннинг долзарб масаласи” мавзусидаги республика илмий-услубий анжумани тўплами. I қисм. - Гулистон, 2006.
40. Д.Т.Норқулов. Ёшлар маънавий камолоти ва мафкура. Соғлом авлод учун. Журнал. 4-сон, 2006.
41. Д.Т.Норқулов. Ижтимоий-гуманитар фанларни ягона методик система асосида ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари. Тиббий таълим беришни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари ТГА ўқув-услубий анжумани тўплами. - Тошкент, 2007.
42. Д.Т.Норқулов. Ватанпарварлик тарбияси ва миллий ғоя алоқадорлиги. Миллий ғоя: Маънавият. Республика илмий назарий, амалий-услубий конференция материаллари. – Тошкент, 2007.
43. Д.Т.Норқулов. Шарк фалсафасида иқтисодий тафаккур асослари. Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар журнали. 1-2 сонлар. – Тошкент, 2007.
44. Д.Т.Норқулов. Иқтисодий онг ва жамият маънавий янгиланиши масалалари. “Ёшларни аксеолгик қарашларини шакллантиришда соғлом турмуш тарзининг ўрни”. Тўплам. – Тошкент, 2008.
45. Д.Т.Норқулов. Иқтисодий таффакур ва тарбия. Соғлом авлод учун журнали. 3- сон, 2009.
46. Д.Т.Норқулов. Баркамол авлодни шакллантиришда фалсафий онгни аҳамияти. Баркамол авлодни шакллантиришнинг баъзи масалалари. Тўплам. – Тошкент, 2010.
47. Д.Т.Норқулов. Баркамол авлод тараккиётимиз пойдевори. “2010 йил Баркамол авлод йили ” Тўплам. – Тошкент, 2010.
48. Д.Т.Норқулов. Баркамол авлодни тарбиялашда ҳуқуқий онгнинг аҳамияти. Юксак маънавиятли ёшлар тарбияси самарадорлиги. Тўплам. – Тошкент: ТГА, 2010.

49. Д.Т.Норқулов. Ҳозирги кунда фалсафа фанига янгича ёндашувнинг маънавий асослари. Шарк фалсафаси кадриятлари ва уларнинг Ўзбекистон маънавий ҳаётидаги ўрни Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: ТДШИ, 2010.
50. Д.Т.Норқулов. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ўқув-услубий мажмуанинг аҳамияти. Муаммоларга асосланган ўқитишнинг истиқболлари. – Тошкент: ТТА, 2011.
51. Д.Т.Норқулов. Фалсафий онг ва маънавий янгиланиш. Маънавият бўлажак шифокор шахсининг улғайиш манбаи. Тўплам. – Тошкент, 2011.
52. Д.Т.Норқулов. Фалсафий онг ва ҳозирги замон. Глобаллашув шароитида фалсафа ва миллий ғоянинг долзарб масалалари. Конференция материаллари. – Тошкент, 2012.
53. Д.Т.Норқулов. Абдурауф Фитрат бадий меросининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти. Маънавиятли шифокор шахсини шакллантириш муаммолари. Илмий амалий анжуман материаллари. Тўплам. – Тошкент, 2012.
54. Д.Т.Норқулов. Фалсафий онг ва миллий ғоя. Фалсафа ва фанлар методологияси муаммолари. Омонулла Файзуллаев V илмий назарий ўқишлари материаллари. (Ҳаммуаллиф). – Тошкент, 2013.
55. Д.Т.Норқулов. Ёшларни Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва миллий ғоя алоқадорлиги. Олий таълим тизимида илм–фан ҳамкорлигининг долзарб масалалари 1-китоб. – Навоий, 2013.
56. Д.Т.Норқулов. Фуқаролик жамияти ривожини ва ижтимоий онг. Ўзбекистондаги ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиёти. Муаммо ва ечимлар. (Ҳаммуаллиф). – Тошкент, 2013.
57. Д.Т.Норқулов. Ўтмиш мутафаккирларининг вақт ҳақидаги таълимотлари ва унинг фуқаролик жамияти қуришдаги роли. Таълим тизимида ижтимоий–гуманитар фанлар. Журнал. 1-сон. 2013.
58. Д.Т.Норқулов. Ёшлар маънавиятини юксалтиришда Ибн Сино мероси. Ибн Сино таълимоти фан тараққиётида VII

- халқаро Ибн Сино ўқишлари. – Бухоро, 2013.
59. Д.Т.Норқулов. Вақт ва жамият тараққиёти, уларнинг ўзаро алоқадорлиги. Илм-фан ва таълим истиқлол пойдевори. Республика илмий–назарий семинар материаллари. - Самарқанд–Тошкент, 2013.
60. Д.Т.Норқулов. Ижтимоий гуманитар фанларни ўқитишда талабаларнинг билимини баҳолаш усулларини такомиллаштириш масалалари. Талабаларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш усулларини такомиллаштириш тиббий кадрлар тайёрлаш тизимининг асосий мезони. Тўплам. – Тошкент, 2014.
61. Д.Т.Норқулов. Вақт муаммосига янгича ёндашувнинг баъзи масалалари. ЎЗМУ хабарлари 1/2 сон. 2014.
62. Д.Т.Норқулов. Вақт ва бўш вақтнинг ўзаро алоқадорлиги масалалари. ЎЗМУ хабарлари махсус сон. 2014.
63. Д.Т.Норқулов. Вақт – бу бебаҳо бойлик. “Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт” мавзусидаги IV республика илмий–амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2014.
64. Д.Т.Норқулов. “Ўзбек этномаданиятининг эстетик моҳияти” номли монографияга тақриз. Фалсафа ва ҳуқуқ журнали. 2-сон, 2014.
65. Д.Т.Норқулов. Ижтимоий фанларни ўқитишда ахборот коммуникацион технологиялардан кенг фойдаланиш, таълим сифатини оширишнинг муҳим омили. “Тиббий таълимда янги ахборот ва коммуникацион технологиялар ривожланиш истиқболлари”. Тўплам. – Тошкент, 2015.
66. Д.Т.Норқулов. Ижтимоий фанларни ўқитишда ахборот ва янги технологияларни ўзлаштириш. Замонавий ўзбек фалсафаси. Тараққиёт истиқболлари мавзусидаги Республика илмий амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2015.
67. Д.Т.Норқулов. Мустақиллик, вақт ва инсон. “Глобаллашув шароитида фалсафа ва миллий ғоянинг долзарб масалалари”. Тўплам. – Тошкент, 2015.

68. Д.Т.Норқулов. Инсон ва вақт кадри. Глобаллашув миллий ва маънавий тараққиёт тендинциялари. Тўплам. – Тошкент, 2015.
69. Д.Т.Норқулов. Вақт, бўш вақт ва инсон маънавияти. ЎзМУ хабарлари. 1-сон, 2015.
70. Д.Т.Норқулов. Фуқоралик жамияти ва демократик давлатда ижтимоий онг. (Ҳаммуаллиф). Фалсафа ва ҳуқуқ. 1-сон, 2015.
71. Д.Т.Норқулов. Бўш вақт ва инсон камолати. “Миллий ва умуминсоний маданиятлар уйғунлиги: назария ва амалиёт.” - Тошкент: “NAVRUZ”, 2015.
72. Д.Т.Норқулов. Using a new educational technology “Effective Dialogue” on the subject of “Philosophy” as a means of organizing the educational process. Тиббий таълимда янги ахборот коммуникацион технологиялар: ривожланиш истиқболлари // XI ўқув-услубий анжуман материалларининг тўплами. (Ҳаммуаллиф). – Тошкент, 2016.
73. Д.Т.Норқулов. И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида жамият тараққиёти ва маънавий тарбия масалалари. ТТА 11-ўқув-услубий анжумани материаллари тўплами. Тошкент, 2016.
74. Д.Т.Норқулов. Жамият маънавий янгиланиши ва ҳуқуқий онг. Иқтидорли талаба ва ёш олимлар илмий ишлар тўплами. (Ҳаммуаллиф). - Тошкент, 2015.
75. Д.Т.Норқулов. Ҳуқуқий онгни мустаҳкамлашнинг шарт-шароитлари. Иқтидорли талаба ва ёш олимлар илмий ишлар тўплами. - Тошкент, 2015.
76. Д.Т.Норқулов. Маънавий янгиланиш жараёнида ҳуқуқий онгнинг ўзига хос хусусиятлари. Глобаллашув жараёнлари ва ахборот асрида ёшлар ижтимоий сиёсий фаоллигини оширишнинг маънавий-маърифий ва ғоявий жиҳатлари. // Республика илмий-амалий конференция материаллари. (Ҳаммуаллиф). - Тошкент, 2016.
77. Д.Т.Норқулов. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий онгни ривожланиш омиллари. Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт. –

- Тошкент, 2016.
78. Д.Т.Норқулов. Миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилишда маданият ва маънавий маърифий муассаларининг ўрни. Миллий ғоя тарғиботи технологиялари: назарий ва амалий масалалар. – Тошкент, 2017.
79. Д.Т.Норқулов. Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ҳуқуқий онгни мустаҳкамлаш омиллари. Турон тарихи журнали. №5-6, 2017.
80. Д.Т.Норқулов. Ўтмиш мутафаккирлар вақт ҳақида. Турон тарихи журнали. №4, 2017.
81. Д.Т.Норқулов. Жамият маънавий янгиланишида ҳуқуқий онгининг ўрни Турон тарихи журнали. №1, 2017.
82. Д.Т.Норқулов. Ижтимоий онг баркамол авлодни шакллантиришнинг муҳим омили. (Ҳаммуаллиф). Турон тарихи журнали. № 1, 2018
83. Д.Т.Норқулов. Тиббий олий ўқув юртларида ижтимоий фанларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари. Тиббий таълимдаги ислоҳотлар, муаммолар ва уларнинг ечими” мавзусида XIII ўқув-услубий конференция материаллари. – Тошкент, 2018.
84. Д.Т.Норқулов. Сиёсий онгдаги ўзгаришлар ва миллий ўзликни англаш. Соҳибқурон юлдузи журнали. № 2, 2018.
85. Д.Т.Норқулов. Фуқаролик жамияти ва иқтисодий онг. (Ҳаммуаллиф). Турон тарихи журнали. №3, 2018.
86. Д.Т.Норқулов. Глобаллашув, миллий ғоя ва ёшлар тарбияси. Ўзбекистода талаба-ёшлар миллий-маънавий хавфсизлигини таъминлаш омиллари. // Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2019.
87. Д.Т.Норқулов. Бобур ижодида маънавий маърифий тарбия. // Тиббиётнома. 2019.
88. Д.Т.Норқулов. Хотира муқаддас Нарзийнома. Янги аср авлоди. – Тошкент, 2019.
89. Д.Т.Норқулов. Устозларинг устози. Илм ва маърифатга

- бахшида умр. – Тошкент: Университет, 2017.
90. Д.Т.Норкулов. Очик дарсларнинг таълим сифатини оширишдаги ўрни ва уларни такомиллаштириш йўллари. – Тошкент: ГТА, 2017.
91. Д.Т.Норкулов. Илмга бахшида умр. Таълим тарбия ва илмга бахшида умр. – Тошкент, 2020.
92. Д.Т.Норкулов. Фуқаролик жамиятини шаклланиши жараёнининг ижтимоий онг ўзгаришларига таъсири. Ўрта Осиё халқлари тарихининг долзарб масалалари Халқаро илмий конференция матераиллари тўплами. – Тошкент, 2020.
93. Д.Т.Норкулов. Интеллектуал салоҳият ва миллий маданий тараққиёт. Соҳибқурон юлдузи журнали. № 4, (Ҳаммуаллиф). 2020.
94. Д.Т.Норкулов. Миллий ғоя ва ёшлар маънавияти. Фан ва таълимни ривожлантиришда ёшларнинг ўрни. // Республика илмий ва илмий-техник анжумани. –Тошкент, 2020.
95. Д.Т.Норкулов. Бозор иқтисодиёти шароитида касбкорлик ахлоқий маданияти ва шифокор ахлоқи. Тиббий таълимда этика ва интеграция масалалари. // Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2021.
96. Д.Т.Норкулов. Интеллектуал салоҳият ва инновацион изланишлар. Тиббий таълимда этика ва интеграция масалалари. // Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2021.
97. Д.Т.Норкулов. Фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида ижтимоий онгдаги ўзгаришлар. Янгиланаётган Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий маънавий ўзгаришлари. – Тошкент, 2021.
98. Д.Т.Норкулов. Садоқатли дўст ва забардаст олим. Ҳаёт ва тафаккур манзиллари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2021.
99. Д.Т.Норкулов. Вақт тушунчасининг моҳиятини тадқиқ қилган олим. Илм-фан фидойлари. Биринчи китоб, - Тошкент, 2021.

100. Д.Т.Норкулов. Ҳуқуқий онг-жамият маънавиятини ривожлантириш омили. Соҳибқирон юлдузи журнали. 3-сон, 2021.
101. Д.Т.Норкулов. Жамият маънавий ҳаётининг янгилиниши ва ҳуқуқий онг. Илм-фан, инновация ва тараққиёт // Республика илмий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2021.
102. Д.Т.Норкулов. Жамият маънавий янгилинишида ҳуқуқий онгнинг роли. Республика илмий конференция материаллари тўплами. Тошкент, 2022.
103. Д.Т.Норкулов. Фуқарлик жамият шаклланиши жараёнида ижтимоий онгдаги ўзгаришлар. Янгиланаётган Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ўзгаришлари. – Тошкент, 2021.
104. Д.Т.Норкулов. Жамият маънавий янгилашида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг ўзаро алоқадорлик масалалари. // Илм-фан, инновация ва тараққиёт. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Турон ФА, 2022.

УНИНГ ИЛМИЙ РАҲБАРЛИГИДА ҲИМОЯ ҚИЛГАН ВА ҚИЛАЁТГАН ТАДҚИҚОТЧИЛАР

1. Азамат Худойкулов “Жамият ижтимоий ривожланишида иқтисодий онгнинг роли” мавзусида 09.00.04-Ижтимоий фалсафа ихтисослиги бўйича номзодлик;
2. Юлдош Махмудов “Ўзбекистон жамияти маънавий янгилинишида ҳуқуқий онгнинг ўрни” мавзусида 09.00.04-Ижтимоий фалсафа ихтисослиги бўйича номзодлик;
3. Нафосат Зикирова “Марказий Осиё давлатларида миллий тараққиёт моделлари (ижтимоий-фалсафий таҳлил)” мавзусида 09.00.04-Ижтимоий фалсафа ихтисослигидан фалсафа фанлари

- бўйича фалсафа доктори (PhD);
4. Дилдора Қорабоева “Тарихий-маданий мерос феномени ва унинг миллий ўзликни англашга таъсири” мавзусида 09.00.04-Ижтимоий фалсафа ихтисослигидан фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD);
 5. Нодира Абдурахмонова “Қишлоқ аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари” мавзусида 09.00.04-Ижтимоий фалсафа ихтисослигидан фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD);
 6. Алишер Раззоқов “Хусусий, корпоратив ва миллий манфаатларни уйғунлаштиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари” мавзусида 09.00.04-Ижтимоий фалсафа ихтисослигидан фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

ДИССЕРТАЦИЯЛАРГА РАСМИЙ ОППОНЕНТЛИК

Фан докторлари

1. Юлдашева Ф.Х. “Ўзбекистонда глобаллашув шароитида маънавий янгиланишнинг ўзига хос хусусиятлари”, 09.00.04-Ижтимоий фалсафа, DSc, 2019.

2. Саидқосимов Ф.И. “Фуқаролик жамиятини барпо этишда ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш қонуниятлари”, 09.00.04-Ижтимоий фалсафа, DSc, 2019.

3. Тилавов Ў.Ғ. “Глобал барқарор тараққиётда экологик партияларнинг роли (ижтимоий-фалсафий таҳлил)”, 09.00.04-Ижтимоий фалсафа, DSc, 2021.

4. Ҳайдаров К.Д. “Янгиланаётган Ўзбекистонда маънавий қадриятларнинг тикланиши ва унинг узлуксиз таълим тизимидаги аҳамияти”, 09.00.04-Ижтимоий фалсафа, DSc, 2022.

Фан номзодлари ва фалсафа докторлари

5. Икромов Э.Ж. “Ижтимоий хавфли ҳолатлар ва фавқулодда вазиятлар шароитида жамоатчилик фикрини шакллантириш ва бошқариш”, 22.00.04-Ижтимоий жараёнлар ва турмуш тарзи социологияси, соц.ф.н., 2003.

6. Исломова Д.Х. “Ўзбекистонда фаровон жамият барпо этишда инсон омилининг ўрни”, 09.00.11-Ижтимоий фалсафа, ф.ф.н., 2011.

7. Баҳранов Л.Э. “Бадий танқидчиликнинг илмий-рационал жиҳатлари ва унинг тасвирий санъатдаги инъикоси”, 09.00.02-Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси, PhD, 2017.

8. Тошбоев Б.Э. “Миллий характер шаклланиши ва такомиллашувининг ижтимоий-фалсафий масалалари”, 09.00.04-Ижтимоий фалсафа, PhD, 2018.

9. Қабулов Қ.П. “Миллий манфаатларни уйғунлаштиришда толерантлик”, 09.00.04-Ижтимоий фалсафа, PhD, 2018.

10. Эшчанова Н.Р. “Глобаллашув шароитида миллий маънавиятга таҳдидлар ва уларнинг бартарваф этиш омиллари”, 09.00.04-Ижтимоий фалсафа, PhD, 2019.

11. Қодиров М.Б. “Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг объектив ва субъектив омиллари”, 09.00.04-Ижтимоий фалсафа, PhD, 2019.

12. Назарова Ю.М. “XIX аср охири-XX аср бошларида Туркистонда таълим фалсафаси”, 09.00.03-Фалсафа тарихи, PhD, 2020.

13. Қандов Б.М. “Глобаллашув жараёнида инсон ҳуқуқларининг ижтимоий-фалсафий таҳлили”, 09.00.04-Ижтимоий фалсафа, PhD, 2020.

14. Худойбердиев А.К. “Ўзбекистонда талаба-ёшларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ижтимоий –фалсафий жиҳатлари”, 09.00.04-Ижтимоий фалсафа, PhD, 2020.

15. Каримова Г.А. “Ўзбекистонда ахборотлашган жамият

шаклланишининг миллий ахлоқий жиҳатлари”, 09.00.04-Ижтимоий фалсафа, PhD, 2020.

16. Сиддиқов И.Б. “Ёшлар интеллектуал маданиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари”, 09.00.04-Ижтимоий фалсафа, PhD, 2020.

17. Айтбоев М.Ю. “Ўзбекистон демократик тараққиётининг янги босқичида ташкил этилган халқ қабулхоналарининг ижтимоий аҳамияти”, 09.00.04-Ижтимоий фалсафа, PhD, 2020.

18. Давлетов Ж.Б. “Ўзбекистонда “Ҳар бир оила - тадбиркор” концепцияси ва унинг инновацион моҳияти”, 09.00.04-Ижтимоий фалсафа, PhD, 2020.

19. Мирзарахимов Б.Х. “Ўзбекистонда туризм маданиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий омиллари”, 09.00.04-Ижтимоий фалсафа, PhD, 2021.

20. Обидов А.Ш. “Конфессиялараро ҳамжиҳатликни таъминлаш – фуқаролик жамиятини ривожлантириш омили”, 09.00.04-Ижтимоий фалсафа, PhD, 2021.

21. Ташметов Т.Х. “Глобаллашув шароитида миллий ғояни ёшлар онгига сингдиришнинг инновацион технологиялари”, 09.00.05-Миллий ғоя тарғиботи технологиялари, PhD, 2022.

22. Турсунова Ш.Б. “Инновацион тафаккурни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг функционал хусусиятлари”, 09.00.04-Ижтимоий фалсафа, PhD, 2022.

23. Қосимов Ф.С. “Янгиланаётган Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий асослари”, 09.00.04-Ижтимоий фалсафа, PhD, 2022.

II- БЎЛИМ. ОРЗУЛАРГА ҲАМОҲАНГ ҲАЁТ

ИНСОН ТАФТИ

Синовларга тўла болалик

(очерк)

Ҳаммаси ўша кундан бошланди. Номозшомдан бурунроқ эди. Чинни хола бир тандир нон ёпиб, супага ёйди. Сўнг кечки овқатга унади. Қозонни осиб, орада болаларининг усти-бошини ҳам ювиб олди. Хуллас тинмади. Даб-дурустдан белида қандайдир санчик сизди. Оғриқ кучайди ва ўтириб олди. Рангги бўздай оқарди. Чукур-чукур нафас олди. Ҳовли этагида ўйнаб юрган болаларига қараб: “Отанга чоп”, деб овоз берди. Бу пайт шом чўкаётганди, қишлоқнинг подаси даштдан эниб келар, уларнинг ортидан кўтарилган чанг-тўзон эса осмонга ўрлаб гўёки булут ҳосил қиларди. Унинг болаларидан Шодибой (Шодибой асли Тошпўлатбойнинг акаси Жуманбойнинг ўғли. У урушда вафот этгач, фарзанди Тошпўлатбойникида улғайган. Шу ерда амакиваччалари билан бир умр аҳил-иноқ бўлиб яшаган), Рўзимурод ва Дўстмуродгина ақлини таниб қолган, онасининг овозидан тоби қочганлигини сездию, дашт томон чопишди. Сингиллари Ойимгул билан Жумагул эса нима бўлаётганини англолмасдан онасининг оқарган юзига тикилиб қолишди.

Тошпўлатбой ранги-кути учиб бир фаслда етиб келди. Аёли чиндан бетоб, белини ушлаган кўйи ётибди. Қизларни кўркмасин, деб ташқарига, ҳовлига чиқарворди. Сўнг Тошпўлатбой турмуш ўртоғининг уёқ-буёғини ушлаб кўрди, белини уқалади — кор қилмади, барибир ингранаверди. Уйдан югургилаб чикди-да, қўшнисини чақириб келди. Кейин аёлини машинада шифохонага олиб кетди. Болалар эса ота билан онанинг кетидан қалдирғоч палопонларидек тизилишиб, мўлтирашиб қараб қолишди.

Беморни кўшни туман марказий шифохонасига олиб боришганди. Мўъжаз шифохонада санокли шифокорлар ишларди. Аксига олиб, шу кунги шифокорлар бироз сармаст, бемор ётганлар ҳар хил дард билан оғриган бўлса-да бир хил дори-дармон қўллар, ҳатто шу ҳолига бир нечта жарроҳлик ишини ҳам амалга оширганди. Қисматни қарангки, Чинни холани ҳам тўғри ўша сармаст шифокорлар қўлига олиб боришганди.

— Бундай касаллар кўп, ҳар куни ўнталаб келади, — деди Омон Раҳмон деган шифокор беморнинг ранги-рўйига ҳам қарамасдан. — Текширув ўтказиш шартмас, бир қарашда биламан. Оғриқ қолдирувчи уколни берсак, бўлди, отдай бўп кетади.

Шифокорнинг беморга нисбатан эътиборсизлиги Тошпўлатбойни бироз ранжитди. Наилож, ярим тунда яна қаерга олиб борсин, шунинг учун нима деса “ҳўб” деб турди. Аммо ёлвордики: “Илтимоc доктор, қўлингиздан келган ёрдамни қилинг, аёлимнинг аҳволи оғирга ўхшаяпти”.

Шу тунги дори-дармон кор қилмади. Бемор эрталабгача инқиллаб чиқди. Тошпўлатбой ҳам мижжа қоқмади. Хотинининг ёнида ўт-олов ичида тургандай ҳис қилди ўзини. Ичлари куйишиб, “бу қандай дард экан”, деб чуқур ўйга ботди.

Эрталаб яна бир нечта шифокорлар келишди. Қорин қисм бироз қорайгани ва қаттиқлашганини кўришди. Улардан бири операция қилиш керак, деди. Лекин кун бўйи операцияга олишмади. Кечга яқин яна кечаги докторлар келишди-да, беморни кўшни хонага олиб кириб кетишди.

Дард устига чипқон ана шундан сўнг бошланди. Бемор операциядан чиққач ҳам тузалмади. Аксинча, аҳволи янада оғирлашиб, соб бўлиб бораверди.

Хуллас, Чинни хола яна бир дардга йўлиқди. Шу туфайли унга шифохонадан ҳадеганда жавоб бермади. Ҳафта ўтди, ўн кун ўтди, бир ой ўтди ҳамки, беморга уйга кетишга рухсат бермасди. Болалар онасини роса соғинишди. Айниқса, кичиклари кечалари онани излаб йиғлаб ҳам чиқарди. Шодибой, Рўзимурод ва Дўстмурод, сингилларини “онамиз эртага келади, индинга

келади”, деб юпатарди.

Чинни холанинг онаси Ойсулув момо саксонларга яқинлашиб қолган, аммо тетик, гаплари бурро-бурро эди. Колхозчи билан ҳам, раис билан ҳам, райком ва обком билан ҳам гаплашиш усулларини биларди. Яъни, одамлар билан ижтимоий мавқеидан келиб чиқиб гурунглашиб кетаверарди. Шунинг учун қишлоқдошлари уни гапдон момо, дерди. Хуллас, гапдон момо келиб, набираларига қараб турди. Уч ўғил момосининг қабатида уй ишларига қарашар, лекин ич-ичларидан онасини кутарди. Гоҳида кўзларига ёш ҳам олишарди.

Бир куни Тошпўлатбой эшик қоқиб кириб келди. Қайнонасини алағда қилмаслик учун “ҳаммаси яхши, операциядан эсон-омон чиқди”, деб кўйди. Момонинг эса кўнгли бироз кўтарилди. Бу гапдан бўсағада турган Дўстмуроднинг ҳам ичи ёришди. “Демак, тез орада онам келади”, деб хурсанд бўлди.

Тушдан кейин Ойсулув момо иссиқ атала қайнатди. Битта идишга солиб куёвига тутди — қизимга олиб бор, пича қувват бўлади.

Чинни холага овқат татимасди. Қорни бураб оғрир, қолаверса, операция қилинган жой ҳамон битмагани учун дард икки ҳисса бўларди. Шифокорлар ҳар куни унинг ҳузурига киришар, ҳар бири турли ташхисларни кўйиб кетишарди. Лекин даводан дарак йўқ. Шундан билишдики, шифокорлар беморни бутунлай нотўғри операция қилишган. Оғриқ қолиб соғлом қатламга тиғ тегдиришган. Сўнг докторлар ўз қилмишларини ёпиш учун турли ўйдирмалар, ўйинлар бошлашди. Тошпўлатбой оёқ тираб туриб олдики, хотинимни уйга олиб кетаман, йўқса шу ернинг ўзида бирор кор-ҳол рўй бериши мумкин.

Орадан бир ойлар ўтгач, Тошпўлатбой аёлини уйига олиб келди. Унинг суяклари устихонига ёпишиб, озиб-тўзиб кетганди. Ҳамон қорнини ушлаб ингранарди. Уни кўргани келган киши ҳафа бўлиб кетарди. Айниқса, Ойсулув момо ич-этини еди. Ўз оёғи билан борган одам ҳам шундай қайтиб келадими? Қизим соб бўпдику, деб дод солиб йиғлагиси келди.

Аммо Ойсулув момонинг бардоши тошдан қаттиқ эди. Уруш йилларини бошдан ўтказганмасми, қизининг дардига оғир-босиқ қаради. Йўқса, кўринган жойга арз-дод этишиям мумкин эди. Дарвоқе, Ойсулув момонинг икки ўғли урушдан қайтиб келмаган. Улар Усмон, Норкул эди. Уруш эса аллақачон тугаб, ундан жабр чеккан халқлар ва мамлакатлар тараққиёт йўлига ўтиб, гуллаб-яшнаб кетганди. Ойсулув момо эса ўғилларини ҳамон кутарди. Шунинг учун ҳам тўй-ҳашам, маърака-маврудларга ҳадеганда боравермас, гўёки эшигини тақиллатиб, урушга кетганлар келиб қоладигандай туюлаверади. Бунини қарангки, ҳатто ўз қизлариникидаям ётиб қолмасди. Дарвоқе, момонинг икки қизи ва икки ўғли бор эди. Яна бир қизининг исми Ражаб эди. У қўшни маҳаллага келин бўлиб тушган, оиласидан тинчиб, ували-жували бўп кетганди. Синглиси Чинни хола касал бўлганида Ражаб опаси ҳам онасига қўшилиб, Тошпулатбойнинг юкини баробар кўтарган. Кунда, кунора келиб жиянларидан хабар олиб турган. У ҳам синглиси сингари жуда самимий ва жуда оқила аёл эди. Шунинг учун ҳам унинг кўп яхши хислатларини қариндош-уруғ, маҳалла-кўй бугун ҳам эслашади. Хуллас, Чинни холани уйига олиб келишган заҳоти момо уйига равона бўлди. Мабодаки, ўғиллари келиб қолишса, дарвозасида кулф осифлик турмасин.

“Уфф, яна келмабди”, доно момо эшикни очаётиб одам эшитар-эшитмас афсус билан пичирлади. У ўғилларига ҳамиша ишонган, душманни зир қақшатиб, барибир она Ватани — Ўзбекистонга қайтиб келади. Қачонлиги номаълум, лекин, албатта, келади.

Она барибир онада, уруш тугаган йиллари қишлоқдан ким урушдан қайтса, уни кўргани бориб, ўғилларини суриштирарди. Вожабки, бирор солдат ўғилларини кўрдим, демасди. Бундан момонинг кўнгли чўкмасди ҳам. Барибир ўғилларини кутаверарди. Уларни ҳечам ўлмайдиган деб ўйларди, ёлғиз онасини яхши кўришини ич-ичидан биларди. Ана шу туйғулар онани мудом кутишга ундаб, кўнглига таскин берарди.

Шу ўринда айтиб ўтмаса бўлмас, илгари қишлоқ

одамларининг бир-бирига меҳр-оқибат кучли бўлган экан. Нега дейсизми, Чинни хола бетоб бўлганида бутун Оқжангаллик аёлларга кун туққан. Хотинлар навбатма-навбат овқат қилишиб, Тошпўлатбойнинг оиласидан хабар олиб туришган. Дарвоқе, Тошпўлатбойнинг опа-сингиллари Қурбон, Холбиби, Жорқинлар эса акасини бир умр ёлғизлатиб қўймаганлар. Аммалар акасининг болаларини ўз фарзандларидай кўриб, алоҳида меҳр кўрсатганлар, онаси йўқлигини билинтирмаганлар.

Хуллас, Дўстмуроднинг онаси тузалай демасди. Дард баттар ёпишиб олганди. Тошпўлатбой яна бир нечта шифохоналарга олиб борди. Қашқадарё вилояти марказий шифохонасигаям кўринди. Сўнг яна қайтариб олиб келди. Ҳатто чироқ-чўпчак йўлларини ҳам қилиб кўришди. Барибир наф бермади.

Онанинг беморлиги нафақат Тошпўлатбойнинг қалбини эзар, балки, болаларининг ҳам юрагини ўртаб юборди. Дўстмурод ва акалари ҳар тонгда Худодан онасининг дардига малҳам сўрарди. Аммо онаси яхши бўлиш ўрнига баттар тоби қочиб борарди...

Осмонлар қулаган кун

Дўстмурод эрталаб кўзини очиб қараса, отаси ҳам, онаси ҳам ўрнида йўқ. Юраги “шув” этиб кетди. Бирпасда Ойсулув момо кириб келди-да, невараларини юпатди: “Отанг билан онанг ҳадемай келиб қолишади”.

Дўстмурод кейинчалик отасидан эшитдики, ўшанда, яъни 1967 йилнинг кузида Тошпўлатбой аёлини пойтахтга, Муқимий номидаги мусиқали драма театри ёнидаги шифохонага олиб борган экан. Мутахассислар беморни обдон синчиклаб текширишади. Қарасаки, касал муддатидан ўтиб, тузалмас даражага келиб қолган. Улар Тошпўлатбойга пича гина ҳам қилишадикки, нега ўз вақтида олиб келмадингиз, аёлингизни тириклайин нобуд қилибсизку, майли, нима бўлса бўлибди, энди вақт зик, қўлдан келганча даволашга ҳаракат қиламиз, лекин кафолот йўқ. Ҳаётини сақлаб қоламиз, деб ваъда бермаймиз. Яна операция қилиб қайта кўриб чиқишимиз мумкин. Бунинг учун

сизларнинг маслаҳатларингиз ва розиликларингиз керак бўлади, дейди. Хуллас, докторлар яна операция қилишади. Кўришсаки, ҳамма жарроҳлик амалиётлари нотўғри ва пала-партиш қилинган. Шунда катта ойна ортида бошини чангаллаб, Яратгандан ёлвориб ўтирган Тошпўлатбой бир муддат бошини кўтариб докторлар юзига, ҳаракатларига қараганида, улар бошини сараклаб, туман докторларининг ишидан ранжиб туришганига кўзи тушади. Начора, бўлган иш бўлиб, бўёғи синган. Вақтни ортга қайтариб бўлмайди.

Чинни хола ўн кундан зиёд шифохонада қолди. Ўн кун тугал палатанинг шифтига қараб ётди. Вақт ўтган сари беморнинг аҳволи баттар оғирлашиб бораверди. Охири ўнинчи куни узилди...

Тошпўлатбой тушга яқин уйига кириб келди. Ранги-кути учган, жуда ҳафа эди. Супада ўтирган қайнонасига қараб, болаларим ёш эдику ҳали, буларда нима гуноҳ эди, деб дод солди. Дўстмурод шунда ҳовли этагидаги далада кўй боқиб юрганди. Отасининг овозини эшитгани ҳамон уйига қараб чопди. Келсаки, ҳовли тўла одам. У англадики, онаси бу ёруғ оламни тарк этибди. У ҳеч нимани англолмай, карахт бўлиб қолди. У билмасдики, отаси момосини кучоқлаб йиғлаганлари бир умр хотираси айвонида тумордек сақланиб қолишини. У билмасдики, у ҳали бола бўлса-да, болалик даври шу кундан бошлаб ниҳоясига етганини. Ҳа, унинг болалиги ўша машъум кундан нарида қолди.

У онасини ҳамиша ширин хотиралар билан эслайди. Эслайдики, нурли сиймосини соғиниб йиғлайди. Онаси бу дунёдан кетгач, уйларига тумонат одам тўплангани, қишлоқ аёлларининг оху додларини кечагидай ёдга олади. Ва кўп вақтлар қишлоқдошлари уларнинг ҳолидан хабар олиб туришгани ҳам кўп инсонлар олдида бурчдор эканлигини бир дам бўлсин унутмайди.

Сингиллари ҳам бирин-кетин қаторга киришди. Ҳаммаси ўз ҳаёт ташвишлари ва қувончлари билан катта бўлишди. Аммо ҳар гал хурсандчиликларининг бир бурчида соғинч ўти алангаланиб турди.

Дарвоқе, Ойимгул ва Жумагул онаси вафот этганида эндигина

10 ва 8 ёшга чиқишганди. Ана шу вақтдан бошлаб улар бутунбошли рўзгорнинг юмушларини елкаларига олишган. Ош-овқат қилишми, тандирда нон ёпишми ҳаммаси уларнинг зиммасида эди. Бугун орадан кўп йиллар ўтгач, улар набира ва чевараларга зўр энтиқиш билан синовларга тўла ёшлик йилларини айтиб беришадик, биринчи гал нон ёпганларида тандирга бўйлари етмаганидан оёғларининг тагига ғишт тахлаб ҳамирни тандирнинг айвонига аранг ёпиштирганлари, қизариб пишгач, капкир билан узиб олиб рапидани тутиб турган синглиси Жумагулга узатганлари кечаги кундай ҳаёлида гавдаланаверади. Бу нон жуда лаззатли ва тўйимли бўларди. Улар шу вақтлардаёқ инсон ўз меҳнати эвазига тотган таоми дунёда энг тансиқ таом эканликларини англашган.

Ҳозирда Тошпўлатбойдан ўрлаган фарзандлар ва набираю чевараларни санаб санокдан адашасиз. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам меҳнаткаш, оқил ва инсонийликни бир дам ҳам унутмаган кишилардир. Бугун уларнинг кўпчилиги юртимизнинг турли ҳудудларида Ватанимиз тараққиёти йўлида меҳнат қилишмоқда.

Ҳа, айтганча, Дўстмурод кўп йиллар ўтгач билдики, онаси оддийгина халқ тилида айтилгувчи кўричак касаллигига дучор бўлган экан. Ҳаммаси ўша Косон тумани марказий шифохонасидан, сармаст докторларнинг хиёнаткор операциясидан бошланганди. Аввало, улар беморга нотўғри ташхис қўйган ва жарроҳлик амалиётини қилган. Ва носоғлом ичак ёрилиб бутун ички аъзони захарлаб, дардни баттар авж олдирган.

У тумандаги ана шу жарроҳларнинг дарагини ҳам топди. Бориб ёқасидан олмоқчи бўлди, лекин отаси унамади: “Кўй болам, нима бўлса бўлди. Ҳаммаси пешонадан. Худо бор”. Худо борлиги Дўстмуроднинг ичидаги нафратни босарди ҳар гал.

Уруш ва меҳнат одамлари

Урушдан кейинги йилларда бир бурда нон топиш тошдан қаттиқ эди. Оқжангал қишлоғиликлар ҳам рўзгор тебратиш учун

эрталабдан кечгача меҳнат қиларди. Кексаю ёш, ҳатто уруш ногиронлари ҳам далага чиқарди. Рости, чикмаса қўймасди ҳам. Оқжангал қишлоқ совети оқсоқоли Маҳмарўзи бобо эди. Қаттол сиёсатга жуда содиқ, эртани эрта, кечни кеч, демасдан ўзи ҳам тер тўкиб ишларди. Аяш йўқ эди у одамда. Ишга чиқмаган одамнинг уйига отини ниқталаб бориб турарди. Шунинг учун ҳам одамлар “ғинг” демасдан далага отланарди. Ҳатто хотини, бола-чақаларини ҳам далага қуварди, эл сенлардан ўрناق олади, сенлар элга ойнасанлар, дерди уларга.

Маҳмарўзи оқсоқол тўпорининг бориб тургани эди. Элу улус у ҳақда кўплаб зарбулмасаллар тўқиган. Шулардан биттаси қишлоқ йигитларини урушга кузатаётганида бўлган. Яъниким, Маҳмарўзи оқсоқол қишлоқ ёшларига қўшиб ўзининг икки неварасини ҳам урушга жўнатади. Кичиги ёшлигига бориб аввал отасига, сўнг бобосига бормаيمان, деб андак хархаша қилганида оқсоқол, “сен отангни уйида кетингни кўтариб ётсанг, Ватанни душмандан ким қўриқлайди?”, дея ўшқириб беради. Дарвоқе, оқсоқол невараларини сафнинг олд қаторига ўтказиб, қўлига қизил байроқ бериб, вокзалга томон жўна, дейди. Сўнг темирйўл вокзалигача пою пиёда боришади.

Косоннинг темир йўл вокзали урушга кетаётган аскарлар ҳамда уларнинг ота-оналари, ёру биродарлари билан лиқ тўла эди. Маҳмарўзи оқсоқол ўғилларини ҳамда қишлоқдошларини бирма-бир бағрига босиб айтадики, ҳеч қачон менинг юзимни ерга қаратманглар, Улуғ Ватан учун, Совет Иттифоқи учун курашинглар, керак бўлса жонингизни беринглар, лекин нима бўлса ҳам газандаларни она тупроғимиздан итқитиб ташланглар, деб оқ фотиҳа беради.

Поезд гуриллаб ўт олади, секин-аста ўрнидан қўзғалади ва пишқириб кунботар томон йўналади. Маҳмарўзи оқсоқол эса қўлида қизил байроқ билан қишлоқдошлари ўтирган вагон ёнида токи поезд шитоб билан юргунча ёнма-ён кузатиб боради. Қўл ҳаракатлари билан уларга далда бериб, не бир умидлар билан юзига фотиҳа тортади.

Шунда қаҳратон қиш эди. Урушга кетган аскарлардан бирон хат-хабар келмади. Маҳмарўзи оқсоқол жуда толиқди. Етиб олишдимикин, яхши урушяптимикин, озиқ-овқат, кийим-бош етарлимикин, деган саволлар унга тинчлик бермади. Район марказига тез-тез тушиб почта бўлимига кириб-чиқиб турди. Хабар йўқ. Шу билан қишлоқнинг хўжалик ва чорва ишарига берилиб кетди.

Оқжангалликларни қувонч ва қайғу аламлари кўпам куттирмади. Қиш охирламасданоқ бирин-кетин салом хатлар билан бирга қора хатлар ҳам кела бошлади. Шундай оғир дамда ҳам оқсоқол оқсоқоллигини қилди. Улусдошларини овутардики, бу шарафли ва улуғ ўлим, кўпам қайғуга ботманглар, дея юпатди. Фарзанд доғи осонми, ота-она учун барибир фарзанд, улар ич-этини еб адо бўлишди. Оқсоқол мард эди, тўпори эди, лекин инсон эди, қишлоққа почтачи ораласа кўнглининг бир бурчи ўпирилиб тушарди. Кўзига ғилқа аччиқ ёш келарди. Шу кўргуликларни кўравергач, чўбир отини занг чоптириб дала ўртасида ёлғиз қад ростлаган шийпонга борарди-да, дод солиб ўкирарди: “Онангни палон қилай сен, немисни! Шўримизни қуритдингку!”.

Уруш йиллари оқсоқол анча ўзини олдириб қўйди. Илгариги шашти ва дўлбирлигидан тушди. Анча сипо ва хийла одамохун бўлиб қолди. Айниқса, тўнғич неварасидан келган қора хат унинг қаддини дол қилди. Ўғли Норқулбой ва келини Ҳакимахоннинг юзига қаролмади. Уларнинг ота уйига келмай қўйгани, тўнғичига жаноза ўқисакми, йўқми, деган адоқсиз ва азобли ўйининг охирига етолмай юрганларини олис-олисдан кўриб, юраги тилка-пора бўларди. Ахир невараларини заммалаб, ёш бўлишига қарамай урушга жўнатган унинг ўзи эди. Ҳеч бир замонда кампири билан дардлашмаган одам энди улар бир-бирларига суянишиб, дардлашиб, мусичадек беозор бўлиб қолишди. Тунлари бир-бирларини овутишди. Нима бўлса ҳам Тошпўлатбой эсон-омон қайтиб келсин, деб эртаю кеч Худонинг зорини қилди.

Ҳа, Маҳмарўзи оқсоқолнинг илгариги тўпорилигидан асар ҳам қолмади. Қишлоқ советининг югур-югур иши ҳам унга татимай

қўйди. Охири райкомдаги масъулнинг қабулига кирдида, бу ишни бирор ёшроққа, чарчаш нелигини билмайдиганга топширинг, деди. Аввалига масъул унамади. Оқсоқол бир муддат, токи қиш чиқиб, экин-тикин бошлангунча ишлаб юрди. Сўнг боз кирди масъулга. Масъул, сиздан бошқа одам йўқ, нима кам, барини муҳайё қиламан, ёшлар ҳали синалмаган. Уларга катта қишлоқни топшириб бўлмайди. Бунга бироз вақт керак, деди. Оқсоқол яна иши битмай қишлоққа йўл олди. Токи умрининг сўнггига қадар қишлоқни бошқарди.

Тошпўлатбой 1946 йилнинг кеч кузида қишлоққа қайтди. Бу пайтда уруш тугаб кетганди. Қишлоқ одамлари эса уни аллақачон ўлиб кетган, деб юрарди. Шунинг учун ҳам у қишлоққа кириб келганида ҳамма ҳангу-манг қолди. Гапга чечан одамлар: “Нима бало, сен уруш тугагандан кейинам урушдингми, ким билан урушдинг бунча, бир ярим йил ҳам кеч қоласанми”, деб таъна қилишди. Дарвоқе, у уйига кўлтиктаёқда кириб келди. Австриядаги оғир жангларнинг бирида ўнг оёқ тиззасидан пастини снаряд парчаси юлуб кетган. Яқинлари шунгаям ўзида йўқ хурсанд, эсон-омон қайтди, шунинг ўзи катта давлат, дейишди. Изиллаган шамол бўлишига қарамай, Норқулбойнинг ҳовлиси бирпасда одамга тўлди. Қўша-қўша қўйлар сўйилди. Одамлар Тошпўлатбойга боқиб шоду хуррам бўлар, кимдир урушда ўлиб кетган жигарларини ёд этиб кўзга аччиқ ёш олар, кимдир эса кўксига қадалган бир шода медалларга боқиб, болаларча ҳайратланарди.

Оқсоқол англадики, демак, уруш чиндан ҳам тугабди. Ахир невараларига айтгандики, нима бўлсаям немисларни ер тишлатиб келинглари, фақат енгиб қайтинглар, енгмасдан қайтманглари. Ана энди амин бўлди, демак, немислар ер тишлабди. Шундай кезде неварасига боқиб, ич-ичидан суюнари, фарзанди Ватан, эл корига яраганидан танасига сиғмасди. Ва Тошпўлатбойдан сўрардики, “Бу энағарларни кўзига кўрсатдиларингми?”. “Ҳа, кўзига кўрсатдик”, дерди Тошпўлатбой пинагини бузмай.

Айниқса, Норқулбой билан кампири еру жаҳонга сиғмади.

Тошпўлатбойнинг эсон-омон келгани тўнғичининг доғини базур аритгандай бўлди. Аммо она бечора ўғлининг юзларидан ўпиб, сийпаб зор қақшаб йиғлардики, аканг бўлганида кўнглим ярим бўлмасди. Чиндан ҳам у бир неча йиллардан буён уйқусида тўлганиб чиқади, кундуз кунлари рўпарасидаги одамни кўрмайди, фикри-ёди тўнғичида бўлади. Ахийри унинг юзларига ажин тортиб, кўзлари хира кўриб қолди. Кўчага ҳафталаб, ойлаб чиқмай қўйди. Бугун эса ана шу хира тортган кўзларидан оққан кўз ёшлари Тошпўлатбойнинг юзларини ювиб турарди.

Айтганча, Тошпўлатбой акаси Жуманбойни Косондаги темир йўл вокзалида кўргани, қайтиб кўрмаган. Россияга боргач, уларни бошқа-бошқа ҳарбий бўлинмаларга ўтказиб, урушнинг турли нуқталарига жўнатишган. У қон кечиб юрганларида акасини кўп ўйларди: “Қаерда экан? Эсон-омон урушяптими? Нималар билан банд? Сўнг ўз-ўзига: “Эл қатори юргандирда”, деб кўярди. Айниқса, ротасида бирор аскар ҳалок бўлса, ёки касалланиб бирор кор-ҳолга йўлиқса, дарҳол акаси ёдига тушарди. Ахир, бу уруш, урушга кирган одам ё ўлади ё тирик қолади, улар шунинг учун жангга киради. Ё Аллоҳ, ё Аллоҳ нима бўлсаям акамни ўз паноҳингда асра, деб ёлворарди”.

Тошпўлатбой қишлоқда юрганида анча дўлвор, шодон ва ғам-қайғудан йироқда эди. Уруш эса уни дарров улғайтирди, энди кўп яхшиликлар, улуғвор мақсадлар ҳақида ўйлайдиган бўлиб қолди. Насиб этса, уруш тугаши билан она қишлоғига қайтиши, гўзал бир қизни топиб, оила қуриши, фарзандларини комил инсонлар этиб тарбиялаши ҳақида боши-кети йўқ ширин хаёллар сурарди.

Бир куни тожикистонлик сафдоши ғалати бир гапни топиб келди. Нима эмиш, уруш худоси бор экан, унга сиғинса, қишлоғига эсон-омон қайтаркан. Тошпўлатбой мийиғида кулиб қўйди шунда. Худо биттаку, яккаю ёлғиз. Қанақа уруш худоси? Нима сенлар азон товуши эшитганмисанлар ўзи, деб койиди казармадагиларни. Хуллас, урушнинг ҳаёт-мамот майдонларида шуни англаб етдики, инсон боласи чор-ночор бўлиб қолганида ҳатто ердаги хасдан ҳам нажот кутаркан. Аммо Тошпўлатбой

қалбининг энг тўрида ҳар доим Аллоҳ Таолони поклаб ёд этади. Аллоҳга таваккул қилади ва Унга ўқинардик, акам билан мени ва бутун ватандошларимни Ўзингнинг паноҳингда асра!? Элу юртимиз олдида юзимизни ёруғ қил!? Немисларга инсоф бер!? Бу лаънати урушни бошлаганларга ҳам тавфиқ бер, дерди.

Одамлар Тошпўлатбойнинг гир-атрофини ўраб олишди. Бири уни кучоқлаб ҳол-аҳвол сўрашса, яна бири мабодо ўғлимни, жиянимни кўрмадингми, деб гап қотарди. Тошпўлатбой уларни умуман кўрмаган, лекин уларнинг кўнгли учун “ҳа, кўргандим, фалон йили эди, соғу саломат юрганди, келиб қолиши ҳам мумкин”, деб жавоб берарди.

Уруш бундан роппа-роса бир ярим йил аввал тугаган. Шунда Оқжангални алвон лолақизғалдоқлар буркаганди. Аммо қишлоқдан урушга кетганлар қайтай демасди. Почтачи ҳам жимиб кетди. Кузнинг чучмал ҳавоси келиб, аччиқ шамол эса бошлагач, қишлоқнинг ўнлаб фарзандларидан атиги тўрт нафаригина қайтиб келди. Тўртовлари ҳам ногирон эди. Шулардан бири Тошпўлатбой. Уруш уларнинг нафақат жисмини балки қалбини ҳам мажруҳ қилиб ота юртига қайтарганди. Шунинг билан бирга йигитларнинг ҳаётга бўлган муҳаббатини сўндириб, дунёнинг ишлари ва ташвишларидан кўнглини тамоман совутиб қўйганди.

Бироқ, уруш кўрган ўғлонлар бирин-кетин уйландию, оила, фарзандлар ўйин-кулгуси уларни қайноқ ва тотли ҳаётга қайтара бошлади. Тошпўлатбой ҳам худди шу туйғуларни бошдан кечирган. Айниқса, тўнғич фарзанди Рўзимуроджон дунёга келганида терисига сиғмай қувонган, ана энди она заминга ниш урдим, Тошпўлатбой ўлмагай, яна минг йил яшагай, деб Яратганга чексиз шукроналар қилганди.

Умр шу кўйда — қувонч ва ташвишлари билан ўтаверди. Фарзандлар кетидан фарзандлар туғилаверди. Тўйлар устига тўйлар бўлаверди. Орзу-ҳавас рўёблари юрак пуртаналарини шунча ювса ҳам урушнинг мудҳиш доғларини юва олмадики, тўртта одам йиғилса бас, уруш жанггоҳларидан гурунг очиларди. Замонлароша улар қариб-қартайиб, невара ва чевараларни

эркалаб-суйганида ҳам ушбу кўрқинчли туйғулар кўнглининг бир бурчида мўр-малахдай ёпирилиб тураверди. Бу эса уларни мудом тинчликни авайлаб-асрашга, қадрига етишга ундади, ён-атрофдагиларни ҳам шунга даъват эттирди.

Бўладиган бола

Рўзимурод иккинчи синфга кўчганида Дўстмурод энди мактабга қадам ташлади. Бунга қадар у санокни санар, ҳарфларни бирма-бир айтиб берарди. Уқуви яхши эди. Онаси дамма-дам унинг устида ишларди. Акасининг қаватига тушиб дарс тайёрлашга тушдими, Чинни хола пайти келганини билиб, секин унинг бармоқларини букиб санок ўргатарди, қушлар остида битилган ҳарфларни ўқиб берарди. Бошланғич синф дарсликлари шунақа эди, бирор ҳайвон ё қушми, бош ҳарфини келтириб, алфавит тузилганди. Боланинг ёд олиши ва хотирасида қолиши учун шундай қилинган бўлса керак.

Чинни хола жуда закий аёл эди. Ҳеч қаерда ўқимаган эса-да, аммо уққанлардан эди. Оиласи шунақа, илмга ошно эди. Отаси раҳматли Парда бобо кўп илмли, дунёвий ва диний билимларни эгаллаган, фарзандларини ҳам ана шу неъматдан баҳраманд этганди. Урушдан кейинги қийинчиликлар боис болаларини ўқитолмаган бўлса ҳам, лекин уларни чин инсон қилиб тарбиялади. Ота-она, фарзанд, оила, Ватанга хизмат қилиш энг муқаддас бурч эканлигини ўргатди, кўнглига жойлади. Табиийки, фарзандларининг барчаси отанинг ўғитига амал қилди ва ҳаётда кам бўлмади. Улар ота насиҳати туфайли мурод-мақсадларига етиб яшадилар. Хусусан, Чинни хола ҳам. У умридан, турмушидан бирор марта нолимади, тақдирга тан бериб яшади. Ҳатто касал бўлиб, осмонга тикилиб ётганида ҳам нолимади, аксинча, Ўзи берган дард, Ўзи шифо беради, деб ишонди. Ҳа, у ҳаётининг сўнгига қадар Аллоҳдан мадад ва марҳамат кутди. Афсус, умри қисқа экан. Зотан, бу ҳам бир марҳамат бўлса ажабмас. Аммо шу бир тутам умр билан ҳам ҳаётда кўпчиликнинг қалбида яхшиликнинг ёлови бўлиб қолиб кетди.

У пайтларда аввал боланинг салоҳиятини текшириб, сўнг биринчи синфга қабул қиларди. Ўша ўқув йилининг биринчи куни Чори домла Қулмуродов қаторда турган ўғил-қизлар билан бирма-бир бола тилида гаплашиб чиқди. Исминг нима, отангни исмичи? Уйларинг қаерда? Мана бу нечи, деб икки бармоғини кўрсатар, сўнг бутун панжасини, хуллас, ўзгача усулда болаларни имтиҳон қиларди. Ваниҳоят ўндан ортиқ ўғил-қизларни саралаб олди-да, изидан етаклаб мактабнинг алоҳида корпуси томон олиб кетди. Бу корпус кўмирхона билан ёндош бир қаватли, пастқам, дарахтзор ичида кўриниб-кўринмай қолган эди. Дўстмурод бу мактабга акаси билан бир неча марта келган, аммо бошланғич синф корпуси томон юрмаган экан, рости зич дарахтлар ичидаги бу кўримсиз бинонинг олдидан ўтишга ҳам ҳайиқарди киши.

Бошланғич мактабнинг сирти кўримсиз бўлгани билан ичи ораста экан. Каридорга ётқизилган чиройли қопламалари ялтиллашиб артилган, одам ерга қараса юзи кўринарди. Айниқса, синфхоналар дид билан безатилган. Парта, стол-стуллар, доска рисоладагидай ўз ўрнида жойлаштирилган. Афтидан мактаб биносининг ичи ремонт қилингану ташқи томонига қўл тегинилмаган. Жажжи болажонлар эса минг бир ҳаяжон билан Чори домланинг кетидан синфхонага киришди ва устозининг ундови билан парталарга ўғил-қиз, ўғил-қиз бўлиб ўтирдилар. Дўстмурод олд партага Зинат деган қиз билан бирга ўтирди. Биринчи кун танишув дарси бўлди. Ўқитувчи болаларнинг ҳаммаси билан яна қайтадан бола тилида гаплашиб чиқди. Икки соат ўтгач, ҳаммага рухсат берди ва айтдики, эртага ҳамма кечикмасдан эрталаб соат саккизда мана шу хонага келингизлар. Энди рухсат. Болалар тизилишиб ҳовлига чиқишди.

Мактабга чиққан куни Дўстмурод жуда хурсанд эди. Кечки овқатдан сўнг акаси билан мук тушиб дарс қилишга тушди. Қайта-қайта санади, қўшди, айирди, ёзди. Обдон машқ қилди. Онаси уни кузатиб, бирам хурсанд бўлдики, насиб бўлса, юзимни ерга қаратмайди, яхши ўқийди, дея кўнглидан ўтказди.

Болалар иккинчи кундан бошлаб қизғин дарс жараёнига

киришиб кетдилар. Дўстмурод эса тенгдошларидан зукколиги билан ажралиб турар, саволлар ўқитувчининг оғзидан чиқар-чикмас жавоб беришга тиришарди. Чори домла эса ўз ишининг устаси, боланинг характерини яхши билади. Агарки, билим олишга интилаётган, тиришаётган болани пайқадими, унга янада кўпроқ юкламалар беришга ҳаракат қиларди. Негаки, уларнинг раъйини қайтариб, руҳини чўктириб қўймаслик керак. Янада руҳлантириб туриш лозим. Шунинг учун билағонларга “сиз ҳозиргина жавоб бердингиз, демасди”, аксинча уларга янада кўпроқ ва мушкулроқ саволлар бериларди ва “баракалла”, деб рағбатлантирарди. Ўзлаштиришда оқсаётганлар билан эса дарсдан кейин алоҳида шуғулланарди. Хуллас, Чори домланинг ўқувчиларидан ҳеч бири билимда қолоқ бўлмади. Ҳаммаси илғор ва фаол бўлиб чиқди.

Дўстмурод Зинат, Гулсора, Тошбиби билан токи юқори синфга ўтгунга қадар бир партада ўтирди. Улар аҳил ва дўст бўлди. Шу ўринда бир гапни айтмасдан бўлмас, Дўстмурод бешинчи синфга ўтган куни ҳовлисидан бир даста гул терди-да, ҳарир мато билан белини тугиб, биринчи устози Чори домланинг олдига борди. Устоз бу пайт янгидан биринчи синфларни қабул қилиб, яна ўша ўзлари ўқиб чиққан мўъжаз синфхонада терлаб-пишиб болаларга билим ўргатаётган эди. Эшикни ланг очиб кирди-да, кўлидаги даста гулни ўқитувчисига тутқазди: “Ҳаммаси учун минг марта раҳмат. Бир умр қарздорман”, деди. Чори домла кутмаганди. Ростини, жуда ҳаяжонли ва таъсирли воқеа бўлди. Домла кўзига бироз ёш ҳам олди. Сўнг, фарзандидай бўлиб қолган, Дўстмуродни бағрига босди-да, оқ фотиҳа берди: “Йўлинг ҳамиша равон, толейинг баланд бўлин! Сенга ҳам раҳмат, ҳаммаси учун!”.

Дўстмурод Норқулов бу қайтарилмас дамларни ҳар гал зўр энтиқиш ва соғиниш билан эсга олади. Инсон қанча улғайиб борган сари болалигини, илк мактаб даврларини қумсайвераркан. У бугун умрининг етмишинчи баҳоридан ҳатламоқда. Ҳамон ўша олис болалигини бир дам бўлсин унутмайди. Хотирасининг кенг айвонида синфдошларининг ўйин-кулгуси, шўх-шодонликлари

эшитилиб туради. Эндиликда улар ҳам кексалик гаштини суришмоқда. Балки уларга ҳам айни туйғулар кечалари тинчлик бермаса ажабмас. Айниқса, Зинат Назарова, Тошбиби Раҳимова, Гулсора Муродова, Бодом Бердимуродова, Ойимгул Мамараҳимова, Ойжиға Аллаева, Баҳран Қиличев, Абрий Йўлдошев, Элбой Эшмуродов, Жўракул Сафаров, Холмирза Жониев, Теша Таниев, Очил Бўриев, Абдурашид Махматов, Суюн Ганжиев, Мамат Бойбўтаев... каби қадрдонлари билан тепалашиб, қувлашиб ўйнаганларини эсласа, боладай қувониб кетади. Улар ҳам бугун фарзандларию набиралари оғушида. Ва баъзилари бу дунёдан чин дунёга рихлат қилиб кетишган эса-да, гап-гаштакларда ҳаммаларининг ўзига хос одату фазилатлари мамнуният билан ёдга тилга олинади.

Бешинчи синфга ўтганда яна саралаш бўлди, уларнинг сафига бошқа синф ўқувчилари келиб қўшилди ва бир синфда йигирмадан ортиқ ўқувчи жамланди. Юқори синф Дўстмурод учун ҳам синов бўлди. Аввало, дарслар анча мураккаблашди, натижада бошқа синфлардан йиғилган билимдон болалар у билан ўзаро беллашадиган бўлиб қолди. Демак, у янада ўз устида ишлаши, фанларни чуқур ўзлаштириши ва тенгдошларидан ўзиб кетиши лозим. Ахир отасига сўз берган: “Фақат бешга ўқийман”, деб. Бешинчи синфни тамомламасданок у сўзининг устидан чиқди. Токи мактабни тугатгунига қадар фақат аълога ўқиди. Қатор билимлар беллашуви, фан олимпиадаларида қатнашиб фахрли ўринларни эгаллади. Унинг номи нафақат туман, балки вилоят миқёсидаги ўқувчилар орасида ҳам танилди. Бу марралардан отасининг боши осмонга етди. Ва ҳар гал ўғлини қучиб айтардики: “Барака топ болам, ҳеч қачон ўқишдан толма, ўқисанг, оламни кезасан”, дерди.

Шу ўринда бир гапни айтмасам бўлмас, Дўстмуроднинг юқори синфдаги раҳбари Эшқувват Эшмаматов домла эди. У инсон аллақачон бу дунёдан ўтиб кетган ва у ҳақдаги ёрқин хотиралар шогирдларининг қалбида бир умрга сақланиб қолган. У жуда одамохун, самимий ва ўз фани — кимёни чуқур билладиган ҳамда

касбини кадрлайдиган ажойиб инсон эди. Эшқувват домла шундай самимий эдики, қиш кунлари фаррошлар тенги ишга келиб, синфхона печкасига қадар ўтин ёқишарди. Нимагаки, шогирдлари қўшни қишлоқлардан, олислардан қатнашарди. Улар совуқдан заҳа еб келишганида иссиққина синфхонада роҳат олсин дерди. Ўқувчилар уни жуда қаттиқ ҳурмат қилишар, худди отасига кўрсатган мулозаматни устозига ҳам кўрсатарди.

Эшқувват домла ҳамма шогирдларини яхши кўрарди. Аммо Дўстмуродга меҳри айрича эди, у билан гўёки икки қалин дўстдай гаплашарди. Дарвоқе, Дўстмурод ўнинчи синфга ўтганида айнан ўша Эшқувват домла шогирдини олдига чақириб, ўз ўрнидан тенгдошларига дарс беришини илтимос қиларди. Дўстмурод аввалига ийманарди, бир-икки галдан сўнг эса ўзини ўқитувчиликда синаб кўришга қарор қилганди. Устозининг яқиндан қўллаб-қувватлови билан дастлаб 5-6-синф ўқувчиларига дарс берди. Кейинчалик синфлар ҳам ўсиб бораверди ва охири ўзининг тенгқурларига ҳам сабоқ улашди. У кўп ўтмай ўқитувчиликнинг кифтини келтирадиган бўлиб олди. Мавзуларни тушунтираётганда, билганларини тенгдошларига етказаётганда аниқ ва равон сўзлашга ҳаракат қиладиган, сипо, тарбия мезонларига амал қиладиган бўлди. Аммо шу даражада қолиб кетишни истамасди, шунинг учун у ўз устида қаттиқ ишлаб, дарсларни янги-янги услубда, маъно-мундарижада ўтадиган бўлди. Бир сўз билан айтсак, Дўстмурод ўқувчилик кезлариданоқ ўқитувчиликка айрича меҳр ва муҳаббат қўйди. Ва табиийки, бу меҳр-муҳаббат уни бутун умр тарк этмади ва аксинча, уни элу юрт ичида юксак мавқеларга кўтарди.

Айтганча, Дўстмурод қачон ўқувчилик кезларини эсласа, отаси Қаршидан олиб келган эски велосипеди ҳам ёдига келади. У мактабга шу уловда қатнарди. Ҳар эрталаб велосипедни қаровулхонага топширар ва дарсга шошарди. Устозлари тегишли ҳужжатларни Косон район маориф бўлимига олиб бориш учун ҳар гал Дўстмуродга илтимос қилишарди. Дўстмурод эса уларни бажонидил велосипеди ёрдамида район марказидаги

мутасаддиларга етказиб берар эди.

Дўстмурод Норқулов ўқувчилик кезларини эсласа, албатта, юқорида номлари зикр этилган ўқитувчилари билан бирга физика фани ўқитувчиси Нашван Яхшибоев, тарих фани ўқитувчиси Турди Эргашев, она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Холбой Хонқулов ҳамда математика фани ўқитувчилари Райим Имомов ва Саъдин Рўзиевни алоҳида меҳр ва муҳаббат билан хотирлайди. Боиси уларнинг таълим-тарбияси туфайли синфдошларининг аксарияти эл корига ярайдиган инсонлар бўлиб етишдилар. Тўғри, устозларининг кўпи бу дунёдан ўтиб кетишди, лекин, уларнинг шогирдлари кўнглига эккан меҳр дарахтлари ҳамон гуркираб, авж олиб турибди.

Улуғвор мақсадлар йўлида

Дўстмурод тўрвасини орқалаб, вокзалда поезд кутиб турганида бир олам ҳайрат ва ҳаяжон ичида эди. Она қишлоғидан олисга кетаётганидан юраги ҳапқириб урар, кўнглини не бир болалик хотиралари чўлғаб олганди. Гоҳида энтикар, гоҳида юзида билинар-билинемас табассум инарди. Ошналари билан мактаб борарда ҳам, келарда ҳам тортқилашлари, олишга тушишлари, усти-боши бир аҳволга катта дарвозадан мўралаб киришлари ва кечки дастурхон атрофида тек туришиб, акаси билан кўз уриштириб овқатланишлари хаёлидан гўёки кино лентасидай ўта бошлади. Тўғри, кунора Ойсулув момоси, Қурбон, Холбиби, Жорқин аммалари ҳамда Ражаб холаси келиб ош-овқат тайёрлаб берар, аммо Дўстмурод ва акалари ҳам қараб туришмасди, қорни очишдимиз, ўзлари бир нималар тайёрлаб, сингиллари билан паққос тушириб олишарди. Афсус, уларнинг болалик даври ўзлари учун ўзлари хизмат қилиш билан ўтди. Лекин зинҳор-базинҳор мунис ва мушфиқ онасининг ёрқин хотирасини бир дам бўлсин унутишмади. Ҳар гал овқат бошига йиғилганларида ҳаммалари ичидан онасини бир эслаб олишарди. Айниқса, онаси ҳақида гурунг кетганида сингилларининг ўпкаси тўлиб, кўзларига ёш тўлишлари Тошпўлатбойнинг ҳам, акаларининг ҳам юрагини зилдай эзарди. Шунинг учун ҳам Тошпўлатбой мудом овқат

бошида болаларини кулдириб, хушчакчак ўтиришларига ҳаракат қиларди.

Унинг тизгинсиз хаёлини тепловознинг бўғиқ овози бузди. Ҳая, Тошкентга ўқишга кетаётгандику! Отаси ҳам шу ерда, хув нарида, урушда қатнашган, янги соқол кўйган амаки билан гаплашиб ўтирибди. Улар бир-бирларини умрида кўрмаган ва ҳатто дарагини ҳам эшитмаган бўлса керак. Лекин кўксидаги медаллар уруш одамларини қаерда бўлмасин бир-бирига биродар тутинтиради. Улар худди ёшликдаги яқин жўрасини кўриб қолгандай роса ачомлашиб кўришишади, қаердансиз, исмингиз нима, дея кейин танишадилар. Аввал оға-инилардек кўришадилар, сўнг танишадилар. Дўстмурод уларнинг гурунгига ҳалал бермай деб, аввал-бошдан нарига кетганди. Шунинг учун амакининг кимлигини билмади. Аммо у ҳам набирасини Тошкентга кузатмоқчи бўлиб чиқибди.

Поезд олисдан кўрина бошлагач, Тошпўлатбой суҳбатдошига кетиб қолманг, ўғлим билан бирпас гаплашай, яна қайтаман, деди-да ўғли томон йўналди. Тошпўлатбой ўғлига ҳам оталик, ҳам оналик меҳри билан роса алқади: жон болам, жуда эҳтиёт бўл, ёмон болаларга кўшилма, кечаси саёқ юрма, фақат ўқи, яхши ўқисанг мурудингга етасан. Болам, уйни, сингилларингни кўпам ўйлаб, кўнглинг алағда бўлмасин, ҳаммасига бош-қош ўзимман. Акангга айт, уям яхши ўқисин. Мени юзимни ерга қаратадиган ишни қилманглар!

Дўстмурод фақат бошини силкиб “хўб”, деб турди. Унда акаси Тошкент давлат қишлоқ хўжалиги институтида таҳсил оларди. Отасига акасига аталган гапларни, албатта, етказаман, деб ваъда берди.

Поезд юра бошлади. Дўстмуродни отаси ва отасининг дўсти Чироқчилик Рўзи бобо кузатиб кўйди, улар билан кучоқлашиб хайрлашди. Эҳтиёт бўлингизлар, сингилларим ёлғизланиб қолмасин, ота, деди у отасига. Тошпўлатбой ўғлининг гапидан таъсирланди, кўзларини пирпиратиб ерга сингалади, сўнг хотиринг жам бўлсин, болам. Мен ҳамиша ёнидаман.

Поезд ўрнидан жилди. Секин-аста вокзалдаги вагонлар,

бинолар, сўнг кенг далалар кўз ўнгидан бирин-кетин “лип-лип” этиб ўта бошлади.

Ёнидаги йўловчилар ҳам ўқишга кетаётган экан. Бири дўхтир, бири иқтисодчи бўлмоқчи. Улар билан яқиндан танишди. Кўп ўтмай улар бир-бирлари билан чиқишиб кетгач, гурунг роса авжига чиқди. Дўстмуроднинг улар билан гапи қовушди, токи Самарқандга қадар суҳбатлашиб борди. У олимлар медицина соҳасида кўплаб кашфиётлар қилмоқда, лекин уларнинг ярми ҳам бизгача етиб келмаган, деб нолиди. Майли, бугунги кашфиётлар ўз йўлига, биргина Абу Али Ибн Сино бобомизнинг илмий асарларини шифохоналаримизда, илмий-тадқиқот марказларимизда ҳаётга татбиқ этишса, ишонасизми, биз тиббиёт соҳаси ривожланган мамлакатлардан ўзиб кетамиз, деди. Суҳбатдошларининг илмий-тадқиқот, деган сўзлари Дўстмуродга маъқул бўлди. Шунинг учун ҳам улар билан кўпроқ суҳбатлашишга ҳаракат қилди...

...Ухлаб қолишган экан. Поезд тонг пайти Тошкентга кириб келди. Тўхташ учун силкинган пайти Дўстмурод ҳам, вагондошлари ҳам уйғониб кетишди. Ҳаммалари узун-калта бўлиб, поезддан тушишди. Дўстмуродни акаси Рўзимурод вокзалда кутиб ўтирган экан. Дўстлари билан биринчи август куни ТошДу майдонида учрашишни келишиб, хайрлашишди.

Тошкент деганлари телевизорда кўрсатганидай жуда чиройли шаҳар эмаскан. Худди Оқжангал қишлоғиники каби чанг ва ўт-ўлан босиб ётган кўчалари, эски, увадаси чиқиб, ерга биқиниб кетган уйлари ҳам кўп экан. Аммо Дўстмурод бари бир атрофга ҳайрат билан боқарди. Одамларнинг маданияти, гап-сўзлари, сипо кийинишлари уни ўзига мафтун этиб қўйганди.

Шу кеча акаси билан тонг отгунча гурунглашди. Дўстмурод қишлоқдаги ҳамма янгиликларни оқизмай-томизмай айтди. Баҳор чиққан бўлишига қарамай, қишлоққа бўри оралагани, бир қўшнисининг товуғини тулки ўғирлаганию яна бирининг эчкиси оппоқ улоқча тукқанигача сўзлаб берди. Шунинг билан бирга бу йил йилқи билан чорванинг йили келгани, ҳали далаларда ем-ҳашак адо бўлмаганини ҳам қистириб ўтди. Ростданам бу йил ёғин

роса мўл бўлди, илгари тап-тақир, шўр босиб ётган Касби, Косон чўллари ям-яшил бўстонга айланди. Ҳатто қишлоқдаги молхоналарнинг деворлариниям оловранг лола-қизғолдоқлар ҳамда майсалар безади. Далаларда ўт-ўланлар бўғлиқ-бўғлиқ униб, одамнинг белига қадар урадиган бўлди. Буни қаранг, Худо бераман, деса бераркан. Бу йил ҳамма нарсада барака бор. Акаси эса Дўстмуроднинг гурунгини энтикиб эшитиб чиқди. Тонгга яқин иккиси ҳам гурунг-гурунг билан ухлаб қолишибди.

Тошкент ҳавоси яхши экан. Дўстмурод тиникиб ухлади. Қуёш терак бўйи кўтарилиб қолганда, иккисиям қушдай енгил бўлиб ўрнидан турди. Сўнг дастурхон бошида яна гурунг қизиди. Акаси эса Дўстмуроднинг ўқишлари билан қизиқди. Вақт кам қолгани, тезроқ бирор қарорга келиб, ҳужжатларини ўқишга топшириш зарурлигини уқтирди. Дўстмурод файласуф бўлмоқчиман, деди. Акаси бироз норизо оҳангда, шуям касбми, эртага бола-чақа боқадиган касбни танласангчи, нима қиласан бошингни оғритиб, деб жавоб берди. Дўстмурод унамади, ҳужжатларимни шунга топшираман, чунки фалсафа факультетини битказсам Олийгоҳларда ўқитувчи бўлиб ишлар эканман, деб туриб олди. Акаси ўзинг биласан, деган оҳангда қўл силкиб қўйди.

Дўстмурод мактабда яхши ўқиган. Ундан ташқари уйда, отасининг назоратида кўплаб бадий асарлар, илмий ва оммабоп китобларни ҳам ҳатм қилиб чиққан. Юқори синфга ўтганида эса уйда ҳам, мол боқиб юрган кезларида ҳам кўлидан китоб тушмасди. Унда китобга меҳр бўлакча эди. Албатта, Дўстмуроднинг бу фазилатида отасининг хизматлари катта. Тошпўлат бобо ҳатто ўрта мактабниям ўқимаган одам эди. Лекин фарзандларининг чуқур билим олишлари учун ҳамма имконият ва шароитларни яратиб берган. Дўстмурод учун кўплаб бадий асарларни туман марказидан айнан ўзи сотиб олиб беради. Дўстмурод мактаб пайтидаёқ нафақат миллий адабиётимиз, санъатимиз, балки жаҳон илм-фани равнақига улкан ҳисса қўшган алломаларнинг китобларини ўқиб бўлганди. Аммо отасига яна янги китоб олиб келинг, дейишга уяларди.

Кунларнинг бирида болаларини йўқлаб отаси шаҳарга келиб

қолди. Рўзимурод тонг чоғида отасини вокзалдан бошлаб келди. Тошпўлат бобо уйда меҳмон кутишга чоғланиб турган кичигини кўриб, ҳа, отабой, ўқишлар қалай, деди. Дўстмурод отасига апилтапил салом берди-да, ҳаммаси зўр, ота, деди. Улар бир дастурхон атрофида чой ичишди, сўнг Тошпўлат бобо шаҳарга тушиш боисини сўзлаб берди. Қишлоқдаги Зайни докторнинг айтишича, Тошкентдаги Травматология институти ёнидаги мед-техника дўконида темироёқ (протез)нинг янги чиққанини сотаётган экан. Аввал институт профессорларига учрашиб, оёқни кўрсатиб, уларнинг тавсиясини олгач, ўша темироёқдан сотиб олса бўларкан. Уруш қатнашчиларига эса эллик фоиз чегирма ҳам бор экан. Тошпўлат бобо шу янгиликнинг дарагини олиб келибди.

Тошпўлат бобо нонуштадан сўнг Рўзимурод иккаласи Травматология институти томон кетди. Зайни доктор айтгани чин экан. Докторлар Тошпўлат бобони иззат-икром билан кутиб олади. Меҳмоннинг дардини тинглагач, осколка олиб кетган оёғини обдон текширади, яна бир нечта докторлар йиғилишиб консилиум қилишади ва қарор чиқаришадики, темироёқни Тошпўлат бобонинг оёғига уласа бўлади. Бу унинг соғлом юриши учун ёрдам беради. Хуллас, шифокорлар бу ишни қойилмақом қилиб адо этишади. Энди Тошпўлат бобони кўчада кўрган одам уни ногиронлиги бор деб ўйламайди. Қадамларини равон боса бошлайди. Дўстмурод ҳам отасининг дуппа-дуруст юраётганини кўриб, қувонди.

Тошпўлат бобо қишлоғига кетар чоғи дўсти Рўзи бобо таништирган, Тошкент давлат университетида ишлайдиган ошнасини дараклади. Ундан-бундан суриштириб, ахийри топди. У одамнинг исми Туйғун амаки, университетда проректор бўлиб ишларкан. Жуда ажойиб инсон. Дўстмуроднинг айнан фалсафага қизиқишини эшитиб, хурсанд бўлди. Бир неча йиллар аввал ректорат қошида фалсафа бўлими очилган экан. Шу ерга ҳужжатларингни топшир, деди Туйғун амаки Дўстмуродга қараб. Билиминг кучли, фикрлашинг кенг бўлса, албатта, ўқишга кира оласан. Лекин давлат имтиҳонига ҳеч ким аралашолмайди, ёрдам ҳам беролмайди, деди. Шунинг учун фақат ва фақат ўзингга ишон!

Аммо хужжат топшириш ишларига йўл-йўриқ кўрсата оламан. Унинг учун университетга бор, шундоққина профессорлар шаҳарчасининг ёнида. Энди у ерни Талабалар шаҳарчаси деб юритилапти, деб қаттиқ тайинлади ва отаси билан хайр-хушлашиб университет томон кетди.

Ҳақиқатан ҳам Тошкент давлат университети мамлакатда ҳам, чет элда ҳам обрў-эътибори баланд эди. Дўстмурод ана шу университетни топиб борди. Қараса, университет атрофини билагига навбатчилик рамзини билдирувчи боғичлар боғлаган ёш-яланглар кўриқлаб туришган экан. Дўстмурод англадики, абитуриентлардан хужжат қабул қилиш бошланибди. Энди қандай қилиб бўлса ҳам Туйғун амакини излаб топиш керак. Университетга кириб, хужжатларни тезроқ топшириш учун эса навбатчилардан тезроқ ўтиш лозим. Негадир ичкарига киритишмасачи, деган ҳавотир уйғонди Дўстмуродда. Шу кезде кечагина акасининг ижара уйида худди шундай навбатчилик боғичи кўрганлигини эслади. Ва тўғри ўша боғични олиб келиш учун акасининг ижара уйига йўл олди. Тушдан кейин минг бир ҳадик билан ҳалиги боғични билагига боғлаб-боғламай университет дарвозасидан нарироқда турганида ҳалиги навбатчилардан бири нега яқинроқ келмайсан, волонтермисан, бери кел, деб имлаб қолди. Дўстмуродга Худо берди. Биров-ярим билиб қолсачи, деган минг бир ҳадик билан дарвозага яқинлашди. Бир ўзи қолганида секин билагидан боғични ечдида университет ҳовлисига кирди. Излай-излай Туйғун амакини топди ва тегишли йўл-йўриқларни олди.

Эртасига ўқиш учун хужжатларини топшириб қайтаркан, кечаги навбатчиларга кўзи тушдию юрагида яна ҳадик уйғонди. Шу боис университет майдонидан одим қадам ташлаб чиқиб кетди.

Хужжат топишириш жараёни ҳам жуда қизиқ бўлди. Оппоқ сочли, кўзларига қалин ойнакли очка таққан домла нега айнан фалсафани танладингиз, бундан бошқа касблар кўпку, деб савол берди. Дўстмурод иккиланмай инсон дунёга келдими, фикр қилиб яшаши керак. Бу дунё сир-синоатларга тўла. Инсон бу

ҳикматларнинг мағзини чақмасдан ҳам ўтиб кетиши мумкин. Лекин фикр қилган одам борки, нима учун яшаётганини англашга ҳаракат қилади. Мен нима учун яшаётганимни ҳис қилмоқчиман. Шунинг учун шу касбни танладим.

Очкали домла лом-мим демади, аввалига қаршисида турган абитуриентга синчиклаб қаради-да, сўнг хужжатларини бирма-бир кўздан кечирди, делога солиб, устига тушуниш қийин бўлган хуснихатда алланималар ёзиб бир четга олиб қўйди.

Ҳадемай имтиҳонлар бошланди. Қараса, ўзига ўхшаган қишлоқдан келган ёш-ялайлар кўп экан. Улар ота-онаси ёки шаҳарда турадиган қариндош-уруғлари билан келишганди. Дўстмуроднинг ёнида эса ҳеч ким йўқ. Ростини, шу пайтда унинг кўнгли бироз ўксинди, кейин ўйлаб қараса, ўксинмаслик керак экан. Катта йўлга чиққан инсон, одатда, ёлғиз ўзи юради. Ёнида ҳамроҳи бўлдими, манзилга етиш қийин. Шуларни ўйлаб, у олдинга дадил юра бошлади. Имтиҳон саволларига ҳам дадил, ўзига ишониб жавоб берди. Файласуф бўлишни орзу қилган ёшларнинг бошқалардан фарқи шундаки, фикрлашга, фикр юритишга ҳаракат қилади. Айтмоқчи бўлган гапи тўғрими, нотўғрими, бу энди алоҳида мавзу. Муҳими, ўйлаш, таҳлил қилиш, таққослашда олдинга интилиш лозим. Йўқса, бу касбни танламаган маъқул.

Бир неча нафар ўқитувчилар Дўстмуродга айлантириб-айлантириб саволлар бераверишди. У кенг далалар қўйнида яйраб ўсмаганми, жавоблари ҳам ана шундай кенг қамровли бўлаверди. Ҳатто терларга тушиб кетди.

Дўстмурод учун давлат имтиҳони, яъни кириш имтиҳони яхшигина синов билан ўтди. Саволлар устига саволлар ёғдирган ўқитувчилардан бироз ранжиди ҳам, кейин билсаки, улар қаршисидаги бўлғуси файласуфни меҳр билан “элак”дан ўтказишаётган экан. Буни ўқишга кирганидан кейин билди. Айни шу ўқитувчилар Дўстмуроднинг қалбида бир умрга меҳрибон ва азиз устозлар сифатида муҳрланиб қолди.

Сентябрь келиши билан Дўстмуроднинг талабалик йиллари бошланди. Отасининг айтганлари ҳамон қулоғи остида

жаранглайди: “Жон болам, жуда эҳтиёт бўл, ёмон болаларга қўшилма, кечаси саёқ юрма, фақат ўқи, яхши ўқисанг муродингга етасан. Болам, уйни, сингилларингни ўйлаб, кўнглинг алағда бўлмасин, ҳаммасига бош-қош ўзимман. Акангга айт, уям яхши ўқисин. Мени юзимни ерга қаратадиган ишни қилманглар!”. У отасининг хурмати учун ҳам фақат ўқиди. Талабаликнинг бироз “қўли қисқалик” ҳолатлари, оч-наҳор юришлар, майда-чуйда машаққатлар унинг кўзига кўринмасди. Зотан, болаликда бошга келган синовлар олдида бу синовлар чикора эди. Дўстмуроднинг ёшлиқдан кичкина муаммоларга берилмаслик, “оҳ-воҳ” қилмаслик, уларнинг устидан ғолиб бўлишдек хислатлар унинг бутун тийнатиغا сингиб кетган эди, шунинг учун ҳам фақат ва фақат олдинга юришга интиларди.

Талабалик даври шамолдай елиб ўтиб кетди. Дўстлари билан дуруст ўйнаб-кулолмади ҳам. Умри Талабалар шаҳарчасида жойлашган 85-сонли талабалар турар жойининг тўртинчи қаватидаги хилват хонасида мутолаа ва қатор мақолалар ёзиш билан ўтди. Аммо бир талай дўстлар орттирдики, бугун ҳам уларнинг аксарияти Дўстмурод Норқуловнинг ёнида фаолият кўрсатмоқда.

Ўқитувчилик — қисмат

У талабалик кезлари бекорга ижод сирларига ошно тутинмаган экан. Университетни тамомлагач ҳам фалсафа соҳасида бир қанча муаммолар устида иш олиб борди. Дастлаб ижодда ўзини эркин ҳис қилган эса-да, сўнгра англадики, фикрлаш, ўқувчига манфаати етадиган сўз айтиш катта масъулият талаб этар ва бу унинг қисматига битилган экан. Шунинг учун ҳам илмий-педагогик фаолияти давомида 160 дан ортиқ залворли илмий мақолалар, дарслик ва монографиялар чоп эттирди. “Меҳнат, турмуш ва бўш вақт”, “Вақт ва инсон”, “Мустақил Ўзбекистон: маънавий янгиланиш ва ҳуқуқий онг”, “Тарихий маданий мерос ва миллий ўзликни англаш” каби китоблари бугун ўқувчилар томонидан алоҳида яхши кўриб мутолаа қилинади.

Дарвоқе, Дўстмурод Норқулов Тошкент давлат университети

(ҳозирги ЎзМУ) фалсафа-иқтисод бўлимини имтиёзли тамомлаганлик ҳақидаги дипломини қўлига олган куни уни Тошкент давлат тиббиёт институти “Фалсафа” кафедрасига ишга таклиф этишди. Ёшларга таълим ва билим беришни энг олий шараф, деб билган Дўстмурод Норқулов эса таклифни бажонидил қабул этди ва шу кундан эътиборан илмий-педагогик фаолиятини юқори кайфиятда давом эттирди.

Домла ҳамиша ўқувчига фойдаси тегадиган илмий иш қилишни орзу қилган. Теварагимиздаги ҳаётга теран назар ташланса, ҳамма нарса учун, ҳатто Она табиат яратган осмонлари ердаги барча жонзот ва жисмлар учун ҳам вақт энг олий ҳакам экан. Шу боис у вақт ҳақида кўпроқ бош қотиришга, қандай қилса инсон вақт устидан ғолиб бўлишга эришиши устида изланишлар олиб борди. Яқин ва олис ўтмишда ўтган кўплаб файласуфлар, олим ва мутафаккирларнинг асарлари ва илмий хулосаларини синчиклаб ўрганиб чикди. Сўнг англаб етдики, вақт бу ўта сирли ва синоатли илм экан. 1983 йилда фалсафа фанлари доктори, профессор Мираҳмад Анаркулович Абдуллаев илмий раҳбарлигида “Бўш вақт — қишлоқ меҳнаткашлари маданий-техник савиясини оширишнинг муҳим омили” мавзусида ижтимоий-фалсафа ихтисослигидан номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ушбу диссертация ишида эса у талабалик давридаёқ ўйлаб-пишитиб юрган фикр ва мулоҳазаларини атрофлича баён этди. Энг муҳими, ушбу иши илмий-педагогик фаолиятидаги ўнлаб китобларининг дунёга келишига дебоча вазифасини ўтаган бўлса ҳам ажабмас.

1989-1998 йилларда Тошкент давлат аграр университетининг ректори академик Эркин Турдиевич Шайхов эди. У жуда яхши раҳбар бўлиши билан бирга жуда яхши инсон ҳам эди. Унинг ректорлик пайтида университетда илмий ҳамда таълим-тарбия, маънавият соҳасида қатъий тартиб ва интизом йўлга қўйилганди. Оддий талабадан тортиб ўқитувчига, ҳамма ўз ишига масъул эди. Ушбу таълим муассасасининг “Фалсафа” кафедраси мудирини, профессор Иброҳим Рўзиевич Хўжамуродов ва университет

рахбарияти таклифига кўра, Дўстмурод Норкулов университетга ишга олинади. Дастлаб, “Фалсафа” кафедраси доценти лавозимида, сўнг, ўсимликларни ҳимоя қилиш факультети маънавий ва маърифат ишлари бўйича декан муовини вазифасида ҳам меҳнат қилади. Хуллас, Дўстмурод домланинг бу даргоҳда кечган вақти тинимсиз изланишлар, аҳил жамоа ҳамда садоқатли шогирдлар даврасида бўлди.

Дўстмурод Норкулов қаерда хизмат қилмасин, қизғин ижодий фаолиятдан бир кун бўлсин тўхтагани йўқ. У нафақат мамлакатимизда, балки хорижда вақт масаласига бағишланган қандай янги китоб ёки мақола чоп этилса, албатта, топиб ўқиди. Шу масаладаги илғор хорижий илмий мақолаларни ҳам мутолаа қилди. Буни қарангки, домла қарийб ўн, ўн беш йил давомида докторлик иши устида ишлади. Аслида бу олим учун узоқ вақт, аммо Дўстмурод Норкулов илмий ишини роса пишитди, янги-янги ғоя ва материаллар билан бойитди, ёзди, ўчирди ва яна ёзди. 2000 йилда устози фалсафа фанлари доктори, профессор Абдуллаев Мираҳмад Анаркулович илмий маслаҳатчилигида “Вақт – жамият маданий-маънавий раўнақи омили: назария ва амалиёт” мавзусидаги маданият назарияси ва тарихи ихтисослигидан докторлик диссертацияси ана шундай фикр туғёнлари ҳосиласидир.

Унинг номзодлик ва докторлик диссертациясини ёзиш ва ҳимоя қилишда устози фалсафа фанлари доктори, профессор Мираҳмад Абдуллаевнинг хизматларини алоҳида эътироф этмоқ керак. Айнан унинг маслаҳатлари ва тегишли йўл-йўриқлари билан Дўстмурод Норкулов Москвадаги В.И.Ленин номидаги кутубхонага ва бошқа шаҳарлардаги кутубхоналарга бир неча маротаба бориб, материаллар олиб келган ҳамда унинг устида мутассил равишда ишлаган.

Дўстмурод Норкулов ана шундай илмий, илмий-педагогик ютуқларга эришган ва эришаётган пайтда соғлигида бироз муаммо пайдо бўлди. Тошкент тиббиёт академияси клиникаси тажрибали шифокорлари текшириб кўрганда юрак хуружи безовта

қилаётганини ва юрак жаррохлик амалиётини ўтказишни тавсия этди. Дўстмурод Тошпўлатович шифокорлар, турмуш ўртоғи, болалари, яқин қариндошлари, дўстлари билан маслаҳатлашиб Ҳиндистон давлати шифохоналарига бориб даволанишни лозим топди. Академик А.Л.Аляви маслаҳати билан 2009 йил 6 апрелида турмуш ўртоғи Фазилатхон опа билан Тошкент-Деҳли йўналишидаги самалётда Деҳли шаҳрига учиб борди. Ўша куннинг ўзида Ҳиндистоннинг Бангалор шаҳрида жойлашган “Wockhardt Hospitals” шифохонасига самалётда етиб борди.

Госпитал шифокорлари очиқ чеҳра билан кутиб олиб, 7 апрел куни текширув амалиётларини ўтказди ва 2009 йил 8 апрелида Америка, Англия давлатларида ишлаб, малака ошириб келган тажрибали доктор Вайвик Джавали юрак жаррохлиги амалиётини амалга оширди. 10 кун давомида даволаш ишларини олиб бориб, 2009 йил 18 апрелида шифокорлар Д.Норкуловнинг соғлиғи яхшилигини ҳисобга олиб, уйига кетишга рухсат берди. 2009 йил 19 апрелида Тошкентга, уйига турмуш ўртоғи – Фазилатхон опа билан соғ-саломат етиб келди ва ўшандан буён соғлиғидан нолимайди. Ўша кундан бошлаб Тошкент тиббиёт академиясида кафедра мудирлиги фаолиятини давом эттирди ва ҳозирги кунла ҳам Тошкент тиббиёт академияси профессори лавозимида фаолият олиб бормоқда.

Энди яна юқоридаги илмий ижод ишларига қайтсак. Чиндан ҳам олимнинг ҳар бир китоби ўқувчилар томонидан алоҳида эътироф этилади. “Вақт ва инсон” монографияси ҳам ана шундай ўқишли асарлардан бири. Унда инсоннинг вақтга бўлган муносабатлари содда ва равон илмий тилда баён этилган. Албатта, вақт масаласи шунчаки фалсафий тушунча бўлиб қолмасдан ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, тарихий, маданий маънога ҳам эгаки, бунинг турмуш тарзимизда мисоллари талайгина. Масалан, мамлакатимизда ислохотларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, жамиятда содир бўлаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий ўзгаришлар, аввало, инсон омили билан чамбарчас боғлиқдир. Бошқача айтганда, инсоннинг вақтдан қандай мақсадда

фойдаланишига қараб жамият олдида икки хил имконият юзага келади. Яъни вақт жамият ривожининг тезлашуви ва маърифийлашувига муҳим омил сифатида таъсир кўрсатиши ёки унинг таназзулга юз тутишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам мамлакат маънавий-маърифий ривожланишида вақт омилининг таъсирини инобатга олиш Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши жараёни билан узвий боғлиқдир.

Дўстмурод Норқулов 1974 йилдан буён Тошкент тиббиёт академиясида (илгариги Тошкент тиббиёт институти) фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида минглаб талаба-ёшларга фалсафа фани сирларини ўргатмоқда. Улар орасида ўқитувчиликка қизиққанларига эса ўзининг маслаҳатларини бермоқда. Бугун академияда меҳнат қилаётган барча фалсафа фани ўқитувчилари устоз Дўстмурод Норқуловнинг шогирдларидир, десак адашмаган бўламиз.

Қолаверса, устоз Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш, Илмий семинар ва Турон фанлар академияси президиуми аъзоси. Унинг раҳбарлигида беш нафар тадқиқотчилар фалсафа бўйича номзодлик ишини мувафаққиятли ҳимоя қилган ва ҳозирги кунда ҳам тўрт нафар тадқиқотчига илмий раҳбарлик қилмоқда.

Ҳам талаба ҳам ишчи

Илгари талабаларни ёзги таътил пайтида қурилиш ишларига жалб этиларди. Дўстмурод Норқулов фаол ўқитувчимасми Тошкент давлат тиббиёт институти талабаларининг 50 нафаридан иборат отрядга бошчилик қилади. Шу йили, яъни, 1980 йилда Россия Федерациясининг Иванова шаҳрида аҳоли учун кўп қаватли турар-жой массивлари қурилади. Тошкент давлат тиббиёт институти талабалари эса ёз бўйи ана шу массивни бунёд этишади. Маълумотларга кўра, ушбу мавзе ҳозирги кунда ҳам аҳолига

беминнат хизмат кўрсатиб келмоқда.

1981 йилда ҳам даволаш факультети талабалари қурилиш отряди Россия Федерациясининг Каленин областига жўнатилади. Ўша пайтда Тошкент давлат тиббиёт институти Даволаш факультети декани, тиббиёт фанлари доктори, профессор Қамариддин Нажмутдинов эди. У ёшларга ҳар томонлама кўмакчи ва самимий устоз. Устоз ўзининг декан ва профессорлигини ҳам унутиб талабаларга қўшилиб, қурилиш майдонига тушиб, ғишт таширди, тепага узатарди. Сўнг талабалар билан бир дастурхон атрофида жам бўлишиб, овқатланарди. Қ.Нажмутдиновни тиббиёт институти жамоаси адолатли раҳбар, ўз соҳасини билимдони сифатида жуда қаттиқ ҳурмат қилишар эди. Кейинчалик шу институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори лавозимида ҳам ишладилар.

1980 ва 1990 йиллар оралиғида профессор Қ.Нажмутдинов топшириғига мувофиқ даволаш факультети қурилиш отрядларига ва Россия ўлкаларига жўнатилган қурилиш отряди талабаларига Дўстмурод Норқулов бошчилик қилди. Шу йилларда бутун Тошкент шаҳар олийгохлари қурилиш отрядлари талабалари ўртасида мусобақалар, тадбирлар ўтказиларди. Айтиш керакки, ушбу тадбирларда Дўстмурод Норқулов бошлиқ отряд бир неча мартаба биринчиликни қўлга киритган ва институт раҳбарияти томонидан рағбатлантирилган. Ҳозирги кунда профессор Қ.Нажмутдиновнинг фарзандлари Дилоромхон ва Дилбархон Нажмутдиновалар Тошкент тиббиёт академиясида кафедра мудири, профессор лавозимларида, шогирдлари Фотимахон Атаходжаевалар доцент лавозимида ишламоқдалар.

Бағрикенг устоз ва меҳрибон ота

Инсон бу дунёга бахтли яшаш учун келади. Тани соғлиқ, сеvimли касб, рисоладагидай оила, меҳрибон умр йўлдош ва бир-биридан азиз фарзандлару шириндан шакар набираларнинг ёнингизда бўлиши бахтнинг муҳим мезонлари деб аталса,

билингки, Дўстмурод Норкулов буларнинг барчасига эришган бахтиёр инсонлардандир. Устоз бу йил етмишинчи баҳорни қаршиламоқда. Кўз тегмасин ҳамон тетик ва дадил. Шу ёшдаям мук тушиб ўқийди, изланади. Ҳафтанинг бир неча кунда қадрдон даргоҳи — Тошкент тиббиёт академиясига бориб, талабаларга фалсафадан маърузалар ўқиб келади. Ижтимоий фанлар кафедрасидаги барча ўқитувчи-мураббийлар у кишининг шогирдлари. Мабодаки, устоз бир ҳафта кўринмай қолсалар, шогирдлар дарров излашга тушадилар. Шундай кезларда, аслида бу ҳам бир давлат экан. Шогирдларнинг бориға шукур, дейди устоз ич-ичидан.

Дўстмурод Норкуловнинг тўрт нафар фарзанди бор. Улардан Нилуфар Норкулова олий маълумотли врач, тиббиёт коллежи ўқитувчиси. Фарҳод Норкулов олий маълумотли энергетик, Анвар Норкулов олий маълумотли иқтисодчи, Суҳроб Норкулов эса файласуф, фалсафа фанлари доктори, Тошкент тиббиёт академияси кафедра мудир. Уларнинг ҳаммаси уй-жойли, ували-жували бўлиб кетишган. Келинлари: Насибахон — ҳамшира, Дилафруз — олий маълумотли фармацевт, Фаридахон — фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент тиббиёт академияси доценти, куёвлари Пўлат Бобоёров ҳуқуқшунос. Ўз-ўзларидан тинчишган. Устознинг энг олий бурчи эса бугун уларнинг ҳаққига дуода бўлиш. Бахту камолларининг бардавом бўлишини Яратгандан сўрашдан иборат.

Шу ўринда устозга кўп йиллар самимий дўст, ҳаётда ва илмий фаолиятда кўмакчи бўлган умр йўлдоши Фазилатхон Шамиева ҳақида ҳам бир оғиз сўз айтмаса бўлмас. У жуда дилкаш аёл эди. Кўп йиллар Тошкент шаҳар Олмазор тумани Уй-жой коммунал хўжалиги трестида иқтисодчи, бош ҳисобчи бўлиб ишлаган. Афсуски, 2020 йилда бутун дунёга хавф солган коронавирус касаллиги билан оғриб вафот этди. Унинг нақадар яхши инсон бўлганлигини фарзандлари ҳамда касбдошлари бот-бот эслашиб туришади.

Одамлар талпинадиган инсон

Бир қизик зарбулмасал. Дўстмурод Норқулов 2000 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилганди. Бу янгилик бирпасда Тошкенту Қашқадарёга таралади. Шу орада янги фан доктори она қишлоғига, жияни Дилфузанинг тўй маросимига боришга тўғри келади. Йўл юриб, хориб-чарчаб қишлоқдаги тўйхонага кириб боришса, қишлоқдошлари уларни очик чеҳра билан кутиб олишади. Бу пайтда тўй бошланиб кетган бўлади. Шунда даврани бошқариб бораётган бошловчи эса, ана Тошкентдан ҳам меҳмонлар келиб қолишди, эндиги сўзни қўли жуда енгил доктор, врач Дўстмурод Норқуловга берамиз, деб овоза қилиб юборади. Шунда Дўстмурод домла нима қиларини билмай, ийманибгина даврага чиқади.

Ҳурматли қишлоқдошлар, дейди у, ҳаммангизга тўйлар муборак бўлсин! Ёшлар бахтли бўлишсин. Ва яна бир қанча тилаклар билдиргач, тўғри мен ёшлигимда беморларни даволовчи доктор, яъни шифокор бўлишни жуда ва жуда орзу қилардим. Лекин бу оғир ва жуда масъулиятли касб экан. Бунинг учун туғма шифокор бўлиш керак экан. Менинг иқтидорим эса фанда доктор бўлишга етди. Шу боис фалсафа фанлари доктори бўлиб қўя қолдим, деб вазиятдан чиқиб кетади.

Аммо Дўстмурод домла барибир қишлоқдошларини яхши кўради. Тез-тез улар билан дийдорлашишга, уларнинг суҳбатини олишга ошиқади. Албатта, инсон учун туғилиб ўсган маконидан азизроқ жой йўқ. Дўстмурод домла нима яхшиликлар бўлса, она қишлоғи, унинг одамлари учун улашишга ҳаракат қилади. Ёз келиши билан мўъжаз уйи Оқжангаллик ёшларга тўлиб кетади. Негаки, Оқжангалдан ўқиш учун шаҳарга чиққан кишиларнинг кўпчилиги, биринчи Дўстмурод домланикига кўниб ўтади. Йўл-йўриқ ва маслаҳатларини олиб, сўнг пойтахтдаги олийгоҳларга йўл олади.

Домла кўп гурунгларида айтади, қишлоққа бир ойда бир марта бориб турмасам, шаҳарга сиғмай қоламан, тинчим йўқолади. Шунинг учун ҳам Оқжангалликлар бирор мавруд қилишса, хурмат

юзасидан хафтанинг охиrhoғига мўлжаллайди. Негаки, тўйида профессор oғасини қатнашишини хоҳлашади.

Дарвоқе, устоз ўзи ўқиган мактабда тез-тез ижодий учрашувлар, тадбирлар уюштириб туради. Ёшларга илгариги пайтларда ўғил-қизларнинг таълим-тарбия олиши нақадар қийин бўлгани, бугунги имкониятлардан унумли фойдаланиш, фанларни, хусусан, чет тилларини мукаммал ўрганиши лозимлигини айтишдан чарчамайди.

Айниқса, учрашувларда ёшларга устозларининг ҳамда ўзининг китобларидан улашаётган чоғда ёшларнинг кўзидаги талабчанлик, илм олишга бўлган интилишни кўриб қувониб кетади. Ҳар гал гапириб юрадики, ўғил-қизларнинг ана шу хислати мени кўпроқ уларнинг ҳузурларига чорлайверади.

Яна бир гап. Устознинг болалиги кўпқийинчилик ва азоблар ичида ўтганмасми, қишлоғида бирор киши бетоб бўлганини эшитса, дарҳол унинг ҳузурига ошиқади. Ҳол-аҳволидан хабар олиб, кўлидан келган ёрдамани аямайди. Агар беморнинг кўли калтароқ бўлса, Тошкентга олиб бориб, йўл-йўриқ кўрсатиб, даволатиб ҳам беради. Шунинг учун бўлса керак, устоз қачон қишлоғига борса, ҳовлиси қишлоқдошларига тўлади. Айниқса, Қодир Ниёзқулов, Махматмурод хожи бобо, Раҳмат Абдуалимов, Ҳакимхон эшон бобо, Нормамат Арабов, Холмурод Умаров, Тоштемир Жабборов, Муродулло Жумашев, Кўзи Тайлоқов, уста Зиё, Очил Хаитов, Раҳмиддин, Фахриддин Эшмаматовлар, Рустам Холмўминов, Файзулла Жўраев, Тоштемир, Тўлқин ва Қўлдош, Комил Эшқуловлар каби биродорлари, шунингдек, яқин қариндошлари: Нурали, Баҳодир, Фурқат, Санжар, Расул, Хуршид, Ҳасан, Отабек, Дилшод, Холмурод ва бошқаларнинг гурунгларини эшитиб, ўзига хос меҳрибонликларини кўриб, дилдан яйрайди. Улар билан бўлган гап-гаштаклар эса тундан тонгга қадар чўзилади. Ахир уларнинг аксарияти Дўстмурод Норқуловнинг отасини ҳам, онасини кўрган инсонлардир. Улар Тошпўлат бобо ҳамда Чинни момо ҳақида бири-бирдан қизиқарли ва ҳароратли ҳикояларни гапириб беришадики, устоз

уларни кўзларида жикқа ёш билан тинглаб ўтиради. Злотан, устоз учун дунёдаги энг зўр, тенгги йўқ ҳикоялар ўзининг ота-онаси, акалари ҳақидаги ҳикоялардир. Шунинг учун вақтни ғанимат билиб, мудом она қишлоғига, биродарларининг даврасига интиладилар.

Инсон кексайган сари олис хотираларни кўп эслайдиган, қалбининг тубида яшириниб ётган армонларни тафтиш қиладиган бўлиб қоларкан. Дўстмурод домла эрталаблари бадантарбия учун стадионни айланиб юраркан, оғир ва чуқур ўйга чўмади: “бу дунёда нима топдимۇ нима йўқотдим? Топганларим — инсонларга нафим теккани бўлса, йўқотганларим, шубҳасиз, қўлимдан келса-да, кимларнинг оғирини енгил қилолмаганим. Ожизлик қурсин. Ахир инсон тафтини инсон кўтарадику!”

Устоз ҳар тонгда ёлғиз ўзи айланади. Болалигида ўртоқлари онасининг қўлидан тутиб, кўча-кўйдан ўтиб қолишса, изидан термулиб қараб қолган бўлса, эндиликда отахону онахонларни кўрса, юраги зирқирайди. Хаёлини эса отаси, онаси, акаси, аёли ҳақидаги хотиралар эгаллайди.

Гоҳида шогирдлари устоздан сўраб қолади: “Устоз, каму кустингиз йўқ. Бир инсон ҳаётда нимага эришмоқни орзу қилса, ҳаммасига эришгансиз. Қолаверса, сиз ҳар доим ҳаётдан завқ олиб яшайсиз, ҳафалик, нолиш нелигини билмайсиз. Айтингчи, юрагингизнинг қаътида қолиб кетган бирор армонингиз борми, деб сўраб қолади. Шунда устоз оғир хўрсиниб, олисларга тикилиб, бири кам дунёку, болам, назаримда ҳаммадаям орзу-армон бўлади. Армоним, онамнинг меҳрига тўёлмаганим ва озми-кўпми ютуқларимни онам билан умр йўлдошим кўролмаганидир, дея жавоб беради.

**Мухаммадмурод Абдусодиқов,
Фарида Умарова**

III-БЎЛИМ. Д.Т.НОРҚУЛОВ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАР

САМАРАЛИ МЕҲНАТ ТАШКИЛОТЧИСИ...

Шухрат Боймурадов

Тошкент тиббиёт академияси

ўқув ишлари проректори, профессор

Тошкент тиббиёт академияси юртимиздаги энг нуфузли олий ўқув юртларидан бири. Бу даргоҳда жуда кўплаб профессор-ўқитувчилар ва ходимлар фаолият олиб боришади. Меҳнат жамоаси сўнгги йилларда таълим-тарбия йўлида кўп натижаларга эришиб келмоқда. Албатта, фаолиятимиз самарасида шу жамоада меҳнат қилаётган фидойи инсонларнинг салмоқли ўрни бор. Ўқув-тарбиявий, ташкилий ишларга алоҳида ҳисса қўшиб келаётган профессорлардан бири – Норкулов Дўстмурод Тошпўлатовичдир.

Фаолиятим мобайнида мунтазам кафедралар салоҳияти, ўқув ишларига ёндашуви борасида кўплаб тадбирлар ўтказамиз. Бу амалга оширалаётган тадбирларда кўп йиллик меҳнат тажрибасига эга бўлган профессор-ўқитувчилар таклифлари, ишни самарадорлигини оширишдаги ғояларини ўрганиб, мавжуд масалалар ечимини жамоавий таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Мана шундай жараёнларда профессор Дўстмурод Тошпўлатович таълим тизими сифатига ижобий таъсир кўрсатадиган омиллар борасида ташкилий ишларга бош-қош бўлади.

Бугуги кунда ҳам профессор Дўстмурод Норкулов раҳбарлигида ёш ўқитувчилар ўз касб маҳоратини ошириб келмоқда. Ўқув жараёнларининг намунали ташкил этилишида профессор бошчилигидаги кафедра жамоаси доимо яхши ўрин эгалламоқда.

Устоз ўқув-услугий ишларда ҳам фаолдир. Ҳар ўқув йилида ўқув ва услубий қўлланмаларини нашр эттиради. Тошкент тиббиёт академиясидаги фаолиятим давомида шуни айтишим мумкинки, энг муҳим жиҳати профессор Дўстмурод Норқулов Академия томонидан ўқув-услугий, ташкилий ишларга доир қўшимча вазифа юклатилса бирор марта рад этмай бажарган ва бажариб келмоқда.

Ўзи фаолият олиб бораётган кафедранинг сифатли ишлаши учун таълим-тарбияга доир янгиликларни доимгидек биринчилардан бўлиб татбиқ этишга ҳаракат қилади, меҳнат жамоасига ҳам шундай талаб қўяди.

Келгуси йилларда ҳам профессор Дўстмурод Тошпўлатович Норқуловдан самарали ишларга раҳнома бўлишни кутиб қоламиз, ниятимиз Академия нуфузини оширишда ҳеч қачон чарчамасин.

* * *

ЮРТ УЧУН, ВАТАН УЧУН ФИДОЙИ ИНСОН

Турдиқул Бобомуратов

*Тошкент тиббиёт академияси Ёшлар билан ишлаш буйича
проректор, профессор*

Ҳар бир миллат, ҳар бир халқнинг тараққиёт даражаси, яъни камолоти олтину кумушлар, дуру жавоҳирлар билан эмас, балки унинг олиму фузалолари, донишмандлари билан ва улар кўрсатган садоқати билан ўлчанади. Мен Дўстмурод Тошпўлатовични саодатли умрнинг муҳим воситаси ҳисобланган вақтнинг ва бахтнинг қадр қимматини англаган, юртига ва юртдошларига садоқат билан хизмат қилиб келаётган саодатманд инсонлардан бири деб биламан. У кишини захматкаш инсон, илм фидойиси ва фалсафа фанининг билимдони сифатида нафакат Тошкент тиббиёт академияси, балки Республикамиз олимлари, кенг

жамоатчилик яхши танийди ва эъзозлайди. Дўстмурод Тошпўлатович илмий-услубий ва касбга тайёрлашнинг ҳамма босқичларидан ўтган ва юксак даражадаги мутахассис ҳисобланади. Олий ўқув даргоҳида қарийиб 50 йил мобайнида улкан педагогик тажриба тўплаган, илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда хизмат қилган. Ҳаётда келажаги бор деб қаралган, жамиятда ўз ўрнини топган ва жамият учун жуда катта фойда берган инсонлар учун баҳо беришда мактаб кўрган йигит, мактаб яратган инсон, мактаб қурган инсон деган иборалар ишлатилади, устоз Дўстмурод Тошпўлатович дастлаб мактаб кўриб, келажаги бор инсон сифатида тан олинган, ана шундай мактаб кўрган инсонларни илм фан йўлида тарбиялаб, ўзининг мактабини яратган йирик олим саналади, фалсафа фанлари доктори, профессор, Турон фанлар академиясининг академиги.

Маълумки олимлик мезонлари унинг асарлари ва шогирдларининг адади билан ўлчанади. Мен 2010 йилдан буён жуда яқин ҳамкорликда ишлаб келаман, Тошкент тиббиёт академиясининг ташкил этилган 2005 йилда ижтимоий фанлар кафедралари 2 та бўлиб, ҳар иккаласининг илмий салоҳият 10-14 % эди, Дўстмурод Тошпўлатовични меҳнатлари натижасида ўндан ортиқ ёшлар диссертация ҳимоя қилди, кафедранинг илмий салоҳияти 78 % гача кўтарилди.

Олимнинг узоқ йиллар давомида босиб ўтган ибратли ҳаёт йўли, самарали ва серқирра фаолияти, изларидан келаётган шогирдлари ва ўзини илмга бағишлаган жуда кўп ёшлар учун ҳақиқий чиниқиш ва меҳнатда товланиш мактабига, ватанга садокат рамзига айланмоқда. Олим томонидан яратилган фалсафа фанига оид адабиётлар, ўқитиш услубларидан олий таълим ўқитувчиларига, талаба - ёшларга узоқ йиллардан буён дарс бериб келмоқда. Тиббиёт соҳасида фаолият олиб борган машҳур олимлардан бири, марҳум Махкамов Эргаш Убайдуллаевич “Бирор манбадан илм ёки билим олмоқчи бўлсанг бу илмни илдизи билан кўчириб ол, бошқа бировга билим бераётганинда

ҳам уни илдизи билан кўчириб бер, чунки илдизсиз кўчирилган дарахт узоқ яшамайди”, деб айтганларидек, устозимиз Дўстмурод Тошпўлатович тиббиёт академияси талабалари ва ёш олимларига билим берганда ана шу жиҳатларга тўла эътибор бериб, уларни чуқур бермоқдалар. Ўрни келганда айтиш керак Дўстмурод ака ўз юртининг фидойиси, маънавиятимиз ва маданиятимизнинг энг юқори тарғиботчиси эканлиги, доимий равишда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун меҳнат қилиб барчамизга ибрат бўлиб келмоқда. Замон билан ҳамнафас яшаш, ёшларни ўз ортидан эргаштириш, уларни улкан кашфиётлар яратишга илҳомлантириш, бу жараёнлар бошида бўлиш, шахсий намуна бўлиш ҳам ҳаммага насиб этавермайди.

Ҳурматли устозимиз Норқулов Дўстмурод Тошпўлатовичга ушбу қутлуғ кунда, қувончли, шодиёна дамларда самимий табриклаб, машаққатли ва шарафли ишларида улкан зафарлар тилаймиз.

* * *

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯГА ФИДОЙИ ИНСОН...

Барно Халматова

тиббиёт фанлари доктори, профессор

1-сон даволаш факультети декани

Фаолиятим давомида жуда кўплаб академиклар, профессорлар, умуман касб фидойиларининг меҳнат фаолиятини, тажрибаларини кузатдим, уларда мавжуд тажрибаларни биргаликда татбиқ қилишга ҳаракат қилдим. Бундай инсонларнинг иш тажрибаларининг ўзи бир мактабки, бу мактаб ёшлар таълим-тарбиясида йиллар давомида такомиллашиб улкан бир меросга айланади.

2007 йиллар Олий маълумотли ҳамшира факультетида декан

лавозимида фаолиятимни бошлаганимда Ижтимоий фанлар кафедраси мудир, профессор Дўстмурод Норкулов билан кадрлар тизимига доир бир қанча ташкилий ишларни муҳокама қилганмиз. Албатта, бундай муҳокамалар кафедралар фаолияти даражасини аниқлашга кўмак беради. Мен Дўстмурод Тошпўлатовичда ўз касбига фидойиликни, кафедранинг самарали ишлаш принципларини мунтазам назорат қилиб туришини билганман. Доимо “Барно Турдихўжаевна, кафедрамиз жамоаси фидойи, намунали ишлари жуда кўп. Агарда бизнинг кафедрамизга хос камчиликлар, профессор-ўқитувчиларнинг сусткашлигини сезсангиз, сиз ҳам мени хабардор қилиб турунг, мақсадимиз сифатни оширишдир” деган. Устозда ҳозир ҳам шу собитқадамлик бор.

Кейинчалик кафедралар тақсимотида Ижтимоий фанлар кафедраси ОМХ факультети таркибига берилди. Мен шу кафедрада жуда кўплаб фаолиятини яхши натижалар билан олиб борган профессор-ўқитувчиларни кўрдим, буларнинг барчасида Дўстмурод Тошпўлатовичнинг кафедра ишини ташкил қилишдаги “мактаб”и бор. Кафедра ходимларини бирин-кетин деканат ишларига (декан ўринбосарлигига) жалб қила бошладик, самарали фаолиятимизда уларнинг ўрнини кўрсатдик.

Устоз жуда камтар инсон, маънавий-маърифий ишларда фаол. ТГА томонидан ташкиллаштираётган тадбирларнинг ҳаммасида бош-қош бўлади.

Бу кафедра илмий салоҳият жиҳатдан ҳам намуналидир. Бунда ҳам Дўстмурод Норкуловнинг ҳиссаси катта, шогирдлари ўз илмий тадқиқотлари билан илм-фан ривожига ҳисса қўшиб келмоқда.

Бундан кейин ҳам профессор Дўстмурод Тошпўлатович Норкуловдан улкан илмий ишларни кутиб қоламиз. Академия фаолиятини ўзининг салмоқли ишлари билан бойитиб бориши шубҳасиз.

ФАЙЛАСУФ ОЛИМЛАР ОИЛАСИ СОҲИБИ

Исмоил Саифназаров

ТДИУ профессори, фалсафа фанлари доктори,

Фаридахон Саифназарова

фалсафа фанлари номзоди, ТашДАУ доценти

Тошкент тиббиёт академияси ижтимоий фанлар кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори, Турон ФА академиги, ҳамкасбимиз, қадрдонимиз Норқулов Дўстмурод Тошпўлатовичнинг юбилейи муносабати билан у киши ҳақида фикр билдириш имконияти пайдо бўлди, шундан фойдаланиб қуйида баъзи хотираларимизни қисқа бўлсада ёзишга жазм қилдик.

Биз Дўстмурод домла билан 1969 йилда у киши ТошДУ фалсафа ва сиёсий иқтисод бўлими, Фалсафа мутахассилиги 1 курсига ўқишга кирганда танишганмиз, менинг гўзал ва доно рафиқам Фаридахон ҳам ўша йили ушбу мутахассисликка ўқишга кирган эди ва кейин улар 5 йил бир гуруҳда таҳсил олишган, биз турмуш қургинча Фаридахон гуруҳ старостаси бўлган, шунинг учун баъзи фикрлар курсдош таасуроти эканлигини эътиборга олишингизни сўрайман.

Айтиш керакки, бизнинг Дўстмурод домла билан дўстлигимиз ярим асрдан ортиқ вақт давр ҳаёт синовидан ўтган. У киши талабалик давридаёқ ўзига хос тиришқоқлик, илмга чанқоқлик, жиддийлик, муомалалилик ва камтаринлик каби ижобий шахсий фазилатларга эга йигит сифатида орамизда ўзининг муносиб ўрнини топган эди.

Кейинги мустақил ҳаёт фаолиятимизда ҳам биз Олий таълим тизимида ҳамкасб сифатида яқиндан ҳамкорлик қилдик. 1983 йили

номзодлик диссертациясини ёқлаш жараёнида биз Дўстмурод билан кўп ҳамкорлик қилганимиз эсимга тушиб кетди, ўшанда ҳам, худди ҳозирги тадқиқотчиларга ўхшаб, ҳамкорлик, “касбий бирдамлик” руҳи кучли эди.

Биз номзодлик диссертациясини “Фалсафа ва ҳуқуқ” институтида 1983 йили биринчи Дўстмурод, сўнг мен кетма кет ҳимоя қилганмиз. Аслида Дўстмурод Университетни мендан 3 йил кейин битирган, аммо шунга қарамай ўзининг илмга чанқоқлиги, тиришқоқлиги, тинимсиз илмий изланиш олиб бориши натижасида эртароқ ҳимоя қилишга эришди.

Тўғриси мен 1971 йилдан ҳозиргача Тошкент давлат иқтисодиёт университети (“нархоз”)да фаолият олиб бораяпман, у ерга ишга боришим билан талабалик давримизда бирга жамоат ташкилотларида қатнашганимиз сабабли Нархознинг ўша даврдаги Комсомол комитети секретари Алиев Маннон Гаффарович, мен комсомол комитетига ҳисобга туришга келганимни кўрибоқ дарров жамоат ишига жалб қилди, “Институт талабалар қурилиш отрядлари штаби бошлиғи” вазифасига тайинлаш ҳақида Ректор, профессор Қориев Муҳаммаджон Муратовичга комсомол комитети тавсияномасини киритдилар, ректор (Қориев домла ўта қаттиқ кўл, шу билан бирга ўта адолатли, меҳрибон ва фидойи инсон эдилар, 21 йил ректорлик қилганлар) ҳам олдинроқ ишга кираётганимда суҳбат қилиб танигани учун эътироз билдирмай буйруққа имзо қўйдилар, шундан жамоат ишларига шўнғиб кетдим, натижада илмий ишларим анча чўзилиб ётди. Номзодлик диссертациясини ҳимоя қилаётганимда жамоатчилик асосида “нархоз” институти Хорижий талабалар билан ишлаш декани лавозимида эдим.

Мен жамоат ишларининг қонун қоидаларини яхши ўрганибману, олимлар дунёсининг ўзига хос фалсафий-ҳаётий жиҳатларини унча билмас эканман, диссертациямни олиб бордим, бир йил ётди, айтишларича тадқиқотчи бироз “пишиши”, илмнинг жиддий соҳа эканлигига иқроп бўлиши керак экан. Ана шу шароитда Дўстмурод кадрдонимиз масаланинг амалий психологик

жиҳатларини яхши тушунтириб берганлар, жумладан “Фалсафа ва ҳуқуқ институтида” ўтказиладиган тадбирларга, илмий конференцияларга, диссертация ҳимояларига тез-тез қатнашиб туриш, баъзан саволлар бериб қўйиш, илмга қизиқишингиз борлигини кўрсатиб туриш, чиқарган мақола, рисола ва бошқа илмий маҳсулотларни домлаларга тақдим қилиш зарурлиги каби тадқиқотчиларга хос амалий этика қоидаларини ўргатганлар, юрганда ҳам ғўдаймасдан юриш, жуда башанг кийинмаслик, рухсатсиз кабинетига бостириб кирмаслик, ҳақида уқтирдилар! Бу доно методологик тавсиялар на фақат ҳимоянинг тезлашишида ёрдам берди, балки бутун кейинги илмий - педагогик, турли раҳбарлик, сиёсий ҳаёт фаолиятимда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бугун 53 йиллик дўстлигимиз, ҳамкорлигимизни эслар эканмиз, кўп яхши ишлар, хотиралар кўз олдимиздан ўтади, қайси бирини бу қисқа сатрларда ифода этсак экан, деб ўйлаб қоламиз.

Профессор Дўстмурод дўстимиз, укаҳонимиз кўп йиллар на фақат кафедра мудури, балки жамоатчилик асосида ЎзМУ қошидаги Фалсафа фани бўйича илмий Кенгаш илмий котиби бўлиб яхши фаолият олиб бордилар, буни айниқса Илмий кенгаш раиси бўлганимдан кейин яхши англадим. У кишига хос бўлган илмий холислик, адолатлилик, барча тадқиқотчиларга қўлидан келганича ёрдам бериш, Илмий кенгашда, Илмий семинарда юзага келган тортишувли вазиятларда адолатли консенсус йўлини кўрсата оларди, бировнинг бурнини бекорга қонатмасликка доим ҳаракат қиларди. Ҳозир илмий котиб бўлмасида Илмий кенгаш аъзоси, тақризчи, оппонент сифатида ҳам бу ажойиб инсоний ҳислати илмий холислиги билан бирга янада кўпроқ намоён бўлмоқда.

Дўстмурод домланинг яна бир зўр фазилати ўз фани, Фалсафанинг фидойиларидан эканлиги, буни кўпчилик амалиётда у кишининг талабаларга ўқиган маърузаларидан, илмий-амалий конференциядаги, ОАВ лардаги чиқишларидан, маънавий-маърифий ишларидан, нашр этган кўплаб дарслик, ўқув қўлланмалари, мақолаларидан биламиз. Аммо биз у кишининг

фалсафа фанининг фидойилигини Фаридахоннинг Оила масалаларида илмий ишлар олиб борган олималиги боис, оилавий муносабатдаги далиллар билан исботламоқчимиз ва мақоланинг сарлавҳасига чиқарган фикримиз ҳам бежиз эмаслигини таъкидламоқчимиз.

Дўстимиз Дўстмурод домла на фақат таниқли фидойи файласуф олим, балки ўзининг фалсафа фанига бўлган фидойилигини ўзининг севимли оиласи аъзоларига ҳам сингдира олган, ўз фанига бўлган содиқлик билан буюк оилапарварлик фазилатларини уйғунлаштира олган ажойиб инсондир. Қаранки битта оилада 3 киши фалсафа бўйича илмий даражага эга, Дўстмурод домла ўзи ва ўғли Сухроб фалсафа фанлари доктори(DSc), келини Фаридахон фалсафа доктори(PhD). Тан бермай иложи йўқ, у киши бола тарбияси масаласида ҳам тенги йўқ инсон, битта мисол бу Сухробжон ўғлини қанчалик комил инсон қилиб тарбиялаганлиги, унинг ёш бўлишига қарамай фалсафа фанлари доктори, Илмий кенгаш аъзоси, кафедра мудури лавозимига эришганлиги, ўзи фаолият олиб бораётган Тиббиёт академияси раҳбарияти, бутун жамоаси аъзолари ўртасида катта обрўга эга эканлиги. Бизнингча яна бир муҳим аргумент, Дўстмурод домла Сухроб ўғлини шундай зўр тарбиялаганки, унга ҳатто хўжалар ҳам ўз қизи Фаридахонни узатишга рози бўлишган, ҳаммамиз яхши биламиз, камдан кам хўжалар ўз қизини насаби хўжа бўлмаганларга узатади, бу ҳам Дўстмурод домланинг эл юрт ўртасидаги катта обрўсининг белгиси. Афсус бундай оилавий бахтни, дўстимизнинг юбилейини рафиқаси, келинимиз, ажойиб инсон Фазилатхон кўраолмадилар, у кишининг жойларини илоҳим жаннатдан қилган бўлсин!

Сўзимиз якунида қадрдонимиз Дўстмурод домлага мустаҳкам соғлик, оилавий хотиржамлик ва илмий-педагогик ҳамда маънавий-маърифий фаолиятларида улкан зафарлар тилаймиз, ўзининг бахтли файласуфлар оиласига кўп йиллар бош бўлиб юрсинлар!

«СОДДАДИЛЛИГИ БИЛАН БИЗНИ МАФТУН ЭТАДИ»

Тураев Бахтиёр Оманович

*Фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
Республикаси ВМ ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-
тадқиқот маркази директори Бош маслаҳатчиси*

Дўстмурод ҳақидаги фикрларимга ушбу тўпلامда таниқли файласуф Виктор Алимасов¹ томонидан ёзилган мақоладаги ажойиб бир фикрни сарлавха қилиб олдим. Ҳақиқатдан ҳам Дўстмуродда ҳар қандай инсонни мафтун этувчи сеҳрли ва самимий соддалик мавжуддир. Бундай ҳислатни яратгувчи ҳар кимга ҳам беравермайди.

Дўстмурод, билан менинг болаликдан кадрдон дўстларимдан бири Ўрол Абилов орқали танишганман ва унинг самимийлиги ва камтаринлигига қойил қолганман. У ўзининг эришган ютуқлари ҳақида ҳам, бажарган эзгу ишлари ҳақида ҳам ҳеч қачон ҳеч кимга мақтанмаган, кибрланмаган, гердаймаган. Чунки, бундай сифатлар унга бегона. У ўзи дуч келган қийинчиликлар ҳақида ҳам ҳеч кимга ҳеч қачон нолимайдиган инсон.

Д.Т.Норқулов 1983 йилнинг 16 июнида “Бўш вақт – кишлоқ меҳнаткашлари маданий-техник савиясини оширишнинг муҳим омили” мавзусида фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ҳимоя қилди. Унинг илмий раҳбари - яна бир камтарин инсон, Мираҳмад Анаркулович Абдуллаев бўлган. Мазкур диссертацияда “инсон бутун умрида бетўхтов жисмоний меҳнат қилиш билан ривожлана олмайди, бу тарзда унинг салоҳияти ҳам кўтарилмайди, инсонни унинг бўш вақтигина камолга етказди, чунки фикрлаш учун бўш вақт лозим”, деган қадимий фалсафий

¹ Алимасов В. Дўстим Дўстмурод. // Ушбу асар 112-бет.

ҳикматни ҳимоя қилиб чиқди. Меҳнаткашларни унинг ҳаётидаги бир тарздаги оғир, жисмоний меҳнат унинг вужуди ҳам фикри ҳам бир ёклама қотиб қолишига, дунёқараши ҳам торайиб боришига сабаб бўлади. Шу сабабли Дўстмурод мазкур мавзуга кўл урган.

Дўстмуродда бошқа инсонларни ўзига тортувчи жозиба қуввати мавжуд. Бу қувват уни турли хил ноҳолис инсонларнинг ғайрли таҳдидларидан ҳимоя қилиб туради. Дўстмурод ўз дўстларидан ҳам, душманларидан ҳам ёрдамни аямайдиган саҳий инсон бўлганлиги учун ҳам атрофида унга хайрихоҳ инсонлар кўп. Шу сифати туфайли у доимо оиласи аъзоларининг ардоғида. Унинг 1та қизи, 3та ўғли, 11та невараси ва 2та чевараси ўзаро аҳилликда Дўстмуродни эъзозлаб келишади. Кенжа ўғли Сухробжон отасининг изидан бориб фалсафа фанидан фан доктори бўлди, отаси бошқарган кафедранинг бошқармоқда. Дўстмуроднинг икки чевараси Мадинахон ва Нурмуҳаммадлар унинг бош фарзанди Нилуфарнинг Нигина исмли қизидан туғилган. Нилуфар ҳам ота-она изидан бориб, бош фарзанди Нигина исмли қиз бўлган, Нигинада ҳам бош фарзанди қиз бўлган. Бош фарзанди қиз бўлиши келажакда ҳам шундай давом этса, бу анъана Норқуловлар сулоласининг ўзига хос белгисига айланса ажаб эмас.

Дўстмурод илм-фанда ҳам вазминликга, холисликга ва мурувватлиликга риоя қилиб келади. У ижтимоий фалсафа бўйича кўплаб диссертацияларга оппонентлик қилган. У оппонентлик қилган барча диссертация муаллифлари уни ниҳоятда ҳурмат қилади, чунки у, диссертантларнинг камчиликларини ҳам, ютуқларини ҳам тўғри таҳлил қилиб бера олади ва айни пайтда диссертантларга камчиликларини тузатишга ёрдам беради.

Дўстмуроднинг яна бир ажойиб бир ҳислати очик чеҳралилигида. Одатда кўпгина одамлар ўзларининг юқори мартабадан эканлигини кўрсатиш учун ҳам бошқаларга қовоқларини уйиб, ўта жиддий одам қилиб кўрсатишга интилади. Бу ҳам бир кибрнинг кўриниши. Бундай одамлардан кишилар

ҳайкиб, хадиксираб, кўрқиб туришади ва улар билан мулоқатга киришишни ишашмайди. Дўстмуроднинг очикчехралилиги эса, аксинча кишиларни ўзига жалб қилади. Бу унинг маъруза ўқиш жараёнида ҳам аудитория билан тезда мулоқотга киришиб кетишини осонлаштиради.

Дўстмурод ҳақида гап борганда унинг ажралмас дўсти Ўрол Абилов ҳақида гапирмасдан илож йўқ. Ўрол ҳар доим дўстининг ёнини олади ва унинг манфаатларини астойдил ҳимоя қилади, чунки у дўстининг алдамаслигига, халоллигига, адолатлилигига сўзсиз ишонади. Дўстмуроднинг фарзандлари ҳам Ўролни яхши кўришади, ўзларига устоз деб билишади. Ўрол шу туфайли Дўстмуроднинг фарзандлари - ўғли Сухроб ва келини Фариданинг диссертацияларига илмий раҳбарлик қилган.

Бу дўстлик оддий оғайнигарчилик, кишилар кўз ўнгида “хўжа кўрсинга” бажариладиган дўстона кўриниш эмас, балки бир илоҳий қувватга эга дўстликдир. Уларнинг бир-биридан ранжиганлигини ёки бир-бирига озор етказганлигини кўрмадим. Улар бир-бирига умрбод самимий дўстлик занжири билан боғланиб қолишган. Бу дўстликнинг замирида ҳам Дўстмуроднинг биз юқорида қайд этган инсоний сифатлари боғловчи омил бўлиб келган. Балки, Дўстмуроднинг бошқа дўстлари ҳам кўпдир (табиийки, шундай бўлиши керак), аммо бу дўстликка тенг келадиган дўстликни бошқаларда учратмадим.

Дўстмурод эндигина ижод билан шуғулланадиган ёшга етибди. Уни шу табаррук ёшга етганлиги билан табриклар, келажакдаги сермазмун ижодий фаолиятига улкан ютуқлар тилайман.

КЎНГЛИ ОЧИҚ, КАМТАРИН ОЛИМ

Садулла Отамуратов

Фалсафа фанлари доктори, профессор

Одатда юбилей муносабати билан фикр билдиришда сафдошлар юбиляр ҳақида нималарни айтсам экан, қайси жиҳатларини гапирсам экан, деб хаёл қилади. Мен Дўстмурод ҳақида гапирмоқчи бўлганимда, ўз меҳнати билан эътиборга сазовор бўлиб келаётган камтарин олим кўз олдимда намоён бўлади. Норкулов Дўстмурод Тошпўлатович - фалсафа фанлар доктори, профессор, дўстим, ниҳоятда кўнгли очик инсон.

Дўстмуроднинг олимлик йиллари кўз ўнгимда ўтиб келмоқда. У Ўзбекистон миллий университети қошида фалсафа соҳасида фаолият олиб борган илмий кенгашда илмий кенгаш котиби бўлиб анча йиллар фаолият олиб борган. Ҳали ҳам ёдимда, Дўстмурод илмий кенгаш котиби сифатида диссертация ҳимоя қилмоқчи бўлаётган ёшларга беғараз ёрдам кўрсатар, ўз маслаҳатларини ҳеч ҳам аямас эди. Унинг котиблик қилган йилларда илмий кенгашнинг талаби ниҳоятда кучли бўлиб, диссертант илмий ишининг мазмунини етарли даражада очиб бериши кўп жиҳатдан котибнинг ҳаракатига боғлиқ бўлган эди. Дўстмурод эринмасдан ҳимоя қилаётган диссертантлар билан биргаликда ишлар, уларга ўзининг ёрдамини кўрсатиб келган эди. Бу ёрдамни бугун ўша даврда ҳимоя қилган олимлар яхши билади, деб ўйлайман.

Дўстмуроднинг яна бир жиҳати бор эдики, у ҳам бўлса, унинг характеридаги кўнгли ниҳоятда очиклик. У ҳар доим барча билан сидқидилдан сўзлашишини ва суҳбатдошининг ҳурматини жойига қўйишини эътироф этиш керак. Дўстмурод ўзининг илмий фаолиятидами, ёки талабалар ва ёшлар билан суҳбатидами, ёки дўсту-биродарлари, қавм-қариндошлари, кўни-қўшнилари билан суҳбатидами ниҳоятда вазминлик билан суҳбатлашишига мен бир

неча бор гувоҳ бўлганман. Характеридаги ана шу кўнгли очиклик менда катта таассурот қолдирган ва унга бўлган ҳурматимни янада оширган.

Дўстмуроднинг оиласи чинакан файласуфлар оиласи ҳисобланади. Унинг ўғли фалсафа фанлари доктори, келини фалсафа фанлари номзоди бўлиб етишишида Дўстмуроднинг хизмати катта эканлиги диққатга сазовордир. Улар бугун кунда Тошкент тиббиёт академиясида ёшларимизга фалсафадан сабоқ бериб келмоқдалар ва бўлажак шифокорларнинг тафаккури, дунёқараши, онгининг ривожланишига катта ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Дўстмурод бугун 70 ёшда кўплаб мақсадлар, режалар ва орзуларга тўла бўлиб, ўзининг фарзандлари, набиралари ва эвалари билан бахтли ҳаёт кечирмоқда. Дўстмурод чарчаменг, соғ-саломат бўлинг, сизга омад ёр бўлаверсин, эл ва юртнинг ҳурмат-эътиборида бўлиб, узок йиллар бахтли ҳаёт кечириш насб этсин.

* * *

САДОҚАТЛИ ДЎСТ ТИМСОЛИГА МОЛИК ҲАЁТ ФАЛСАФАСИГА АМАЛ ҚИЛГАН ИНСОН

Ўрол Абилов

*Тошкент тиббиёт академияси профессори, фалсафа фанлари
доктори*

Тарихдан маълумки, узок ва давомли йўл сафарига отланадиган карвон йўлга чиқадиган бўлса, карвонбоши албатта карвонга талабгорларни бирма бир кимлиги ва касби, нималарга қизиқиши, унинг энг асосийси одамийлик ва садоқатлилиқ, йўлнинг ҳар қандай қийинчиликлари синовига бардошлилик каби кўплаб сифатларига асосий эътиборини қаратган ҳамда шунга монанд синовдан кейингина карвонга қўшган. Аксарият

ҳолатларда бундай карвон албатта ўз манзилига эсон – омон талофатсиз кўзланган манзилига етиб боришга мувоффақ бўлган.

Биз Дўстмурод Тошпўлатович Норкулов билан юқоридаги ҳолатга монанд образли қилиб айтганда “дўстлик сафари”га бирга чиққанмиз. Бунинг изоҳи ҳақида айрим чиқишларда гапирилган лекин ушбу мақолада албатта бунга изоҳ беришни лозим деб топдим.

1969 йил ўша пайтдаги Тошкент давлат университети Ўзбекистоннинг энг юқори нуфузли олий таълим муассасаларидан бири саналарди ва унга кириб ўқишга талабгорлар жуда ҳам кўп бўларди. Ушбу дорилфунунга кира олган аксарият ҳар бир талаба ўзини жуда ҳам бахтиёр ва омадли деб ҳисоблар эди. Биз, Дўстмурод Норкулов, Ибодулла Эргашев ва мен ўша пайтдаги тарих факультетининг фалсафа бўлимига заҳира (ўша пайтдаги мулоқат тилида айтадиган бўлсам “резервист”) сифатида ўқишни бошлаганмиз ва барибир ўзимизда йўқ бахтиёр эдик. Ҳозирги кунда учаламиз ҳам фан доктори, профессорлармиз. Табиийки, жуда катта тинимсиз ва астойдил заковатли меҳнатни талаб қилади. Халқимизда бир мақол бор “Дўстингни айт мен сенинг кимлигингни айтаман”- деган. Дўстмурод Тошпўлатович худди шундай дўстлар сирасига киради ва унинг билан дўст тутинган киши фахрланса арзийди.

Дўстмурод Тошпўлатович олим-инсон сифатида мамлакатимиз халқларининг бўш вақтини мазмунли ва инсон саломатлигининг ўзига хос хусусиятлари такомилени инобатга олган ҳолда яшашнинг ва муомалаларининг бошқа инсонларнинг миллий ва умум миллий қоидаларига риоя этган ҳолда шахсларнинг ўз йўлларини танлашига, мавжуд имкониятлар даражасида ҳаёт сўқмоқларида адашмасдан бошқаларга ибрат бўларли маслаҳатлари билан муносабатда бўлиши лозимлиги каби беғараз ўғитлари ила талаба - ёшлар, кенг жамоатчилик ўртасида обрў эътибор қозониш шарафига мушарраф бўлиш орқали жуда кўпчиликнинг ҳурмат, эътироф ҳамда ўрнатилган бўларли даражадаги

эътиборига моликликка эришган.

Дўстмурод Тошпўлатовичнинг докторлик диссертация-сини ҳимоя қилишида иштирок этганлардан бири “вақт тўғрисида шунчалик хилма-хиллик ва илмий-амалий мулоҳазалар кўплигини кўриб, диссертантнинг вақт борасидаги илмий-назарий фикр мулоҳазалари менинг ҳаётимда вақтга бўлган тушунча ва муносабатларимни тамомила ўзгартириб юборди”- дея ўзининг ҳайратомуз фикрини билдирган эди. Негаки, вақтнинг ҳар бир дақиқаси инсон учун берилган бебаҳо ва қайтарилмас имкониятдир. Унга самарасиз ва бефойда муносабатда бўлиш ҳар қандай инсон ҳаёти мазмунининг бесамарлигини юзага келтириши борасида диссертант аниқ ва илмий – ҳаётий мисоллар асосида ўз ташбеҳларини барчага тушунарли қилиб ифодалаган эди.

Жумладан диссертацияда: “вақтни англаш” ва “инсонда вақтдан фойдаланиш маданияти” тушунчаларини муомалага киритиш, “бўш вақт”, “вақт”дан оқилона фойдаланиш муаммоларини тўғри ҳал қилиш бўйича зарурий амалий таклиф ва хулосалар ишлаб чиқилган бўлиб, уларни амалиётга тадбиқ этиш борасида жойларда тарғибот ва ташвиқот ишларида ҳозирги кунда ҳам самарали фойдаланилаётганлиги муаммонинг доимий равишдаги долзарблигидан далолат бермоқда.

Элнинг оғзида шундай гаплар юради: кўпгина улуғ аждодларимиз кунларини, вақту соатларини фойдали иш қилишга, гўзал ахлоқий ва илмий даражаларга етишиш йўлида сарф қилишда доим огоҳ ва сергак эдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг бугунлари кечагисидан, эртанги кунлари бугунгисидан аъло ва афзал бўларди. Улар: “Вақт қиличдир, агар сен уни кесмасанг у сени кесади”.-деган ҳикматли сўзга амал қилишган.

Шу нуқтаи назардан айтиш жоизки, Дўстмурод Тошпўлатович бўш вақт эркин вақт тушунчаларининг моҳиятини инсон фаолиятига боғлиқ ҳолда унинг мазмун моҳиятини яшаш тарзининг ажралмас ва бебаҳо онлари сифатида қадрлаш ҳамда уни табиат инъом этган неъмат сифатида сермазмун

инсонпарварлик нуқтаи назаридан тадқиқ этган ва унга ўзи ҳам амал қилишини уддалай олган олимлар сирасига киради. Бир сўз билан айтганда, Дўстмурод Тошпўлатович Норқуловнинг яшаш тарзи ҳаёт сабоқлари билан ҳамоҳангдир.

Бир пайтлар 2-Тошкент давлат тиббиёт институтининг ректори лавозимида ишлаган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ҳомид Ёқубович Каримовнинг Дўстмурод Тошпўлатович Норқулов ҳақида айтган бир гапи ҳамон мени қувонтиради. Мен ўша пайтда бошқа ишга ўтганлигим сабабли у киши мендан ўрнимга кафедрага мудирликка кимни тавсия қилишим мумкинлигини сўраганда ҳеч иккиланмасдан Дўстмурод Норқулов номзодини тавсия қилганимга шама қилиб кейинчалик бир учрашганимизда “Сиз адашмаган экансиз, Дўстмурод кафедрани жуда яхши йўлга қўйди, унда бошқарувчилик қобилияти ва тажрибаси жуда юқори экан” – деган эътирофини билдирган эди. Албатта, оқилу донишманд инсон атрофга ибрат назари билан боқади, дунёда кечаётган ҳодиса ва ўзгаришларга, олтиндан қимматли вақтни кадрлаш зарурлигини қалбида тасдиқлайди ва шунга мувофиқ иш тутлади.

Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, бизнингча, инсонга берилган энг яхши неъматларнинг бири кўнгилга мос, фикру-фикрдош, дунёқараши ва бағрикенг муносиб дўст топишдир. Илмий адабиётларда дўст – қарашлари, дили, иш фаолияти яқин бўлган, иноқлик, аҳиллик билан боғланган икки ёки ундан ортиқ кишининг ҳар бири дея таъриф берилган. Бундан кўринадики, одатда кишилар ўртасида вужудга келган самимий ўзаро ҳурмат эътибор, беғаразлик, содиқлик, бир бирига қатъий ишонч меҳр ва узвий ришталарининг мавжудлиги дўстлик даражасида кўрилади. Ушбу ҳолат даражасидаги хусусиятларни ўзида мужассам этган Дўстмурод билан дўстлигимиз талабалик йилларимиздан бошланган ва шу кунларгача давом этиб келаётганлигининг асосий сабаби юқорида билдирилган сифатларнинг ундаги барқарорлигидан деб ҳисоблайман.

Ҳаёт ва фалсафа ҳамнафаслигининг ёрқин намоён бўлиши мисолини Дўстмурод Тошпўлатовичнинг илмий-ҳаётий позициясининг шаклланиши жараёнида муҳим ва асосий роль ўйнаганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунки алоҳида олинган ҳар бир инсонга ҳаёт дунё тараққиётида табиатан жуда-жуда арзимас вақтда ўз ўрнига эга бўлишдек тифиз ҳамда машаққатли вақтни ажратганки, айти даврда инсон – инсонларгагина хос бўлган барча йўналишдаги ижобий хусусиятларни эгаллаши ҳамда ундан бошқаларнинг баҳраманд бўлишига эришиши лозим.

Дўстмуроднинг отаси Тошпўлат бобо Норқулов 1941-1946 йиллар улуғ ватан уруши қатнашчиси, бир неча орден ва медаллар соҳиби, 2-гурух ногирони, пенсионер. Тошпўлат бобо билан Қашқадарёда у кишининг уйида бир неча бор суҳбатда бўлганман. Ушбу мақолани қоғозга тушириш асносида бобо тўғрисидаги бир гурунг эсимга тушиб қолди. Қўшнилар билан суҳбатдан (уларда гурунг дейишади) билдимки, одамлар орасида шундай фикрлар юраркан: “Тошпўлат бобони илм соҳиби эмас, билимдон одам”, деб ҳисоблашишар эканлар. Бутун қариндош уруғлари, таниш билишлари келиб, у кишини ҳаёт билимдони, тажрибали инсон сифатида билиб, ҳар вақт маслаҳатлар олишар эканлар. Айниқса тўй, келин, куёвлар танлаш, қизларни турмушга бериш, ўғилларини уйлантириш борасида у кишидан маслаҳатлар олишлари одат тусига кириб қолган экан.

У киши берган маслаҳатлар асосан албатта тўғри чиқар эканки, шу маънода кишилар Тошпўлат бобога жуда катта эътиқод билан қарашар эканлар. Менимча у кишида ҳаётий тажрибанинг ҳаёт фалсафаси ривожланган бўлса эҳтимолки, Дўстмурод Тошпўлатовичда ҳаёт фалсафаси тўғрисидаги малакалар ота томонидан, илмий-назарий билимларга интилиш иштиёқини устози фалсафа фанлари доктори, профессор Мираҳмад Анорқулович Абдуллев томонидан шакллантирилган бўлса не ажаб.

Албатта илм билан шуғулланиш ўзига хос бир қанча

мураккаблик ва оилавий муносабатларнинг ҳам бунга кўп жихатдан, айниқса турмуш даражасининг таъминоти ва маънавий етуқлиги миқёсида хайрихошлик мезонларига ҳам боғлиқлигини эътиборга олсак, Дўстмурод Тошпўлатовичнинг турмуш ўртоғи, Фазилатхоннинг (Охиратлари обод бўлсин) Дўстмурод Тошпўлатовичнинг ҳам ишлаб, ҳам оилани таъминлаши, ҳам илмий ишларни амалга оширилишида кўпгина қийинчиликларга катта чидамлилиқ, сабру-қаноат ва унинг асосий қўллаб-қувватловчиси сифатидаги бардошига яна бир бор тасоннолар айтиш жоиздир.

Вақтнинг қадрига етиш ва униинг ҳар бир дақиқасини ижобий фазилатлар оғушига етакловчи ҳислар йўлига ишлатиш дунёқараши ва бағрикенг, комил инсонларнинг кўпайишига олиб келадик, бу ўз навбатида инсоният тараққиётини ёрқин келажак сари етаклайди.

Тарихий манбаларга қараганда, одатда аксарият илм соҳибларида етмиш-саксон ёшлардан кейин янада оригинал фикрлар дунёга келган. Мен дўстим Дўстмурод Тошпўлатович тимсолида худди шундай инсонни кўраяпман ва бошқа жуда кўплаб кишиларда ҳам шундай ҳислат сифатларнинг барқарор бўлишини тилаш асносида ер юзида шундай инсонлар янада кўпайиб, умрлари бардавом бўлиб, барчани ҳаёт фаровонлиги сари йўналтиришларида ҳормасликларига тилакдошман!

Дўстим Дўстмурод Тошпўлатович! Етмишинчи баҳорин-гиз муборак! Соғ-омон бўлиб, ҳаётингизда доимо нурафшон-лик ва илмий-ижодий фаолиятингизда бардавомлик тилайман!

ЭМАС ОСОН БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОҚ...

Қиём Назаров

*Ўзбекистон файласуфлари жамияти раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор*

*Жаҳонда бўлмаса олимлар агар,
Муаммога тўлиб кетарди башар.*

Барча файласуфлар яхши биладиган ва Шарқда “Биринчи муаллим” дея улуғланадиган аллома Арастуга нисбат бериладиган “Устоз отангдек улуғ” деган ҳикмат бор. Ота - она инсонни вужудини дунёга келтиради, албатта. Аммо уни ҳақиқий инсон қилишга ўз ҳиссасини қўшган одам - устозлар эканига асло шубҳа йўқ.. Машҳур алломалар, салтанатларнинг соҳиблари, забардаст олим ва шоирлар, санъаткор ва шифокорлар, қисқаси ҳамма соҳа вакиллари устоздан тарбия олади.

Инсон бошқага нур бериши учун ўзи порлаб туриши кераклиги шубҳасиз. Мазкур мақоламизнинг қаҳрамони, фалсафа фанлари доктори, профессор Дўстмурод Тошпўлатович Норкулов ҳам ана шундай етук инсон, атоқли устоз, ўзидан нур таратиб, барчага меҳрини дариг тутмайдиган мўътабар инсонлардан биридир.

“Комиллик Оллоҳга хос” ва “Комил инсон йўқ, бўлмайди ҳам” дейишади. Лекин мен Дўстмурод акада комиллик даражасидаги инсонни кўраман. У кишининг камтарлиги, ҳокисорлиги, ширинсўзлиги, мулойимлиги, меҳрибонлиги ва бошқа сифатлари шундан далолат беради.

Ҳар бир инсоннинг билими, илми ва ҳаёт тажрибаси устозлар, ўзидан катта ёшдаги инсонлар билан мулоқотда, фаолият давомида сайқалланиб ва бойиб боради. Бундай серқирра жараён эса мустаҳкам пойдеворни талаб қилади. “Мен бундай пойдеворни қуриш йўлидаги иш фаолиятимда дастлабки сабоқларни Тошкент

Аграр университетиде, бир кафедрада 10 йил биргаликда ака-ука бўлиб меҳнат қилган Дўстмурод акадан ҳам олганман”, десам айни ҳаёт ҳақиқатини тан олган бўламан, албатта.

Бугунги кунда “Марказий Осиёдаги ягона философия энциклопедияси” деб баҳоланаётган 364 босма табоқ ҳажмдаги “Жаҳон фалсафаси қомуси”да олим ҳақида қуйидагилар битилган: “1952 йил 21 августда Қашқадарё вилояти Касби тумани Оқжангал қишлоғида туғулган. 1969-1974 йилларда Тошкент Давлат университети (ЎЗМУ) Фалсафа-иқтисод бўлимида таҳсил олган. 1974 йилдан Тошкент Давлат Тиббиёт интитути фалсафа кафедраси ўқитувчиси, 1989-1998 йилларда Тошкент Давлат Аграр университети Фалсафа ва ҳуқуқ кафедраси доценти, 1998 йилдан 2016 йилгача Тошкент тиббиёт академияси Ижтимоий фанлар кафедраси мудири ва ҳозирги кунда шу кафедранинг профессори лавозимида фаолият олиб бормоқда. 1983 йилда “Бўш вақт - қишлоқ меҳнаткашлари маданий-техник савиясини оширишнинг муҳим омили” мавзусида 09.00.04-ижтимоий фалсафа ихтисослигидан номзодлик, 2000 йилда “Вақт – жамият маданий – маънавий раўнақи омили: назария ва амалиёт” мавзусида 17.00.08-маданият назарияси ва тарихи ихтисослигидан докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Илмий тадқиқотлари йўналиши ижтимоий фалсафа, вақт тушунчаси, унинг мазмуни, моҳияти, жамият тараққиётининг вақт билан боғлиқлиги, инсон маънавий дунёсининг вақт омилига таъсири масалаларини ўрганишга бағишланган. Ўзининг илмий изланишларида маънавий янгилашни ва ҳуқуқий онг, ҳуқуқий онгнинг ўзига ҳос хусусиятлари ва унинг янада юксалтириш омилини мамлакатимиз миқёсида соғлиқни сақлаш соҳасида кечаётган туб ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ қилиш масалаларига ҳам эътибор қаратган. Шунингдек, тарихий-маданий мерос феноменининг миллий ўзликни англаш жараёнларига таъсири, тарихий тафаккур ва тарихий билимларнинг ўзликни англашдаги ўрни, глобаллашув ва тарихий-маданий меросни асраш масалалари, Ўзбекистонда маданиятни ривожлантириш ва

тарихий-мадаий меросдан фойдаланиш концепцияси каби масалаларни ҳам тадқиқ этган.

Илмий-педагогик фаолияти давомида 160 дан ортиқ илмий мақолалар, тезислар, рисоалар, ўқув, ўқув-услубий қўлланмалар, дарслик ва монографиялар чоп эттирган. Кўплаб китоблар (“Меҳнат, турмуш ва бўш вақт” – Тошкент: “Фан” 1993 й., “Вақт ва инсон” – Тошкент: “Фалсафа ва ҳуқуқ” 2006 й., “Мустақил Ўзбекистон: маънавий янгиланиш ва ҳуқуқий онг” – Тошкент: “Фалсафа ва ҳуқуқ” 2011 й., “Тарихий-маданий мерос ва миллий ўзликни англаш” – Тошкент: “Фан ва технологиялар наشريёт-матбаа уйи” 2022 й.) монографиялар муаллифи.”

Ушбу қисқагина маълумотда қайд этилганларнинг ўзиёқ олимнинг забардаст файласуфга айлангани, ишчанлиги, ижодкорлиги ва самарали фаолиятдан, илм-фан ва эл-юрт олдидаги хизматлари катталигидан далолат беради.

Шу билан бирга, бу маълумотлар олимнинг замон билан ҳамқадамлиги, биз яшаётган даврнинг нидолари, бугунги кун воқеликларини теран англаши, уларга нисбатан ҳозиржавоблигини кўрсатади. Хусусан, бугунги давр воқелигини теран анлаган Д.Т.Норқуловнинг кейинги йилларда чоп этилган асарларидан бири - “Мустақил Ўзбекистон: маънавий янгиланиш ва ҳуқуқий онг” монографиясида ҳозирги замон реалликлари бор бўй-басти билан таҳлил қилинган. Унда олим Ўзбекистон жамиятининг маънавий янгиланишида ҳуқуқий онгнинг роли масалаларини ўрганиб, қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратган:

- жамиятнинг маънавий янгиланиши кўпгина омилларга боғлиқ бўлиб, мамлакатда белгиланган туб ислохотларни амалга ошириш, аввало ушбу омилнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини янгича тушуниш билан боғлиқлиги;

- жамиятни маънавий янгиланмасдан туриб, янги, демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш вазифаларини амалга ошириб бўлмаслиги;

- жамиятда амал қилиб келган ижтимоий онг шаклларида унинг муҳим таркибий элементи бўлган ҳуқуқий онгдаги

Ўзгаришлар, янгиланишларни тақозо этиши;

- маънавий ҳаёт соҳаларидаги ислоҳотлар жамиятнинг янгиланишида янгича ҳуқуқий демократик асослар яратилишига пойдевор бўлиши;

- ҳуқуқий онгни янгиланиши билан боғлиқ мақсадлар, меъёрлар, вазифаларни нафақат билиш, айна пайтда баҳо бериш ва тартибга келтиришнинг шахс ва жамият даражасида ўзгарганлиги билан боғлиқ. Унинг ижтимоий-фалсафий жихатларини ўрганиш орқали ҳуқуқий онгни жамиятнинг маънавий янгиланишидаги ролини тўғри баҳолаш мумкинлиги.

Ана шу таъкидланганларнинг ўзиёқ, олимнинг замон билан ҳамнафаслиги, мамлакатимизда ҳозирги даврда рўй бераётган ўзгаришлар ва янгиланишларни теран талқин этаётганини яққол исботлашди.

Айна пайтда олим ўз тадқиқотларида замонавийлик билан бирга тарихийлик, миллий мерос ва ўзликни анлаш масалаларига ҳам катта эътибор қаратиб келмоқда. Масалан, унинг “Тарихий-маданий мерос ва миллий ўзликни анлаш” монографиясида Янги Ўзбекистонда тарихий-маданий меросни асраш, унга таяниш ва шу асосда миллий тараққиётга эришиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида талқин қилинган. Муаллиф таъкидлагани каби, мустақилликнинг илк кунларидаёқ халқимиз, миллатимиз тарихига тааллуқли барча меросни объектив ва илмий ўрганиш, тарихий меъморий ёдгорликларни таъмирлаш, советлар мафкураси тазйиқи туфайли унутилган диний, ахлоқий кадриятларни, буюк аждодларимиз номларини, қадамжоларни қайта тиклашга киришилди.”Авесто” ва Қуръони Карим ўзбек тилига таржима этилди, ҳадисларни илмий ўрганиш бошланди, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, ан-Насафий, аз-Замахшарий, Имом Бухорий, ат-Термизийнинг асарлари чоп этилди, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Юсуф Ҳамадоний, Нажмиддин Кубро, Маҳдуми Аъзам Косоний, Хожа Аҳрор Валий, Жалолиддин Румий, Фаруиддин Аттор, Низомулмулк, ас-Самарқандий, Мирзо Улуғбек,

Камолиддин Беҳзод, Огоҳий, маърифатпарвар жадидчи боболаримизнинг маънавий мероси тадқиқ қилинди. Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти, Халқаро ислом академияси, Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази, Бухорода Мир Араб олий мадрасаси ҳузурида Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуф илмий мактаби, Сурхондарёда Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот маркази, Хивада Маъмун академияси, Қашқадарёда Абу Муъин ан-Насафий номидаги ақида илмий мактаби, Фарғонада Марғиноний илмий маркази, Тошкентда ислом цивилизациясини ўрганиш илмий маркази ва Шарқшунослик университети ташкил этилди. Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шахрисабз шаҳарларидаги тарихий меъморий обидалар замонавий, инновацион технологиялар асосида таъмирланди, улар БМТ, ЮНЕСКО каби нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан “боқий тарихий шаҳарлар” қаторида эътироф этилди.

Олим ижодини таҳлил қилар эканмиз унинг серқирралиги ва турли масалаларга оид қимматли тадқиқотлар амалга оширилганининг гувоҳи бўламиз. Бу борада яна *шунини алоҳида қайд этиш керакки, замонавий ўзбек фалсафасида “Вақт” категорияси ва “Бўш вақт” тушунчасининг фалсафий мазмун-моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва ижтимоий аҳамияти мавзусида илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар орасида Д.Т.Норқуловга тенг келадиган мутахассис йўқлиги барча томонидан эътироф этилади.*

Олимнинг бу жабҳадаги асосий фикри шундаки, “Вақт” категорияси шунчаки фалсафий тушунча бўлиб қолмасдан, ижтимоий, сиёсий-иқтисодий, тарихий, маданий маънога ҳам эга. Вақтга ана шундай ёндашган пайтдагина унинг ижтимоий, сиёсий, маданий-маънавий мазмуни ва моҳиятини аниқ-тиниқ тушуниш мумкин. Бундай ёндошувга кўра, вақт ва жамиятнинг ривожланиши, бир-бири билан боғлиқлигини тўлароқ, яхлит ва аниқ концептуал идрок этиш имкони очилади.

Бу борада олимнинг “Вақт ва инсон” номли монографияси алоҳида аҳамият касб этади. Унда муаллиф инсоннинг вақтга

бўлган муносабати, унинг вақтдан қандай тарзда фойдаланиши, ислохотларнинг боришини, унинг натижаларини кўп жихатдан белгилаб бериши масалаларига эътибор қаратган. Асарда таъкидланадики, вақт муаммосининг фалсафий талқинини йўналишларда кўрганда, мамлакат ижтимоий-маданий ҳаёти ривожини, собиқ ягона мафкура таъсирида, вақтни бир томонлама, инсонлар хоҳиш иродасига зид ташкил қилинганлиги ва йўналтирилганлиги мамлакатимиз ҳаёти ва унинг ривожига салбий таъсир кўрсатган. Унинг салбий оқибатлари мамлакат миқёсида, 70-йилдан кўпроқ даврни вақт нуқтаи назаридан эришилган ютуқ ва мавжуд муаммоларни қиёслаганда аниқ намоён бўлади. Эришилган айрим ютуқлар, хусусий инфраструктурадаги ўзгаришлар, ана шу мақсадлар учун империяга хизмат қилувчи миллий кадрларни тайёрлаш буларнинг барчаси империянинг манфаатларини қондирилганлиги, бу ҳолда арзон хомашё ва энергия манбаларидан баҳраманд бўлишни кафолатлаши керак бўлганлиги учунгина амалга оширилган, бунга Чоризм мустамлакаси даврида ҳам қўшиб ҳисоблаганда, қандай “вақт” миқдори бой берилганлиги, бугунги муаммоларнинг маълум жихатдан у билан боғлиқ эканлигини тасаввур этиш мумкин.

Олимнинг фикрича, мамлакатимизда ислохотларнинг бориши, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ўзгаришлар аввало инсон омили билан боғлиқ бўлиб, “инсон-вақт” муносабатида содир бўлади. Бунда инсоннинг вақтдан қандай мақсадда фойдаланиши билан жамият олдида икки хил имконият пайдо бўлади. Яъни, вақт жамият ривожининг тезлашуви ҳамда маърифийлашувига муҳим омил сифатида таъсир кўрсатиши ёки унинг таназзулга юз тутишига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Шу маънода жамият ривожини вақт омили ва ундан фойдаланиш билан узвий таркибий функционал боғлиқ бўлиши, вақтга бўлган муносабатга қараб, унда икки хил натижа мужассамлашганлиги маълум бўлади. Шунинг учун мамлакат маданий-маънавий ривожланишида вақт омилининг таъсирини инобатга олиш

Ўзбекистонда ҳукукий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши жараёни билан узвий боғлиқ бўлиб, унга бўлган муносабат ва эътиборни доимо етарли даражада ҳисобга олиш зарурлиги шубҳасиз.

Олимнинг “Меҳнат, турмуш ва бўш вақт” номли монографиясида эса, мустақиллик Ўзбекистоннинг моддий техника базасини яратиш борасида меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва айниқса бунда муҳим аҳамиятга эга бўлган инсонни ҳар томонлама камол топтиришда, турмуш шароитини яхшилашда, ёшлар тарбиясида бўш вақтнинг ўрни, ижтимоий моҳияти таҳлил қилинган.

Китобда таъкидланганидек, бу вазифаларнинг кўлами шунчалик каттаки, уни амалга ошириш "инсон-вақт" тизими орқали амалга ошади. Жамият ҳаётининг барча жабҳаси ўзига хос тарзда вақт билан инсон фаолияти орқали аниқ намоён бўлади. “Инсон ва вақт” муносабатида вақтнинг инсонлар томонидан қандай идрок этилиши, инсон-вақт муносабатларининг мамлакат ривожини, тараққиёт йўлига мос ёки мос эмаслиги турли хил натижалар беради. Буни мамлакат ижтимоий-маданий тараққиётига нисбатан кўрайдиган бўлсак: унинг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиши, ё мос тушиши мумкин, ёки мамлакат тараққиёти орқага қолишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Олимнинг фикрига кўра, вақт ижтимоий-маданий маъноси жиҳатдан “ўтмиш”, “бугун” ва “келажак” тушунчаларини ўзида мужассам этади. Бу мамлакатнинг маданий тараққиётида ўзининг аниқ ифодасини топади. Шунинг учун ҳам вақтни функционал жиҳатдан таҳлил этишгина вақтнинг тузилишини аниқ тасаввур этиш имкониятини беради. Олимнинг вақтни ижтимоий жиҳатдан бундай таҳлил этиш орқали, бизнинг вақт тўғрисидаги тасаввурларимиз ўзгариб боради, янгича мазмун билан бойида.

Китоб муаллифи “иш вақти”, “ишдан ташқари вақт”, “бўш вақт”, “эркин вақт” тушунчаларини янги маъно ва мазмун билан янгиледи. Бу жараён давом этмоқда. Ҳозирги кунда вақтнинг ижтимоий тараққиётга таъсири ортиб бориб, инсон билан вақт

ўртасида узвий боғлиқлик кучайиб, инсон фаолияти орқали моддийлашиб, маънавий тараққиётга таъсир кўрсатмоқда, деган хулосага келган.

Айнан ана шу хулосага асосланадиган бўлсак, унинг муаллифи айни шу ҳақиқатни теран англаган ва ўз фаолияти ҳамда тадқиқотларида буни яққол акс эттирган. Бугунги кунда олим айни етук ёшида, куч ва иқтидори ҳали-ҳануз улкан аҳамиятга молик ишларни, тадқиқотларни амалга ошириш учун етарли экани шубҳасиз.

Хуллас, бу борада ҳам, илму-амал ва ҳаётда ҳам олим барчамизга ўрнак, ибрат намунаси, дейиш учун барча асослар бор.

Муҳтарам Дўстмурод Тошпўлатович!

Ушбу қутлуғ мўътабар ёшингизга яна бундан ҳам кўп ёш қўшилсин. Бахт – саодат ва омад Сизни ҳеч қачон тарк этмасин. Илоҳим узоқ йиллар ана шундай бўлиб қолсин. Сизнинг юз ёшларингизни ҳам ўзингиз билан бирга нишонлаш, ўшанда ҳам янги-янги ютуқлар билан табриклаш имконини беришни Яратгандан сўраб қоламиз.

* * *

МУРОДИГА ЕТГАН ДЎСТ

Тўйчиев Бердиқул Тўрақулович

***Ўзбекистон Миллий университети профессори, фалсафа
фанлари доктори***

Ўзбекистон замини бебаҳо моддий ва маънавий бойликларга бой ўлка. Унинг Жанубий сарҳадларида тарихан илм-фан, урф-одат анъаналарининг бетакрор дурдоналари мавжуд бўлган. Профессор Р.Сулаймонов билан суҳбатларимиздан бирида бунга мен амин бўлдим. Чўл... кенглик бўлиб, ўзига хос фалсафа, инсон

комиллиги, унинг жисмонан ва рухан такомлида, поклиги ва эътиқодида алоҳида ўрни бор. Тарихда сир-асрорлар кўп, уларнинг сукути, уларнинг нидоси сўзидир.

Қашқадарёнинг қуйи этаклари ва иқлими, чексиз кенгликлари оғушида жойлашган Насаф, Кеш, Китоб, Ғузор Кожар, Касби, Нишон сингари шаҳарларида қадимдан бу жойлардан таниқли олимлар, файласуфлар, шоир ва фикхшунослар, хадис илмининг соҳиблари, фозил-у фузалолар етишиб чиққан. Профессор Дўстмурод Норқулов ана шу ўлканинг фарзанди. Касби манбаларида ёзилишича қадим диёр, унинг тарихи ҳам хануз сирлигича қолмоқда. Баъзан ҳаёлимга сир сақлашни тарихдан ўрган деган нақл келади. Ҳар бир инсон фақат ижтимоий муҳитнигина эмас, балки унинг боболари, момолари яшаб ўтган замин, она тупроқ махсули ҳам ҳисобланади.

1969 йил Дўстмурод фалсафа бўлимига ўқишга қабул қилинганда ёшгина, истараси иссиқ бола эди. Битирувчи курс талабалари уларга “фалсафа” деб аталмиш илм бўсағасида юрган укаларимиз сифатида муносабатда бўлар эдик. Дўстмурод талабалик йилларидаёқ ўзининг меҳнатсеварлиги, интизомлиги, садоқатлилиги, илмга чанқоқлиги билан ажралиб турар эди. Фалсафа йўналишига ҳар йили 25-30 та талаба қабул қилинар, бир йил рус гуруҳи, иккинчи йилда эса ўзбек гуруҳи қабул қилинар эди. Дўстмурод ўзбек гуруҳини мувофақият билан тамомлади ва фаолиятини Тошкент Давлат тиббиёт институти Фалсафа кафедрасида ўқитувчилик лавозимидан бошлади. Умуман ишда катта ютуқларга эришиш учун камида 5-6 йил аудиторияда ёшлар билан ишлаш ва уларга билим, сабоқ бериш, бўлажак олимни илм у амал дунёсига етаклади. 1974 йил номзодлик ҳимоямдан кейин фалсафа бўлимида фаолиятим бошланганда Дўстмурод профессор Г.П.Лем раҳбарлигида педагогик фаолият юритаётган экан...

2000 йил куз фаслида Дўстмуродни ИИВ Академияси фалсафа кафедрасида кўриб, бошимиз осмонга етди. У камсуқум ва камтарона докторлик ишини муҳокама қилишимизни сўради.

Мавзу ўша давр учун бир мунча ғайри табиий ва нозик мавзулардан бўлиб, “Вақт – жамият маданий – маънавий равнақи омили: назария ва амалиёт” деб номланиб, 17.00.08-маданият назарияси ва тарихи ихтисослигидан эди. Кафедрамизда бу пайтда 4 та фан доктори, 4 та доцент фаолият олиб борар эди. Муҳокама юқори савияда ўтди, баъзи бир камчиликлар ҳам айтилди ва Дўстмуроднинг диссертацияси химояга тавсия этилди.

Профессор Д.Т.Норкулов билан узоқ йиллар давомида мен ЎзМУ ҳузуридаги Ихтисослаштирилган Илмий Кенгаш раиси, у Кенгаш илмий котиби сифатида бирга ишладик. Илмий Кенгашнинг котиби вазифасини бажариш осон бўлмади. Барча муаммоларни Дўстмурод босиқлик билан одилона, тадқиқотчига ёрдам нуктаи назардан ҳал қилишга ҳаракат қилар ва Кенгаш раиси билан бамаслаҳат қарор қабул қилар эди. ОАК раёсати Кенгаш фаолиятини, айниқса, илмий котибнинг фаолиятини юқори баҳолаб, уни бир неча бор мазкур лавозимда фаолият ютиришга юксак ишонч билдирган.

Хозирги пайтда профессор Д.Т.Норкулов илмий кенгашларнинг фаол аъзоси, кўплаб тадқиқотчиларга илмий раҳбарлик қилмоқда. Норкуловлар оиласи файласуфлар оиласи, ўғли Сухробжон фалсафа фанлари доктори от изини той босар деганларидек, илмий кенгаш ва илмий семинарларнинг аъзоси сифатида фаолият юритмоқда, унинг турмуш ўртоғи Фаридaxon ҳам яқинда фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини химоя қилди ва тасдиғини олди. Умуман фалсафа илмининг муаммоларини мамлакатимизда кечаётган янгиланиш фалсафаси контекстида тахлили профессор Д.Т.Норкуловнинг диққат марказида.

Инсон ҳаёти ширин ва гўзал бир лаҳза, Дўстмуроднинг 70 ёши инсон фитратининг энг етук ва баркамоллик даври. Менинг қадрдон дўстим Дўстмурод доимо муродига етиб юрсин!

ФАЛСАФА ФАНИ ФИДОИЙСИ

Ҳакимов Назар Ҳакимович

Тошкент давлат иқтисодий университетининг “Ижтимоий - гуманитар ва аниқ фанлар” кафедрасининг мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор

Тошкент тиббиёт академиясининг Ижтимоий фанлар кафедрасининг профессори, фалсафа фанлари доктори Норкулов Дўстмурод Тошпўлатовичнинг илмий фаолияти фалсафадаги муҳим тадқиқот мавзулардан бири бўлган, жамиятда инсон фаолиятининг асосий самарадорлигини белгиловчи ижтимоий воқелик вақтнинг фалсафий моҳияти, шахс фаолиятидаги ўрнига бағишланган. Олим вақт феномени ҳақида мустақил фикр юритиб, ҳар бир шахснинг фаолияти давомида ютуқларга эришиши, ижтимоий ҳаётдан мамнунлиги масаласини унга ажратилган умр, яъни ҳаётидаги асосий масалаларни ечишга бўлган интилиши, муайян суратда ўз вақтини самарали ташкил қила олишига боғлиқлигини таъкидлайди. Файласуфнинг пурнамо фикрлари, вақтнинг ижтимоий, иқтисодий мазмуни ва ривожланиш жараёнини чуқур англаганлиги, вақтнинг жамият аъзолари ҳаётида, ижтимоий фаоллигида муҳим назарий, амалий аҳамиятга эгаллигини илмий асослаб берганлигидадир. Таъкидлаш лозимки, профессор Д.Норкулов вақт феноменининг илмий методологик қирраларини чуқур ўрганган. Вақтнинг инсоният цивилизациясидаги, унинг ривожланиши, тараққиёти тенденциялари бобинда муҳимлигини таъкидлаб, ҳар бир позитив мазмундаги воқелик асосида инсон томонидан амалга ошириладиган ислохотлар ҳам вақт билан чегараланганлигини алоҳида қайд қилади. Профессор Д.Норкулов фалсафий тадқиқотининг муҳимлиги унинг жамият, илми фан ривожигаги ўрни, ушбу мавзунинг бевосита ҳар бир даврда амалга оширилган туб ўзгаришлар билан боғлиқлигини фалсафий

жиҳатларини, яъни инсон фаолияти самарадорлиги билан бевосита боғлиқлигини тушинтира олганлигидадир. Ижодкор олимнинг илмий фаолиятидаги муҳим жиҳатлардан яна бири, унинг асарлари, монографик ишланмалари, нуфузли журналларда эълон қилинган мақолаларида тараққиётнинг янги босқичи ижтимоий муаммоларининг илмий ечимига, шу мунособат билан инсон омилига тизимли эътибор бериш лозимлигига эътибор қаратган.

Беназир файласуф олим 1983 йилда “Бўш вақт - қишлоқ меҳнаткашлари маданий-техник савиясини оширишнинг муҳим омили” мавзусида 09.00.04-ижтимоий фалсафа ихтисослигидан номзодлик, 2000 йилда “Вақт – жамият маданий – маънавий равнақи омили: назария ва амалиёт” мавзусида 17.00.08-маданият назарияси ва тарихи ихтисослигидан докторлик диссертациясини ҳимоя қилганлиги жамият тараққиётидаги амалий аҳамиятга молик илмий тадқиқотни изчил давом эттирганлигидан далолат беради. Олимнинг ҳар иккала диссертацияси, файласуфлар ичида катта қизиқиш билан кутиб олинган эди. Ушбу диссертациялар мавзу доирасидаги муаммолар ечимини топишда муаллиф ўзига хос мустақил ижодий ёндошув топа олганлиги билан ажралиб туради. Профессор Д.Норқулов қаламига мансуб бўлган “Меҳнат, турмуш ва бўш вақт” номли монографиясида мустақиллик Ўзбекистоннинг моддий техника базасини яратиш борасида меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва айниқса бунда муҳим аҳамиятга эга бўлган инсонни ҳар томонлама камол топтиришда, турмуш шароитини яхшилашда, ёшлар тарбиясида бўш вақтнинг ўрни, ижтимоий моҳияти таҳлил қилинганлиги алоҳида таҳсинга лойиқдир.

Вақт феноменига мустақил ёндашгандагина унинг ижтимоий, сиёсий, маданий-маънавий мазмуни ва моҳиятини ҳамда жамиятнинг маданий-маънавий ривожланиши, бир-бири билан боғлиқлиги тўлароқ, яхлит ва аниқ концептуал асосга эга бўлиши,

инсоннинг вақтни идрок этиши, унга нисбатан тасаввури ҳам ўзгариши каби масалаларни ҳам таҳлил этган.

Олим “Вақт ва инсон” номли монографиясида эса инсоннинг вақтга бўлган муносабати, унинг вақтдан қандай тарзда фойдаланиши, ислохотларнинг боришини, унинг натижаларини кўп жихатдан белгилаб бериши масалаларига эътибор қаратган. Вақт тушунчаси шунчаки фалсафий тушунча бўлиб қолмасдан, ижтимоий, сиёсий-иқтисодий, тарихий маданий маънога ҳам эгадир. Вақтга ана шундай ёндашган пайтдагина унинг ижтимоий, сиёсий, маданий-маънавий мазмуни ва моҳиятини ҳамда жамиятнинг маданий-маънавий ривожланиши, бир-бири билан боғлиқлиги тўлароқ, яхлит ва аниқ концептуал асосга эга бўлиши, инсоннинг вақтни идрок этиши, унга нисбатан тасаввури ҳам ўзгариши каби масалаларни ўрганган.

Профессор Д.Норкулов 160 дан ортиқ илмий мақолалар, рисоалар, ўқув қўлланмалар, дарслик ва монографиялар муаллифидир. Жумладан, “Мустақил Ўзбекистон: маънавий янгиланиш ва ҳуқуқий онг”, “Тарихий-маданий мерос ва миллий ўзликни англаш” монографиялари ҳам мутахассислар ва файласуфлар томонидан илиқ кутиб олинган.

Муаллифнинг “Тарихий-маданий мерос ва миллий ўзликни англаш” монографиясида Янги Ўзбекистонда тарихий-маданий меросни асраш, унга таяниш ва шу асосда миллий тараққиётга эришиш жамият ривожининг устувор йўналишларидан бири эканлигига урғу берилади. Хулоса қилиб айтганда, мазкур монографияда тарихий-маданий мерос феноменининг миллий-маданий тараққиётдаги ўрни ва функционал хусусиятларини, мамлакат инновацион ривожланишидаги ўрни ижтимоий фалсафий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Профессор Д.Норкулов кўп йиллик самарали илмий фаолияти ва мамлакатимизда фалсафа фанининг ривожига қўшган шахсий ҳиссаси учун “Турон фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланган. Шунингдек Ўзбекистон Миллий Университети

хузуридаги илмий даражалар берувчи илмий кенгаш аъзоси сифатида малакали мутахасислар тайёрлаш ишида иштирок этмоқда. Унинг илмий раҳбарлигида қатор тадқиқотчилар фалсафа фанлари бўйича номзодлик ишини химоя қилган. Профессор Д.Норқулов фалсафа фанининг жонкуяри ва ҳақиқий фидойиси сифатида мамлакатимизда ижтимоий гуманитар фанлар ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда.

Профессор Д.Норқулов давр билан ҳамоҳанг қадам ташлаб, мамлакатимиздаги демократик ислоҳотлар ва фуқоралик жамияти шаклланишидаги долзарб масалалар тадқиқига алоҳида эътибор қаратган. Файласуф ўзининг илмий изланишларида маънавий янгиланиш ва ҳуқуқий онг, ҳуқуқий онгнинг ўзига ҳос хусусиятлари ва унинг янада юксалтириш омиллари мамлакатимиз миқёсида соғлиқни сақлаш соҳасида кечаётган туб ислоҳотларнинг фалсафий жиҳатларини тадқиқ қилган. Шунингдек, тарихий-маданий мерос феноменининг миллий ўзликни англаш жараёнларига таъсири, тарихий тафаккур ва тарихий билимларнинг ўзликни англашдаги ўрни, глобаллашув ва тарихий-маданий меросни асраш масалалари, Ўзбекистонда маданиятни ривожлантириш ва тарихий-мадаий меросдан фойдаланиш концепцияси каби масалаларни ҳам ўрганган.

* * *

ИБРАТЛИ УМР

Нигинахон Шермухамедова

Ўзбекистон Миллий университети кафедра мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор

Ҳозиргидек эсимда, 1984 йилнинг куз фасли эди, мен Тошкент Давлат тиббиёт институтига тақсимот бўйича юборилган эдим. кафедрани излаб тасодифан “Фалсафа” кафедрасининг

эшигини очганимда нурли чехрали инсон менга такаллуф билан иккинчи қаватга кўтарилишимни айтдилар ва адашиб қолмаслигим учун ўзлари кафедрагача кузатиб чиқдилар. Йўл бўйи қаерда ўқиганим ва қайси вилоятдан эканлигимни сўрадилар. Мен ТошДУнинг (ҳозирги ЎзМУ) фалсафа ва иқтисод факультети фалсафа бўлими битирувчиси эканлигимни айтганимда чехрасида табассум билан “мен ҳам шу факультетнинг битирувчисиман, ТошДУ талабаси бўлиш катта шараф, энди сиз унга муносиб ўқитувчи бўлишингиз, юқори масъулият билан ишлашингиз лозим,” дедилар ва мени тўғри кафедра мудирининг хонасига олиб бориб, “Насриддин Зайниевич сизга ёш мутахассис олиб келдим, у ТошДУнинг битирувчиси, Саид Шермухамедовнинг авлодидан” деб таништирдилар. Менга вақт ажратиб институтнинг тартиб қоидалари ҳақида батафсил маълумот берган инсон Дўстмурод Норқулов эдилар. Шу воқеаларга мана 38 йил бўлди, шу йиллар давомида Дўстмурод Норқуловнинг нурли чехрасида бирор марта қаҳр, ғазаб, калондимоғлик, такаббурликни кўрмадим, Дўстмурод аканинг фикрлари доим теран, такаллуф ва муомала меъёрида, баланд оҳангда гапириш иккиюзламачилик, вазиятга қараб тусланиш уларга мутлақо бегона. Дўстмурод Ноқулов “дарахт бир жойда кўкаради” деган халқ мақолига тўлиқ риоя қилдилар десам муболаға бўлмайди, чунки улар 1974 йилдан буён Тошкент тиббиёт академиясида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, профессор, кафедра мудир лавозимларида ишладилар. Шу йиллар давомида ҳалол меҳнати, фидойилиги, инсонпарварлиги билан педагог ва олим сифатида элнинг назари ва эътирофига сазовор бўлдилар.

Дўстмурод Норқулов 2000 йиллардан жамоат ишларида ҳам фаол ишлаб, ЎзМУ ҳузуридаги илмий кенгашда котиб лавозимида ишладилар ва йиллар давомида узоқ вилоятлардан келган тадқиқотчиларга юқори даражадаги ҳурмат ва илтифот билан ёрдам бердилар, бирор марта Дўстмурод аканинг тадқиқотчиларни беҳурмат қилгани ёки вақтим йўқ деган ваз касон билан уларни

овора-ю сарсон қилганини эшитмадим. Дўстмурод ака малакали педагог бўлиш билан бир қаторда забардаст ва адолатпарвар олим ҳамдир. Йиллар давомида илмий кенгаш котиби ва аъзоси сифатида илмий ишларнинг савияси ва талабгорларнинг салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратиши, бу жараёнда талабгорларга шахсий амбициялар ёки уларнинг илмий раҳбарини обрўсизлантириш эмас, балки адолатли қарор чиқариши билан олимлик этикасига риоя қилиши, баъзи чалкаш вазиятларда эса, ўз фикрларини дадил айта олиши билан олимлар орасида ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлдилар. Биргина мисол, маълумки ҳозирги кунда барча соҳаларда мутахассислар етарлиги туфайли ихтисослик шифрига алоҳида эътибор қаратилмоқда, бу жуда тўғри ёндашув эканлигини ҳам тан олиш лозим, шу нуқтаи-назардан яқинда илмий кенгашда фалсафа фанлари бўйича тайёрланган илмий ишга педагогика фанлари бўйича мутахассис илмий раҳбар бўлган ишнинг ҳимояга қабул қилинганлиги ҳаммамизнинг муайян маънода ғашимизни келтирса-да, аксарият олимлар индамасликни афзал кўрдилар, ҳатто мен ҳам талабгорнинг илмий раҳбарига секингина “биз сизни жуда ҳурмат қиламиз, лекин файласуф кадрларни тайёрлашни файласуфларга қўйиб беринг, бу бизнинг нафсониятимизга тегаяпти, фалсафа осон фан эмас, унинг мураккаб хилқатлари ва педагогикадан фарқ қиладиган жиҳатлари кўп, сиз педагогларни тайёрлашда давом этинг” деб алоҳида ўзига айтдим.

Дўстмурод Норкулов эса, илмий кенгашда алоҳида сўз олдилар ва “кадр тайёрлашда низом талаби бузилганлиги, педагогика фанлари бўйича фан доктори фалсафа фанлари бўйича кадр тайёрлаши мумкин эмас, ҳозир фалсафа фанлари бўйича илмий салоҳият етарли ва шу боис бу масалани ОАК раисига етказиш лозим”лигини таъкидладилар, шунда мен Дўстмурод акани адолатпарвар олим сифатида кашф қилдим, чунки биз кўп ҳолларда ўзбекчилигимизга бориб баъзи айтилиши лозим бўлган аччиқ ҳақиқатларни тан олишдан қўрқамиз, Дўстмурод ака эса, бу

ҳақиқатни рўйи рост айта олдилар ва бизга ибрат бўлдилар. Дўстмурод аканинг энг олий фазилати унинг одамларга меҳр оқибатли бўла олганлигидир. Яширмайман, узоқ йиллар давомида менга нисбатан тушунарсиз вазиятлар бўлган ва кўпчилик мени кўрганда узоқроқдан ўтишга, мулоқот қилмасликга ҳаракат қилган мана шундай кунларда Дўстмурод Норқулов менга нафақат муносабатини ўзгартирмади, аксинча юқори самимий руҳини намоён этди, фарзанд Сухроб илмий семинардан ўтганида менинг бироз қатъийроқ танқидий мулоҳазаларимни тўғри қабул қилдилар ва Сухробнинг илмий ишини такомиллаштиришни ўзларига мақсад қилдилар.

Дўстмурод аканинг энг катта ютуғи ўзига муносиб ворис тайёрлаганидир, бугун уларни бахтли ота десам муболаға бўлмайди, чунки Норқулов Дўстмурод аканинг кенжа фарзанди фалсафа фанлари доктори Сухроб Дўстмуродович ва келинлари, ёш олима Фариди Умарова педагог ва олим сифатида устознинг ишларини давом эттирмоқда. Айниқса Сухроб Норқуловнинг илмий фаолиги, катта олимлар билан мулоқот қилиш маҳорати устоз тарбиясининг натижасидир, ўз фарзандининг ютуқларини кўриш эса ҳар қандай ота-она учун олий бахтдир.

Бугун Дўстмурод Норқулов кўп йиллик меҳнати самаралари гаштини сурмоқдалар. Дўстмурод Норқулов шоир Абу Фараж айтганидек “Атрофига номуносибларни тўпламаслик учун муносибларни тўплай олган”, мақсадли фаолияти билан ҳаётини маъно билан бойитган ибратли умр соҳибидир. Бугун Дўстмурод ака 70 ёшларида ибратли умр, мардлик, адолатпарварлик, меҳнатсеварлик бўйича ёшларга ибрат бўлмоқдалар. Сизга узоқ умр ва сихат саломатлик тилайман!

ИЛМ-ФАНИМИЗНИНГ ТИНИБ-ТИНЧИМАС ФИДОИЙСИ

Ҳожиакбар Ҳамидов

*Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими
ходими, Ал Бухорий университети профессори, тарих
фанлари доктори, Турон ФА I вице-президенти*

Барчага аёнки, дунё тараққиётини илм-фан ривожисиз умуман тасаввур қилиб бўлмайди. Жумладан, ижтимоий фанлар, хусусан фалсафа ва тарих фанлари ўзига хос алоҳида ўринга эга дейилса муболаға бўлмайди. Айниқса ушбу йўналишларда илмий-педагогик фаолият олиб борувчи мутахассислардан ушбу соҳада катта билим ва тажрибага эга бўлишдек масъулият талаб этилади.

Яқинда табаррук 70 ёшини нишонлаш насиб этган ҳамкасбимиз, кадрдонимиз, ўз соҳасининг ажойиб билимдони, фалсафа фанлари доктори, профессор, айна вақтда Турон фанлар академияси академиги Дўстмурод Норқулов салкам 50 йил давомида бир вақтнинг ўзида педагогик ҳамда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориб, кўпчилик хавас қилса арзийдиган ютуқ ва обрўга эришиб келаётган сермахсул олимларимиздан бирларидир. Биз Дўстмурод дўстимиз билан салкам 10 йил бўлибдики, илмий-педагогик фаолиятларимиз билан бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Турон фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, шунингдек, иккимиз ҳам академия президиуми аъзосимиз ва яна энг муҳими, ўртамизда чин дўст-кадрдонликнинг мустаҳкам ришталари мавжуд. Кўплаб илмий масалаларнинг турли йўналишларида фикр алмашиб, маслаҳатлашиб, бахслашиб турамыз. Дўстмурод ака ниҳоятда маданиятли, билимдон, энг муҳими, тўғри сўз, самимий суҳбатдош инсон. Яна ажойиб, энг муҳим фазилатларидан бири, илмий педагогик ижодда дарсликлар, манографиялар, ўқув қўлланмалар, илмий рисоалар,

мақолалар ёзиб, уларни қисқа муддатларда нашрдан чиқариб, илмий муомалага киритиш жараёнларида ҳам ўқитувчилар, домлалар ҳавас қиладиган даражада илдамликка эришиб келадилар.

Эътибор беринг-а, бир ёқда шунча илмий махсулотлар яратиш, иккинчи томонда педагогик фаолиятни мунтазам давом эттириш, қолаверса, ёш педагогларга ҳамда илмий иш билан шуғулланаётган ёш олимликка интилувчиларга раҳбарлик қилади.

Буларни ҳаммаси бир вақтни ўзида амалга оширилаётган фаолиятларидир. Албатта буларни тагида тинимсиз меҳнат, ўз ишига, соҳасига бўлган фидоийлик ётибди, десак асло янглишмаган бўламан ва акамизга кўпинча, ғайратингизга кўз тегмасин, деб тураман. Шунини ҳам алоҳида таъкидлашни хоҳлардимки, Дўстмурод дўстимизга ўзлари хизмат қиладиган Тошкент тиббиёт академияси битирувчиларидан қабул қилинган “Ўзбекистон тарихи” фанидан олинадиган Якуний Давлат аттестациясига ҳайъат раислигига мени 2 марта таклиф қилдилар ва ушбу жараёнларда олийгоҳда меҳнат қиладиган педагоглар билан учрашиб, суҳбатлашиш жараёнида Дўстмурод дўстимизга ҳамкасб педагоглар ҳамда талабалар ўртасида ўзига хос алоҳида ҳурмат ва эътиборда эканликларини шоҳиди бўлиб, ниҳоятда ҳурсанд бўлдим ва шундай қадрдоним дўстим билан яна бир бор фахрландим. Қадрдонимизнинг оилаларида яна бир қувончли воқеа, яъни, севимли ўғиллари Сухробжон (уни мен талабалик давридани билардим) ота изидан бориб, илм-фанга қизиқиб, аспирантура ва докторантураларни муваффақиятли тугатиб, фалсафа фанлари доктори илмий даражасига эришгани, отани касбини давомчиси сифатида олимлик даражасини соҳиби бўлганини албатта ота дуосини олганлигини натижаси деб биламан. Албатта оиладаги фарзандларнинг бундай улкан ютуқларга эришиши ота-онасининг умрига умр кўшишига ишончимиз комил.

Қадрдоним, маслакдошим Дўстмурод дўстимизнинг босиб

ўтаётган барчага, айникса ёш авлодга ажойиб ибрат, намуна бўладиган ҳаёт йўллари кўпчилик хавас қилса арзийдиган мазмунли, ҳаққоний йўлдир.

Ажойиб инсон, ўз касбининг билимдони, етук олим, Дўстмурод дўстимни бундан кейинги ҳаётларида ҳам фақат барча хавас қиладиган чиройли ютуқлар ва энг муҳими ўзларига, оила аъзоларига мустаҳкам саломатлик тилаб қоламан.

* * *

ИНСОНИЙЛИК ВА АҚЛИЙ КАМОЛОТ СОҲИБИ ҲАҚИДА

Зиёд Давронов

Тошкент молия институти профессори, фалсафа фанлари доктори

Мутафаккирларан бири “Агар азим тоғни бутун бўй-басти билан кўрмоқчи бўлсанг сал наридан туриб қара, чунки ёнида ёки бағрида туриб қарасак, унинг қаноатини бир бўлагини кўрасан, узокдан қарасанг бутун салобатини кўрасан” деган экан. Ушбу фалсафий фикр Тошкент тиббиёт академияси ижтимоий фанлар кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори, Турон ФА академиги Дўстмурод Тошпўлатович Норқуловнинг ибратли ҳаёт йўлига дахлдордек.

Муболаға эмас, Дўстмурод Норқуловни тоғлар салобатига ўхшатмоқдаман. Маълумки тоғ ҳеч вақт совуқда музламайди, ҳеч қачон иссиқда эрмайди. Ҳеч қачон шамол ва бўронларга эгилмайди, тоғ ўзидан фойдали қазилмалар чиқаради, булоқлардан жилғалар, жилғалардан дарёлар ҳосил қилса-да, уларга кўшилиб оқиб кетмайди. Кундалик ҳаёт, турмуш тарзимизда ҳам кишилар: “мисоли тоғим деб юрибманку” ёки “сен мени суянган тоғимсан”, - деб яқинларини тоққа қиёс қиладилар ва ўз кўнгилларида таскин топадилар. Мен бу фикрларимни

Дўстмуроджонга нисбатан бежизга айтмадим. Сабаби у киши билан бирга ўқимаган, ишламаган бўлсам-да узоқроқда бўлсам ҳам узоқ йиллардан буён илмий фаолиятларини кузатиб юраман. Юқоридаги ўхшатишлар дўстимга тааллуқли эканлигига заррача шубҳам йўқ, чунки учрашганимизда мазмунли суҳбатлар қурамиз, илм соҳасида, юксак маънавият, устозлар ҳақида ўзаро фикрлар алмашиб, мунозаралар қиламиз. Фалсафа, педагогика, сиёсатшунослик, диншунослик ва бошқа соҳаларда бўладиган шахсий фикрларимиз билан ўртоқлашамиз. Айниқса қаҳрамоним узоқ йиллар давомида Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги фалсафа фанлари доктори илмий даражасини берувчи Ихтисослашган илмий кенгашнинг Илмий котиби сифатида фаолият юритган даврларида тез-тез учрашиб турар эдик. Шу сабабли, Дўстмурод Норқуловнинг турли соҳалардаги фаолияти ҳақида дадил айта оламан. Дадил айта оламанки, дўстимизга аввал инсонийлик, дўст ва ёр биродарларига ғамхўрлик қилади, айниқса ўз шогирд ва тадқиқотчиларига маслаҳатгўй, йўл кўрсатувчи ва меҳнаткаш бир олий тоифадаги камтаринлик мужассам. Таъкидлашим лозимки, айнан илмий кенгашнинг илмий котиблиги даврида баъзи “Тош” отувчилар бўлса-да улардан жирканмади, ҳамиша ўз меъёрида бўлиб юрди ва иш юритди. Орада фаолияти ҳақида мақтовлар бўлсада “эриб” кетмади, баъзилардек шу лавозим вазифасида туриб кеккайиб кетмади. Жаҳли чиққанда ҳам қизиққонлик қилмади, аксинча босиқлик билан уларни кечирди. Ўзини ҳамиша меъёрида тутди. Айниқса ёш диссертант –тадқиқотчиларга Олий Аттестация Комиссияси низомлари талабларини ётиғи билан тушунтириб фақат яхшилик нуқтаи назаридан ёндошиб иш тутди. Камина ҳам мазкур ишларни юритганида Дўстмурод Норқуловга жиддий эътибор бериб, кўп илмий сир асрорларни ўрганди ҳам.

Кўп йиллар давомида гувоҳ бўлдимки, фалсафа фанлари бўйича докторлик диссертациясини ёқлаганлар ўз фаолиятини Норқулов таъсирида ижобий намоёиш қила олдилар.

Эътибор берсам, у кишидаги ташкилотчилик ҳам кўпларга ибратдир. Тошкент тиббиёт академиясида Ижтимоий фанлар кафедрасини таълим соҳасига нисбатан талаб кўчайган бир даврда 18 йил бошқариши ўз-ўзидан бўлмаган. Кафедра мудирининг кенг қиррали, қийин лекин шарафли ишида дўстимизнинг бошидан нималар ўтмаган дейсиз. Ишончим комилки, бу вазифадалигида ақлий камолотидан фойдаланиб фаолият юритган, акс ҳолда, узок муддатда бу вазифада ишлаш мушкул эди. Масъулиятли вазифада ишлаб юрган пайтларида шахсий манфаатларини жамият манфаатларидан устун қўймаган инсонгина шундай ютуқларга эришади, албатта.

Мен мақолам сарлавҳасида ақлий камолот деган жумлани ишлатганим бежиз эмас. Инсон ўз ақлий қобилияти билан бошқанинг эътиборига тушади, соғлом ақл эса бекамикўстликдир. Дўстмуроджон ана шундай бекамикўстликга эга шахс десам, хато бўлмайди. Сабаби у киши ана шу ақлий камолотда юксак маънавий қурол сифатида ижобий фойдаланганлар. Тўғри, ақли бўлишнинг ўзи кифоя эмас, гап уни ўз ўрнида, кундалик ҳаётда татбиқ этишга ҳам боғлиқ. “Темир ишлатилмаса занглайди, кўлмак совуқда музлайди, одамларнинг ақли ишлатилмаса – куриб адо бўлади”, деб Леонардо Да Винчи бекорга айтмагандир, ахир. Чунки, сезаманки, инсонлар билан бўлган мулоқотларда, айниқса, кўплаб диссертацияларга оппонентлик жараёнларида ноёб фазилат бўлган ақллилик билан ўзларини намоён қила олдилар. Диссертант-тадқиқотчиларга илмий ишларининг камчиликларини рўй рост айтсаларда, ўз фикрларини босиқлик билан, шахсиятга тегмасдан, ёки илмийлигини тўсатдан йўққа чиқармасдан холисона баҳолаб, “сихни ҳам, кабобни ҳам” куйдирмасдан бошқаларни лол қолдирадилар. Бу кишидаги бу ақлий фазилатларни фақат мен эмас тингловчиларнинг барчаси эътироф этганларини гувоҳиман.

Ушбу фикрларимни тасдиқлашим мақсадида Дўстмурод Норқуловнинг ўзларига тааллуқли бўлган фалсафа фанлари

номзодлиги, фалсафа фанлари докторлиги диссертацияларининг мавзуларига диққатни тортмоқчиман. Номзодлик бўйича “Бўш вақт — қишлоқ меҳнаткашлари маданий-техник савиясини оширишнинг муҳим омили”, докторлик бўйича “Вақт — жамият маданий-маънавий равнақи омили: назария ва амалиёт” деб номланган.

Айтиш лозимки, бу мавзуларни иккаласи ҳам долзарб бўлиб, фалсафанинг “макон ва замон” категорияларини республикада биринчилардан бўлиб илмий мулоқотга олиб кирганлар. Бу мавзулар фалсафа фанининг муаммоларини ривожлантиришга қўшилган жиддий ва муҳим ҳиссадир. Ушбу мавзулар орқали фалсафа фанига янгича ёндашиб ўз муаммосини назарий ва амалий жиҳатдан бойишига эришган. Дўстмурод Норқулов ўзининг диссертацияларида кўтарилган назарий ва амалий жиҳатларини диссертациялигича қолдирмади. Уларни фақат илмий жиҳатдан эмас, балки амалий фаолиятга бағишлаб ҳам давом эттирди, яъни диссертациядаги назарий ва амалий жиҳати долзарблигини ҳисобга олиб рисоалар, мақолалар, монографиялар тарзида чоп этилиб, зиёлиларга ва умуман аҳолига етказилди. Булар жумласига “Меҳнат, турмуш ва бўш вақт”, “Вақт ва инсон”, “Мустақил Ўзбекистон: маънавий янгиланиш ва ҳуқуқий онг”, “Тарихий — маданий мерос ва миллий ўзликни англаш” каби монографиялар ҳамда 160 дан ортиқ илмий мақолалар, рисоалар, ўқув, ўқув-услубий қўлланмалар, дарсликлар чоп этилганлиги фикримнинг далилидир.

Мен дўстимиз ва укамиз Дўстмуроджон ҳақида уни кенг уммондек фаолиятдан бир томчидек қиррасини табрик сифатида ўқувчимга тақдим этар эканман, ўзимни ўта бахтиёр ҳис этиб, у киши билан бир макон бир вақтда нафас олаётганимдан беҳад мамнунман, бахтиёрман. Дўстимизнинг ноёб фазилатлари кўпларга намуна бўлишига ишончим комил. У киши ҳақиқатдан ҳам мўътабар инсон, ақлий комолот соҳибидир. Ҳозир 70 ёшда бўлсаларда, айти пайтда ақлий комолотнинг навқиронлик

бўсағасидадирлар.

Эндиликда ҳам оила аъзолари, қавму қориндошлару — дўстлари, қолаверса, жамоа ва жамият у кишидан янги-янги фаолият кўрсатишини — тарбия ва таълимда, кўплаб шогирдлар етиштиришда, намунали меҳнат ва ҳаёт қуришни кутиб қоладилар.

Дўстмуроджон, ҳорманг, оила, эл-юрт бахтига узоқ умр кўринг. Ҳақиқий файласуф олим сифатида ишда давом этинг. Ҳазрати Навоий “олим керакки, ўз илмининг поя ва миқдорини асрагай, гавҳарни имтиҳон учун тошга урмагай”, деб бежиз айтмаганлар. Демокчиманки, Сиз кераксиз, Сиз илмингизни асрайсиз ва тарқатасиз, уни беҳудага сарфламайсиз, шунда ўзингиз айтганингиздек “вақт”дан ҳам ютасиз. Омон бўлинг, иншоолоҳ.

* * *

ДЎСТИМ-ДЎСТМУРОД

Виктор Алимасов

*Тошкент давлат Санъат ва маданият институти
профессори, фалсафа фанлар доктори*

Агар исм инсоннинг характери ва хусусиятларини ифода этиши рост бўлса, Дўстмуроднинг дўстлиги ибрат намунасидир. Унинг дўстлиги, дўсти учун фидойилиги, бедиллик ва бефарқлик ҳукмрон бу ҳаётда меҳр улашишдаги сахийлиги гоҳо менда ҳайрат уйғотади. Мудом банд, улкан оила бошлиғи, Тошкент тиббиёт академиясида ҳар куни дарс-машғулот, соғлиқ эътиборни тақозо этади, Дўстим эса мени кўргани Чирчиққа чопади. Оралиқ масофа 30-35 километр. Қани эди менда шундай садоқат, фидойилик ва меҳр бўлса...

1997 йили Дўстмурод билан бирга бир кафедрада, Тошкент Давлат Аграр университетида ишлаганман. Биз шу даргоҳда танишганмиз. Иноқ, биродар бўлиб қолганмиз. Унинг китоб-

дафтарларни, гуруҳ журналларини қўлтиқлаб юриши эсимда қолган. Талабаларнинг исми ва фамилиясини эринмай дафтарига ёзиб юрарди. Мен эса мутлақ бошқача усул, яъни ҳеч қандай қоғозсиз дарсга киришни ёқтирардим. Ҳануз шундай қиламан. Дўстмурод учун дарс-машғулотга тайёргарлик кўришда майда, зерикарли нарса йўқ, изчиллик ва тартиб керак. Бир куни, эсимда ҳануз, деканатдан келишиб, дарс-машғулот қайдномаларини текширишди. Дўстмурод қайдномаларини кўрган деканат вакили кафедранинг роса мақтаган. Мен кўрқиб ўтирибман, ҳеч нима йўқ, роса гап эшитаман. Янги ректор ҳайфсан эълон қилиши, ишдан бўшатиши ҳам мумкин эди. Дўстимнинг ушбу "халоскорлиги"ни баъзан эслаб қўяман...

Дўстмурод ўта босиқ, вазмин ва беозор фикрловчи инсон. Босиқлигининг сукут, жилмайиб, "ҳа, маъқул", "шундай" дейиши билан тасдиқлаб қўяди. Тортишмайди, ўз фикридан қолмайди, гоҳо "нодонга жавоб - сукут" тарзида жилмайиб қўя қолади. Унинг бу сукути тагида Шарқ мутафаккирларига хос вазминлик, беозорлик яширинган

Яширмайман, бу менга консерватизм, фикр ёлқовлиги бўлиб туюлади, аммо вақт ўтгач, адашганимга иқрор бўламан. Дўстимнинг вазмин нигоҳи, осуда фикрлари, майин овози кўз олдидан гавдаланади.

Биз фалсафа мавзусида фикрлашиб, баҳслашиб тураемиз. Бир пайтлари мени саломатлик фалсафаси қизиқтириб қолган. Бу борада Тиббиёт академияси хизматидан фойдаланишимга тўғри келган. Дўстмурод мени Академия кутубхонасига олиб борган, китобларни танлашиб, маълум бир муддатга уйга олиб кетишимга бош-қош бўлган. Ҳайратли жиҳати шунда эдики, у эртасига юрак клиникасига ётиши керак экан. Айтмаган. Уч кун ўтгач ўғли, фалсафа фанлари доктори, профессор Сухроб Норқулов, адаси клиникага тушганини билдирган. Борганман. Мени кўриб ҳурсанд бўлган. Кўнглини кўтарган бўлдим, ишларимиз кўплигини айтдим, ёрдамнингиз керак бўлади, дедим. Бир-икки ҳазил мутоиба

қилди "майли, маъкул" деб қўйди одатича. Кейин биз ўғли, келини, шогирдлари мавзулари бўйича анча фикр алмашганмиз. ОАК ўғли авторефератини қайтараверган, ОАКнинг даъволари аслида сўз ўйинлари эди. Учаламиз йиғилиб, ҳар бир сўз устида тортишардик. Чирчиққа қайтишим зарурлиги ҳам эсимдан чиқиб кетарди. Тортишувларимиз ва фикр алмашишларимиз тонг отгунча давом этарди. Сир эмаски, диссертация ёзган ҳар доим ҳам автореферат тайёрлашга қийналади. Фикр ва хулосаларни лўнда ифодалаш алоҳида санъат. Автореферат ана шундай лўнда хулосалари билан қийинчилик уйғотади. Сухробни автореферати ОАК нигоҳидан ўтгач, Дўстмурод иккаламиз талабалар шаҳарчасидаги кафега кириб, хурсандчилик қилганмиз...

Дўстмурод кўнгли тоза инсон. У шумлик, алдаш, лақиллатиш нималигини билмайди. Баъзан тегажоқлик қиламан, у сўзимга дарров ишонади. Шубҳа билдирмайди. Қишлоқона бир соддадиллик билан сизнинг фикрларингизга қўшилади. У сизни хафа қилмаслик учун эмас шундай қилмайди, йўқ, у табиатан соддадил, очик кўнгил, беғубор. Фалсафа фанлари доктори, профессор сифатида юқори материя, мавхум борлик, экзистенция ҳақида сўз ўйинларига берилиши мумкин эди, у, аксинча, соддадиллиги билан сизни мафтун этади.

Ҳаётда бедиллик, бешафқатлик етарлича учрайди. Гоҳо яқинларинг бешафқатлик қилади, дилингни оғритади, умидларингни остин-устун қилади. Аммо дўстим уни вазминлик билан енгади, табиат берган босиқлик аламли онлардан ўтишга ёрдам беради унга. Аслида бу ҳам Шарқона хислат.

Дўстим Дўстмурод бор бўлсин!

Соғ бўлсин!

Фарзандлари, неваралари, ёру биродарлари даврасида дили шод юрсин!

Етмиш йил - икки киприк ораси. Эзгу тилакли, покдомон кишилар узоқ яшаши керак, улар туфайли инсон ҳаёти муаббад. Ҳали келажак учун, неваралар ҳаётини янада сермазмун қиладиган

нарсалар яратиш учун кўп нарсаларни барпо этишимиз керак. Демак, яна изланиш, яна яратиш олдимизда. Бунинг азияти ҳам, завқи ҳам қисматимизда.

* * *

ТЕРАН САЛОҲИЯТЛИ ИНСОН

Бекдавлат Алиев

*Тошкент Давлат иқтисодиёт университети профессори,
фалсафа фанлари доктори*

Ҳар соҳа ва жиҳатда эзгуликнинг, юксак одобу маданиятининг яхши эканлиги, умуман эса, яхшиликларнинг яхшилиги борасида инсоният деярли тортишмайди. Ўзаро можоро чиқармайди, уруш очмайди. Жуда кўплаб келишмовчиликлар одатда яхшиликнинг ўзи нималигини ҳар кимнинг ўз- ўзича тушуниб юришидан, бир сўз билан айтганда, ҳар кимнинг дунёни ўз қаричи билан ўлчаб юришидан чиқади. Тафаккур қилгучиларгина дунёнинг хикматларига ғарқлигини, аввало, олам ва одам моҳиятларини чуқур идроклаш шартлигини, умрини исроф этмасликни, ҳаётни обод этиш ва эзгулик таратиш умридан бош мақсад эканини ибратли даражада биладилар. Улар ҳар бир ишга киришишдан олдин шу ишга оид барча нарсалар, оқибатлар ҳақиқатини диний, дунёвий илмлар ҳамда тажрибалардан суриштирадилар. Натижада тўғри илмлари, амаллари туфайли уларнинг ўзлари ҳам жамиятда ибратли сиймоларга айланишади.

Ўтган асрнинг 90 йиллари бошида Дўстмурот Норқулов билан танишганмиз, бир биримизга сабаб бўлиб, қатор-қатор дўстлар орттирганмиз, давраларимизда маърифий суҳбатларнинг кўп бўлгани ва қизгин кечгани унут бўладиган ходиса эмас. Дўстмурот укамизда ўзгалар эътиборини тортувчи зохирий ва ботиний хусусиятлар ўша йиллардаёқ кўп эди. Илк бор

танишишиб, суҳбат қуришган кунларнинг эртасида яқин дўстимиз, катта олим Исмоил Саифназаров телефон қилиб, у киши исми талаффузини менадан янада аниқлаштириб олгани, феъл-атворлари бағоят маъқул эканлигини айтдилар.

Ҳақ таълимот илмлари ҳар қандай маҳдудликдан сақланишни, аралаш-қуралаш яшашни, дунё деб ўзини ўтга чўққа уришни, бировлар ва эл-юрт масалаларига бепарволикни ман этади. Касб-кор, илмий ижодда бошқачалигу, шахсий ҳаётда бошқачаликни қоралайди. Инсонда камолнинг, комил сифат ва ютуқларнинг вужудга келишини илму-амал муштараклигида деб таълим беради.

Дўстмурот Норқулов ҳаёт йўлининг қай жабҳасига назар солсангиз, кўплаб азалий эзгу одатлар, насиҳатларга риоят, итоатнинг собит тажассумларини кўрмоқ мумкин. Айни чоғда, унинг илмий-ижодий, шахсий, оилавий ютуқлари ортида катта меҳнат, захматлар ётганини ҳам, синовларга сабрлилик, ҳар қандай ҳолатда рухий кўтаринкилик ва фаолликнинг ажойиб ибратлари борлигини ҳам хис этмоқ қийин эмас.

Инсон салоҳиятида қайсидир бир илм ёхут илмий йўналиш билан чекланиб қолишлик номанзур ҳолатлар кўп учрайди. Дўстмурот укамиз ёшликдан турли билимларни пухта ўзлаштирган, кейинчалик тарих, фалсафа, маънавият, маърифатнинг қатор муаммолари доирасида салмоқли илмий ишларни рўёбга чиқарган, ўнлаб дарслик, қўлланмалар, монографиялар ва рисоалар яратиб, юзлаб шогирту мутахассислар тайёрлаб жамиятимизнинг ҳар томонлама тараққиётига муносиб хисса қўшиб келаётган олимдир.

Юксак маънавиятнинг оммавий шаклланишигина фаровон, етук жамият пойдевори бўла олишини, ҳар қандай фаний мавзуларнинг ҳам моҳиятан шу мақсад ила барқарорлигини, шу боис соҳалараро ҳамкорлик ва уйғунликнинг қанчалик оламшумул эҳтиёжлигини теран хис этган олимнинг даврдаги етук шоир, ёзувчилар, драматурглар, актёрлар турли соҳа намоёндалари

билан яқин ҳамкорлиги заминида ҳам улуғворлик мужассамлигига шубҳа йўқ.

Дўстмурот Норқуловнинг ўз таълимли фаолиятини шу тарз атрофлича бойитиб, тўлдириб намоён этиши Ватан авлодларига маърифат зиёларини тарқатишнинг ўзига хос намунасидир. Олимнинг мавзулар миқёси ғоятда кенг ва долзарб бўлиб, уларнинг барчаси ана шундай серқамров изланишлар, сай-ҳаракатлар, жозибали йўл-йўриқ, хулосаларни топишлар хосиласидир. Бу қамровлар фаолиятида мустақилликнинг улкан масъулиятлари ифодаси, истиқлол шукронаси, мамалакатимизнинг ҳар тарафлама тараққийсига етук зиёлигига хос химатлар мужассам.

Дунёда яхшиликларни тўғри билувчиликдан, уларнинг ҳайрихохи, ижрочиси, ташаббускори бўлувчиликдан зиёда бахтнинг ўзи йўқ. Ҳар бир ишни илоҳий насиҳатларда ўргатилганидек гўзал адо этиб бориш ибодат, бинобарин, саодат саналади.

Халқ эҳтироми, эътирофи, дуоларига қўшиламыз. Зукко олим, маърифатпарвар, пиру-бадавлат Дўстмурот Норқуловга, ҳар жабҳада фаолиятлари ва ютуқларининг оқила вафодори турмуш ўртоғига, улар ахлига яратгандан ўзлари кутган – кутмаган улкан, бардавом яхшиликлар тилаймиз.

* * *

ТАЛАБАЛИКДАН БОШЛАНГАН ДЎСТЛИК

Ибодулла Эргашев

*Ўзбекистон Миллий университети профессори, сиёсий
фанлар доктори*

1969 йилнинг сентябрь оyi. Талабаликнинг бошланиши. У пайтда фалсафа тарих факультетининг бўлими эди. Мен

Дўстмуродни ана шунда биринчи бор кўрганман ва биз бир курсда ўқий бошладик. Мана шунга ҳам 53 йил бўлибди. Шунча вақтдан буён курсдошликнинг илк кунларидан хозиргача ҳамфикр, дўст ва ҳамкасб сифатида бирга ишлаб келаяпмиз. Дўстмурод хозиргача тиббиёт академиясида ишлаб келмоқда. Ўтган йиллар давомида у ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент ва фалсафа бўйича фан номзоди ва фан доктори илмий даражасига, профессор унвонига эга бўлди. Бу унинг педагогик ва илмий фаолиятининг ўзига хос натижаси самарасини кўрсатди. Узоқ йиллар давомида у Тошкент тиббиёт академияси ижтимоий фанлар кафедрасига раҳбарлик қилди ва ҳозирги кунда шу кафедра профессори лавозимида ишламоқда.

Халқимизда «дарахт бир жойда кўкаради» деган доно нақлга амал қилган инсон сифатида ҳам қадрли ва жамоаси ўртасида ҳурмат ва эътиборга лойик. Дўстмуродни билган одамлар файласуф, билмаганлар тиббиёт ходими деб ҳисоблайдилар. Жуда кўп инсонларга ёрдам бериб, эътироф қилиш керакки, яхши шифокорлар топиб, соғайишига мададкор бўлиб, хайрли ишларни амалга оширган ва амалга ошириб келаётган дилкаш ва исмига мос қадрли инсон.

Биз ўқиш ва айниқса ўқишдан кейин ишлаш даврида бир-биримизга анча яқин бўлиб кетдик. Оилавий бир-бирларимизни биламиз. Турмуш ўртоғи Фазилатхон (Оллох раҳмат қилган бўлсин) самимий ва хушмуомала инсон эди. Дўстмурод яхши оила эгаси сифатида фарзандларини тарбиясига алоҳида эътибор берди. Фарзандлари ҳам мустақил оила эгаси, яхши фарзандларни тарбиялаб, вояга етказмоқда. Бугун фарзандлари ҳам болаларини катта ҳаётга тайёрлаб, оилавий бардавомликни таъминлаб, отасига ўхшаган ўйловчан, мулохазали, тарбияли инсонлар сифатида жамиятимизга ўзининг хиссасини қўшиб келмоқда. Шулардан Сухроб отаси изидан борди ва фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олди. У ҳам отаси сингари Тошкент тиббиёт академиясининг ижтимоий фанлар кафедрасига мудирлик қилиб, талабарга таълим-тарбия бериб келмоқда. Бундан биз хурсандмиз.

Дўстмуроднинг ҳаётида оғир синовлар ҳам бўлди. Уни ҳам ўзига хос сабр ва қаноат билан жасорат билан енгди. Бугун Дўстмурод тўғрисида гапирганда, биздан бир йил олдин ўқиган дўстимиз фалсафа фанлари доктори профессор Хўжамуродов Иброхим Рузиевични (Оллох раҳмат қилган бўлсин) ҳам албатта эслаш керак деб ўйлайман. Бу аввало бир-биримизга яқин бўлганимиздан, ҳамфикр, кадрдон эканлигимизни таъкидлаш учун ҳам зарур.

Дўстмурод ўзининг илмий-педагогик фаолияти давомида, илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда ҳамда фалсафа фанлари бўйича ЎзМУ хузуридаги Ихтисослашган кенгаш аъзоси ва кенгаш котиби сифатида ўзининг хиссасини қўшиб келмоқда. Унинг раҳбарлигида фан номзодлари етишиб чиқди, бир нечта шогирдларга илмий раҳбарлик қилди, яъни илмий педагогик кадрлар тайёрлади. Улар таълимнинг турли соҳаларида фаолият юритмоқда. Дўстмурод вақтни кадрлаган, кадрига етган инсон сифатида ҳам ҳаёти ибратли. У вақт муаммосини ўрганди ва вақтнинг жамият ҳаётига, инсонлар ҳаётида таъсирини тадқиқ этди. Бу Дўстмуродни ҳаётида ўз ўрнини , ёшларни ҳаётида ўз ўрнини топишларида вақтни кадрлайдиган янги авлодни тарбиясида муҳим роль ўйнади. Фалсафа фани бўйича фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олишга муваффақ бўлди.

Мен Дўстмуродни дўстим деб айта оламан, гарчи дўстликнинг барча синовларига бардош беришга тўғри келса ҳам. Ҳақиқий дўст - дўстнинг нафакат ширин гапига, ўрни келганда аччиқ гапини ҳам кўтара олиши ҳам муҳим. Ҳаётимда мен кулдириб гапирмадим, кулиб гапирганларга эмас, кўпроқ кулдирмасам ҳам, самимий инсонларни ўзимга яқин олдим ва ҳурмат билан қарадим. Ҳаёт жуда мураккаб эканлигига, ҳар хил инсонлар ва турли манфаатлар ҳаётни театрга айлантириб қўйиши мумкинлигига иқрор ҳам бўлдим.

Дўстмурод ўзининг илмий-педагогик фаолияти давомида бир нечта илмий мақолалар, монография ва дарслик, ўқув

қўлланмаларни яратди. Тиббиёт академияси талабаларида янгича мустақиллик тафаккурини шаклланишида ўзининг муносиб хиссасини қўшиб келмоқда.

Мен, Дўстмуродни 70 ёши билан қутлайман. Мустахкам соғлиқ, оилавий тинчлик ва хотиржамлик тилайман.

* * *

КАМТАР ВА САМИМИЙ ИНСОН

Нишонова Озода Джалолитдиновна

*Ўзбекистон Миллий университети профессори, фалсафа
фанлари доктори*

Мен фалсафа фанлари доктори, профессор Дўстмурод Тошпўлатович Норқуловни илк бор номзодлик диссертациямни ҳимоя қилаётган кезларимда учратганман. Ўшанда Дўстмурод ака Илмий Кенгаш котиби эдилар. Қабулларига бордим, коридорда беш-олти нафар тадқиқотчи кутиб турарди. Мен ҳам юрагимда минг ҳадик билан кутиб турибман. Белгиланган вақтда қўлида ҳужжатлар солинган папка кўтарган басавлат киши келиб, кенгаш хонасини очди ва ичкарига кирди. Тўпланиб турганлар “тур этиб” хонага ёпирилишди. Салом-алиқдан кейин бирин-кетин ҳамма диссертация, ҳимояга боғлиқ ҳужжатлар ҳақида савол бера бошлади. Дўстмурод ака уларнинг барча саволларига эринмасдан, шошмасдан жавоб бера бошладилар. Улар билан эски қадрдонлардек эмин-эркин суҳбатлашаётганларини кўриб, очиғи тадқиқотчиларга ҳавасим келди. Охирги тадқиқотчини иши битгунча кутиб турдим ва ниҳоят навбат менга келди. Дўстмурод ака менга юзланиб, “келинг синглим, ҳужжат топширгани келдингизми? – деб сўрадилар, кейин ҳужжатларимни бирма-бир текшириб, камчиликларини айтдилар, маслаҳатлар бердилар. Мен билан ҳам боя ҳавас қилганим каби, эски қадрдонлардек самимий

гаплашдилар. Кабинетдан хурсанд бўлиб, енгил тортиб чиқдим. Шу билан то ҳимоя қилиб, диплом олгунимга қадар бошқа тадқиқотчилар каби менга ҳам беғараз, беминнат ёрдам бердилар.

Дўстмурод акани йигирма йилга яқин вақт мобайнида таниган бўлсам, шу вақтгача ҳали бирорта одамдан у киши ҳақида ёмон гап эшитганим йўқ. Ёшу-қари олимларнинг барчаси уларни бирдек яхши кўради ва ҳурмат қилади. Менимча, фалсафа кенгашида диссертацияларга энг кўп тақризчи ва оппонент бўлган олим Дўстмурод ака бўлсалар керак. Чунки, кўпчилик самимий ва камтар бу инсонни ўз ишига ёки шогирдига оппонент бўлишини хоҳлайди.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Одамларнинг Аллоҳга суюмлироғи (одамларга) нафи кўпроқ тегадиганидир... Мусулмон биродарим билан бирга бирон ҳожати учун юришим мен учун бир ой масжидда эътикоф ўтиришимдан яхшидир... Ким мусулмон биродари билан бирга то унинг бир ҳожатини раво қилгунча юрса, Аллоҳ таоло қадамлар тойиладиган кунда унинг қадамини собит қилади» (Табароний ривояти, Саҳиҳул-жомийъ: 176). Дўстмурод ака ана шундай, одамларни ҳожатини чиқарадиган, кўпчиликка яхшилик қилган инсондирлар.

Аксарият олимлар фарзандлари ўз изларидан боришини, илм йўлини танлашини хоҳлайдилар. Аммо, афсуски, бу ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Дўстмурод Тошпўлатовични эса бу борада ҳам омадлари чопган. Ўғиллари Сухроб ота изидан кетди. *Бенжамин Франклин шундай деганди:* “менга айт ва мен унутаман. Менга сабоқ бер ва мен эслаб юраман. Мени қизиқтир ва мен ўрганаман”. Дўстмурод ака фарзандини илмга қизиқтира олишни уддасидан чиққан олимлардан саналадилар. Бугун Сухроб Дўстмуродович фалсафа фанлари доктори, Тошкент тиббиёт академиясида кафедра мудири. Маънавиятли ота тарбиясини олган ўғил худди отаси каби камтар, самимий, маданиятли.

Сухробнинг аёли Фаридaxon ҳам олима, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори.

Устозимиз Дўстмурод Тошпўлатович Норкуловни кутлуғ 70 ёш билан табриклайман! Мазмунли узок умр, мустаҳкам соғлик, хотиржамлик, хонадонларига осойишталик, баракали ризқ, файзу-барокат тилаб қоламан.

* * *

ФАН БОҒИНИНГ БОҒБОНИ

Хажиева Максуда Султановна

Урганч давлат университети “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси” кафедраси мудури, фалсафа фанлари доктори, профессор,

*Устоз – муаллимсиз қолганда замон,
Нодонликдан қаро бўларди замон.
Абдурахмон Жомий*

Инсоният илм билангина Аллоҳни танийди, ҳақиқий саодатни қўлга киритади, унинг шарофати билан юксалади. Илм эса устознинг саъй-ҳаракати, тинимсиз меҳнати, ғайрати ва матонати билан эгалланади. Илм ўргатувчи устозлар бежизга “пайғамбарларнинг меросхўрлари” деб эъзозланмаганлар. Аллоҳ таоло илм аҳллари ҳақида: **“Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур...”** деб марҳамат қилади. (*Мужодала, 11-оят*). Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Мен муаллим (илму ҳикмат ўргатувчи) қилиб юборилдим”**, деб марҳамат қилганлар. Халқимиз илм ўрганувчи ва илм ўргатувчиларни ҳамиша эъзозлаган. Устоз-шогирдлик анъаналари қадимдан ривожланган. Бунда асрлар давомида шаклланган

тартиб-қоидаларга амал қилиб келинади. Инсон маънавий камолот чўққисига устозсиз ета олмайди. Бу ҳақда Алишер Навоий ҳазратлари:

*Агар шогирд шайхулислом, ёхуд қозидур,
Агар устоз рози – Тангри розидур, – дейди.*

Қадимдан ота-боболаримиз фарзандини: “Эти сизники, суяги бизники”, дея устозга топширган. Устоз ҳам шогирдига илму-хунар ўргатишга астойдил бел боғлаб, бор билимини беришга интилган, болага одоб-ахлоқни ўргатган. Оилавий муҳитда етарли талабчанлик кўрмаган болани қатъий тартиб-қоидага кўниктирган. Ана шу тартибда халқимиз азалдан илм-хунар ўрганган ва ўргатган. Юртимиздан донғи дунёни тутган улуғ олимлар ва мутафаккирлар кўп чиққанининг сабаби ҳам шундан. Аждодларимиздан нафақат зиёлилар, балки оддий хунарманд, косиб ёки деҳқонлар хонадонларида ҳам узун қиш кечалари оилавий китобхонликлар бўлган, саводхон кишилар оила аъзоларига турли диний ва илмий китобларни ўқиб берган. Ота-боболаримиз ҳамиша илмга интилган, китобни ардоқлаган, ўқиганларини бошқаларга ҳам ўргатган. Ўтмишда яшаб ўтган аждодларимиз ҳаётида биз учун устозлик борасида етарлича ибрат бор. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий, Қозизода Румий ва Мирзо Улуғбеклар ўртасидаги устоз-шогирд муносабатлари шулар жумласидандир. Шундай юксак шарафга муносиб, маънавият ва маърифат булоғи, тафаккур зиёси ва чин инсоний фазилатлари билан кўплаб шогирдларининг қалбидан жой ола олган, уларга нафақат Устоз балки кези келганда меҳрибон ота, чин дўст, сирдош бўлган устозларимиздан бири, фалсафа фанлари доктори, профессор Норкулов Дўстмурод Тошпўлатовичдир.

Устозни, Мен узоқ йиллардан буён биламан. Устознинг мамлакатимизда фалсафа илми тараққиёти, халқимиз маънавияти, маърифати, тафаккурини юксалиштириш йўлида қилган тинимсиз изланишлари, фидокорона меҳнатлари ҳар қандай юксак унвонга муносибдир. Кечагидек эсимда, мен устоз билан илк учрашувим,

суҳбатим тадқиқотчилик давримда бўлганди. Устоз мен докторлик диссертациямни тайёрлаб кенгашга топширган пайтимда (2011йилларда), Ихтисослашган Илмий Кенгашнинг илмий котиби эди. Дастлабки учрашув пайтимда устозни камтарлиги, инсонпарварлиги, илм йўлидаги саҳоватпешалигини кўриб устоздан маънавий озуқа олганман.

Ўшанда Норқулов Дўстмурод Тошпўлатовични илмий ишим билан танишиб, илмий ишимни ўз вақтини аямасдан ўзим билан диссертация ишим юзасидан суҳбатлашиб, фикр-мулоҳазаларимни тинглаб, сўнгра изланишларим хусусидаги қимматли фикрларини билдириб, менга илм йўлини харитасини кўрсатиб, беғараз ёрдам берган инсонлардан биридир. Устоз менга нафақат илмий тадқиқот олиб боришни, балки олимлик, зиёлилик одоби, халоллик, камтарлик ва бағрикенглик этикасини ҳам ўргатди. Чунки устозни камтарлик, суҳбатлашиш одоби, мулоқат маданияти, бағрикенглик ҳамда камтарлик хусусиятлари нафақат менга, мен каби кўпгина тадқиқотчи ва шогирдларига ҳам маънавий озуқа бўлган. Устозга хос бўлган фазилатлар ичида камтарлик, бағрикенлик, илм йўлида сабр-тоқатлилик, халоллик ва поклик, меҳнатсеварлик менда катта таасурот қолдирган. Талант – халқ мулки. Албатта талант табиатнинг нодир инъоми, уни йўқдан бор қилиб бўлмайди. Табиат талантни бир одамга ато қилса ҳам, талант фақат уники эмас, бутун халқники. Одам ўз таланти билан бутун элу юрт, фан олдида жавобгар. Одамда ана шу жавобгарлик туйғуси бўлмаса, у ҳар қанча талантли бўлмасин, кўпчиликка нафи тегадиган, фанда сўнмас из қолдирадиган салмоқли асарлар ярата олмайди.

Устозимиз Норқулов Дўстмурод Тошпўлатович яратган бой илмий меросдан баҳраманд бўлиш, ул зотнинг чин инсоний фазилатларидан андоза, ибратли ҳаёт йўлидан сабоқ олиш биз шогирдларни илм-маърифатнинг чўққиси томон етаклайди. Биз шогирдлар доимо Сиз ва сиз каби устозларимизнинг улуғ ишларидан ғурурланамиз, ҳамда Сиз билан замондош бўлиб,

Сизга шогирд бўлганимиздан фахрланамиз. Устозим умрингиз узок бўлсин, илм боғидаги устираётган гулларингизни гўзаллигидан бир умр баҳраманд бўлиб, умрингизни охиригача завқ олиб яшанг!

* * *

ЭЗГУЛИКДАН УМР ЧАРОҒОН

Исмоилов Махамадихон

*Наманган мухандислик-қурилиш институти профессори,
фалсафа фанлар доктори*

Менинг яқин сафдошим, ҳамкасбим Дўстмурод Норкуловни қарийиб ярим асрдан бери биламан. Ёшликданоқ меҳнаткаш, изланувчан, тиришқок, камтаринлик фазилатларини ўзида тўла ифодалаган садоқатли дўстим, жонкуяр инсон – бутун умри давомида – эзгулик тимсолларини ўзига маёқ қилиб олиб, ҳозирга қадар хормай толмай шарафли меҳнатни давом эттирмоқда.

Қутлуғ ёши арафасида турган захматкаш олимнинг ижодий портретига назар ташлар эканман, мен унинг куйидаги олийжаноб фазилатларига эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Биринчидан у ўзининг сермазмун ҳаёти давомида хадис илмининг буюк султони Имом Бухорийнинг “Барча амаллар ниятга караб бўлғусидир” қабилидаги ўғитларига қатъий риоя қилиб келмоқда. Яхши ният кўнгил ва дил поклиги – дўстимиз ҳаёт йўлининг асосини ташкил этади.

Иккинчидан, буюк юнон файласуфи Суқротнинг ”Ўзгаларни ўзгартирмоқчи бўлган инсон, аввало ўзини ўзгартариши лозим. Бунинг учун эса, толмас ирода ва доимий изланиш керак” деб айтган пурвиқор фикрлари Дўстмурод ҳаёти ва фаолиятининг асосий мазмунидир.

Бунинг яққол исботини талабалик, аспирантлик, номзодлик, докторлик диссертациялари устида машаққатли изланишлари тўла маънода тасдиқлайди. Резервист (захира) талабаликдан – фан доктори – профессор даражасига эришиб, қатор шогирдларга илмий устозлик қилиш, фалсафа фанидан тайёрланган, мувофиқлаштирувчи методологик камиссия томонидан маъқулланган нуфузли фаолиятларида жонбозлик кўрсатиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Ҳозирга келиб садоқатли дўстим Дўстмурод Норқулов бир неча монография, дарслик ва ўқув кўлланмалар яратиш ижтимоий фалсафанинг мураккаб муаммоларини хал этиш борасида забардаст олим даражасига кўтарилди.

Мухтарам юртбошимиз Ш.М. Мирзиёев зиёлиларга қарата билдирган қуйидаги “ Олимлик – АЛЛОХ нури тажассум этган улуг бир мартаба. Бу мартабадан жамиятнинг бутун вужудига зиё таралади. Олимларнинг сухбатидан одам ўзига маънавий кувват олади. Инсон қалбининг кенгликларини, тафаккур теранлигини чуқур ҳис қилади”², қабалидаги фикрлари бевосита ҳамкасбимиз Дўстмурод Норқулов илмий фаолиятига тўла таалуқли деб айтсак айни муддао бўлади.

Ҳамкасбимиз ҳаётида кўп зиддиятли кувончли, ҳамда ноҳуш кунлар ҳам бўлдики, уларни енгиб ўтишда ўзига хос ирода ва сабот яққол кўзга ташланди. Ана шу дамларда дўстимиз ёнида ўз вақтида туралмаганимдан баъзан ҳозирга қадар хижолатда бўламан.

Унинг зурриёти Сухробжоннинг ота изидан бориб, докторлик ишини муваффақиятли ёқлаб, ҳозирда илмий педагогик фаолиятини зафарли тарзда давом эттириб, мустахкам оила кўрғонининг анъанларига содиқ ҳолда жамиятимиз маънавий тараққиётига улкан ҳисса кўшиб келмоқда.

Улуғ 70 ёшингиз муборак бўлсин кадрдоним!

Сизнинг эзгу ишларингиздан ҳаётимиз янада чароғон

² Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси – Тошкент: Ўзбекистон, 2022. 43-бет

бўлишини чин кўнгилдан истайман!

Ижодингиз янада гуллаб яшнаб олам аҳлини мунаввар қила
боришда Сизга улкан зафарлар тилайман.

* * *

“ВАҚТ ФАЛСАФАСИ” БИЛАН ТИЛЛАШГАН ОЛИМ

Қўчқоров Ваҳоб

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори,
сиёсий фанлар доктори*

*Вақт бир мурувватки неъмат чексиз,
Яшаш яшарини чун берилган нажот,
Тангри уни адо этмаган бежиз,
Унсин, ўссин дея тирик мавжудот.*

Музаффар Зулфқоров

Жаҳон тамаддуни ва инсоният тарихининг шохидлик келтиришича устозлик касбиданда улуғроқ касб бўлмаса керак. “Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир”- деб бежиз айтилмаган. Устоз, муаллим, ўқитувчи, деганда кўз олдимизга бизга ҳаёт йўлини кўрсатган, таълим-бериб тарбиялаган, ўзининг онгли вужудини, ҳаётини бахшида этиб ўқувчи талабаларига ўзлигини англаган, ҳаёт йўлини кўрсатиб эътиқодини шакллантирган шахс кўз олдингизга келади. Зеро, илк бор ҳаёт дарсини устозлардан олган илм толиблари дарс берган, ҳақиқатда шогирдлари хотирасида қолган устозларини бир умрга ёддан чиқармайдилар. Аслида “Устоз”, “муаллим”, “мураббий” каби тушунчалар инсоният яратилишидан ҳозирги кунимизга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган, балки қиёматгача ҳам йўқотмайди. Биринчи устоз – бу Борий таолодир. У Одам

алайҳиссаломни яратди ва Ўз фазли карами ила унга барча нарсаларнинг исмларини таълим берди. Замонлар ўтиши давомида турли кўринишларда Ўз илм хазинасидан инсонларни насибадор қилди, пайғамбарлар юбориб, улар орқали Ўзининг ҳақ йўлига чорлади. Олимлар эса ана шу пайғамбарларнинг меросхўрларидир.

Жаҳонда бўлмаса муаллим агар

Ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар.

Ҳа, дарҳақиқат Устоз – софдил, камтарин, маънавий бой, ахлоқан пок инсондир. Устозлар – бор кучларини, ақлидрокларини, билим ва зеҳнларини, қалб кўри-ю сеҳрларини шогирдларига бахшида этган заҳматкашлардир. Улар бизларга оққорани, яхши-ёмонни танитиб, қўлларимизга илк бор қалам тутқазиб, “Ота-она”, “Ватан”, “Эзгулик”, “Иймон”, “Ислом” каби сўзларни ёзишга ўргатган буюк ва азиз зотлардир. Ана шундай устозлардан бири, Турон фанлар академияси академиги ва президиуми аъзоси, ўзининг 70 ёшли юбилейини қаршилаётган устоз Тошкент тиббиёт академияси Ижтимоий фанлар кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори Норқулов Дўстмурод Тошпўлатовичдир. Ушбу мақола эссени ёзишда устоз билан узок даврдаги Устозим Ибодулла Эргашев ва жойлари жаннатда бўлсин Иброҳим Хўжамуродовлар орқали танишганман ва Дўстмурод ака билан бевосита 2000 йиллардан буён илмий мулоқот, давлат имтиҳонлари кабиларда бирга бўлиб, уларнинг ҳаётий йўлларига бир назар сифатида қаралади.

Болаликни қолдириб ортда. Дўстмурод аканинг ҳаёт йўли бошқа инсонлар ёшлиги каби оддий қишлоқ болалариники сингари ўтганлигини таъкидлаш лозим. Дўстмурод ака 1952 йилнинг 21 августида Қашқадарё вилояти Касби тумани Оқжангал қишлоғида таваллуд топди. Қадимий тамаддунни ўзида мужассам этган, Буюк ипак йўли ўтган қуйи Қашқадарёнинг қуйи қисмида жойлашган Касби(Касбиён) тумани масжид, мадраса, роботлар, корезлар қўрилган обод ва фаровон заминлардан бўлган. Дунёнинг бу гўшаси ўзининг сўлим об-ҳавоси билан кишини диққатини

тортади. Табиат ўзгача тоза ҳаво мева ва сабзавотлари машриқу мағрибда машҳур. Айниқса меҳнатқаш, бағрикенг, содда дил кишилари билан янада ўзгача. Бу замин неча ўнлаб, юзлаб фан ва маданият, қишлоқ хўжалиги соҳасида хизмат қилувчи фозил-у фузалоларни етиштирб чиқарган юрт. Воҳанинг азалдан табиати ўзгача бу диёрдан Абдурахмон Косоний, Аббос ал – Мустаффирий ан-Насафий, Нажмуддин ан-Насафий Муайидидин ан-Насафий каби ўнлаб машҳур кишилар дунёга келган тарихи бой ўлка. Баҳор айёми кунлари, нафақат табиатнинг уйғониши, балки инсондаги ташаббус, серҳаракатлилик, янгиликка қизиқиш, айниқса бу дамларда Дўстмурод аканинг оталари олдида деҳқончилик, боғдорчилик, мева сабзавот етиштиришга жисмоний меҳнат қилиб товланишига хизмат қилди. Деҳқон оилада туғилгани боис, қишлоқда экин-тикин ишлари, мева-сабзавот йиғиштириш, пахта йиғим-теримида иштирок этиш ва шу каби юмушларда суяги қотди ва билимга бўлган чанқоқлиги янада ортди. Мана шундай ажиб диёрдаги кўҳна тарих сир синоатлари орқали таълим ва тарбия топган Дўстмурод ака кунт билан ўқиди, ўрганди, тарих, география, адабиёт каби фанларга қизиқди. Бу қизиқиш туфайли келажакдаги ширин орзўлар рўёбга чиқди ва ниҳоят ўрта мактабни ҳам аъло баҳоларга битириб пойтахт томон йўл олди.

Талабалик йиллари ёхуд мустақил ҳаётга кадам. Дўстмурод ака кўплар қатори 1969 йилни ҳам дарсларга пухта тайёргарлик кўриш орқали ўтказди. Кундуз кунлари пахта далаларида ишлаб, кечалари китоб мутолаасидан бош кўтармади. Айниқса ўша йили мўл кўл ҳосил бўлганлиги сабабли 10- синф ўқувчилари ҳам 2 ой мобайнида дала шийпонларида ётиб кеч кузгача колхозчиларга яқиндан ёрдам бердилар. Бошқаларга нафақат ўқишда, ишда ҳам, пахта теримида ҳам ибрат бўлган Дўстмурод ота-онасига ёрдам бўлар деб қаттиқ тер тўкиб меҳнат қилди. Кунлик нормаларни 100-120кг қилиб бажарди. Ўша йили (1969) декабрь ойи охирида давлатга районнинг пахта плани бажарилиб, яна сеvimли билим масканига ошиқди. Меҳр бериб дунё тарихи мамлакатимиз тарихини кунт билан ўрганди, адабиётдан иншо ёзишни қанда

қилмади. 1969 йилги катта қор, қаҳратон қиш қиличини қайраб, тизза баробар қор ёғди. Бу ҳам акага қўл келди, қарийб бир ҳафта давомида мактабга бормасдан уйда анча унумли ишлади. Қўшни болаларга қўшилмасдан туну-кун ўқиди ўрганди, китобнинг керакли жойларини конспект қилди. Ва ниҳоят, узоқ тайёргарлик, қунт билан ўқиш, ўрганиш ўзининг натижасини кўрсатди. Дўстмурод ака кўплар қатори Тошкент Давлат университети (ЎзМУ) Фалсафа-иқтисод бўлимига ўқишга киришга муяссар бўлди.

Талабалик йиллари ҳам бир давр, кўплар билан танишиш, дўстлашиш баробарида айниқса пойтахт ҳаётига мослашиш ўзининг қийинчиликларига ҳам эга. Шундай дамларни сабр билан енгиб ўтди, оғир-босиқ ва ҳар бир масалада консенсус йўлини, бағрикенглик тамойилини танлаган ака кам бўлмади. Зеро, инсонлар бўладики, ҳаётда камсуқум кўринсада, ён-атроф, қўни-қўшнилар, дўст-биродар, устоз-шогирдлар билан кундалик юмушда оддий инсон сифатида намоён бўлади. Инсонга бир кўришдаёқ баҳо бериш қийин. Зеро, инсон буюк хилқат, томчида қуёш акс этганидек, унда олам яшайди. Унда юксак маънавийлик, маърифатлилик мужассам... Шундай ҳолатлар бўладики, инсоннинг кимлигини, жамиятдаги ўрнини, мақсад-маслакларини уни қилган ишларидан, ёзган китоблари, қолдирган боғлари, фарзандлари, қурдирган бинолари мана мен дегандай “лаббай” деб жавоб беради. Шу боис, тоғлардан узоқлашгани сари унинг маҳобати кўринади. Холбуки, кишининг қилган ишлари давлат ва жамият, инсон ҳаёти, миллий ва умумбашарий қадриятлар сифатида баҳоланади, ўз қадр-қимматини топади. Ҳаёт мазмун-моҳияти билан ҳам гўзал, ҳам мураккаб ва ким учун “доимо ҳаётда ниманидир қидиришга интиладиганлар” учун доимо вақт мезонлари қисқа бўлиб туюлади. Бу ҳаётнинг мезонлари, мўлжаллари ўзига яраша қийин ва бахтли кунлари бўлади. Аммо бахтга эришиш, интилиш шунчаки бўлмайди унга эришиш инсонни “ўзлигидан кечиш”, изланиш, тунни бедор ўтказиш, ишлаш, тер тўқиш демакдир. Қолаверса, ҳар бир шахс умр

мазмунини ўзининг қилган эзгу ишлари, жамият ва миллат ҳаётидаги ўрни, қадри қиммати билан ўлчайди... Яна бир муҳим жиҳат инсонни кимлигини уни ҳаётдаги ўрнини, яъни эл назарида бўлиши, эътирофи шарқона менталитетга асосан буюк кадрият. Табиийки фалсафа ўзликни англаш ҳаёт мазмунини ҳис этиш, моҳиятни билиш билан ўлчанади. Ҳаётда муаммоларни ечимини топишга, ҳар қандай вазиятларда ҳам “мени”ни сақлаб қолиш ва олға интилиш лозимлигини Дўстмурод ака фалсафа тарихини ва унда файласуфларни диалетикага оид қарашларини бафуржа, обдан ўрганишга бел боғлади. Муаммони ечимини “вақт”, вақт фалсафасидан топди. Турфа конференцияларга қатнашди. Фикрлари чархланди, устозлари ва дўстлари орасида обрў эътибор топди. Вақт нафақат кетма-кетлик, айти пайтда тартиблилик демакдир. Тартиблиликни хуш кўрган Мумтоз немис файласуфи Иммануэл Кант черковга ўн минут кечикиб келган бўлажак рафиқасини ўша заҳотиёқ жавобини бекорга бермаган. Унинг ишга келиб, ишдан қайтиши аниқ вақт билан белгиланган, кўп ҳолларда одамлар унинг фаолиятига қараб вақт мўлжалини олишган... Ана шу қизиқишлар боис Дўстмурод ака вақтга қизиқди, уни илмий нуқтаи назардан ўрганишга бел боғлади. Табиийки, вақт ҳамма нарсани ўз жойига қўяди, у инсон эга бўлган энг нафис, энг бебаҳо неъматдир, умрни, бахтни ҳам ўз жойига қўяди. Ҳар бир нарса айнан ўз вақтида бўлади ундан ўзиб кетолмайди, аксинча унинг ҳар бир сониясидан унумли фойдаланиш зарур...

Илмдан ўзга нажот йўқ ёхуд тиббиёт талабалари оғушида. Вақтдан тўғри фойдаланиб талабаликнинг ҳаётий мўлжалини тўғри олган Дўстмурод ака тез орада олийгоҳни муваффақиятли томонлаб, Тиббиёт олийгоҳига ишга тайинланди. Фалсафада умр ва ҳаёт тушунчаси бор, унга кўра умр бу ҳаётнинг мазмунли ўтган қисми. Акада ҳам умр ва ҳаёт бирдек мазмунига эга бўлди.

Педагогик фаолиятни илмий ишлар билан уйғунликда олиб борди. 1974 йилдан то шу кунгача талабаларга фалсафадан сабоқ

бериш билан бирга, узоқ вақт кафедра жамоасини бошқариш асносида илмий ишни ҳам олиб борди. Кафедра илмий педагогик салоҳиятини кўтаришга азму-қарор қилиб буни уддасидан чиқди. Ўнлаб файлсуф олимлар тайёрланди. Неча минглаб талабаларга ҳаёт мазмуни, касб этикаси, “оқ халатга доғ тушурмаслик” баробарида ҳаётда тўғри ва ҳақиқат мезонини танлашга баҳоли қудрат ҳисса кўшди. Абдулла Авлоний: “Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатнинг тинчи ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдир,” – деган. Демак, устозларнинг зиммасида жуда ҳам буюк масъулиятли вазифа юкланган. Бу ҳам бўлса, келажаги буюк давлат учун комил, ҳар томонлама етук ва баркамол, маънан ва ахлоқан пок, ватанпарвар инсонларни тарбиялаб чиқариш вазифаси бош омил ҳисобланади. Бу учун ҳам қобилият, ҳам истеъдод талаб этилади. Зеро, айтадиларки, истеъдод – ниҳоятда зўр қобилият, талант, бирор соҳада юксак даражадаги лаёқат бўлиб, у идрок, тасаввур, тафаккур, хотира, кузатувчанлик бениҳоя ўсганлигида, воқеа-ҳодисаларнинг янги қирраларини, уларнинг замиридаги мураккаб алоқадорликни кашф этишда кўринади. Кишининг билимларни ўзлаштириши, назарий ва амалий масалаларни ҳал этиши, ижоди, ўз билими ва малакаларини турмушга тадбиқ қила билишидан унинг истеъдодини билиш мумкин. Айримларда бу истеъдод, унинг намоён бўлиши ёшлиқдан пайдо бўлиб, вақт ўтган сари у ривожланиб боради. Бу шунчаки иддолар эмас, бу фактлар инсон ҳаёти, тақдири билан боғлиқ жараёнлар. Уйқусиз тунлар, ҳар бир кечанинг вақт неъматидан фойдаланиш орқали устоз 1983 йилда “Бўш вақт – қишлоқ меҳнаткашлари маданий-техник савиясини оширишнинг муҳим омили” мавзусида 09.00.04-ижтимоий фалсафа ихтисослигидан номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ўша даврда зиёлаларнинг қишлоққа юз ўгириши шунчаки бўлмаган, қишлоқ ҳаётини шаҳар ҳаёти билан яқинлаштириш ва у ердаги муаммоларнинг илмий назарий ечимини топиш зарур эди. Қишлоқ ёшлари, уларнинг маданияти ва бўш вақтини тўғри ташкил қилиш борасида ҳамда қишлоқ

меҳнаткашлари маданий-техник савиясини оширишнинг ўзига хос муаммоларини вақт нуқтаи – назаридан ўрганиш ҳаёт талаби, давлат буюртмаси эди.

Илмий изланишдан қоникмаслик, ундаги муваффақият Дўстмурод акани янада юқори пағоналар сари илмий изланишлар олиб боришга ундади. Узоқ изланишлар ҳосиласи боис, Д.Норқулов 2000 йилда “Вақт – жамият маданий – маънавий равнақи омили: назария ва амалиёт” мавзусида 17.00.08-маданият назарияси ва тарихи ихтисослигидан докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Профессор олим, фалсафадаги “одам ва олам” муаммосини “инсон ва вақт” категорияси билан боғлаб ҳар бир соҳа ва жараёнлар учун вақт мезони муҳим ҳолат эканлигини “вақт олий ҳакам” эканлигини ислоҳотлар жараёни ва уларнинг тадрижийлиги билан ўлчаниши лозимлигини фалсафий асослади.

Файласуф олим давр моҳиятини ва жараёнлар тадрижийлигини монографик изланишларда давом эттирди. “Вақт ва инсон” номли монографиясида эса инсоннинг вақтга бўлган муносабати, унинг вақтдан қандай тарзда фойдаланиши, ислоҳотларнинг боришини, унинг натижаларини кўп жихатдан белгилаб бериши масалаларига эътибор қаратган. Вақт тушунчаси шунчаки фалсафий тушунча бўлиб қолмасдан, ижтимоий, сиёсий-иқтисодий, тарихий маданий маънога ҳам эгадир. Вақтга ана шундай ёндашган пайтдагина унинг ижтимоий, сиёсий, маданий-маънавий мазмуни ва моҳиятини ҳамда жамиятнинг маданий-маънавий ривожланиши, бир-бири билан боғлиқлиги тўлароқ, яхлит ва аниқ концептуал асосга эга бўлиши, инсоннинг вақтни идрок этиши, унга нисбатан тасаввури ҳам ўзгариши каби масалаларга эътиборини қаратган, ўрганган.

Дарҳақиқат, хулоса қилиб айтганда бугун 70 ёшни қаршилаётган Дўстмурод ака ўтган ҳаётига тарихий ракурс сифатида қарасалар ҳаётнинг мазмунли ўтганлигига, унинг бесамар кетмаганлигига иқрор бўласан, киши.

Биринчидан, “Ҳар кишидан қолмаса нишон, билки у мевасиз дарахтдир бил бегумон” деганларидек, ўзи тарбиялаган илм аҳли

шогирдлари, уларнинг илмий ишлари бир томондан бўлса, иккинчидан у киши тарбиялаб билим берган минглаб тиббиёт ҳодимлари бугунги кунда эл саломатлиги йўлида баҳоли қудрат фаолият кўрсатмоқдалар.

Иккинчидан, Дўстмурод аканинг илмий хазинаси, маънавий ғизоси ҳам талайгина ва илмий-педагогик фаолияти давомида 160 дан ортиқ илмий мақолалар, тезислар, рисоалар, ўқув, ўқув-услубий қўлланмалар, дарслик ва монографиялар чоп эттирган.

Учинчидан, орзу қилса арзигудек, турмуш ўртоғи, фарзандлари, невара, эваралари билан ҳаёт янада мазмунли, фарахли. Қолаверса бугунги кунда елкама елка туриб илмий педагогик жараёнга сарварлик қилаётган фан доктори фарзандлари оила фахридир.

Тўртинчидан, Дўстмурод ака Норқулов эл ардоғидаги файласуф олим, уларнинг камторана хизматлари баҳоли қудрат тақдирланиб келинмоқда. У киши Турон фанлар академияси ташкил этилганлигининг 10 йиллиги муносабати билан академиядаги фаоллиги эътиборга олиниб, “Турон фанлар академияси 10 йиллиги кўкрак нишони” билан тақдирланган ҳамда ўнлаб “Фахрий ёрлиғ”лар билан тақдирланиши устозга бўлган юксак миннатдорлик ва эҳтиром рамзидир.

Таъкидлаш ўринлики, ҳали устоз “вақт фалсафаси”нинг неча ўнлаб жумбоғини очишга қодир бўлган олим сифатида, ҳали кўплаб илм аҳлига сарварлик қилишга вақтлари етади, ҳали минглаб тиббиёт талабаларига ҳаёт фалсафасидан сабоқ беришларига имонимиз комил.

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН УМР

Назаров Насриддин

Чирчиқ давлат университети профессори, тарих, фалсафа ва сиёсий фанлар доктори

Шахс тафаккурининг юксалиши ўзликни англашдан ривожлана бориб, салобатли чинор мисол бўй ва тароват чўзиб, унинг юксакликлар сари кўтарилишини биз йигирманчи аср охири ва йигирма биринчи аср бошида ҳали илмга тетапоя бўлиб кириб келаётганимизда ҳис этганмиз. Ўша даврда илм деган машаққат ва ҳақиқат йўлини ихтиёр этиб, истиқлол туфайли кундан кунга юксалаётган миллий салоҳиятни само узра бўй чўзаётган куёшни кузатгандек ҳавас билан кузатиб борганмиз. Ва бу юксалаётган миллий салоҳиятда илму фаннинг алоҳида ўрни ва мавқеини, ана шу мавқени таъминлаётган олимларнинг тадқиқотларини ҳавас билан мутолаа этиб, уларга ўхшашга интилганмиз.

Агар мендан: Ушбу юртдан ўрганган асосий нарсангни айт, деб сўрасалар, мен ҳеч иккиланмасдан: Бағрикенглик, деган бўлардим. Ва бунда мен дастлаб Дўстмурод ака Норкулов ҳамда унга ўхшаган самимий устозларни назарда тутган бўлардим. Ҳеч шубҳасизки, Дўстмурод акада ўзбек феноменининг энг ёрқин жиҳатлари мужассамдир.

Одатда олимнинг инсоний хусусиятлари ҳақида сўз кетганда биринчи навбатда ҳаётининг ижодга йўғрилган фаолияти ва шу фаолият таъсиридаги муносабатлари кишининг кўз ўнгида гавдаланади. Дўстмурод ака Норкулов тўғрисида гап кетганда самимий очиқ кўнгил файласуф олим инсон кўз ўнгида гавдаланади. Шу билан биргаликда фалсафа фанлари бўйича Ихтисослашган кенгашда, семинар ва муҳокамалардаги илмий мулоҳазаларга қоришиқ маслаҳат ва муносабатларидан файласуфларга хос инсонийлик ва бағрикенглик хислатлари

намоён бўлган нотик гавдаланаверади. Юқоридаги хислатлардан ташқари миллат тафаккурини бойитишга вазифадор инсон сифатида ўзини ҳис этиш, эл тақдирига масъуллик яъни миллатпарварлик хусусиятлари ҳам Дўстмурод ака руҳий оламининг таркибий қисмлари сифатида эътиборни тортади.

Аслида миллатпарварлик ўз миллий маданиятини ўзга халқ ва миллатлар орасида тарғиб этиб, унинг ижобий жиҳатларини кўрсата олишидир. Шу боис, Дўстмурод ака билан конференцияларда бирга бўлиб, тафаккур доирасининг кенглиги, теранлиги ҳамда керакли ўринда фалсафий ҳикматлар имкониятларидан фойдалана олиш маҳорати устознинг қобилият ва салоҳиятидан даракдир. Миллатпарварлик фақатгина майдонда ёки минбарда намоён бўлмасдан, миллатпарварлик ўзгалар тафаккурини ўз миллатига нисбатан ижобий қарашлар билан бойитиши ҳамдир. Дўстмурод ака юқори минбарларда миллий фалсафа муваффақиятларининг тарғиботчиси сифатидаги чиқишлари ҳам биз сафдошлари ҳамда ундан кейинги авлод вакиллари сифатида ифтихор ҳиссини уйғотади.

Ҳақиқий олим бўлиш учун фақатгина кўп китоб ўқишнинг ўзи кифоя қилмайди. Фалсафий тафаккур ҳамда бу тафаккур мевасини ўз халқига етказа олиш қобилияти ҳам олимда мужассам бўлмоғи лозим. Дўстмурод акадаги ана шундай хусусиятлар уни ўзбек файласуфлари даврасида нафақат танилиши, балки ўзига хос ўринга эга бўлиши учун ҳам имкон яратди. Дўстмурод ака таниқли олим сифатида Турон фанлар академиясининг академиги ҳамда ушбу академия ҳайъати аъзоси сифатидаги фаолияти ҳам юқоридаги фикрларимизни тасдиқлашга хизмат қилади.

Самимий инсон сифатида ҳам дўстлар даврасида тафаккур имкониятларини ишга солиб, ўзга қалбларга хузур бағишлаши Дўстмурод аканинг мумтоз ва замонавий фалсафадан хабардор эканлигини билдиради. Устоздаги самимият, олимдаги инсоний маданиятнинг теранлигидан далолатдир.

Инсоннинг инсонийлиги ҳам ўзгаларга бўлган муносабатида

намоён бўлади. Дўстмурод акадаги барчага бирдек муомала ўз тенгдошлари, дўстлари ва мавқедошлари билан биргаликда шогирдлари ва талабаларига нисбатан ҳам бефарқ эмаслигини кўрсатади. Давраларда ҳам ўзгалар кўнглини оғритмасликка, масъулиятни аввало ўз зиммасига олишга доим тайёр эканлик ҳам Дўстмурод акага хос хусусият бўлиб, ўзгалар ўрناق олишига арзигуликдир. Дўстмурод акадан ҳали миллий фалсафамиз, маданиятимиз ва қолаверса маънавиятимиз тарғибида ҳали кўп нарсаларни умид қилса бўлади.

Дўстмурод аканинг муборак етмиш ёши – бу ҳали устознинг илмий ва ижодий камолот давридир. Инсоният мулкига айланган буюк асарларнинг аксарияти етмиш ёшдан ўтганда яратилган. Шу боис, Дўстмурод акага мустаҳкам соғлиқ ва ижодий кайфият тилаб, янги илмий, ижодий ва янги қирраларни забт этишида муваффақиятлар тилаб қоламиз. Классик алломаларимиз таъкидлаганларидек:

«Қалбингга илмдан шўъла тушган он,
Шунда билурсанки илм бепоён».

Илмнинг бундай бепоёнлигини тафаккуримга сингдиришда ҳурматли устознинг ҳам ўзига хос ўрни бор деб ҳисоблайман.

Устоз Дўстмурод ака Норқулов файласуфларга ибрат бўларли файласуфдир. Устознинг файласуфлиги дастлаб камтарлигида, оддийлигида ва самимийлигида. Шунингдек, шахснинг тафаккур даражаси самимий инсон сифатида ҳам дўстлар даврасида мулоҳаза билан сўйлаб, суҳбатдошининг кўнглига қараб муомала қилганлигида бўлса, файласуф олимнинг устозлик даражаси фалсафани ўзида мужассам этган тафаккурида. Зеро, фалсафа – миллий руҳиятни ифодаловчи чинор бўлса, унинг атрофидаги бошқа фанлар эса улкан шохларидир. Бунда кимдир фидойи боғбон каби чинорнинг томирини маъданлар билан озиклантириш учун машаққат чекиб, жазирама чўлу саҳролардан сувнинг йўлини буриб келишга умрини бахшида этишни ҳаётининг мазмуни деб билиб, ўз ҳаёти ва фаолиятини шунга бахшида этаётганлигидадир.

Теран тафаккур ҳамда бу тафаккур мевасини ўз халқига етказа олиш қобилияти ҳам олимда мужассам бўлмоғи лозим. Дўстмурод акадаги ана шундай хусусиятлар унинг минбарларда ва дарс аудиторияларида ҳам муваффақиятини таъминлашга имкон яратди. Устознинг етмиш йиллик табаррук ёши – бу ҳали илмий ва ижодий камолот давридир. Сара асарлар сара ёшдаги оқ сочли бошлар, яъни табаррук ёшлар маҳсулидир. Шу боис, устоз Дўстмурод акага мустаҳкам соғлиқ ва ижодий кайфият тилаб қоламиз.

Донишманд файласуф соҳиб заковат,
Тафаккурдир унда қудрату давлат.
Агар тақир сахро бўлса макони –
Жаннатдек яшнатгай яратиб ҳикмат.

* * *

ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ МЕРОС МУАММОСИГА ЯНГИЧА ЁНДАШГАН ОЛИМ

Юлдашева Фарида

*Андижон давлат университети Фалсафа кафедраси мудири,
фалсафа фанлари доктори*

Ўзбекистон файласуфлари муҳтарам УСТОЗ фалсафа фанлари доктори, профессор Дўстмурод Ноқуловни таниқли файласуф, Ўзбекистонда фалсафий фанларнинг ривожига ўз илмий-фалсафий асарлари билан ҳисса қўшиб келаётган таниқли олим сифатида биладилар. Олимнинг кўплаб фалсафий асарлари қаторида шогирди билан ҳаммуаллифликда 2022 йилда нашр қилинган “Тарихий-маданий мерос ва миллий ўзликни англаш” номли янги китоби алоҳида аҳамиятга эга, дейиш мумкин. Устознинг бу асари миллий тарихий-маданий мерос муаммосига

бағишлаб ёзилган асарлар қаторида ўзига хос ўринга эга.

Тарихий-маданий мерос муаммоси ижтимоий-фалсафий фанларда, айниқса, тарих фалсафасида таҳлил этиладиган муҳим муаммолардан бири. Тарихий-маданий мерос турли халқлар ва миллатларнинг тарихига алоқадор бўлган, миллий ўзликни англашига таъсир этувчи омиллардан бири – ижтимоий-аксиологик ҳодиса сифатида эътироф этилади. Тарихий-маданий мерос шахс мавжуд бўлган ижтимоий-тарихий маконда ўзи мансуб бўлган миллат тарихи билан ёнма-ён юзага келган объектив ҳодиса сифатида намоён бўлади. Шахс туғилиши билан мавжуд тарихий-маданий мерос шароитига дуч келади ва мазкур шароитда тарбияланиб, ўз фаолиятини амалга оширади.

Дўстмурод Норқуловнинг янги китобида тарихий-маданий мерос бир томондан, объектив ва иккинчи томондан, субъектив, яъни инсоннинг руҳи, ички дунёси ва онгига боғлиқ бўлган феномен сифатида таҳлил этилади. Олимнинг фикрича, “Тарихий-маданий меросга хос бўлган традиционализм ва ворисийлик, узлуксизлик айнан ички маънавий омилга, этнопсихологик таъсирларга эътибор қаратишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам тарихий-маданий меросга фақат моддий-маданий бойликлар мажмуаси, ташқи объектлардан иборат артефактлар сифатида қараш етарли эмас”, деб ҳисоблайди. Албатта, ҳар қандай тарихий-маданий мерос тарихан объектив тарзда шаклланган бўлсада, у ижтимоий-тарихий феномен сифатида миллатнинг турмуш тарзи, маданияти, қадриятлари, менталитети, миллий онги ҳамда миллий руҳини ифода этади.

Муаллиф тарихий-маданий меросга миллатнинг идентификацияси маълум маънода миллатнинг барқарорлигини ҳам ифода этувчи тизим сифатида қарайди. Бу нуқтаи назардан тарихий-маданий меросни аксиологик феномен сифатида таҳлил этилса, маълумки, миллий қадриятлар ва уларнинг барқарорлиги тарихий жараённинг узлуксизлиги ва давомийлигини, уни яратувчи миллатнинг ўзига хос миллий салоҳиятининг

барқарорлигини таъминловчи омил сифатида қаралиши мумкин экан.

Файласуф тарихий-маданий меросни ўзига хос хусусиятларини қуйидагича кўрсатиб ўтади:

- тарихий-маданий мерос инсоннинг борлиқни англашга, идрок этишга қаратилган гносеологик тажрибалари ва билимларининг инъикоси;
- халқ, миллат тўплаган ҳаётий тажрибаларнинг моддий ва маънавий бойликлар тарзидаги ифодаси;
- авлодлараро алоқаларни асраш ва узлуксизлигини таъминлаш воситаси;
- этномаданий артефакт ва этномаънавий анъаналар.

Маълумки, тарих фалсафаси тарихий жараённи ўзининг объектив қонуниятларига асосланган, диалектик, чексиз, узлуксиз, эволюцион, унда кечадиган ижтимоий-тарихий ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлигини ифода этувчи детерминистик жараён сифатида таҳлил этади. Бу нуқтаи назардан профессор Дўстмурод Норқуловнинг тарихий-маданий мероснинг тарихий жараённинг муҳим шарти сифатида намоён бўлиши ва унинг хусусиятлари тўғрисидаги фикрлари айнан тарихни ўрганиш борасида қўлланиладиган фалсафий ёндашувнинг тамойилларига мос келади.

Китобда тарихий-маданий мерос муаммоси миллий маданият, цивилизациялар билан ўзаро алоқадорлиги, уларнинг ўзаро муносабати контекстида ўрганилган. Тарихда яратилган барча моддий ва маънавий бойликлар у ёки бу тарзда тарихий-маданий меросга алоқадор. Уларда миллий маданият билан бир қаторда инсонларнинг турмуш тарзи, кундалик ҳаётининг кечиши, миллий маданият ҳамда дунё цивилизацияларининг амалга ошиб боришида маълум таъсир кўрсатган элементлар акс этади. Муаллиф тарихий-маданий меросни авлодлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг муҳим элементи сифатида эътироф этади. Шу билан бирга бу феномен қотиб қолган эмас, аксинча, янгиликларга

мойил бўлган, мунтазам ўзгариб, трансформацияга учраб турадиган динамик моҳиятга эга. Унинг моҳияти келгуси авлодларни яратувчиликка, инновацияга, ижодга ундайди.

Олимнинг фикрларидан келиб чиқсак, “тарихий- маданий мероснинг алоҳида воқелик, феномен экани халқ, миллат генезиси билан узвий боғлиқлигини англаймиз. Ушбу диалектик боғлиқлик тарихий-маданий меросни феноменал воқеликка айлантирган, улар ҳар бир тараққиёт босқичида ўзига хос тарзда уйғун ёки диалектик боғлиқликда келади. Этногенездаги ўзгариш, ўз навбатида, тарихий-маданий меросда ўз инъикосини топади ва, аксинча, тарихий-маданий меросга оид феноменларнинг трансформацияси этногенездаги ўзгаришлардан дарак беради. Хуллас, тарихий-маданий мерос халқ, миллат генезиси билан узвий боғлиқ феномендир”.

Тарихий-маданий мероснинг функционал хусусиятлари тизимида унинг миллий ва трансмиллий экзистенциал хусусиятлари муҳим ўрин эгаллайди. Бу феноменнинг бошқа ижтимоий-тарихий ҳодисалар, хусусан этномаданиятлар билан ўзаро алоқага кириши турли цивилизацияларнинг юзага келишида муҳим омил бўлган. Устоз файласуф тарихий жараёнда миллий ва трансмиллий экзистенциал хусусиятлар ўртасидаги ўзаро диалектик муносабатга катта эътибор қаратади. Бир томондан миллий тарихий-маданий мерос ўтмиш билан боғлиқдек туюлади, лекин олимнинг ўзига хос ёндашуви шундан иборатки, унда меросга нисбатан келажак нуқтаи назаридан, ўтмиш ва келажак тарихининг боғлиқлиги нуқтаи назаридан ёндашилган. Ҳар қандай келажак ўтмиш меросига асосланиши ва унинг барча ижобий омиллари асосида янада тараққий этиши натижасида тарихнинг давомийлиги ва узлуксизлиги таъминланиши, демак тарихий жараён анъанавийлик ва замонавийлик уйғунлиги занжирида мавжуд бўлиши асослаб берилган. Бу жараёнда миллийлик ва умуминсонийлик диалектикаси, ўтмиш билан бирга замонавий интеграцион алоқалар ҳам акс этиши, бу объектив жараён

миллатлар ва халқларга тегишли бўлган тарихий феномен сифатида уларнинг хусусиятлари, менталитети ҳамда қадриятларида намоён бўлиши муаллиф томонидан эътироф этилган.

Хуллас, фалсафа фанлар доктори, профессор Дўстмурод Норқуловнинг янги китобида тарихий-маданий мерос муаммосига тарих фалсафаси нуқтаи назаридан янгича ёндашув акс этган.

Хурматли устозимиз Дўстмурод Норқуловнинг табаррук 70 ёшлари билан муборакбод этиб, ана шундай янги-янги асарларни ёзиб, ёшларимизнинг тарбиясидаги улуғ ишларида куч-қувват, сихат-саломатлик тилайман.

* * *

ОДАМИЙЛИК МУЛКИ СОҲИБИ ВА ЕТУК ФАЙЛАСУФ ОЛИМ

Бўриев Очил, синфдош

Қарши давлат университети профессори

*Илм ўрганинглари, билим ва илмда хотиржамлик,
садоқат бор, ўргатувчига тавозеда бўлинглари.*

Ҳадисдан

Ўзбекларда “Илм билан шуғулланиш – игна билан кудук қазиш билан баробар” деган пурҳикмат нақл мавжуд. Сабр-тоқат билан тинимсиз меҳнат қилаётган инсонлар қалбида халқимиз, айниқса ёшлар маънавиятини ошириш, Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини мустаҳкамлаш истаги ниҳоятда кучли. Бутун умрини илм-фан равнақига, тақдим этилган ва тарбия соҳаси самарадорлигини оширишга боғишлаган фидойи олимларимиз билан қанчалик фахрлансак арзийди.

Муҳтарам

Президентимиз

Шавкат

Мирзиёев

таъкидлаганидек: “Мен доимо зиёли, олим, ижодкор одамлар билан суҳбатлашишга интиламан ва бундай мулоқотларни ҳамиша соғинаман. Нега десангиз, **олимлик Аллоҳ нури тажассум этган улуг бир мартаба**. Бу мартабадан жамиятнинг бутун вужудига зиё таралади. Олимларнинг суҳбатидан инсон ўзига маънавий бойлик олади, қалб кенгликларини, тафаккур теранлигини ҳис қилади. Шу боисда бундай инсонлар билан учрашиб турганимда уларни ҳуш кайфиятда, бардам ва тетик, юз кўзларидан нур ёғилиб турганини кўрганимда ҳамиша чуқур мамнуният ҳиссини туяман”³

Мамлакатимизнинг таниқли файласуф олимларидан бири, фалсафа фанлари доктори, профессор Норқулов Дўстмурод Тошпўлатович 1952 йилда 21 августда Қашқадарё вилояти Касби туманидаги Оқжангал қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топган. Падари бузруквори Норқулов Тошпўлат (жойлари жаннатда бўлсин!) Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, қишлоқ оқсоқолларидан бири эди. У киши турмуш ўртоғи Пардаева Чинни ая (қабрлари нурга тўлсин!) билан 4 нафар фарзандни вояга етказиб, эл-юрт корига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялашди. Ёш Дўстмурод шундай аҳил ва мустаҳкам хонадонда ўсиб, улғайиб, падари бузруквори яхши ният билан қўйган исмга муносиб инсон бўлиб улғайди.

У 1959-1963 йилларда ўз қишлоғидаги мактабда бошланғич таълимни олиб, 5-синфни қўшни Қатағон қишлоғидаги ҳозирги 3-мактабда давом эттириб, 1969 йилда ўрта мактабни тугатди. Камина мазкур мактаб “А” синфида, Дўстмурод эса “Б” синфида ўқир эдик. У ўқувчилик даврида тиришқоқ ва жамоат ишларида фаол қатнашар эди.

Д.Норқулов 1969 йилда ТошДУнинг (ҳозирги ЎЗМУ) фалсафа факультетига ўқишга кириб, 1974 йилда муваффақиятли тугатди. У 1974-1989 йилларда Тошкент давлат тиббиёт институтида ўқитувчи, катта ўқитувчи, 1989-1998 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалиги институти “Фалсафа” кафедрасида

³. Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистон стратегияси. -Т.: 2021 “Ўзбекистон”, Б. 42-43

доцент лавозимида фаолият кўрсатди. 1998 йилдан ҳозирги Тошкент Тиббиёт академияси “Ижтимоий фанлар” кафедрасида мудирлик қилди. 2017 йилдан эса шу кафедрада профессорлик лавозимида ишлаб келмоқда.

У 1983 йилда “Бўш вақт - қишлоқ меҳнаткашлари маданий-техник савиясини оширишнинг муҳим омили” мавзусида номзодлик, 2000 йилда эса “Вақт – жамият маданий – маънавий раўнақи омили: назария ва амалиёт” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Олимнинг илмий тадқиқотлари йўналиши-ижтимоий фалсафа, вақт тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, жамият тараққиётини вақт билан боғлиқлиги, инсон маънавий дунёсининг вақт омилига таъсири масалаларини ўрганишга бағишланган бўлиб, изланишларида маънавий янгилаш мамлакатимиз миқёсида соғлиқни сақлаш соҳасида кечаётган туб ислохотларни ҳаётга татбиқ қилиш масалаларига бағишланган.

Профессор Д.Норқулов ўз илмий-педагогик фаолияти давомида 160 дан зиёд илмий мақолалар, рисоалар, ўқув-услубий қўлланмалар, дарсликлар ва монографиялар ёзган. “Меҳнат, турмуш ва бўш вақт” (1983), “Вақт ва инсон”, 2006 “Мустақил Ўзбекистон: маънавий янгилаш ва ҳуқуқий онг” (2011), “Тарихий-маданий мерос ва миллий ўзликни англаш” (2022) монографияларини яратган. Домланинг қатор мақолалари “Фалсафа луғати”, “Мустақиллик изоҳли луғати”, “Жаҳон фалсафаси луғати” (2 жилдли) каби муҳташам китоблардан ҳам ўрин олган.

Кўплаб минтақавий, республика ва халқаро конференциялар қатнашчиси. 4 нафар шогирд тайёрлаган, 2 нафар тадқиқотчига илмий раҳбар сифатида белгиланган ва кўплаб изланувчиларга оппонентлик қилган. У ЎзМУ қошидаги Фалсафа фанлари бўйича илмий даражалар берувчи Ихтисослашган Илмий Кенгаш ва ТГА Илмий Кенгаши аъзоси ҳисобланади. 2017 йилда Турон ФА академиклигига сайланган.

Д.Норкулов оилапарвар инсон бўлиб, турмуш ўртоғи Фазилат ая билан 4 нафар эл-юрт корига ярайдиган фарзандларни тарбиялаб вояга етказди, шунингдек 11 нафар невараларининг бобожони ҳам ҳисобланади.

Халқимизнинг “От ўрнини той босар” нақлига кўра Дўстмурод домланинг ўғли фалсафа фанлари доктори, профессор Сухробжон ТТА “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудирининг лавозимида самарали фаолият кўрсатмоқда ва сермаҳсул ёш файласуф олим сифатида тезда танилди.

Дўстимиз Дўстмурод Норкулов шунчаки устоз ёки олим бўлмай, билим берса юрак билан, устозлик қилса меҳр билан, олим сифатида саҳоватпешалиги билан барчага билимини ўргатади. У киши ниҳоятда оддий, камтар ва атрофдагиларга меҳрибон инсондир. Қалби оддий, кенг феъли, одамгарчиликни жойига қўядиган, инсон кадр-қиммати, ёшу қарига, талабаю шогирдларга муносабати, оиладаги ўрни ва ҳурмати, бутун меҳрини фарзанду шогирдларига берадиган юксак фазилатли инсон бўлиб, одамийлик мулки соҳибидир. Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам айтганлар: “Олимларни ҳурмат қилинганлар, чунки улар пайғамбарларнинг меросхўрларидирлар. Олимни ҳурмат қилган кишини Аллоҳ ва Расули ҳурмат қилган бўлади”

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон файласуфлари сарвари, етук олим ва дилбар инсон Дўстмуроджон Норкуловни Қарши давлат университети, қолаверса ота юрти азим Қашқадарё воҳаси олимлари номидан табаррук 70 ёш билан самимий табриклаймиз. Юзларидан доимо нур ёғиб турадиган жонажон синфдош дўстимга доимо тансиҳатлик, боқий умр, илм-фан йўлида омадлар ва оилавий ҳаётида улкан барокатлар тилаб қоламан.

Зеро муборак хадисларда таъкидланганидек, “Илм ўрганинганлар, билим ва илмда хотиржамлик ва салобат бор, ўргатувчига таъзимда бўлинганлар”.

* * *

ҚАЛБИ ҚАЙНОҚ, МЕҲРИ ДАРЁ ҚАШҚАДАРЁЛИК - У ...

Зоҳиров Рамиз Турдимуродович
Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Яқинда кўлимга Касби туманида 2003-2014 йилларда ҳоким бўлиб ишлаган Фурқат Шарипов ва кўп йиллар давомида Касби туманида турли соҳаларда раҳбар бўлиб ишлаган, “Дўстлик” ордени соҳиби, марҳум Чўли Жўревларнинг ҳамкорликда ёзган Тошкент шаҳридаги “Санъат журнали” нашриёти томонидан 2007 йилда чоп этилган “Буни умр дерлар...” деб номланган китоби тушиб қолди.

Китобнинг “Инсон умид билан яшайди” номли кириш сўзи Қашқадарёда кўп йиллар давомида вилоят ҳокими вазифасида ишлаган, Сенат аъзоси, марҳум Нуриддин Зайниев томонидан ёзилган бўлиб унда шундай фикрлар келтирилади. ”Касби туманидан етишиб чиққан таниқли олимлар, шоиру адиблар, санъаткорлар ва бошқа турли касб эгалари билан халқимиз фахрланади. Ҳозирги кунда пойтахт Тошкент шаҳрида яшаб ижод қилаётган таниқли шоирлар, “Шарқ юлдузи” журнали бош муҳаррири ўринбосари Икром Отамуродов, “Туркистон” газетаси бош муҳаррири Салим Ашур, истеъдодли ижодкор, Ўзбекистон теларадиоканалининг катта муҳаррири Абдулло Айизов, Ўзбекистон халқ артисти Рустам Маъдиев, тиббиёт фанлари докторлари, профессорлар Пиримқул Назиров, Тўра Маҳмудов, Абдулло Саидов, фалсафа фанлари доктори, профессор Дўстмурод Норқулов, тарих фанлари доктори Гўзалбек Холлиев, филология фанлари номзоди Узоқ Жўрақулов ва бошқа кўплаб заҳматкаш ижодкорларимиз, санъаткор ва олимларимиз Касби тумани номини янада кенгроқ ёймоқдалар” деб устозимиз Дўстмурод Норқуловнинг исми шарифлари 16 йил олдин ҳам

Қашқадарёнинг биринчи раҳбари томонидан улуғланган экан.

Мен Дўстмурод Норқулов билан 2018 йил Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказида бўлиб ўтган халқаро конференцияда танишганман.

Норқулов Дўстмурод Тошпўлатович 1952 йил 21 март куни Касби туманидаги Оқжангал қишлоғида туғилган. Тошкент Давлат университетини 1974 йида тугатиб, олийгоҳларда ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1983 йилда номзодлик ва 2000 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Дўстмурод Норқулов 4 монография, 2 та дарслик, 3 та ўқув қўлланма, 5 та ўқув-услубий қўлланма, 17 та услубий қўлланма ва рисоалар, жами 160 дан ортиқ илмий ишлар муаллифидир. Фалсафа фанлари доктори, профессор, Турон Фанлар Академияси академиги Д.Норқулов жамият тараққиётининг вақт билан боғлиқлиги, инсон маънавий дунёсининг вақт омилига таъсири масалаларини илмий таҳлил қилган олим.

2006 йилда Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти томонидан Дўстмурод Норқуловнинг “Вақт ва инсон” монографияси чоп этилди. Унга сиёсий фанлар доктори, профессор И.Эргашев масъул муҳаррир, фалсафа фанлари доктори, профессорлар У.Абилов ва Х.Ҳайдаровлар тақризчилик қилишган.

Профессор Д.Норқулов “Вақт ва инсон” монографиясида инсоннинг вақтга бўлган муносабати, унинг вақтдан қандай тарзда фойдаланиши, ислоҳотларнинг боришини, унинг натижалари кўп жиҳатдан вақт белгилаб бериши масалаларига эътиборини қаратган.

“Бўш вақт”ни анъанавий талқинда, деб ёзади Д.Норқулов, - фақат “ишдан ташқари вақт” тарзида таҳлил этилса, бу тушунчанинг туб моҳиятини айнан англамайди. Биринчидан, “свободное” сўзини ўзбек тилига “бўш” деб ағдариш унчалик тўғри эмас. Чунки бу унинг маъносини бир томонлама

ифодалайди, иккинчидан, “ишдан ташқари вақт”, яъни ”бўш вақт”да ҳам жуда кўпгина ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий маъно касб этувчи вазифалар амалга оширилади. Инсон бу вақтда, айтиш мумкинки, тўла амалий фаолиятда бўлади. Вақтни функционал жиҳатдан “иш вақти” ва “ишдан ташқари вақт”га бўлиш методологик жиҳатдан тўғри ҳисобланади.

Вақт ижтимоий-маданий маъноси жиҳатидан “ўтмиш”, “бугун” ва “келажак” тушунчаларини ўзида мужассам этади. Бу мамлакатнинг маданий тараққиётида ўзининг аниқ ифодасини топади. Шунинг учун ҳам вақтни функционал жиҳатдан таҳлил этишигина вақтнинг тузилишини аниқ тасаввур этиш имкониятини беради, деб алоҳида таъкидлайди.

Мустақиллик “иш вақти”, “ишдан ташқари вақт”, “бўш вақт”, “эркин вақт” тушунчаларини янги маъно ва мазмун билан янгилади. Бу жараён давом этмоқда. Ҳозирги кунда вақтнинг ижтимоий тараққиётга таъсири ортиб бориб, инсон билан вақт ўртасидаги узвий боғлиқлик кучайиб, инсон фаолияти орқали моддийлашиб, маънавий тараққиётга таъсир кўрсатмоқда, деган хулосага келинган.

Устоз Дўстмурод Норқулов туғилиб, вояга етган Касби туманидаги “Оқжангал” қишлоғига бориб, у кишини билган қариндошлари, бирга ўқиган синфдошлари, ошна-оғайнилари ва гаштакдошлари билан танишдим. Уларни суҳбатга тортдим.

Жониев Холмирза – 1952 йилда туғилган, Қарши педагогика техникумини 1975 йилда тугатиб, Касби туманидаги 24-ўрта мактабда ўқитувчилик қилган, Дўстмурод Норқулов билан 1-синфдан 8-синфгача бирга ўқиган, синфдоши; Мен 1959 йилда Дўстмурод билан ўзимизнинг Оқжангал қишлоғидаги 4 йиллик мактабга ўқишга бордим. 4 йил ўқиб, кейин эса кўшни Қатағон қишлоғидаги мактабда бир синфда ўқидик. Мактаб қишлоғимиздан 2-3 км. узоқда жойлашган эди. Оқжангал қишлоғидан Қиличев Баҳран (мархум), Юлдошев Абруй, Таниев Теша, Сафаров Жўрақул (мархум), Рахимова Тошбуви,

Бердимуродова Бодом, Ҳайитова Гулсара, Назарова Зинат (марҳум), Аллаева Ойжиға, Поёнова Ойим(марҳум), Қулмуродова Садафлар билан бирга Қатағон қишлоғига қатнаб ўқиганмиз. Ҳаммамизда латта сумка, синфимиз қоронғу, қишда фаррошлар печка ёқса тутаб кетиб синфда бир-биримизни танитай қолардик. 5 синфдан бошлаб пахта йиғим-теримига чиқиб, 4-5 км. узоқликдаги бригадир Аширов Лукча бобони пахта даласидан пахта терар эдик. Дўстмурод жуда тиришқоқ ва билимга чанқоқ ўқувчи эди. Юқори синфларга келиб, Дўстмурод фан олимпиадаларига қатнашиб, ғолибликни қўлга киритган эди. Шунинг учун у ҳеч иккиланмай Тошкентга ўқишга кетди.

Жабборов Тоштемир Пўлатович-1956 йилда Касби тумани “Оқжангал” қишлоғида туғилган. Тошкент қишлоқ хўжалик институтини 1978 йилда тамомлаган. Муборак туманидаги 6-жамоа хўжалиги ва “Майманок” боғдорчилик хўжалигида аграном, 1999-2005 йилларда Касби туманидаги “Қатағон” ва 2005-2008 йилларда “Оқжангал” маҳалла фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлаган. 70-йилларнинг ўрталарида мен Тошкентда Қишлоқ хўжалик институтида ўқиганимда Дўстмурод ака Тошкент давлат университетининг фалсафа-иқтисод факультетида ўқир эдилар. Баъзида бир ётоқхонада туриб, яшаган вақтларимиз ҳам бўлган. Якшанба куни биз Ульянов(ҳозирги Касби тумани)ликлар тез-тез йиғилиб турардик. Тушлик ва кечки овқатни бирга қилардик. Ўша вақтлари “ош қаерда дейсиз”. Топганимиз студентлик чалпак нони ва кечга макорон шўрва. Лекин макорон шўрвамиз доим лаззатли чиқарди. Дастурхон устида Дўстмурод ака мамлакатимизда ва дунёда бўладиган воқеалардан бизни хабардор қиларди. Қизиқ-қизиқ ҳангомаларни айтиб берарди.

Арабов Нормамат-1955 йилда Оқжангал қишлоғида туғилган, 1978 йилда Андижон Пахтачилик институтини тугатган. Турли соҳаларда , жумладан Косон ёғ-экстракция заводида директор ўринбосари вазифасида ишлаган, нафақада; Мен Дўстмуроддан

бир оз ёш бўлсамда, тенгқурдаймиз. Уч ой олдин жуда оғир касал бўлиб қолдим. Инсулт ўтказибман. Дўстмурод эшитиб қолиб, тезда Тошкентга етиб келинг деди. Тошкентга боргач, у мени Тошкент тиббиёт академияси шифохонасига жойлаштирди. Эй, ишонасизларми? Ҳар куни хабар олиб турди. Шифохонада ҳам ҳамма танир экан. Менга қараган шифокор ва ҳамширалар уни “Дўстмурод тоға” деб ҳурмат қилишар экан. Тузалиб, уйга қайтишимда ҳам уни ўзи кузатиб қўйди. Қишлоққа келган вақтида ҳам, албатта, келиб кўриб кетади. Қишлоғимизда қаерда тўй ёки марака бўлиб, келолмай қолган тақдирда кўнғироқ қилиб, узрини айтади ва йўли тушган вақтида келиб кетади.

Хушвақтов Холмурод Умарович- 1958 йилда Оқжангал қишлоғида туғилган, Тошкент химия-технология институтини 1996 йилда сиртдан тугатган. Косон нефть ва газ қидирув экспедициясида цех бошлиғи бўлиб ишлаган. Дўстмурод акам билан ёшлиқдан қадрдонмиз. Биласизми, ҳаммани ошна-оғайниси кўп бўлади. Лекин шу ошна-оғайнилари орасида ўзига яқинлари бўлади. Мен Дўстмурод ака билан шундаймиз. Тошкентдан келган вақтларида дарров бир-биримизни топиб оламиз. Арабов Нормамат, Жабборов Тоштемир, Жумаев Муродуллолар тезда топишамизда, Дўстмурод Норқуловни маслаҳатларини оламиз. У киши билан суҳбатлашган одам зерикмайди. Профессор бўлсалар ҳам фалсафий мулоҳаза қилмайдилар, бизга деҳқонча тушунтириб берадилар.

Жумаев Муродулло Ашурович - 1964 йилда Оқжангал қишлоғида туғилган, 2005 йилда Тошкент кимё-технология институтини тугатган. Косон ёғ-экстракция ОАЖда бош ҳисобчи, “Оқжангал” маҳалласи раиси бўлиб ишлаган; Мен ёшлигимдан Дўстмурод Норқуловни яхши биламан. Қишлоққа келган вақтларида бир хабарлашиб, аҳволимизни билиб кетадилар. 2018 йилда маҳалла раиси бўлиб ишлаганимда Дўстмурод ака ўзлари ўқиган қишлоғимиздаги 24-ўрта таълим мактабига келдилар. Мактаб ўқувчилари билан учрашув ўтказдик. Домла ўқувчиларга

ўзларини ҳаётлари ва иш фаолиятларини гапириб бердилар. Учрашувда ўқувчилар домлани саволларга “кўмиб” ташлашди. Домла уларни саволларига жавоб бериб, ўқиб, билим олиб, изланиб шу камолга етганликларини айтиб бердилар. Учрашув сўнгида домла ўзлари ёзган китобларни мактабимизга совға қилиб топширдилар. Яқинда келганларида эса Касби тумани ҳокимининг қарорига асосан қишлоғимизда янги қабристон қураётганимизни эшитиб, “хайрли иш бошлабсан” деб кўлимга пул тутқаздилар.

Шунингдек, “Оқжангал” қишлоғида яшовчи 96 ёшли Ниёзқулов Қодирқул бобо, 84 ёшли Холмўминов Маман ҳожи бобо ва устоз таҳсил олган 24-ўрта таълим мактабининг собиқ директори Султонова Гулзода опа билан суҳбатлашганимизда (гуринг қилганимизда) улар ҳам Норқулов Дўстмурод домлани олижаноб инсон эканлигини, қишлоққа кўлидан келганча ёрдам бериб келаётганлигини сўзлаб беришди.

Айниқса, 84 ёшли Маман ҳожи Холмўминов билан суҳбатлашганимизда у кишини куйидаги сўзларини келтирмасам ҳеч иложи йўқ; “ 2007 йил шамоллаб, бўйним буралмай қолди. Дўстмуродга телефон қилдим. Тезда Тошкентга келинг, деди. Тошкентга ўғлим билан етиб бордим. У вақтда Дўстмурод Медгородокда 3 хонали “дом”да турарди. Борсак, уй эмас меҳмонхона дейсиз. Қишлоғимиздан 3-4 та одам, кўшни Қарлик қишлоғидан икки эр-хотин, Дўстмуродни ўзини оиласи, қисқаси 15-16 кишимиз. Тўғриси айтсам, Дўстмуродни оиласи Шамиева Фазилат опа бир меҳмондўст, олижаноб, меҳрибон, ҳар сўзига “жон” кўшиб гапирадиган аёл эди, раҳматли (янгамизни ётган жойлари жаннатдан бўлсин, омин). Бир кеча меҳмон бўлиб, тиббиёт академиясининг шифохонасига бордим. Ишонасизми, Дўстмурод ҳар куни вақт топиб оиласи Фазилатхон билан мени кўргани келарди. Бир куни Дўстмуроддан сўрадим; ”Ҳар куни мендан хабар оласан, раҳмат сенга” десам. Дўстмурод кўзларига ёш олиб, “Маман ака, онам оддий бир кўричакдан вафот этганлар. У вақтда мен ёш эдим, кўлимдан ҳеч нарса келмас эди” деди.

(Дўстмурод Норқуловнинг онаси Пардаева Чинни 37 ёшида 1967 йилда вафот этган). Дўстмуроддаги энг муҳим ўзига хос инсоний фазилатлар бу оддийлик, камтарлик, бағрикенглик ва оқибатлилик каби хусусиятлар мукамал шаклланган”.

Оқжангал қишлиғида Дўстмурод устоз ҳақида қишлоқдош, ошна-оғайнилар билан навбатдаги суҳбат Раҳмат ака Абдулимов билан бўлди. Раҳмат акадан Дўстмурод Норқулов ҳақида сўраганимда тўлиб-тошиб гапирдики, “мен Дўстмуродни ёшлигидан биламан. У мактабда ҳам “аъло” баҳоларга ўқиганидан ҳабардорман. Тақдир тақозаси билан Тошкент шаҳрида яшаб, ҳаётда ўз ўрни топиб юрибди. Меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги сабаб фан номзоди, фан доктори, профессор ва Турон Фанлар Академияси академиги бўлди. Мен яқинда урология соҳаси бўйича соғлиғимда муаммо бўлган эди. Мен бориб учрашганимда ўзлари бош бўлиб, шифокорларни таништириб даволанишимга катта ёрдам қилди ва тез-тез хабар олиб турди. Жуда миннатдорман. Дўстмуроджонда шундай бир яхши хислати борки, таниш-билишларини ҳар доим сўраб, суриштириб туради. Тошкентдан келганида, албатта, хабар олади. Ким бўлишидан қатъий назар ёрдам сўраса, албатта, қўлидан келганча ёрдамини аямайди. Дўстликни кадрига етадиган инсон”, деди.

Кеманинг улуғворлигини унинг ичидагилар эмас, ташқарида турган одамлар яққол кўра олар экан. Фидойилик ҳам шундай; унга инсонни ўзи баҳо бера олмайди, балки энг юксак баҳони халқ беради, Ватан беради. Вақтдан унумли фойдаланишимизда, теран маънавиятимизни янада яхшироқ билиб олишимизда, халқимизни янада жипслаштиришга ёрдам берган асарлари, илмий изланишлари туфайли давримизнинг улуғвор дарғаларидан бири сифатида эътироф этиладиган устоз, профессор Норқулов Дўстмурод Тошпўлатович каби олижаноб, фидойи инсонларни канча эъзозласак, эътиром кўрсатсак шунча оз.

Яратган катта-кичик асарларидан буюк ва забардаст олимнинг ботиний қиёфаси ёрқин акс этиб турган азиз

замондошимиз, севимли устозимиз Дўстмурод Норкуловга шу йил 70 ёшени қарши олишлари муносабати билан ўз тилакларимни билдираётганимдан шукрона айтаман.

Дўстмурод ака! Шу ёшнинг икки баробарини яшаш илоҳим Сизга насиб этган бўлсин. Сиз эришган ҳақиқий илмий салоҳиятга эришмоқ ўзини илмга чоғлаган ҳар бир зиёлига, у ер куррасининг қайси бурчагида яшаётганидан қатъий назар, албатта, насиб этсин!

Мени касбим ҳуқуқшунос бўлганлиги учун бирор нима ёзишдан олдин обдон ўйлайман. Нимани, қандай ёзишни хаёлимда жамлайман. Мен устозимиз, профессор Дўстмурод Норкуловнинг иш фаолияти ва ҳаёти ҳақида бир китоб ёзилаётганлигини эшитиб, ўзимча, мен ҳам у киши тўғрисида бирор бир мақолами, эссе-эҳтиромми ёзишни ният қилдим. Устоз билан қандай танишганлигимни, у кишини яхши фазилатларини бирма-бир эслаб, ўзимча жамладим. Лекин ёзишга жазм қилолмасдим, устоз билан бирга ишлаган олимлар, бирга ўқиган синфдошлари, курсдошлари, гаштакдошлари ва қариндошлари билан суҳбатладим. Устоз Дўстмурод Норкулов тўғрисида тўлиқ “компр” (“Компрматериаллар”- бирор-бир ҳодисага тааллуқли ҳужжатлар тўплаш.Р.З.) тўплладим. Ҳамма тўплаган ҳужжатларим ижобий эди.

Шундан сўнг бу бу фикрларни жамлаб бўлиб, ёзишга ўтирдим. Ёзиб тугатдим ҳам. Хўш, сарлавҳани нима деб қўйсам? Профессор Дўстмурод Норкулов ҳақида китоб чоп этилаётганлигини эшитган олимлар, у кишини сафдошлари ва яқин кишилари ҳам албатта, у киши тўғрисида эссе-мақолалар ёзишади ва илмий, бадиий ном қўйишади. Ёзиладиган эссе-мақолага шундай ном қўйсак, домлани кимлиги, қаерданлиги-ю, яхши фазилатлари шу сарлавҳада мужассам бўлса, деган фикр миямда айланарди.

Куни кеча телевизор кўриб ўтирсам, Ўзбекистон Халқ ҳофизи марҳум Тожиддин Муродовнинг кўшиқлари жаранглади;
Қашқадарё - сен Она юртим,

Зар тупроғинг кўзимга суртдим.

Озод турмуш завқини сурдим,

Қалби қайноқ, меҳри дарё – Қашқадарёмсан!

Мана сарлавҳа! Устоз Дўстмурод Норкулов севиб, хиргойи қилиб юрадиган ашула-ку! Ахир устоз ўзлари ҳам Қашқадарёлик-ку! Устознинг ҳам қалблари қайноқ, меҳрлари дарё-ку! Ёзган эссе-мақола (эҳтиром)ни “Қалби қайноқ, меҳри дарё Қашқадарёлик-У...” деб ном

* * *

ДЎСТ ДЎСТМУРОДГА ДЎСТОНА ТАБРИК

Джалилов Бахтиёр Хидаевич

*Курсдош, Ўзбекистон Миллий университети доценти,
фалсафа фанлари номзоди*

Бугун дўстим, қадрдоним Дўстмурод Норкуловни табаррук 70 ёши билан муборақбод этмоқдамиз. Бугун кечадан бошланганини назарда тутсак албатта ўтган кунларга назар солмоқ, эсламоқ ва унинг сабоқларидан хулоса чиқармоқ бугун ва эртанинг асоси, замини бўлганига амин бўламиз. Кечаги ва бугунги кун орасида турли-туман кечмишларга тўлиб-тошган 53 йил бўлибди. Бу камида икки авлоднинг умргузаронлигига тенг даврдир. Ўша йили Тошкент Давлат универститети тарих факультети фалсафа бўлимида 28 нафар ўғил-қиз талабаликни бошладик, хаётимизда жуда катта мазмунга эга бўлган босқич бошланди. Ватанимизнинг ҳамма вилоятлари вакиллари бир курсда ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ ва қирғиз миллати фарзандлари ягона оилага айланди, хаётнинг “олтин даври” аталмиш талабалик йиллари бошланди.

Фалсафа йўналишига ўқишга кириш (конкурс катталиги учун) осон эмасди. Фақат иштиёқи баланд, ҳаракатчан ва мақсадига

эришишига ишончи юқориларга бу бахт насиб этганди. Шулардан бири Қашқадарё вилояти Қасби тумани Оқжангал қишлоғида туғилиб ўсган Дўстмурод эди. Ўқиш ҳам осон эмасди, чунки фанимизнинг ўзи “фанларнинг фани” мавқеида эканлиги уни эгаллаш учун катта маъсулият талаб этар эди. Ижтимоий-гуманитар фанлар факультети бўлсақда барча табиий фанлар: математика, физика, химия, биология, олий математика (2 йил), умумий физика, умумий химия, умумий биология, олий нерв фаолияти физиологияси каби фанлар асосий фанлар сифатида ўқитилиши талабалардан жуда катта хатти-харакат, интилиш, матонат талаб қиларди. Яна бир нарса. Фалсафа фанимизнинг анчагина қисми рус тилида ўқитилар эди. Профессорлар Гарбер Л.Е., Иванова К.И., доцентлар Рамазанов Т.М, Турчанинов И.И., Колемасова В. сабоқ беришган. Ўзбек мактабларини битириб келган, рус тилини билиши хаминқадар бўлган талабалардан янада кўпроқ ғайрат, интилиш, меҳнат қилиш талаб қилинарди. Русий забон устозларимизни тилга олганда албатта илмда, ахлоқда, инсонийликда бизга намуна ва маёқ бўлган устозларимизни эслаш, хотирлаш ўринлидир. Улар профессорлар Ж.М.Бобоев, М.Б.Баратов, А.И.Абдусамедов, А.Т.Аюпов, А.Т.Алиқулов, Х.Т.Шоюсупова, Ш.Ш.Шарапов, доцентлар М.Усмонов, М.Долимов, Н.Эгамбердиев, И.Рамазонов, А.Ғуломов, Б.Искандаров, З.Муминова, ўқитувчи И.Кулмурадовлар берган таълим-тарбиялари хамиша ёдимизда.

Бу устозлардан ибрат, илм олган курсдошларимиз бугунги кунга келиб ўзлари ибрат эгаларига айланишди. Бирга тахсил олган курсдошларимиздан 3 нафари фан доктори (Д.Норқулов, И.Эргашев, Ў.Абилов), 8 нафари фан номзоди (Б.Х.Жалилов, О.С.Мухамедяров, Б.Тўхлиев, И.Неъматов, А.Ғаниев, Ф.Умарова, А.Бобоев, Ш.Комилов) етишиб чиқишдики, улар курсимизнинг фахрлари, шон-шуҳратларидирлар.

Шу даврга хос баъзи ибратли воқеаларни эслайман. Илм олишга иштиёқ жуда юқори бўлгани боис маърузалар мазмунини

дарсдан ташқари муҳокама қилишимиз, семинарларга 2-3 киши бўлиб тайёрланишимиз, семинар мавзуларидан савол-жавоб қилишимиз, имтихонларга эса 4-5 кун биргалашиб тайёргарлик кўришимиз, буларнинг натижасида ўқиш кўрсаткичларимиз юқори бўлар эди. Ҳар семестрни 70-80% юқори ва аъло баҳоларда якунлашимиз бунга далилдир. Курсдошимиз Обиджоннинг бувилари бу даражада тиришқоқлик билан илмга интилаётганимизни кўриб, “Болаларим, сизлар игна билан қудуқ қазияписизлар, илоҳим роҳатини кўринглар”, деб дуо қилардилар. Юқорида айтиб ўтилган гуруҳларнинг доимий фаол иштирокчиси Дўстмурод Норқулов эди.

Илмий-педагогик фаолиятни ифодаловчи рақамлар: Дўстмурод дўстим 1983 йилда номзодлик, 2000 йилда докторлик диссертацияларини ёқлади.

4 та монография, 160 дан ортиқ илмий мақолалар, дарслик, ўқув, ўқув-услугий ва услубий қўлланмалар муаллифидир. Бу қуруқ рақамлар ортида машаққатли меҳнат, илмга иштиёқ, юксак тафаккур ётибди. Устозлар илми, ўғитни қалбига жо қилган Дўстмурод дўстим бугун энг хурматли, иззатли устозга айланди. Ярим асрга яқин педагогик фаолиятида неча минглаб талабаларга илм берди, мураббийлик қилди. Бу даврда кафедра мудири лавозимида юқори ташкилотчилик, раҳбарлик иқтидорини намоён қилди.

Дўстмуроднинг ёшлиқдан ажойиб фазилати бор. У билан учрашганингизда ҳар доим ва ҳар жойда кулиб туради. Бу билан муносабатлар янада самимийлашади, хуш кайфият пайдо бўлади.

Бу буюк нарса чунки ҳаммани ҳам қўлидан келавермайди-да.

Қадрдоним Дўстмуродга дуоим мазмуни шу:

Фарзандларининг бахту-саодатини, неvara ва чевараларининг тўй-томошасини кўриб умргузаронлик қилиш насиб этсин. Сихат-саломатлик, узоқ умр тилайман.

* * *

ЎЗ ФАРЗАНДЛАРИНИ БАХТЛИ БЎЛИШГА САБАБЧИ БЎЛГАН ИНСОН

Норқулов Сухроб Дўстмуродович

*Тошкент тиббиёт академияси Ижтимоий фанлар кафедраси
мудир, фалсафа фанлари доктори*

Бугун отам, фалсафа фанлари доктори, профессор, Турон фанлари академияси академиги Дўстмурод Норқулов 70 ёшни қарши олган эканлар, уларга узок умр, сиҳат-саломатлик ва барча самимий тилакларни тилаб, улар ҳақида қисқача дилимдаги фикрларни қоғозга тушуришга қарор қилдим.

Ота – бу ҳар бир инсон учун буюк зот, ота ҳақида гапирадиган бўлсам: тўғриси айтсам, отага ҳаётимизда кўп аҳамият беравермаймиз, лекин ота ҳаётингда тиргак, орқангда умр бўйи суянган тоғинг бўладиган зот ҳисобланади. Мабодо бироз тоби бўлмаса ўша суянган тоғинг гўёки қулагандек туюлади. Биз фарзандлар мувозанатни йўқотиб қўямиз.

Биз фарзанд сифатида ҳаётимизда нимага эришган бўлсак, нимаики ютуғимиз бўлса, отамнинг, онамнинг зимдан қилган дуолари, тарбиялари орқали эришганмиз. Ота-онам бизга доимо тўғри сўз, ростгўй бўлишга ўргатган, ҳалоллик, адолатлилик, инсонпарварлик каби туйғуларни сингдиришга ҳаракат қилиб келган. Ота-онани, ака-укаларни, оилани севишни, яқин инсонларни ҳурмат қилишни, керак бўлган вақтда ёрдамнингни аямасликни, доимо ахил бўлишни ўргатганлар.

Отам фарзандларинигина эмас, балки набираларининг тарбияси, тақдири ва келажагини ҳам доимо ўйлайдилар. Айрим вақтларда биз ўз фарзандларимизга ёрдам беролмаганимизда отам набираларига ёрдам қўлини чўзадилар ҳамда уларга тўғри йўл кўрсатадилар. Уларнинг ўқишларини доимо назорат қиладилар, керак бўлса бирга ўтириб дарс тайёрлашади. Уларни музейларга,

театрларга, мамлакатимиздаги турли тарихий қадамжоларга олиб борадилар.

Отам нафақат бизнинг тақдиримизга, балки эл-юрт, Ватанимиз тақдирига ҳам бефарқ эмаслар. Улар фарзанд, набираларини жамиятга фойдаси тегадиган инсон сифатида тарбиялашга ҳаракат қилганлар, бизларни билимли, маърифатли, даврга мос бўлишимизни истаб барча фарзандларини олий маълумотли қилганлар, уларнинг назоратлари, талабчанликлари натижасида барчамиз олий таълим муассасаларини имтиёзли дипломлар билан тамомлаганмиз.

Отам яқин инсонларига, ака-сингиллар ўртасидаги муносабатларда биз фарзандларига намуна. Уларнинг бир-бирига муҳаббати, ҳар қандай вазиятда бир-бирига суяниши, ҳар бир ишда бамаслаҳат иш кўриши оиланинг ахиллигидан, деб биламан.

Отам онам-Фазилат Шамиева (онам 2020 йил 17 сентябр куни вафот этганлар) билан қарийб 50 йил бир ёстикқа бош кўйишган. Доимо бир-бирини тушуниб, ҳурмат қилиб, бир-бирига маслаҳатгўй бўлиб яшаб келишган. Меҳридарё ота-онамнинг 4 фарзанди, 11 нафар набираси, 2 нафар чевараси бор.

Ота-онам биз фарзандлар барчамизни оқ ювиб-оқ тараб, ўқитиб, ҳаётда ўз ўрнимизни топишга ёрдам бердилар: Оиламизда тўнғич фарзанд, опам Нилуфар 2 та олий маълумотга эга. Ҳам файласуф, ҳам шифокор, акаларим Фарход энергетика, нефт ва газ соҳаси бўйича етакчи мутахассис, Анвар иқтисодчи, тадбиркор, мен эса энг кенжа фарзанд, отам касбини давом эттириб, ота-онам маслаҳати билан фалсафа фанидан ўқитувчилик касбини танлаганман.

Отам оиласига, ака-сингилларига, дўстларига меҳрибон, кўнгли очик инсон. Айниқса, сингиллари Ойимгул ва Жумагул аммамларга жуда меҳрибон, Қашқадарёда яшаганликлари учун деярли ҳар куни телефон орқали, ҳар бир-икки ойда уйларига бориб хабар оладилар. Бу бобом - Тошпўлат бобонинг отамга берган тарбияси ҳамда оналаридан эрта айрилганликлари (оналари

Пардаева Чинни момом 1967 йилда вафот этган), оналарининг сиймосини сингилларида кўрганликлари, деб ўйлаймиз.

Отам акалари Рўзимурод бобом билан жуда ахил, бир-бирини қаттиқ ҳурмат қилар эди. Қашқадарёга ота уйларига борган вақтларида ака-укалар бир-биридан ажралмай, тўй-хашам, тазия жойларига бирга боришар эди. Қишлоқдошлари ака-уканинг бир-бирига меҳрини кўриб, жуда хавас қилишарди, ҳозирги кунгача ҳам эслашади.

Халқимиз орасида “От изини той босар” деган нақл бор. Ҳақиқатдан, мен отамиз касбини давом эттирмоқдаман. Ўзбекистон Миллий университетининг Фалсафа факультетида таҳсил олиб, бугунги кунда талаба-ёшларга илм бериб келмоқдаман. Отам ҳар доим “бирон бир ишни бошласанг, албатта уни охирига етказгин”, “бир жойда тўхтаб қолма, доимо ўз устингда ишла” деб ўқтириб келадилар. Отамнинг доимий ўғитлари, соҳа бўйича берган билимлари, назоратлари натижасида фалсафа фани бўйича 2011 йил номзодлик, 2018 йил докторлик диссертацияларини ҳимоя қилдим. Отам фалсафа соҳаси бўйича оиламизда илмий мактаб яратган, десам хато бўлмайди. Оиламизда 4 нафар файласуф, улардан 3 нафари илмий даражага эга. Турмуш ўртоғим, Фаридaxon ҳам файласуф, 2022 йил фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори диссертациясини ҳимоя қилди.

Отам биз фарзандлар учун доимо хавас қиладиган, намуна, ҳаётимизда ўрناق оладиган инсон сифатида биламан! Мен бу инсоннинг фарзанди эканлигимдан бахтиёрман ва фахрланаман! Отамга узоқ умр, сихат-саломатлик, кўп йиллар оиламизга бош, маслаҳатгўй бўлиб юришларини тилаб қоламиз!

* * *

ДЎСТМУРОДЖОН

Икром Отамуродов, шоир

Кимдур сени соғинса дилдан
Кумсаса, талпинса сен томон
Демакки сен яшайбсан чиндан
Демакки сен бордурсан омон

Кимдур сени ўйлаб, ўртаниб
Тоқат кўзга синондек боқса
Демакки сен меҳрибон таним
Демакки сен вафодор дўстсан

Кимдур сенга омонлик тилаб
Яратганга айласа дуо
Демакки сен чексизлик имлаб
Демакки сен мангулик шудам

Кимдур сенга отса тана тош
Орқаворотдан ҳар дақиқада
Демакки сен қуламас бурдош
Демакки сен зўр ҳақиқатсан

Кимдур сени тушида кўриб
Армонларин кучоқласа ун
Демакки сен бахтиёр ғариб
Демакки сен марзубон гардим

Кимдур сени соғинса дилдан
Кумсаса, талпинса сен томон
Демакки сен яшайбсан чиндан
Демакки сен бордурсан омон

КОМИЛ ИНСОННИНГ ИБРАТЛИ ФАЗИЛАТЛАРИ

Алимова Сабохат Ғозиевна

*Тошкент тиббиёт академияси доценти, иқтисодиёт
фанлари номзоди*

Бугунги кунда фалсафий тафаккурни ҳар бир жамият аъзосига ва унинг руҳий дунёсига кириб бориши бу буюк алломалар орзу қилган инсонларни комил фазилатларини шакллантириш ва такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшади. Шундай маълумотларни таъкидлашимдан мақсад фалсафа ёш авлодда сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик, ахлоқий, табиий-илмий дунёқарашни, уларда табиатга, жамиятга, ўз ватанига, халқига, миллатига унинг моддий-маънавий бойлигига янгича қарашлар тизимини шакллантиришдан иборат. Буларни барчасини Тошкент тиббиёт академияси Ижтимоий фанлар кафедрасида кўп йиллардан буён фидокорона меҳнат қилиб келаётган профессор, фалсафа фанлари доктори, Турон фанлар академияси академиги, биз шогирдлар учун азиз Дўстмурод Тошпўлатович Норқулов амалга ошириб келмоқдалар.

Қарийиб 10 аввал шу даргоҳга келиб илк бор учрашиб суҳбатлашган инсон бу Дўстмурод устоз бўладилар. Уларни мен ҳақимда биринчи ижобий фикр билдиришлари ишга кириш ҳақидаги ўз қўлим билан ёзиб берган аризам эди, хусни-хати чиройли, фикрлари тоза, фанини яхши билар экан – деб фикрларини давом эттириб мени кафедра аъзоларига таништириб, кафедрага ишга қабул қилишга розилик берган эди.

Йиллар давомида устоздан кўп ибрат олиб ўзим учун жуда катта тажриба орттирдим, яъни илм излашни туби йўқ ва барча фанларни ўзлаштиришни имкони бўлмасада ўзингиз мукаммал билган фанингизни бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш шу муҳитда ва айнан шу даргоҳда жуда ас

қотди. Сабаби Ижтимоий фанлар кафедраси академиянинг энг мураккаб ва долзарб фанлари ҳақида талабаларга тушунарли тарзда талқин қилиб берадиган профессор-ўқитувчилари ва ўз педагог – олими Дўстмурод устоз билан бирга фаолият кўрсатаётганимиздан ҳар доим ғурурланамиз, фахрланамиз. Уларни бир гаплари доим ёдимда туради. ...Бошқа олий таълим муассасасида ишлаб келган одам ҳар доим ҳам Академияда ишлаб кета олмайди, аммо Академияда ишлаган одам ҳамма жойда ишлаб кета олади. Демак бу даргоҳ доимо илмни, билимни ва интилувчанликни рағбатлантирган, бунга ҳисса қўшган инсонлар доимо омон бўлишсин. Дўстмурод домламиз кафедра мудирлик даврларида профессор-ўқитувчиларга мотивация яъни далда бериб турганлари учун жуда кўп илмий нашрларда мақола ва тезислар чоп эттирилган, илмий рисолалар ёзилиб нашр қилинган. Бунинг натижасида ўша даврларда бу устознинг сай-ҳаракатлари сабабли кафедра жуда сермахсул фаолият олиб борган, албатта.

Бундай устоз билан ҳаёт давомида бирга фаолият кўрсатишга муяссар бўлганимдан ниҳоятда мамнунман. Доимо оилангиз, фарзандларингиз бахтига соғ омон бўлинг.

* * *

БЎШ ВАҚТНИНГ ХУШ ВАҚТЛИГИНИ ИСБОТЛАГАН ОЛИМ

Мухамедяров Обиджон

*Курсдош Ўзбекистон жаҳон тиллари университети доценти,
фалсафа фанлари номзоди*

Курсдош ва тенгқур оғайнинг ҳақида бирор нима битиш мушкул экан. Айниқса у катта, номдор олим бўлса, вазифанг янада мураккаб. Курсдошим фалсафа фанлари доктори, профессор Дўстмурод Норқулов ҳақида кейинги бир неча ҳафтадан буён

ўйлайману, нимани битсам экан, деб бош қотираман. Албатта, университетда ўқиган йилларимизни эсламасдан бирор нима дейиш қийин. Хўш, Дўстмурод дўстимизни биздан, бошқалардан ажратиб турадиган фазилатлари нимада эди, деб ўзимга савол қўйдим. Ахир ҳаммамиз ҳам у етган даражага бирдек ета олмадикку, демак унинг бошқалардан ажралиб турадиган фазилатлари кам бўлмаган. Масалан, у биздан кўра университет кутубхонасига ҳам, Навоий номидаги катта кутубхонага ҳам доимо қатнаб турарди, баъзан мен унга тегажоғлик қилиб, кутубхонада ётиб қолмаяпсанми, ишқилиб, ёки бирор оҳанграбо топилдими у ердан, деган гапимни эслайман.

Қашқадарё кенгликларида улғайган ва қочирикларни кўп ҳам эътиборга олмайдиган танти инсон эмасми, ҳавас қилсанглар, юринглар бирга борамиз, мен ходимлар билан яхши танишиб олдим, истаган китобларни топиб беришади, деганди. Мен шундан сўнг ўзимга хулоса қилгандим, Дўстмурод интилса, топадиган, мақсадига эришмаса, тинч турмайдиган дўстларимиздан эди. Унинг даъвати қор қилдими ёки ўзимнинг ҳам қизиқишим устун келдими, мен ҳам у билан кутубхоналарга тез-тез борадиган бўлдим. Ўсмирликда ўрганганинг тошга битилади, болам дерди отам раҳматли. Кутубхонадан бошланган ҳамкорлигимиз то университетни битиргунга қадар тўхтамади. Қизиғи шуки, Дўстмурод билан икковимиз номзодлик ҳимоясига кетма-кет, у мендан бир кун олдин ва мен кейинги кун ҳимояга чиқдик. Аввал мен уни ва кейинги кун у мени қутлади.

Шуни алоҳида айтишим керак, Дўстмурод курсимиздаги намунали талабалардан бири эди. Беш йил ўқиш мобайнида унинг бирор кун дарс қолдирганини эслай олмаимиз. Бу бир фазилати бўлса, бошқа бир бизлардан устунлиги, фарқи шу эдики, у тинимсиз конспект юргизар эди. Домламиз мавзуга алоқадор бўлган масалаларни айтаётганда ҳам, тўлдирувчи қўшимча маълумотларни мисол келтираётганда ҳам Дўстмурод дўстимиз доимо ёзаётган, лекторнинг ҳар бир сўзини қайд этаётган бўларди.

Мен нега шундай қила олмадим, чунки домламиз маърузасини ҳам эшитиб, ҳам ёзишга улгуриш учун катта салоҳият талаб этилар эди.

Унинг домлаларимиз маърузаларини ёзишга улгураётганини билиш учун бир куни конспектини олиб саҳифаларга кўз ташладим. Ҳайратланиб унга тикилдим, Дўстмурод менинг савол билан тикилишимни тушунди, чунки конспектдаги матнлар домламиз айтганларга унча мос келмасди. Мен домлани эшитиб туриб фикрларини ўзлаштириб ўз билганларим билан сайқаллаштириб муносабатимни ёзиб бораман, домла айтганлари менга йўналиш холос, деди менга ҳайратимга жавоб берар экан. Ана шунда мен ҳам ўзим учун бир янгиликни конспект маърузанинг бевосита нусҳаси эмас, балки талабанинг ўз нуқтаи назари бўлиши керак экан, деган хулосага келганман. Ҳозир ҳам дарс жараёнида Дўстмурод дўстимизнинг менга берган ўша сабоғини унутмайман.

Дўстмурод талабалигиданоқ вақтнинг қадрига етиш, унинг мазмун моҳиятини чуқурлаштириш, маълум вақт мобайнида муайян вазифаларни амалга ошириш маданиятини шакллантириш феноменига диққатини қаратиб келди. Ана шу вақтни тежаш, кам вақт мобайнида кўп иш қилиш фалсафаси унинг илмий ишларига асос бўлди. Очиги, жаҳон амалиётида вақт феномени самарасини ошириш факторини ўрганишга анча эътибор қаратилгани маълум, лекин мамлакатимизда ушбу мавзу чуқур ишланмай келаётганди. Ана шу бўшлиқни тўлдириш ва вақтдан фойдаланишнинг ягона илмий асосланган тизимини яратилишига биринчи бўлиб Дўстмурод дўстимиз киришди ва бу борада ўзига хос бир мактаб ярата олди, деб тўла ишонч билан айта оламиз.

Унинг номзодлик диссертацияси шундай номланган эди: “Бўш вақт – қишлоқ меҳнаткашларининг маданий-техник савиясини оширишнинг муҳим омили”. Унинг устози “Фалсафа ва ҳуқуқ” институти профессори марҳум М.А.Абдуллаевнинг раҳбарлигида 1983 йил 16 июнда университетнинг Ихтисослашган

илмий кенгашида номзодлик диссертация ишини муваффақиятли ёқлади. Баъзи бир ёш олимлар ишни ёқлагач, ўзига бироз дам беришни ўйлаб илмни ташлаб қўйишади. Дўстмурод дўстимиз бундай қилмади, ўзи мақбул кўрган илмий ишни, яъни вақтни қадрлашни илмий жиҳатдан, ҳам амалий, ҳам назарий асосларини ишлаб чиқишдек олийжаноб ишга шўнғиб кетди. Тиббиёт академиясида маълум вақт бирга ишлаб бошлаган эдик, кейин икковимизнинг иш жойларимиз ўзгарди, у ўзи ишлаган жойда фаолиятини давом эттирди, мен бошқа жойда ишлай бошладим ва учрашувларимиз камайиб борди. Мен унинг илмий ишни давом эттираётганини билиб турардим. Курсдошлар билан учрашувларимизда бир-биримизнинг янгиликларимизни ўртоқлашардик. Шу янгиликлар умумлашаётганда Дўстмурод Норқуловнинг янги монографиялари, мақолалари чиққанлигини билардик ва баъзан телефонда, баъзан дўстларимиз орқали уни қутлар эдик

Дўстмуроднинг докторлик диссертацияси ҳимояси ЎзМУда 2000 йил 21 декабрда “Вақт – жамият маданий-маънавий равнақи омили (назария ва амалиёт)” деб номланган мавзуда бўлди ва унинг муваффақиятидан астойдил қувондик. Курсдошлар йиғилишиб табрикладик. Вақт феномени ҳақида иш қилган киши, албатта вақтнинг қадрига етиши табиий. Шу маънода дўстимиз ўз ибратини фарзандларига ҳам сингдира олди. Норқуловлар оиласини бугун файласуфлар оиласи десак, хато бўлмайди. Ўғли Сухроб фалсафа фанлари доктори (DSc) ва келини Фарида Умарова фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Бугун Норқуловлар авлоди вақтни эъзозлаб, унинг самарасини оширишда бевосита ўртак кўрсатиб яшамоқдалар, янги илм чўққиларини эгалламоқдалар. Унинг қатор монографиялари: “Инсон ва вақт”; “Меҳнат, турмуш ва бўш вақт”; “Тарихий маданий мерос ва миллий ўзлиқни англаш”; “Жамиятни маънавий янгилашда ҳуқуқий онгнинг роли” ва ҳоказо. Жами ёзган ва чоп эттирган илмий мақолалари сони икки юзга яқин.

Дўстимиз ўз исми ва жисми билан дўстлари ичида муродига етди, ғайрат шижоати барқ уриб турган 70 ёшга тўлди. Унинг ордда қолдирган ҳаёт йўлларига назар ташлар эканмиз, беихтиёр ҳавас билан тикилиб умринг зиёда бўлсин, дўстим, бошлаган ишларингни фарзандларинг ва набираларинг янада катта меҳрумуҳаббат билан бардавом қилаверсин, дегим келади.

* * *

ИЛМГА БАҲШИДА УМР

Халиков Суюн Равшанович

*Тошкент давлат аграр университети доценти, иқтисодиёт
фанлари номзоди*

Мен, Дўстмурод Тошпўлатович Норқуловни 1960 йиллардан, мактаб партасидан бошлаб яъни бир мактабда олдинма-кетин ўқиган пайтимдан биламан. Дўстмурод Тошпўлатович мактабда ўқиган пайтларида ҳам тиришқоқ, фанларни ўз вақтида ўзлаштира оладиган, дўстларига ҳурмат ва эҳтиромли ўқувчи эди.

Ота-боболаримизнинг “бешиқдан то қабргача илм изла” деган ажойиб нақлини Дўстмурод дўстим мисолида яна бир исботланганини кўришимиз мумкин.

Оддий деҳқон оиласида туғилган Дўстмурод Тошпўлатовични мактаб, олий таълим муассасасини тугатиб, ўз билимини, малакасини доим ошириб бориши билан илм соҳаси вакиллари, яқин сафдошлари ва ёру дўстлари орасида катта ҳурмат ва эҳтиромга сазавор бўлишга замин яратди. Унга Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Ихтисослашган Илмий Кенгаш томонидан фалсафа фанлари номзоди (1983 йил) ва фалсафа фанлари доктори (2000 йил) илмий унвонлари берилиши ёрқин мисол бўлади.

Амалиётда аслда олимлар уч тоифага бўлинади яъни

биринчилари, янги назарий ғоялар яратувчи, иккинчилари, ушбу ғояларнинг илмий-методологик асосларини яратувчи ва учинчилари эса, аввалги ҳар иккала тоифа олимлар томонидан олинган назарий-методологик ишланмаларни ҳаётга тадбиқ этишнинг илмий-услубий ечимларини ишлаб чиқувчи олимлар бўлишади.

Менинг назаримда Дўстмурод Норқулов юқорида таъкидланган ҳар учала олимлар гуруҳига мос бўлган илм, қобилият ва хислатларга эга етук олимлар сулоласининг ёрқин намоёндаларидан биридир. Зотан, унинг илмий-педагогик ишларида ўз аксини топган.

Яна бир эътиборли жиҳати шундан иборатки, Дўстмурод дўстим нафакат кўплаб илмий асарлар муаллифи, у илм-фан соҳасида бир қатор таянч докторант ва докторантларга илмий раҳбарлик қилаяпти, шогирдларига нисбатан талабчан ва адолатли устоз ҳисобланиб, улар билан сидқидилдан муносабатда бўлиб, меҳрибон мураббий сифатида фаолият олиб бориши ҳам таҳсин ва диққатга сазовор. Зеро, бу каби хислатлари унинг ҳаёт фалсафасини чуқур ўзлаштиргани, теран мушоҳада, фикр-мулоҳаза қила оладиган кенг қиррали истеъдод эгаси эканлигидан далолат беради.

Бугунги навқирон ёшга қадам кўйган Дўстмурод дўстимни, мактабдошимни ва касбдошимни чин юракдан муборакбод этиб, аввалом бор мустаҳкам соғлиқ, сермазмун узоқ умр, ижодий баркамоллик, оилавий бахт-саодат, қут барака, омад, тинчлик ва хотиржамлик тилайман. Олиб бораётган илм-фан соҳаси ва кадрлар тайёрлаш тизимидаги фаолияти, Ватанимиз ва ҳалқимизнинг истиқболли тараққиётини таъминлашга хизмат қилишида куч-қувват тилайман.

* * *

ДОНИШМАНДЛИККА ИНТИЛИБ

Махматов Абдурашид Махматович
*Синфдош, Турон ФА Академиги, тиббиёт фанлари номзоди,
доцент*

*Мен бу чўллар қўйнида туғилиб топдим камол...
Олис шаҳар, тоғлардан илҳомимни ахтардим.
Абдулла Орипов*

Қашқадарё вилоятининг шарқий қисми дашт ва чўллардан иборат бўлиб, Туркменистон чегарасигача туташиб кетади. Иккинчи қисми эса тоғлар ва гўзал боғлардан иборат. Бу хикоямиз Касби туманининг мўъжазгина бир қишлоғида туғилиб ўсган ва тақдир тақозаси билан ўқиш баҳонасида Тошкент шаҳрига келиб, ҳаёт ва жамиятда ўз ўрнини топган синфдош дўстим ҳақида боради.

Дўстмурод Оқжангал қишлоғида туғилиб ўсди. У онасидан барвақт етим қолди. Отаси Тошпўлат бобо уйланмасдан етим қолган тўрт болани оқ ювиб оқ таради. Тўртинчи синфгача шу қишлоқнинг бошланғич мактабида ўқиди. Кейин шу туманнинг Қатағон қишлоғидаги ўрта мактабга келиб ўқишни давом эттирди. Ёшлик бир пасда ўтиб кетаркан. Мактабда ўқиб юрган пайтларида ҳамқишлоқлари Тошкентга бориб ўқиётгани ҳақида билар эди. Уларнинг баъзилари институтни битириб Миллий Университетда ишлаётган экан. Ёш Дўстмуродда ҳам Тошкентга бориб ўқиш истаги туғилди. Чунки бошқа дўстларининг катта шаҳарларга бориб ўқиймиз, деган гапларини ҳар куни эшитарди. Битта синфда ўттиз уч ўқувчи ўқирди. Ўша пайтлар бу синфдагилар ўзларининг билимдон ўқувчилар эканини кўрсатиб қўйишганди. Бу ҳақда вилоят газетаси саҳифаларида ҳам тан олишиб ёзишган эди. Бу воқеа шундай бўлган эди.

Улар саккизинчи синфни битираётган пайти Тошкентдан

таълим вазирлигининг бир гуруҳ комиссияси келиб қолди. Ўша пайтлар саккизинчи синф охирида давлат имтиҳони ўтказиларди. Барча ўқувчилар бу давлат имтиҳонини юқори баҳоларда топширишди. Бу воқеани бутун туман мактабларида эълон қилишган экан. Мактаб директори ўшанда давлат имтиҳонларини аъло баҳога топширганларни рағбатлантирганди.

Агар кимдан ким мактабни аъло баҳоларга битиришса уларга албатта олтин медаль берамиз. Шунинг учун аълога ўқийдиганлар ораларингизда жуда кўп. Шунга ҳаракат қилсаларингиз медаллик бўласизлар, - деди. Биз бу ваъдани эшитиб кейинги йиллар янада яхши ва аъло баҳоларга ўқишга интилдик. Ўқувчилар орасида фақат тўрт кишига олтин медалга номзод аниқланди. Шулар орасида Очил Бўриев, Гуласал Жумақулова, Дўстмурод Норқулов ва мен камина ҳам бор эдик. Мактабни битирганимиздан кейин давогарлар қачон бизга олтин медаль берар экан деб роса кутиб юришди. Лекин ҳали “олтинлар кондан қазиб олинаётган экан”, деб ҳазиллашганлар ҳам топилди. Биз анча вақт кутган бўлсакда, олтин медаль кўринмасди. Баъзи одамлар, яқиндагина олтин медаль ясашибди, уни энди бу ерга олиб келишаётган домла ва олтин медални бўрилар еб кетишибди, деган гапни эшитдик. Кейинчалик билсак, бу бир ҳазил гаплар экан.

Ҳа майли, менинг бу ҳикоям сизга худди эртак эшитаётгандай туюлиши табиий. Чунки ўша пайтлар ҳам чўнтагингда пулинг бўлса бозордан бирор нарса сотиб олишинг мумкин деган ақидага ўхшагандай гап...

Мактабни битирган қарайиб барча йигит қизлар катта шаҳарлардаги институт ёки техникумлар талабаси бўлишди. Бу жуда катта кўрсаткич эди. Шулардан Дўстмурод ҳам Тошкент Давлат Университет (ТошДУ)нинг талабаси бўлди. Албатта талабалик йиллари тез ўтиб кетганини ҳам сезмай қоларкансан. Ўртада синфдошлар билан учрашиб юришга вақт қани дейсиз. Ҳамма ўзининг ўқиши ва келажақда бирор касбни эгаллаб онаси олдида, қолаверса Ватанга хизмат қиладиган одам бўлиб етишиш орзусида юргани ҳеч кимга сир эмас. Шундай ҳам бўлди.

Университетни битирган Дўстмуродни тақсимот комиссияси Тошкент Давлат Тиббиёт Институтининг фалсафа кафедрасига ишга юборишди. У келган кунидан бошлаб, талабаларга дарс бера бошлади. Албатта бошида бу ишлар оғир кечаётгандай бўлди. Лекин кейинчалик ўрганиб кетди. Бу ердаги устозлар унга оғир кунларда маслаҳат беришди. Кейинчалик бу устозларнинг ўғитлари келажак учун, айниқса илмий ишлар қилаётганда дастури амал бўлиб хизмат қилди...

У олдин номзодлик, кейин докторлик диссертациясини химоя қилди. Ҳозир нафақада бўлса ҳам Тошкент тиббиёт академиясида мана қарайиб эллик йилдан бери фалсафа кафедрасида талабаларга дарс бериб келади. Фалсафа соҳасида илмий иш қилаётган шогирдларга маслаҳат беради, уларни шу соҳада қилаётган номзодлик ишларига илмий раҳбар ҳам бўлиб келаяпти. Профессор Дўстмурод Норқулов бир қанча шогирдлар етиштирган. Фалсафага оид бир нечта монография ва 160 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи ҳисобланади. У ҳозир нафақада бўлсада ижтимоий фанлар кафедрасида профессор бўлиб ишлаб келмоқда. Мен ўйлайманки, синфдош дўстим Дўстмурод Норқулов ҳали ҳам ҳаракатчан ва илмий иш билан шуғулланаётган ёшларга кўп йиллар мураббийлик қилиб, қанчадан қанча шогирдларига устозлик қилади деган умиддамиз. Дўстимнинг бу улкан ишларида мувоффақиятлар тилайман.

ИЛМ-ФАНГА БАХШИДА УМР...

Ниёзова Нилуфар Шомурадовна

*Тошкент тиббиёт академияси доценти, фалсафа фанлари
номзоди*

Инсон – ҳаётнинг гултожиси. Унинг қадри, ҳурмати ҳар доим эъзозга лойиқдир. Халқимизга хос хислатлар ҳақида гапирганда, албатта, кадр-қиммат, меҳр-оқибат каби фазилатлар тилга олинади. Ҳурмат шундай руҳий-маънавий қудратки, у инсоннинг инсонлигини англатувчи, уни ўтмиш ва истиқбол билан боғлаб турувчи буюк қадрият, илоҳий қудратдир. У фақатгина керакли кунда эслашгина эмас, балки йиллар давомида садоқат билан меҳнат қилган устозлар фаолиятини, фазилатларини ҳурматлаш ҳамдир.

Устозимиз 1998 йилдан 2016 йилгача ТТА Ижтимоий фанлар кафедраси мудури бўлиб ишлади. Ҳозирги кунда Тошкент тиббиёт академиямиз, Ижтимоий фанлар кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори Дўстмурод Тошпўлатович Норқулов том маънодаги ҳақиқий устоз. Унинг Ўзбекистон илм-фани тараққиёти учун қилган ишлари жуда кенг бўлиб, уни қисқа сатрлар билан таърифлаш жуда мушкул.

Биргина таълим соҳасида қилган ишларини олиб қарайдиган бўлсак, соҳада ўзига хос такрорланмас, жуда кўплаб ҳатто бошқа олий ўқув юртлири кафедраларида учрамайдиган “модел” яратди. Аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг мукамал таълим-тарбия олиши унинг учун энг муҳим масалалардан биридир. Устоз яратган таълим “модел”нинг хусусияти шундаки, ўқитувчи машғулотга доимо янгилик олиб кириши шарт ва зарур, ўз устида ишламайдиган олий таълим ўқитувчиси талабаларга таълим-тарбия бериши, бўлажак касб эгалари нуқсонига сабаб бўлади. Устозимиз доимо “Фанни мукамал билмайдиган, талабаларга янгилик бермайдиган ўқитувчи ўзини касб эгаси дейиш қийин,

келажагини қандай тасаввур қилади?” деган фикрларни бот-бот такрорлайди. Шу ўринда айтиш мумкинки, бунда устозимиз Д.Т.Норқулов нафақат ёшларнинг билим олиши учун қайғурадиган инсон, балки кафедра профессор-ўқитувчиларининг келажаги учун ҳам ғамхўрлик қиладиган ташкилотчи сифатида кўришимиз мумкин.

Биринчидан, устозимиз кафедра учун йирик тизим яратган шахсдир. Яъни, “устоз-шогирд” тизим заруриятини шогирдлар билан ишлаш жараёнида фаол бўлиб, амалда ўзи исботлаб кўрсатди.

Иккинчидан, тиббий олий таълим тизимида Ижтимоий фанлар ўқитилиши лозимлигини ёзган бир қанча мақолалар, рисоалар ва китоб ҳамда дарсликларидан намоян этди.

Учинчидан, жамоада соғлом рақобатни таъминлаш мақсадида устоз ташаббуси билан бошқа олий ўқув юртлиридаги Ижтимоий фанлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишда жонбозлик кўрсатди (Кафедра маҳаллий ОТМлардан ташқари Тожикистон, Россия ва бошқа МДХ давлатлари олий ўқув юртлири Ижтимоий фанлар кафедраси билан ҳамкорлик қилади).

Д.Т.Норқулов соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилган фидойи инсон дейиш мумкин. Бунга ҳам жуда кўплаб мисолларни келтириш мумкин: жуда кўплаб ташкилотлар (ТТА клиникалари, Республика ихтисослаштирилган кўкрак қасаси жарроҳлиги илмий-амалий маркази ва ҳ.к.), маҳаллаларда (Жийдали, Беруний ва бошқа маҳаллаларда) терроризмга, гиёҳвандликка қарши курашиш, қизларни эрта турмушга беришнинг салбий оқибатлари мавзусида тарғибот ишларини олиб борган ва бу ишлари учун фахрий ёрликларга эга бўлди.

Мен “Йилнинг энг яхши педагоги” кўрик танловига ҳужжат топширишга иккиланиб юрган вақтимда устоз “Бу жуда муҳим иш, жиддий ёндашинг, албатта ўрин эгаллайсиз” деб руҳлантирган ва мен 2015 йил танловга ҳужжат топшириб фахрли ўринни қўлга киритдим, ТТА раҳбарияти томонидан моддий рағбатлантирилдим. Шунингдек, илмий тадқиқот ишимни ҳимоя

қилишим, катта ўқитувчи ва доцент лавозимларига ўтишимда кўп йўл-йўлик кўрсатиб, кафедрада кенг имконият яратиб берди. Мен учун бу эса қоларли воқеа ҳисобланади.

Устозимиз Дўстмурод Норқулов баландпарвозликдан йироқ, содда гапиради, теран мушоҳада юритади, керакли маслаҳатларни бирма-бир мисоллар билан тушунтириб беради. Бу унинг ниҳоятда камтар инсон эканлигини намоён этади. Шу билан бирга устоз ғурури баланд илм фидойиси, Ўзбекистоннинг шаънини ғурур билан ҳимоя қилади. У ана шундай камтар, жонкуяр, фидойи инсон.

Устоз доимо кийиниш маданиятига риоя қилган юксак дидли инсондир, кафедранинг ёш ўқитувчиларига ўрناق бўлиб келаётир. Бу борада ҳам талабаларга талабчан. Жамоат ишларида ҳам фаол ҳисобланади. Устозимиздан ўрганган дарс ўтиш услубларини бугун ҳам таълим-тарбияда қўллаб келмоқдамиз, улардай фидойи бўлишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Инсонни асраш, устозни ҳурмат қилиш – бу бизнинг ўзимиз ва авлодлар олдидаги ахлоқий бурчимиздир. Кечаги кун сабоқларини, халқимиз келажаги йўлида тинимсиз меҳнат қилган инсонларни ҳурматлаш бугунги кунимизни қадрлашга ўргатади. Эҳтиром бу – инсоний қадрият. У кечаги ўтмишни, аждодлар ўгитини, миллий меросимизни англариб турувчи – муқаддас китоб зарварақларидек ҳаётимизни ёритиб туради. Шу боис, инсон ўз хотира бойликларини, устозлар ўгитини қадрлайди. Биз эса устозларимиз сингари фидойи бўлмоғимиз, уларга ҳурматни доимо ёдда сақламоғимиз даркор.

Аминмиз, йиллар ўтиб ҳар бир соҳада замон талабларига мос кафедрада ички структуравий янгиланишлар, ўзгаришлар бўлиши табиий. Бироқ устозимиз Д.Т.Норқулов яратган “мактаб” пойдевор сифатида фаолиятимизни тараққий эттираверади.

* * *

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЛМУ-МАЪРИФАТИГА ХИССА ҚЎШГАН ОЛИМ

Мухтаров Азамат

*ТДИУ “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси мудир
фалсафа фанлари доктори, профессор*

*Бори элга яхшилик қилгилки, мундан яхши йўқ,
Ким дегайлар дахр аро қолди фалондин яхшилиг.*

Ҳар соҳанинг ўз мутахассиси, устаси бўлади. Шунинг учун чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин деган нақл бор. Инсон нима касб кор ортидан тирикчилик қилса, рўолик кўрса бу унинг ўз касбига содақатидандир. Бу деҳқончилик бўладими, бу илм бўладими ҳаммаси халқимиз учун хизмат саналади. Лекин илмни ҳар ким ҳам эплайвермайди. Илм қилишга тоғдек сабр бардош, метин қоядек ирода куёшдек чароғон тафаккур керак бўлади ва игна билан қудуқ қазигандек китоб мутолааси муҳим аҳамият касб этади.

Ана шундай машаққатли илм йўлини танлаганлар орасида Дўстмурод Норқулов ҳам бор дея оламиз. Ўтган асрнинг 90 йиллари бошида Дўстмурод Норқулов билан танишганмиз, бир-биримизга сабаб бўлиб, қатор-қатор дўстлар орттирганмиз, давраларимизда маърифий суҳбатларнинг кўп бўлгани ва қизғин кечгани унутиб бўладиган ходиса эмас. Дўстмурод акамизда ўзгалар эътиборини тортувчи теран илмга йўғрилган сўзамоллиги ўша йиллардаёқ маълум эди.

Танишишимиз ҳам қизиқ кечган. Илк бор Дўстмурод ака билан илмий конференцияда танишиб қолганмиз, менга уларнинг ўқиган маърузаси жуда манзур бўлган эди. Узоқ йиллардан бери илмий кенгашларда, семинар ва турли анжуманларда биргаликда иштирок этиб келмоқдамиз. У кишини фалсафа фанининг чуқур билимдони ва етук олим сифатида биламан. Шунингдек, кўплаб

шогирдларини сеvimли устозига айланган.

Етук олим Дўстмурод Норқулов ҳаёт йўлининг қай жабҳасига назар солсангиз, кўплаб азалий эзгу одатлар, насиҳатларга риоят, итоатнинг собит тажассумларини кўрмоқ мумкин. Айни чоғда, унинг илмий-ижодий, шахсий, оилавий ютуқлари ортида катта меҳнат, захматлар ётганини ҳам, синовларга сабрлилик, ҳар қандай ҳолатда руҳий кўтаринкилик ва фаолликнинг ажойиб ибратлари борлигини ҳам хис этмоқ қийин эмас.

Инсон салоҳиятида қайсидир илм ёхуд илмий йўналиш билан чекланиб қолиши каби номанзур ҳолатлар кўп учрайди. Дўстмурод ака ёшлигидан ўз устида ишлаб билимларни пухта ўзлаштирган, кейинчалик тарих, фалсафа, маънавият, маърифатнинг қатор муаммолари доирасида салмоқли илмий ишларни рўёбга чиқарган, кўплаб дарслик, қўлланмалар, монографиялар ва рисоалар яратиб, ўнлаб шогирду мутахассислар тайёрлаб жамиятимизнинг ҳар томонлама тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган таниқли олимдир.

Юксак маънавиятнинг оммавий шаклланишигина фаровон, етук жамият пойдевори бўла олишини, ҳар қандай фан мавзуларининг моҳиятан шу мақсад ила барқарорлигини, соҳалараро ҳамкорлик ва уйғунликнинг қанчалик оламшумул эҳтиёжлигини теран хис этган олимнинг етук шоир, ёзувчилар, драматурглар, актёрлар турли соҳа намоёндалари билан яқин ҳамкорлиги заминида ҳам улуғворлик мужассамлигига шубҳа йўқ.

Дўстмурод Норқулов таълим фаолиятини шу тарзда бойитиб, тўлдириб номоён этиши Ватан ва авлодларга маърифату зиё тарқатишнинг ўзига хос намунасидир. Олимнинг мавзулар миқёси ғоятда кенг ва долзарб бўлиб, уларнинг барчаси ана шундай серқамров изланишлар, сай-ҳаракатлар, жозибали йўл-йўриқ, хулосаларни топишлар хосиласидир. Бу қамровлар фаолиятда мустақилликнинг улкан масъулиятлари ифодаси, истиқлол шукронаси, мамалакатимизнинг ҳар тарафлама тараққийсига етук зиёлига хос ҳикматлар мужассам.

Дунёда яхшиликларни тўғри билувчиликдан, уларнинг

хайрихохи, ижрочиси, ташаббускори бўлувчиликдан зиёда бахтнинг ўзи йўқ. Ҳар бир ишни ҳадисларда ўргатилганидек гўзал адо этиб бориш ибодат, бинобарин, саодат саналади. Дўстмурод ака инсонларга, ҳамкасбларига ва шогирдларига яхшилик, бахт-қувонч уйғотувчи яъни барчамизда яхши таъсурот қолдирувчи оптимист сифатида тилга олинади. Шахсан мен ҳам кўп олимлар қатори Дўстмурод акани илмий салоҳиятидан ва у инсоннинг меҳр-муҳаббатидан бахраманд бўлганман.

Халқ эҳтироми, эътирофи, дуоларига қўшиламыз. Зукко олим, маърифатпарвар, пиру бадавлат Дўстмурод Норқуловга, ҳар жабҳадаги фаолият ва ютуқларига, фарзандларига, набираларига Яратгандан саодатли ҳаёт ва хайрли яхшиликлар тилаймиз!

* * *

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

Атамуратова Феруза Садуллаевна

*Тошкент тиббиёт академияси доценти, фалсафа фанлари
номзоди*

Дунёда шундай инсонлар бўладики, бутун ҳаётини, умрини илмга, ёшлар тарбиясига бағишлайди. Мана шундай инсонлардан бири Норқулов Дўстмурод Тошпўлатович ҳисобланади.

Мен устоз билан 2005 йилда Тошкент тиббиёт академиясига ишга келган вақтим танишганман. Ўша вақтда энди аспирантурани тугатган, оилали, иккита ёш болали эдим. Ҳозирда ўқитувчи бўлиб ишлаётганим ва шу касбда ўз жойимни топишимда уларнинг ўрни катта.

Кафедрага ишга келган вақтим Дўстмурод Тошпўлатович кафедра мудири бўлиб ишлар эдилар. Мени эътиборимни тортган биринчи нарса бу кафедранинг муҳити бўлган. Улар яратган ижобий муҳит, яъни кафедра ўқитувчиларининг турли илмий даража ва лавозимларга эга бўлишига қарамасдан бири-бири

билан дўстона муносабатда бўлиши менга жуда ёққан. Кейинчалик ҳаётим давомида жуда кўп Олий ўқув юртларида, кафедраларда бўлдим, кўплаб олимлар ва устозлар билан яқиндан танишдим, лекин ўша вақтдаги кафедранизмнинг муҳитидек муҳит ҳеч қаерда кўрмадим. Бу уларнинг энг катта ютуқлари бўлса керак, деб ўйлайман. Чунки бир оилани бошқаришнинг ўзи жуда қийин, турли қарашларга эга одамларнинг бошини қовуштириш эса умуман, айниқса ҳозирги вақтда, мушкул иш. Мени кафедра аъзолари жуда яхши кутиб олдилар ва менга нафақат устозлик касбининг сир-асрорларини ўргатдилар, балки ҳаётимдаги энг яқин сирдошларим, маслакдошларим бўлиб қолдилар. Мен уларнинг барчасидан миннатдорман.

Дўстмурод Тошпўлатович кафедранинг ишини шундай йўлга қўйган эдиларки, кафедрада ҳамманинг ўз ўрни бор эди, барча ўзига юкланган вазифани астойдил бажарар, шу билан бирга кафедрада у бу кимнинг иши чиқиб қолса ёки бемор бўлиб қолса ишга келмаганлиги билинмас эди. Бундан ташқари, Дўстмурод Тошпўлатович ҳар қандай шароитда ҳар биримизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилар эдилар, айниқса илмга эътиборимизни жалб қилишга аҳамият берар эдилар. Ҳар бир мажлисда илм қилиш зарурлигини, ўз устимизда тинмай ишлашимиз кераклигини уқтирар эдилар. “Ҳамма шароитни яратиб бераман, керак бўлса дарсни ҳам ўзим ўтаман, илм қилинглари, бу сизларнинг келажагингиз”, деб тинмай айтар эдилар ва ҳақиқатдан шундай шароит яратиб ҳам берганлар. Ҳозирда кўпчилигимиз илмий даражага эгамиз, албатта бунда Дўстмурод Тошпўлатовичнинг ўрнилари бор.

Дўстмурод Тошпўлатович табиатан жуда мулойим, оғир ва вазмин, камтарин инсонлар. Улар билан турли мавзуларда суҳбатлашиш мумкин. Ҳаётимда юз берган кўплаб синовлардан ўтишимда уларнинг маслаҳатлари менга жуда асқотган. Аниқ биладанки, кафедранизмдаги кўпчиликда ҳам худди шундай бўлган.

Устоз бизнинг барчамизга қилган савобли ишларингизга юз

карра савоб олинг! Умрингиз узоқ ва бахтли бўлсин!
Фарзандларингиз ва набира-ю, эвараларингизнинг камолини
кўриш насиб этсин! Доим соғ бўлинг! Кўпдан-кўп ёшларни
тарбиялаш, уларга устозлик қилиш насиб этсин! Сиз билан яна
узоқ йиллар ёнма-ён ишлаш бизларга ҳам насиб этсин!

* * *

БИЗ ОТАМДЕК ҲУРМАТ ҚИЛГАН ИНСОН

Умарова Фарида Саидикрамовна

*Тошкент тиббиёт академиси катта ўқитувчиси, фалсафа
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Қиз бола дунёга келар экан бировни хасми. Ота-она ўстириб,
тарбия бериб, вояга етказаркан, вояга етгандан кейин қиз бола ота
уйини ташлаб турмуш қуради. Янги оилага ўрганиб кетиши ҳам
осон бўлмайди, агар янги оила аъзолари қўллаб-қувватласа, яқин
инсони сифатида қабул қилсагина тез ўрганади. Мен келин бўлиб
тушган оила ҳар доим мени қўллаб-қувватлаган, яқин инсони
сифатида қабул қилган.

2008 йили Норқуловлар хонадонига келин бўлиб келдим. Шу
кундан бошлаб қайнотам Норқулов Дўстмурод Тошпўлатович
мендан нафақат оилада балки ўз касбим устида ишлашга ҳам
ёрдам берган, қизлари сафидан ажратмасдан кўмаklarини аямади.
Ўзбекистон Миллий университетдаги талабалик чоғимдан,
фарзандлар тарбиясигача, оддий ўқитувчиликдан илмий
тадқиқотчиликкача зарур маслаҳатларини беминнат бериб
келаётган инсон.

Бу ҳаёт барчамиз учун омонат эканини ва ёшлик ўтгач кўп
савоб амалларни бажариб, дилларимизни, танзимизни оғир
юклардан халос этишимиз зарурлигини ҳаётий мисоллар ёрдамида
ўргатиб келаётган отамдек меҳрибон, қолаверса, Дўстмурод

Норқулов меҳнаткаш, касбига садоқатли, оила аъзолари, дўст-ҳамкасblари, курсдошлари, фарзандларига меҳр-окибатли инсон. Юмшок кўнгиллиги юз-кўзидан сезилиб туради.

Фалсафа фанлари доктори, профессор Д.Т.Норқуловни том маънода нафақат отамиз, балки бизнинг устозимиз, десак муболаға қилмаган бўламан. Уйда севимли, меҳрибон ота, набираларига оқкўнгил бобо. Ўзингизга маълум, оила, таълим олиш, уй юмушлари, фарзанд тарбияси биргина аёл киши зиммасига оғирлик қилади. Табиийки, оила деб аталмиш кўрғон юмушларидан илмга вақт ажратиш қийин. Шундай вақтларда уни оиласи кўллаб-қувватламаса, жамоаси ҳамфикр бўлмаса, турмушнинг “мушт”и олдида аёлнинг нозик рухи чўкиб қолади. Лекин бизнинг хонадонда ундай эмас. Ойижоним Фазилат ая (Оллох раҳмат қилган бўлсин) уй юмушларини барчага тенг тақсимлаб бергандилар. Ўзлари ҳам тиниб-тинчимас, уй-рўзғор юмушларида, фарзанд тарбиясида мен билан тенгма-тенг қарашганлар. Норқуловлар хонадонида “у келин ўзи қилсин”, деган тушунчалар бўлмаган. Қайнота-қайнонам менга ўз ота-онамдек меҳрибон.

Бизнинг оила жуда катта даргоҳ. Ҳар куни қайнотамнинг шогирдлари, ёру-дўстлари билан гавжум. Меҳмонлар қадами узилмайди.

Хонадонимизга эшикдан ким кириб келса, у хоҳ ёшу кекса, хоҳ бемор бўлсин, ким бўлишдан қатъий назар меҳмонни ҳурматини жойига қўйиш керак, - дейдилар қайнотам. Сабаби, одам бор жойга одам келади.

Хонадонимизнинг катта-ю кичиги қалб қалбига меҳмондўстлик, самимийлик ва саховатпешалик шу тарзда сингдирилган. Бугун 70 ёшни қарши олган қайнотам бизга нафақат илмда, балки оилада ҳам ибратлар. Ҳеч бир юмушни бажаришда эринмайдилар. Зиммаларидаги вазифани сидқидилдан, астойидил бажарадилар. Бирор кимга ваъда берсалар, албатта, унинг устидан чиқадиған масъулиятли ота, талабчан устоз. Атрофдагилардан ҳам

ана шундай масъулиятни талаб қиладилар. Ҳаммага фойдаси тегадиган фидойи инсон ҳар куни набираларини ўзлари мактаб ва боғчаларга олиб бориб кузатадилар.

2020 йилда “Covid-19” касаллиги бизни хонадонимизни ҳам четлаб ўтмади. Оиламизнинг бир неча аъзолари, жумладан, қайнотам ҳам бу касалликдан азият чекишди. Айниқса, тез ёрдам машинаси кетма-кет яқин инсонларимизни Зангиота туманидаги юқумли касалликларни даволашга мўлжалланган шифохонага олиб кетиши чинакам кўрқув ва ваҳимага солди. У кунларни эслаш, сизга айтиб бериш мен учун оғир, албатта. Бутун оила дарддан ларзага келди.

Дўстмурод отанинг иродаси, ҳаётга оптимист назарда қарашлари “Covid-19” касаллигини енгишга умид берди. Лекин шунга қарамасдан бу касаллик мени яқинларимга онажоним Шоирахон, ойижоним Фазилатхон аяларни орамиздан олиб кетди. Одамзод пешонасига битилган тақдирдан ўзгасини кўрмас экан. Ўтканларни Оллоҳ раҳматига олган бўлсин.

Камтарлик профессор Д.Т.Норқуловга хос фазилат. Домла бош-қош бўлган тадбирларни, қўл урган ишини беғараз битириб завқланадиган инсон. Халол, камсуқум ва ростгўй бу инсонга узоқ умр тилаймиз.

Мен шундай юксак маънавият эга оилага келин фарзанд бўлганимдан фаҳрланаман!

ДЎСТМУРОД ТОШПЎЛАТОВИЧ НОРҚУЛОВНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИГА ЧИЗГИ

Искандаров Шерзод Абдуғаниевич
*Тошкент тиббиёт академияси доценти, тарих фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Ҳар бир мамлакатнинг, жамиятнинг тараққиёти у ерда илму фаннинг нақадар ривож топгани билан узвий боғлиқдир. Илмга ва уни ўрганишга қаратилаётган эътибор ўша давлатнинг эртанги кунини белгилаб беради. Илм — ақл нуридир. У инсонларни борлиқни ҳис этиш, воқелиқни идрок этиш, маънавий ва моддий оламни англашга, тафаккурини шакллантиришга ундайди. Илм яшаш чироғидир. У инсонларга бахт келтиради, ёруғликка чорлайди, жаҳолатдан йироқлаштиради. Зиёли инсонлар жамиятнинг етакчилари ҳисобланади.

Фалсафа фанлари доктори, профессор Норқулов Дўстмурод Тошпўлатовичнинг ҳаёт йўллари ҳақида ҳар қанча гапирсак ҳам аслида кам, устозни бошқа инсонлардан ажралиб турадиган хусусиятлар жуда ҳам оғир ва босиқлиги ҳар қандай масалани муроса йўли билан ечишлари таҳсинга сазовордир. Айтиш керакки, тиришқоқлик, илмга чанқоқлик, жиддийлик, муомалалилик ва камтаринлик каби ижобий шахсий фазилатларга эга инсон сифатида биламан.

Мен Норқулов Дўстмурод Тошпўлатович билан 2010 йилда магистратурани тугатиб келиб устозга келажакда Тошкентда қолиш режам борлигини айтгандим. Шундан сўнг устоз менга сиз докторлик диссертация мавзуси устида иш олиб боринг деб маслаҳатлар бердилар. 2011 йилда мен докторлик диссертация тадқиқот ишларимни бошлаб юбордим. Бир неча йиллар давомида тадқиқот ишларини ёзиш ва уни таёрлаш бўйича устоздан маслаҳатлар олиб турдим.

Шу йиллар оралиғида менга илмий тадқиқот ишларини олиб боришда инсон меҳнаткаш ва ўз ишини устаси бўлиши энг муҳим ҳусусият эканлигини айтиб келди.

Айнан шундай кунларнинг бирида менга устоз Тошкент тиббиёт академиясида ишлаш таклифини бердилар. Мен учун ўша кун ҳеч қачон хотирамдан, эсимдан чиқмайдиган кун сифатида муҳрланиб қолди. Шундан сўнг мен академияда ўз фаолятимни бошлаб юбордим.

Мен устозни бир хислатларига жуда ҳам қойил қоламан, ҳар қандай топшириқни ўз вақтида бўлишини, назарот қилишларига, берилган топшириқ ўз муддатида бажарилишини доимий эслатиб турадилар. Агар кафедра ходими берилган топшириқни ўз вақтида бажармаса у ходимга албатта муддат бериб, ўша ишни яқунлаш кераклигини ётиғи билан тушинтирадилар.

Норкулов Дўстмурод Тошпўлатович мамлакатимиз миқёсида соғлиқни сақлаш соҳасида кечаётган туб ислохотларни ҳаётга тадбиқ қилишдаги фаол иштироки, билимли, иқтидорли тиббиёт соҳаси мутахассисларини тайёрлашда ўзи хиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Устоз фалсафа йўналишида ўз мактабларини яратган. Устоз оиласини файласуфлар оиласи деб ҳам айтиш мумкин. Битта оилада 3 киши фалсафа бўйича илмий даражага эга, Норкулов Дўстмурод Тошпўлатович устоз ўзи ва ўғиллар Сухроб Дўстмуродович фалсафа фанлари доктори (DSc), келини Фарида Саидикрамовна фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Бундай оилалар менимча Ўзбекистонда камчиликни ташкил қилади.

Файласуф олим устозимиз илм-у ижод билан қизғин ва самарали шуғулланишда давом этмоқда, 70 ёшингиз муборак бўлсин, сизга узоқ умр ва сиҳат саломатлик тилайман.

УСТОЗ-ОТАНГДЕК УЛУҒ

Азамат Худойкулов

Шогирди Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот технологиялари университети Қарши филиали катта ўқитувчиси, ф.ф.н.

1988 йилнинг ёзида Муборак туманидаги Қарлик қишлоғида ўрта мактабни томонлаб кўшни Касби туманидаги Оқжангал қишлоғида яшовчи ота ошна Тошпўлат бобоникига отам раҳматли Бешим бобо Худойкулов билан биргаликда меҳмонга бордик. Бир пиёла чой устида турли мавзуларда суҳбатлашдик. Даврада Тошпўлат бобонинг ўғиллари Рўзимурод ака ва Дўстмурод ака ҳам иштирок эган эди. Суҳбат давомида Тошпўлат бобо рафиқалари Чинни момодан бевақт ўлим туфайли эрта айрилиб Ойимгул, Жумагул опа ва Рўзимурод ҳамда Дўстмурод акалар ёшлигидан етим қолганлиги, эркак кишини куни кўчада ўтишлиги, аммо фарзандлар тарбиясига эътиборсиз бўлмаслик, уарни яхши тарбиялаб катта ҳаётга йўналтириш учун онанинг ўрнини тўлдириш мақсадида Ҳалима момога уйланиб, фарзандларини тарбиялаб ва ўқитиб олий маълумотли Дўстмурод ака эса фалсафа фанлари номзоди, олим даражасига эришиб Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида дарс бераётгани менга катта мотивация берган. Чунки халқ мақолларида ўхшатмаса учратмас деганларидек биз ҳам тўрт фарзанд, каттаси мен саккиз ёшимда онадан ажраб, янгам ва ўгай она тарбиясида қолганмиз.

Хуллас, Дўстмурод ака ўқиш кераклигини айниқса чет тилларини чуқур ўзлаштириш лозимлигини таъкидлаб ўтдилар. Ёшлигимдан орзуимдаги олий ўқув юрти Қозон Давлат университетида ўқишни исташимни ийманиб айтганимда устоз баракалла маррани каттароқ олиш керак. Рус тилида дарс беришда баъзан қийналиб қоламиз, агарки Россияда ўқиб келсанг бемалол

рус тилида ҳам дарс беришинг мумкин деб далда бердилар. Тақдирни тақозаси билан ёки фаришталар яхши ниятга омин дейишган шекилли марказий олий ўқув юртларидан Москва ДУ, Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) ДУ ва Қозон ДУ(ҳозирги Қозон Федерал университети)га ҳужжатлар қабул қилинмоқда экан. Биз Ўзбекистоннинг беш вилоятидан беш абитуриентга Қозон Давлат университети тарих факультети Социология йўналишига талаба бўлиш насиб этди.

Ўқиш давомида ҳам Дўстмурод ака билан доимий алоқада бўлиб, байрамларда табриклаб турардим. 1993 йил Қозон Давлат университетида ўқишни (кундузги) уч нафаримиз тамомлаб, социолог, ижтимоий-сиёсий фан ўқитувчиси дипломи билан ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ), Бухоро тиббиёт институти ва Қарши Давлат университетига йўлланма беришди. Устоз билан маслаҳатлашиб Қарши Давлат университетини танладик, чунки университетда социолог мутахассис мавжуд бўлса Социология ва иқтисод факультети таркибида Социология бўлими очилиши кўзда тутилган экан.

Қашқадарёда биринчи социолог сифатида ўқитувчилик фаолиятимни бошладим. Отам тез-тез илмий иш қилиш зарур деб қистовга олардилар. 1994 йилниг январь ойида Дўстмурод ака ўларининг узтози Мираҳмад Анорқулович Абдуллаев билан таништиргандан сўнг, улар билан маслаҳатлашиб «Жамият ижтимоий ривожланишида иқтисодий онгнинг ўрни» номли номзодлик диссертацияси мавзусини олдим. Диссертация мавзусига доир манбаларни излаб топишимда рус тилида ўқиганим, узтознинг тўғри маслаҳат берганларига яна бир бор амин бўлдим. Устозлардан кўпроқ ўғит олиш ва марказий кутубхоналардан унумли фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институтига икки йиллик стажировка олдим. Стажировка давомида устозларни маслаҳатлари билан республика миқёсдаги журналларда мақолалар чоп эттирдим, номзодлик минимум имтихонларини тўрт ва беш баҳоларга топширдим.

Диссертациямни қоралама вариантини чоп этиб устозга топширдим, улар бемор ётган жойларида ўқиб чиқиб ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб бердилар. Ҳалқимиз оғзинг ошга етганда бошинг тошга тегмасин деб бежизга айтишмаган экан. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият бошқарув академияси ичида ташкил этилган “Ёзги университет”да АҚШ, Канада, Россия ва Ўзбекистоннинг нуфузли профессор-ўқитувчиларидан сабоқ олиб энди диссертацияни яқунлаб ҳимояга чиқаман деб турганимда автоҳалокатга учраб оёғим ёпиқ синди. Шифокорга мурожаат қилдик энди операция қиламан деб турганда ёпиқ синганга тиғ теккизмайлик табиб яхши деб қирқ кун чилла қилиб шифо топмагач яна шифокорга мурожаат қилдик икки марта жарроҳлик амалиётини ўтказиб Тошкент шаҳар 16-шифохонасига юборишди, у ерда шифокорлар очиб ҳам қарамади. Отам Дўстмурод акани олиб келдилар ва қарангки ишларимиз юришиб кетди. Ўша куни биргаликда шифокорларга учрашиб Тошкент тиббиёт академияси клиникасини 8-корпусига жойлашиб тезда жарроҳлик амалиёти ўтказилиб оёғим асраб қолинди, Оллоҳга шукур. Қаранг-ки Дўстмурод устоз нафақат таълим-тарбия олишда, балки ҳаётда ҳам қадрдон устоз, бировларнинг ўрнига ўзини кўйиб кўриб шу нуқтаи-назардан кўмак берадиган фидойи инсон сифатида ҳурмат қиламиз.

Шу орада устоз М.А.Абдуллаев ҳам узоқ касалликдан сўнг оламни тарк этдилар. Қарши Давлат университетида тушкун кайфиятда ишлаб юрганимда Дўстмурод устоз кўнглимни кўтариб ҳаммаси яхши бўлади деб далда бердилар ва устозликни ўз зиммаларига олди. Устознинг бир оғиз сўзлари мени илҳомлантириб, янги куч ва ғайрат бағишлади. Яна қайтадан ОАК эътироф этган журналларда мақолалар чоп эттирдим. Номзодлик минимум имтиҳонларимни ҳам қайта топшириб Дўстмурод устоз раҳбарлигида 2005 йил 10-ноябрда Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти ва ЎЗМУ бирлашган Илмий Кенгаш йиғилишида

номзодлик диссертациямни ҳимоя қилиб фалсафа фанлари номзоди бўлдим. Шу йил Президентимизнинг “Истеъдод” жамғармаси гранти ғолиби бўлиб, Россия Федерациясининг Санкт-Петербург Политехника университети Социология кафедрасида малака ошириш ва стажировкада икки ой бўлдим. Худди шу ерда ҳам устознинг уғитлари асосида рус тилида ўқиганлигим қўл келди Санкт-Петербургга бориб зиёрат қилишни орзу қилардим, халқимизда “Яхши ният ярим давлат” деганларидек ҳам зиёрат, ҳам ўқиб келдим. Қарши Давлат университети катта ўқитувчиси, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот технологиялари университети Қарши филиали доценти в.б., устоздек Илмий Кенгаш котиби, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари вазифаларида ишлаб меҳнат фаолиятимни давом эттириб докторлик диссертация мавзусини устоз билан маслаҳатлашиб керакли ғояларни олиб, худо хоҳласа ҳимоя қиламиз. Дўстмурод устоз сингари фарзандларимни ўқитиб, тўй-томоша қилиб риск-насибамизни териб еб юрибмиз оллоҳга шукр.

Шу ерда яна мавзуга қайтсак баъзан ўйланиб қоламан отам доим маслаҳат бериб, тергаб керак бўлса танбеҳ бериб, тўғри йўл кўрсатиб турардилар, улар оламдан ўтгач шу бўшлиқни ҳурматли устозим Дўстмурод Норқулов тўлдириб турганлигини чин юракдан ҳис қиляпман. Ота-боболаримиз бекорга “Устоз-отангдек улуғ” дейишмаган экан.

ЯРИМ АСРЛИК ДЎСТЛИК НАШИДАСИ

Ботир (Тошботир) Расулов

*Қашқадарё вилоят педагогларни янги методикаларга ўргатиш
миллий маркази Педагогика, психология ва таълим
технологиялари кафедраси мудири, ф.ф.н, доцент*

Бизни бугунги кунда кенг жамоатчиликка таниқли бўлган, етакчи олим, фалсафа фанлари доктори, профессор Дўстмурод Норқулов билан дўстлашганимиз тарихи 1970 йиллардан бошланган эди.

Касби туманидаги қишлоқ мактабларини битирувчиси сифатида Тошкентдек азим шаҳардаги олий ўқув юртларига ўқишга кириш ниятида келганимизда танишганмиз.

У даврларда мактаб битирувчисини институтга ўқишга кириши учун ота-онаси ёки бирор яқин қариндоши етаклаб келмас эди. Касби тумани Оқжангал қишлоғидаги ўрта мактабни 10-синфини (у пайтларда мактаблар 10 йиллик эди) битирган ёш Дўстмурод ҳам ана шундай орзу билан Тошкент шаҳрига келган эди. У даврларда университетга ёки институтга ўқишга кириш учун ҳужжат топширган абитуриент ўқишга киргунича талабалар турар жойида (илгари талабалар ётоқхонаси дейилар эди) яшаши мумкин эди. Биз Тошкент Давлат университети (ТошДУ), ҳозирги ЎзМУ тарих факультети фалсафа бўлимига ҳужжат топширган ёшлар Талабалар шаҳарчаси (у пайтларда халқ тилида “Вузгорадок” дейилар эди)даги 84-сонли ётоқхонада яшаб, ўқишга тайёргарлик кўрганмиз.

Ётоқхонанинг бир қанотида, тарих, фалсафа, сиёсий фанлар ва иқтисод ихтисосликларига ҳужжат топширган абитуриентлар, иккинчи қанотида эса математика ва амалий математика ихтисослигига ҳужжат топширган абитуриентлар яшар эдилар.

Мен ҳар гал Дўстмурод дўстимни кўрганда ёки эслаганимда

70 - йилларнинг жазирама ёз фаслининг иссиқ ҳавоси, ётоқхона балконида магнитофонлардан янграган хофиз Дадахон Хасановнинг “Лайло-Лайло”, ёш хушавоз хонанда Шерали Жураевнинг “Биринчи муҳаббатим” кўшиғи, ёки ётоқхона олдидаги йўлакдан чакана савдо қилувчи бола ёки қизнинг “Муздек айрон” келди деб бор овози билан чақириши, кеча қишлоқдан келиб, ҳали шаҳар ҳаётига кўникмаган боланинг майкачан балконда ўтириб олиб ликопчада памидор ва бодрингга болгар қалампирини кўшиб тўғраб егулик (Тошканча аччиқ-чучук) тайёрлаётгани кечагидек кўз ўнгимдан ўтади.

Айниқса, университетга кириш имтихонларига тайёргарлик қилишда бизга тунги вақт, талабалар ётоқхонасидаги сокин оқшом маъқул бўлар эди. Шундай пайтларда хонадош дўстим Дўстмурод билан алмашиб китоб ўқиб, дарс таёрлаганимиздан кейин бир караватда алмашиб ухлаб, дам олар эдик. Шу сабаб бўлса керак Дўстмурод ҳалигача мени бирор кишига таништирса ёки тўй, маросимларда табрик сўзласа (хусусан, Дўстмурод Норқуловнинг 70 йиллик юбилей кечасида ҳам) албатта, шу ҳолатни жуда кўп эслайди.

Бугун биз иккинчи минг йилликнинг учинчи ўн йиллигига қараб (2022 йил ҳам тугаб бораяпти) бораётган бир даврда ортга назар солсак, ўша йиллардаги, гўёки кечаги ёшлигимиздаги қадрдон дўстлашган инсонлар ўзига хос ҳаёт йўлини босиб ўтдик.

Университетни тугатиб Дўстмурод Тошкентда ишга қолди. Мен Қарши давлат педагогика институтига ишга келдим. Бир неча йил ҚаршиДПИда ишлаб, кейин Москва шаҳрида аспирантурада ўқидим. Лекин, илмий ишни Тошкентда якунлаш ва ҳимоя қилишга тўғри келди.

Тошкент давлат тиббиёт институти ўқитувчиси бўлиб иш бошлаган Дўстмурод Норқулов, шу олий даргоҳнинг катта ўқитувчиси, ижтимоий фанлар кафедраси доценти, факультет декани ўринбосари, Тошкент тиббиёт институти фалсафа ва ҳуқуқ кафедрасининг мудири, фалсафа бўйича Ихтисослашган илмий

кенгаш аъзоси ва котиби, Тошкент тиббиёт академиясининг Ижтимоий фанлар кафедраси мудир, фалсафа фанлари доктори, профессор даражасида самарали фаолият олиб бораётган етакчи профессор даражасига ўзининг ҳалол меҳнати ва тиришқоқлиги туфайли эришди.

Профессор Дўстмурод Норкулов ибратли оила соҳибси сифатида 4 нафар фарзандларини барчасини олий маълумотли қилганлиги, кенжа ўғиллари Сухроб Норкулов ота изидан бориб фалсафа фанлари доктори, профессор даражасига эришгани, айти пайтда Тошкент тиббиёт академияси Ижтимоий фанлар кафедраси мудир эканлиги барчамиз учун жуда қувонарлидир.

Профессор Дўстмурод Норкулов ўнлаб фан номзодлари ва фан докторларига илм йўлини кўрсатган илмий раҳбар ва маслаҳатчидир.

Ўшанда менга дўстим Дўстмурод Норкуловни маслаҳати билан жуда ажойиб ва камтар инсон профессор Мираҳмад Анаркулович Абдуллаев (Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин) илмий раҳбарлик қиладиган бўлдилар. Профессор М.Абдуллаев дўстим Дўстмурод Норкуловнинг ҳам илмий раҳбарлари эди. Демак, биз икки дўст бир устозни шогирди бўлиб, ҳаётни бу сўқмоқларидан ҳам бирга юриш насиб этганлигидан жуда мамнунмиз.

Барча инсонларда ҳаёти давомида бир қанча дўстлари, ҳам фикр, яқин кишиларини бўлиши табиий ҳол. Аммо, ёшлиқда, айниқса болалиқда, талабалиқ йилларида орттирган дўстлари ҳаётида ёрқин из қолдиради. Ёшлиқдан дўстлашган инсонларинг билан суҳбатлашиш, фикр алмашишнинг гашти, нашидаси ўзгачадир. Мен профессор Дўстмурод Норкулов домла билан ҳар гал учрашганимда, дўстона суҳбат қилганимда, Қашқадарёча айтганда гурунг қилганимда ана шундай ҳис-туйғулар гаштини сезаман. Дўстимиз Дўстмурод домланинг умрлари узоқ, мартабалари бундан-да улуғ бўлиб, оилалари, фарзандлари, набиралари, яқин қариндошлари ва дўстлари бахтига ҳамиша навқирон бўлиб юришларини тилаб қоламан!

МАЪРИФАТ ИСТАБ, ИЗИДАН ИБРАТ ЁҒДИРГАН ФАЙЛАСУФ

Турдиев Бехруз Собирович
Бухоро давлат университети доценти

Қадим замонда бир донишманд ўз касбдошларига савол берибди: “Сувда чўкмайдиган, оловда ёнмайдиган ва чопса чопилмайдиган нарса нима?”. Шунда донишманд атрофида тўпланганлар кўп ўйлашибди, аммо саволга жавоб топишолмабди. Ниҳоят, донишманднинг ўзи, бундай мўъжиза “илм”, дея жавоб берган экан. Дарҳақиқат, бу дунёда илм-маърифатдек умрбоқий ва азиз нарса бўлмаса керак. Чунки илм ва унинг эгаларининг номи асрлар оша тилларга дoston бўлиб, авлоддан – авлодга ўтаверади.

Она Ватанимизга, тақдирига масъулиятли, юксак маънавияли шахслар ҳар қандай давлатнинг интеллектуал салоҳият манбаи ҳисобланади. Ноёб истеъдод, иқтидор, олийжаноб хислатлар ва фазилатларга эга бўлган инсонлар ҳамма даврларда халқ томонидан эъзозланиб, улуғланиб келинган. Ана шундай дилкаш, меҳрибон, том маънода ҳазрати инсон ўзбек халқининг суюкли фарзанди бўладилар.

Бугун, устозимиз Норқулов Дўстмурод Тошпўлатович ардоқли фарзандлар, суюкли неvara-ю, абералар оғушида улуғ 70 ёшни қаршиламоқдалар. Агар устоз билан бир бор суҳбатлашганда, инсон файласуф устознинг меҳру-муҳаббати, муомаласига мафтун бўлади, ва бу дилкаш учрашувни умрбод эслаб юради. Устознинг самимийлиги, одамийлиги, камтарлиги барчани лол қолдиради. Бу зиёли оилага барча хавас қилади. Бундай обрў-эътиборни йиллар давомида сақлаб қолиш, шогирдлар меҳрига сазовор бўлиш осон эмас. Нафақат фалсафа фани соҳасида фаолият юритаётганларга, балки барча шогирдлар учун ҳам бирдек қадрли ва суюкли устоз бугун ҳам тетик ва навқиронлар.

Устознинг бундай юксак ахлоқийлик фазилатлари хусусида

тўхталиб ўтар эканмиз, эсимга яна бир ҳикоя тушди. Бир куни бир донишманддан сўрабдилар? “Бу дунёда қандай яшалган умр энг саодатли умрдир?”

Шунда донишманд шундай жавоб берган экан: “Бу дунёда илм ва маърифат тўплаб ва уни эзгулик учун сарф этган умр”, деб жавоб берган эканлар!

Демак, файласуф ва меҳрибон устоз босиб ўтган умр йўли чин маънодаги энг маърифатли саодат йўлидир. Ўтган йиллар давомида кўплаб шогирдларни тайёрлаб, уларнинг порлоқ келажагини таъминлаган, яъниким шу илмни эзгулик учун сарф этганликлари фикримизнинг исботидир.

Устоз Норқулов Дўстмурод Тошпўлатович чин маънода илмни дилига, қалбининг шуурига сингдира олган, Аллоҳ берган бутун бир умрни илмга бахшида қилган забардаст мураббий сифатида бугунги кунда ҳам шогирдлар эъзозида ва ҳайратидадирлар. У кишининг узоқ йиллар мобайнида олиб борган сабру қаноат, тинимсиз меҳнат билан кечираётган сермазмун умрлари мамлакатимиз ёшлари учун чинакам тарбия мактаби ҳисобланади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Норқулов Дўстмурод Тошпўлатович устозни муборак 70 ёши билан қутлаб, кўп йиллик фидокорона меҳнатлари ҳамда ёш авлодни Янги Ўзбекистон тараққиёти ва Учинчи Ренессанс бунёдкорлари сифатида тарбиялашга қўшаётган улкан хизматлари учун самимий миннатдорчилик билдирамиз. Устознинг илмий ва ижодий фаолиятларига янги зафарлар, мустаҳкам соғлик ва улкан ижодий мувафаққиятлар тилайман. Мен ёш олим сифатида йирик файласуф, камтарин инсон Норқулов Дўстмурод Тошпўлатович билан замондош эканлигим билан фахрланаман. Зеро, бундан кейин ҳам устознинг пурҳикмат насиҳатлари, беминнат кўмаклари ва маслаҳатларидан баҳраманд бўлиш барчамиз учун улкан бахтдир.

ҲАЁТ ВА “ҲАЁЛАТ”ДА МУҚАММАЛ ИНСОН

Хайдарова Лайло

*Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника
университети ўқитувчиси*

*Яхши инсон эзгулик, ёмон инсон тажриба,
янглишган инсон ибрат, муқаммал инсон из қолдиради.*

Шамс Табризий

Биз дунёни, унинг тузилиши, макон ва замон, борлиқ ҳамда шу қабиларни тасаввур қилиш учун асосан физика, биология каби табиатшунослик фанларига таянамиз. Бироқ инсоннинг дунё ҳақидаги қарашларида муҳим роль ўйнайдиган, аммо илмий ечимини топмаган муаммоларни фалсафий англаб етишга бўлган эҳтиёж ҳамisha мавжуд бўлган ва бу доимийдир. Демокчи бўлганимиз, аниқ фанлар учун ножиоз бўлган нарсалар фалсафа учун жиоздир. Яъни у дунёқарашни кенгайтиради, эски муаммоларнинг одатдаги талқинини ўзгартиради, аниқ фанларнинг методлари билан амалга татбиқ этиладиган янги ечимлар устида ижодий изланишга даъват этади. Шу сабабли биз борлиқнинг асосий шакллари ва фундаментал асосларини фалсафа нуқтаи назаридан ўрганамиз. Бунда фаннинг чуқур ўрганилиши ва тадқиқ этилишида забардаст мутахассис ва олимларга ҳар вақт эҳтиёж туғилган. Мамлакат иқтисодиёти ва барча тармоқлар ўсиш кўрсаткичининг пойдевори эса, албатта, таълим ҳисобланади. Таҳлилларга кўра, илмий салоҳият сўнгги беш йилда ўртача 6,1 фоиз ошган. Бунда 2017 йил – 30,3 фоиз, 2018 йил – 34 фоиз, 2019 йил – 34,1 фоиз; 2020 йил – 34,5 фоиз; 2021 йил эса – 36,4 фоиз.

Фан доктори (DSc) илмий даражаси ёки профессор унвонига эга профессор ўқитувчилар сони 2 790 нафарга етди. Бу ўтган йилда 2 477 нафар бўлган. Фан номзоди (PhD) илмий даражасига

ёки доцент унвонига эга профессор ўқитувчилар сони 9 992 нафарга ошди. Бу ўтган йилда 8 710 нафар эди.

Аҳамиятлиси, дунёнинг нуфузли 1000 талик рўйхатига кирувчи ОТМларнинг PhD ёки DSc илмий даражасини олган профессор ўқитувчилар сони 497 нафарга етди. Албатта, бу илм йўлидаги яхши натижа. Фалсафа фанлари доктори, профессор Дўстмурод Норқулов ҳам бугун ана шу залворли юкни кўтариб келаётган олимларимиздан. Унинг шу кунга қадар босиб ўтган йўли, қилган ишлари, таълим, хусусан философия йўналишидаги кўп ва хўп илмий изланишларини санасак, адоғи кўринмаслиги бор ҳақиқат.

Онлайн олам билан ҳамоҳанг профессор

Гапнинг сирасини айтганда, Дўстмурод домла ҳақида, унинг илмий ижоди ҳақида билишни истаган киши борки, кутубхона ёйинки унинг асарларини қидириб топишга ҳожат йўқ. Шунчаки, ижтимоий тармоққа олим номи буйруғини киритиш кифоя, у ҳақидаги кўплаб материалларга юз тутасиз. Дастлаб, сўз тасдиғининг айримларини санаб ўтамиз.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистоннинг бош наشري, ижтимоий-сиёсий ҳаётни ёритишда фаол бўлган “Янги Ўзбекистон” газетасининг веб-сайти 2022 йил 21 февралдаги саҳифасида “Тошкент тиббиёт академиясида монография нашр этилди” сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Мазкур монографияда тарихий-маданий мерос феноменининг илмий ва ижтимоий фалсафий асослари таҳлил қилинган. “Фан ва технологиялар нашриёт-матбаа уйи” нашриётида ўқитувчи Дилдора Қорабоева ҳаммуаллифлигида, профессор Ўрол Абилов масъул муҳаррирлигида тайёрланган “Тарихий-маданий мерос ва миллий ўзликни англаш” номли монографиянинг бугун учун муҳим жиҳатлари бисёр. Хусусан, асарда тарихий-маданий мерос феноменининг миллий ўзликни англаш жараёнларига таъсири, тарихий тафаккур ва тарихий билимларнинг ўрни, глобаллашув ва тарихий-маданий меросни

асраш масалалари, Ўзбекистонда маданиятни ривожлантириш ва тарихий-маданий меросдан фойдаланиш коницепцияси каби масалалар тадқиқ этилган, бу борада илмий хулосалар баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси веб-порталида Дўстмурод Норқулов Юлдуз Намазованинг фалсафа доктори (PhD) диссертацияси оппоненти сифатида қайд этилади. Дикқатлиси шундаки, олим оппонентлигидаги “XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда таълим фалсафаси” мавзусидаги диссертация энг оралиқ даврда фалсафанинг ўрни қандай эканлиги тадқиқ этилганлиги билан аҳамиятли. Ҳар доим ўтиш даври, ўзгариш вақтидаги таълим ва илм деярли “оқ” ҳолича қолиб кетади. Профессор ва унинг шогирди айни жиҳатга эътибор қаратди ва фанда мазкур даврга оид билимлардаги бўшлиқни тўлдириш мақсадида ушбу мавзуда илмий иш қилишди.

“Қайга бормай, бошда дўппим. Ғоз юрарман гердайиб...”. Эркин Воҳидов қаламига мансуб мазкур сатрларни бугун тўлиғича ва асосли тарзда Дўстмурод домлага менгзаш мумкин. Унинг ортидан кетаётган юзлаб шогирдлари, минглаб ижод намуналари Тошкент Тиббиёт Академияси учун сўнмас мерос, унутилмас бойлик. Шу боис ҳам у Академияда ғоз мисол гердайиб, собит ва ифтихор билан юргай. У бунга ҳақли, у бунга муносиб, албатта. Яъниким Академиянинг фахрли аъзоси сифатида Д.Норқулов электрон саҳифалардан тушмайди. Академия веб-сайтида Ш.А.Искандаровнинг 2016 йил 4 апрелда эълон қилинган “Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз” сарлавҳали мақоласида ҳам профессор биринчилар қаторида тилга олинади.

Бугунги кунда зиёли қатламнинг асосий электрон ўқув манбаси бўлган Ziyo.uz сайтида ҳам профессорнинг кўплаб илмий мақолаларига дуч келиш мумкин. Масалан, улардан бири “Файласуфлар қачон келади?” сарлавҳали мақоласи. Мазкур материал 1997 йилда “Ёшлик” журналида чоп этилган бўлиб,

бугунги кун соҳаси ва талабалари учун муҳим маълумотлар йўғирилгани билан аҳамиятли. Ундан айрим фикрларни иқтибос келтирамиз. Хусусан, яхши файласуф бўлиш учун иқтидорнинг ўзи камлик қилиши ва бунинг учун, албатта, Яратганнинг назари тушиши лозимлигини енгил ҳазм бўлувчи ифодалар билан таърифлайдилар. “Мен бир олим сифатида бу ҳақида кўп ўйлайман ва ҳамкасбларим билан ўз мулоҳазаларимни ўртоқлашиб, баҳслашиб тураман. Очиги, мен танлаган ва севган соҳада ишлашда Худо алоҳида назар қилмаган бўлса, эътироф этиладиган ютуққа эришиш душвор. Ахир хоҳлаганча сафсата сотиш, атрофда керак-кераксиз адабиётлардан кўчирмакашлик қилиш мумкин, бу билан ҳақиқий маънода файласуфга айланиш ўртасидаги фарқ ер билан осмонча йироқликда қолаверади. Небахтки, халқимиз орасидан етишиб чиққан Исмоил ал-Бухорий, Баҳоуддин Накшбанд, Фаробий, ал-Фарғоний, Абдухолик Гиждувоний, Ибн Сино, Беруний, Яссавий, Навоий, Жалолиддин Румий, Нажмиддин Кубро каби юзлаб даҳо файласуф боболаримиз ўз ақл-заковатлари билан дунё фалсафасига муносиб ҳисса қўшганлар. Бу ақл дурдоналарини дунёнинг билимсевар кишилари ҳамон ҳайрат ва қунт билан ўрганадилар. Демак, биз истасак, ер юзига буюк фалсафа асосларини берган бу улкан меросни ўз тилимизда ўрганиш имкони бор...”.

Бундан ташқари, олим мақоласида бу даҳоларимизнинг бой меросини астойдил ўрганиш ва фанга бутун вужуди билан шўнғиш максимал натижа беришини қатъий позицияси билан таъкидлайди. Бу нафақат толибни, балки бутун бир миллатни, халқнинг ақлий савиясини кўтариши мумкинлигини таъкидлайди. “...Аждолларнинг фалсафий йўл-йўриқларидан чинакам маънода баҳраманд бўлиш халқимизнинг ақлий савиясини янада юксакка кўтаради ва бу жамиятимизда мисли кўрилмаган тараққиётга олиб келади. Халқимиз ақлижаҳоний мўъжизалар билан бўйлашади. Бу фикрларимни кимдир ўқиб, хомхаёл деб ўйлаши мумкин. Лекин мен бу мулоҳазаларим амалга ошишига қаттиқ ишонаман ҳамда бу

эзгу ишларда бизнинг навқирон авлод вакиллари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари лозим, деб биламан.”

Ҳақиқатда, устознинг XX асрда ёзган бу фикр-мулоҳазалари нафақат бугун ва эртанги кун, балки ҳамма вақт учун фойдаланиладиган формула каби аҳамиятлидир. Муболағасиз айтганда ҳам агар домла қаламига тегишли ва муаллифлигидаги сармаъно асарларни қидирсак, камида бир кучоқ адабиётлар тўпланиши аниқ...

Шу ўринда профессорнинг айрим муҳим хусусиятларини санаб ўтиш ўринли. Олимнинг бугунга қадар илмдан ортиб, фан ва таълимдаги жонкуярлигидан вақт ажратиб машғул бўлган ўзига хос юмушлари ҳам бисёр.

Ҳар соҳада ўрнак устоз!

Дўстмурод Тошпўлатович нафақат фалсафанинг, балки оддий яшилликнинг яхши боғбони. У яшайдиган ҳудудда фақат профессорнинг боғидагина битта дарахтда бир неча турдаги мевалар пишади. Шунингдек, йилнинг 3 фаслида бу боғдан мева теришингиз мумкин. Табиат ошноси Дўстмурод домла – яхши пайвандчи.

Олим – намунали ота. Бугун фарзандларини ўқитиш, олий маълумотли қилиш мушкул бўлиб турган бир вақда у келинлари ва невараларини ҳам зиёли қилиб, фан доктори даражасига етказган шахс.

Д.Норқулов – яхши маслакдош. Ўзбекистоннинг қай нуқтаси бўлмасин файласуф ва шифокорлар борки уни яхши билишади, танишади, илиқ хотиротлар билан тилга олишади. Айтиш жоиз, Тошкент тиббиёт академиясида унинг ўрни алоҳида.

Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи илмий кенгаш аъзоси Дўстмурод Тошпўлатович илмий изланишлари, таълимга қўшган ҳиссаси ва илм йўлидаги ёзиқлари бугун фалсафа йўналишининг дастурий таъминотида ўта муҳим аҳамиятга эга. Унинг турли халқаро ва миллий нашрларда эълон қилинган 160 дан ортиқ илмий

мақолалари айни фикримиз тасдиғи. Албатта, бу бойлик, бу йиллар давомида тўпланган тажриба ва меҳнат меваси.

Англаганимиздек, бугун илм пул, билим катта бойлик эканини замоннинг ўзи исботлаяпти. Таҳлилларга кўра, Олий таълим муассасаларининг илмий-тадқиқот фаолиятидан олган даромади 2017 йилда 49,7 миллиард сўмни ташкил этган. Қисқа вақт ичида бу кўрсаткич 5 баробар ошиб, 2021 йилда 236,1 миллиард сўмга етди. Мамлакат иқтисодиётига кўшимча куч бўлаётган бу қувватда, шубҳасиз, Дўстмурод Тошпўлатовичнинг ҳам ҳиссаси катта.

Энг муҳими, инсон умри давомида босиб ўтган йўлида ортига бир назар ташлаган вақт арзигулик, жамият учун фойдали нарсани кўролсагина яшаган умри мазмунли, қилган ишлари хайрли эканини англаш мумкин. Бу йил Дўстмурод Тошпўлатович Норқулов 70 ёшга тўлди, барчамиз гувоҳмизки, олимнинг бугунга қадар умр йўли сермахсул давом этмоқда, қилган ишлари эса таълим ва келажак учун энг фойдалиси бўлиб қолади.

* * *

КАСБИГА СОДИҚ, МЕҲНАТСЕВАР ВА ЧИНАККАМ ИРОДАЛИ ИНСОН!

Рўзиев Бобошер

Тошкент тиббиёт академияси ўқитувчиси

Дунёдаги барча касблар ичида ўқитувчилик касби ўзининг машаққатли меҳнати, тинимсиз изланиши ва чинаккам сабр-тоқат, мустаҳкам иродани талаб қилиши билан бошқа касблардан ажралиб туради.

Бу касбни танлаган инсон тинимсиз ўқишни, сермахсул меҳнат қилиши, ҳам руҳан, ҳам жисмонан иродали бўлиши лозим бўлади. Негаки илм ўрганиш, ундан сабоқ бериш чинаккам меҳнат

ҳисобига амалга ошади.

Устоз аввал ўзи ўрганади, кейин уни ўргатишга ҳаракат қилади. Бу эса устоздан доимий ўқишни, ўз устида ишлашни талаб қилади.

Дўстмурод Тошпўлатович шундай, меҳнатсевар ва иродали устозлардан.

Мен ижтимоий фанлар кафедрасига 2014 йилда ишга келганимда, Дўстмурод Тошпўлатович шу кафедранинг мудури эди. Шундан буён биз Дўстмурод Тошпўлатович билан бирга бир жамоада меҳнат қилиб келамиз.

Мен Дўстмурод Тошпўлатовични чинаккам иродали, меҳнатсевар инсон деб биламан. Негаки бу инсоннинг ҳаёти ва кафедрада олиб бораётган меҳнати чинаккам ирода, сермахсул меҳнатни талаб қилади. Мен ўз иш фаолиятим давомида Дўстмурод Тошпўлатовичдан ҳаёт учун кураш фалсафасини кўрдим. Тинимсиз меҳнат, мунтазам ўқиш, ўз касби йўлида чинаккам кураш.

Мен устозлик касбини шарафли, аммо қийин касб деб биламан. Ҳақиқатан унинг меҳнатидан безган ва бошқа касбни танлаб кетган инсонлар ҳам йўқ эмас. Дўстмурод Тошпўлатович шундай шарафли ва машаққатли касбда, институтни тугатганидан буён меҳнат қилиб келади. Ўзининг камтарона меҳнати, тинимсиз илм йўлидаги кураши сабабидан шу касбда меҳнат қилиб, ўқитувчиликдан профессор даражасига чиққан меҳнатсевар инсон, ўз фарзандлари учун ҳам ота, ҳам устоз, набиралари учун ҳам бобо, ҳам юксак намуна, фидоий инсондир.

Дўстмурод Тошпўлатовичнинг меҳнатсеварлиги ва иродаси бу инсоннинг фарзандларига ва умуман оиласига намуна бўлган десам муболаға бўлмайди. Шунинг учун фарзандлари ва набираларини ҳам ўзиданда билимли, меҳнатсевар, фидоий инсон бўлиши учун ўз куч ғайратини аямай келади. Шу туфайли ҳам бу инсоннинг фарзандлари ҳам ўзидек илм йўлини танлади ва шу касбнинг етук мутахассиси, фалсафа илмида олим ва олималар

бўлиб етишди. Шундай машаққатли йўлда ўз фарзандларига ҳам устоз ва ҳақиқий намуна бўлди!

Ҳурматли Дўстмурод Тошпўлатович етмишинчи баҳор сизга муборак бўлсин ! Доимо соғ ва саломат бўлинг! Шарафли ва машаққатли касбингизда сермахсул ижод, файзу-барака ҳамроҳ бўлсин!

* * *

УСТОЗЛИК МАҚОМИГА ЭРИШИШ ЙЎЛИ

Рўзиев Наврўз

Тошкент тиббиёт академияси ўқитувчиси

*Ҳақ йўлинда ким санга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.*

Алишер Навоий

Ўзгаларга илм ўргатиш, маърифат зиёсини тарқатиш, ниҳоятда савобли амалдир. Бундай масъулиятли вазифага мутасадди бўлган инсонларнинг даражаси ҳам буюқдир. Дарҳақиқат, кишида илм ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Албатта, бунинг учун устоз зарурдир. Илм ва уни талаб қилишнинг фазилати нақадар улуғ бўлса, илм ўргатиш, яъни устозлик қилишнинг фазилати ундан буюқдир.

Халқимизда “Устоз отангдек улуғ” – деган ҳикмат бежиз айтилмайди. Ўтган улуғларимиз, ота-боболаримиз устоз ва муаллимларнинг ҳаққини яхши билганлар, уларнинг қадри нечоғли баланд эканини теран англаганлар ва шунга кўра муомала қилганлар. Имоми аъзам Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ шундай деганлари ривоят қилинади: «Устозим Ҳаммодининг ҳурмати учун унинг уйи томонга оёғимни узатмаганман. Ҳолбуки, унинг уйи билан менинг уйим орасида еттита кўча бор эди.

Тошкент Тиббиёт академиясида фаолият олиб бораётган мен учун устозлик мақомидаги инсон, забардаст илм инсони Норкулов Дўстмурод Тошпўлатович ҳақидаги фикрларимни баён қилмоқчиман. Устоз 21 август 1952 йилда Қашқадарё вилояти Касби тумани Оқжангал қишлоғида туғулганлар. 1969-1974 йилларда Тошкент Давлат университети (ЎзМУ) Фалсафа-иқтисод бўлимида таҳсил олганлар. 1974 йилдан Тошкент Давлат Тиббиёт интитути фалсафа кафедраси ўқитувчиси, 1989-1998 йилларда Тошкент Давлат Аграр университети Фалсафа ва ҳуқуқ кафедраси доценти, 1998 йилдан 2016 йилгача Тошкент тиббиёт академияси Ижтимоий фанлар кафедраси мудирини ва ҳозирги кунда шу кафедранинг профессори лавозимида фаолият олиб бормоқдалар.

Норкулов Дўстмурод Тошпўлатович тиббиёт посбонларига ва бир жамоада иш фаолиятини олиб бораётган ҳамкасбларга касб ва инсоний хусусиятларни ўргатиб таълим соҳасидаги энг олий даражадаги эътироф “устозлик” мақомига эга десак асло муболаға бўлмайди. Чунки биз бутун ҳаётимиз давомида шу устозларимиз ўргатган фикрлардан фойдаланиб ўқиймиз, ёзамиз ва илмимизни оширишда давом этамиз.

Устоз Дўстмурод Тошпўлатович тўғриларида сўз борар экан, ҳамкасблар жамоасида ўзларининг шахсий фазилатларини санасам, нафақат илмий кўрсаткичларимизга, балки умумий ривожланишимизга эътибор қаратадиган жонкуяр киши сифатида биламан. Устоз ўз ҳамкасблари муаммоларини тушунадилар ва уларни тўғри ҳал қилишга ҳаракат қиладилар.

Устоз Норкулов Дўстмурод Тошпўлатовичга юртимиз келажаги бўлган Соғлиқни сақлаш тизимида бўлғуси шифокорларга таълим-тарбия бериш каби машаққатли ва шарафли ишларида Яратгандан куч-ғайрат тилаб қоламиз!

МЕҲНАТДАН ҚАДР ТОПГАН ФАЙЛАСУФ ОЛИМ

Утаев Ғайрат Ғайбуллаевич

Тошкент тиббиёт академияси катта ўқитувчиси

Одамзот ҳаётини, турмуш тарзини енгиллаштирувчи қулайликлар қанчалик кўп бўлмасин, аммо баъзида унинг хотиржам эмаслигини кўрамыз. Айримларнинг эса юзу кўзида бахт нашидаси нурдай ташлансада, ҳис этишга фурсати етмайди. Аммо орамизда шундай инсонлар борки, улар ўз бахт-у саодатини меҳнатда, қаноатда кўра олгани учун ҳам, ҳаётнинг турфа синовларига дуч келса-да, ўзлигини, самимийлигини йўқотмаган, ҳаётдан бахтини топа олган инсонларни учратамыз. Ўз ҳаётини илм-фанга бағишлаган ва шогирдларга таълим-тарбия беришда талабчанлик, қатъийлик, меҳрибонлик ва бошқа фазилатлари билан қалбида меҳр қолдирган ана шундай инсонлардан бири Норқулов Дўстмурод Тошпўлатовичдир.

Педагог сифатида фаолиятимни айнан Тошкент тиббиёт академиясида давом эттириш мақсадида ишга келган вақтимда Устоз билан биринчи маротаба суҳбатлашганимда қаршимда ўзини самимийлиги, дилкашлиги, ишга талабчанлик ва масъулият билан қарайдиган, меҳридарё, чуқур ҳаёт фалсафасига бой инсон эканлигини ич-ичимдан англаб етганман.

Устозни ҳар доим кузатган вақтларимда бир нарса яъни у кишини ҳаёт қонунига айланган хислатларини яъни ҳар куни газеталарни эринмасдан кўз югуртириб ўқиб чиқиши ва керакли маълумотларни ўз қоғозига ёзиб қўйиши ва ҳар бир кишига иш юзасидан юклаган топшириқларни ўз вақтида бажарганлиги ёки бажармаганлигини соат миллари каби доим назорат қила олиши ва гоҳида жиддий, гоҳида ҳазил билан йўл йўриқ кўрсатиши мени ҳар доим лол қолдирган. Улардан айримларини ўзим учун ҳаётим кундалигига айлантириш қанчалик мураккаб эканлигини ва

қатъият, муваффақиятни талаб қилиши менга ҳар доим америкалик маърифатпарвар Букер Тальяферро Вашингтонни “муваффақиятни киши ҳаётда эришган мавқе билан эмас, балки ўша муваффақиятни қўлга кирита туриб, у қандай тўсиқларни енгиб ўтгани билан ўлчаш керак” деган мулоҳазани эслатиб туради.

Устозимиз Дўстмурод Тошпўлатович нафақат илмда балки, катта оиланинг боши сифатида ҳам ён атрофдаги барча у инсонни таниган ёру биродарлар, тенгдошлари, маҳалла, қўни-қўшнилари ва шогирдлари орасида, у кишига ҳавас қилса арзийдиган, фарзандларга ҳаётда тўғри йўл кўрсатган падари-бузруквор сифатида ҳам яхши билиши ҳеч кимга сир эмас.

Устоз ҳақида эссе эмас балки дoston ёзсанг арзийди, чунки биз шогирдлар учун ҳар доим ибратдир. Илм-фанга баҳшида умрингиз, меҳрингиз, жонкуярлигингиз ва фидойилигингиз ҳеч қачон сўнмасин, ҳар доим зиёда бўлсин.

Муҳтарам Устозимизни 70 ёш табаррук тўйлари билан самимий муборакбод этиб, сиҳат-саломатлик, узoқ умр ва, албатта, янги ижодий ютуқлар тилаб қоламан.

* * *

МЕҲРИ ДАРЁ УСТОЗ!

З.Э.Маркаев

ТДАУ “Гуманитар фанлар” кафедраси мудири

Дўстмурод Норқулов ҳақида сўз кетганда мени ҳаёлимга кўплаб ижобий фикрлар ёғилиб келади. Дўстмурод устоз бағри кенг, қалби дарё устозлар сирасига киради десам муболаға қилмаган бўламан, сабаби у киши билан бирга ишлаган даврларимни эсласам фақат яхши таъсуротлар ҳаёлимдан ўтади. 1995 йил Тошкент давлат аграр университети “Фалсафа”

кафедрасида катта лаборант вазифасига ишга келганимда Дўстмурод устоз доцент лавозимида фаолият олиб борардилар. Мен ёш ходим сифатида устоздан кўп нарсаларни ўргандим, ўрناق оладиган жиҳатлари кўп бўлган.

Мен 1996 йилдан бошлаб устозни илмий фаолияти билан қизиқиб, ўргандим. Жумладан устознинг “Меҳнат, турмуш ва бўш вақт” номли монографиясида мустақил Ўзбекистоннинг моддий техника базасини яратиш борасида меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва айниқса бунда муҳим аҳамиятга эга бўлган инсонни ҳар томонлама камол топтиришда, турмуш шароитини яхшилашда, ёшлар тарбиясида бўш вақтнинг ўрни, ижтимоий моҳияти таҳлил қилинган.

Дарҳақиқат ҳар бир инсон ҳаёт кечириши давомида бўш вақтини тўғри тақсимлай билиши, ундан унумли фойдалана олишини имкон қадар англаб иш тутиши, оилада, илмий-услубий ишларда муҳим аҳамият касб этади. Бўш вақтни савоб ишларга йўналтириш ҳам инсон маънавий оламини бойишида, кўнгили хотиржамлигида аҳамиятлидир.

“Вақт ва инсон” номли монографиясида эса инсоннинг вақтга бўлган муносабати, унинг вақтдан қандай тарзда фойдаланиши, ислоҳотларнинг боришини, унинг натижаларини кўп жиҳатдан белгилаб бериши масалаларига эътибор қаратган. Вақт тушунчаси шунчаки фалсафий тушунча бўлиб қолмасдан, ижтимоий, сиёсий-иқтисодий, тарихий маданий маънога ҳам эгадир. Вақтга ана шундай ёндашган пайтдагина унинг ижтимоий, сиёсий, маданий-маънавий мазмуни ва моҳиятини ҳамда жамиятнинг маданий-маънавий ривожланиши, бир-бири билан боғлиқлиги тўлароқ, яхлит ва аниқ концептуал асосга эга бўлиши, инсоннинг вақтни идрок этиши, унга нисбатан тасавури ҳам ўзгариши каби масалаларга эътиборини қаратган.

Вақт ижтимоий-маданий маъноси жиҳатидан “ўтмиш”, “бугун” ва “келажак” тушунчаларини ўзида мужассам этади. Бу мамлакатнинг маданий тараққиётида ўзининг аниқ ифодасини

топади. Шунинг учун ҳам вақтни функционал жиҳатдан таҳлил этишигина вақтнинг тузилишини аниқ тасаввур этиш имкониятини беради.

Мустақиллик шукуҳи “иш вақти”, “ишдан ташқари вақт”, “бўш вақт”, “эркин вақт” тушунчаларини янги маъно ва мазмун билан янгилади. Бу жараён давом этмоқда. Ҳозирги кунда вақтнинг ижтимоий тараққиётга таъсири ортиб бориб, инсон билан вақт ўртасида узвий боғлиқлик кучайиб, инсон фаолияти орқали моддийлашиб, маънавий тараққиётга таъсир кўрсатмоқда.

Фалсафа фанлари доктори, профессор Д.Т.Норкулов Устозимизга оиласи, яқинлари, шогирдлари бахтига ҳамиша соғ-саломат юришларини, умрлари узоқ ва сермазмун бўлишларини яратгандан тилаб, хулоса ўрнида Владислав Гжешикнинг ушбу сўзларини келтиришни лозим топдим.

“Машҳур одамлар икки тоифага бўлинади: баъзиларни одамлар унутолмайди, баъзиларни унутишни хоҳламайди”, - ҳамкасб, устоз Дўстмурод Тошпўлатович унутилмайдиган инсонлардан биридир.

* * *

ҲАМ ҲАЁТДА, ҲАМ ИЛМДА, ҲАМ ИШДА БАРЧАГА ЎРНАК ИНСОН ТЎҒРИСИДА

Махмудов Лазиз Юсупович

Тошкент тиббиёт академияси ўқитувчиси

2014 йил кафедрага ишга келганимда домланинг кафедрада ишни қандай йўлга қўйганлигини кўриб тўғриси, хайрон қолганман. Кафедрани бошқаришдан тортиб, янги ходимларни ишга олишгача домла жуда пухта ёндашар эди. Ҳар бир ходимга индивидуал ёндашиши кафедрада бирор бир ишни бажарилмай қолганлигини эслай олмайман. Гоҳида берилган топшириқ ёки вазифа юзасидан камчиликларга йўл қўйсам мажлис бўлишидан

олдин алоҳида чақириб шундай дерди.... сени бугун мажлисда танқид қиламан, аммо сен буни ўзингга яқин олма бу бошқаларга ҳам ўртак бўлиши учун деб олдиндан юпатиб кўярди. Бу эса менда камчиликларга бошқа йўл қўймаслик ва ишда хулоса чиқариб янада олдинга интилишга туртки бўлар эди.

Мана шу ҳислат яъни, барча нарсани Бекаму кўст кўриш домла ҳаётининг ажралмас бир қисми. Кейинчалик домланинг илмий ишлари вақт масаласига бағишланганлигини билдим. Албатта, вақт ҳақида гапирганда ҳамма биладиган ягона нарса унинг тезда ўтиб кетиши.... Балки домлада шунақа ноёб ҳусусиятларнинг шаклланишида илмий ишларининг ҳам ўрни бормикин? Сабаби вақтнинг тез ўтиши ва одамзот эса режа ва мақсад қилган ишларига ўз вақтида эришиши.. Домланинг фикрича, мамлакатимизда ислоҳотларнинг бориши, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ўзгаришлар аввало инсон омили билан боғлиқ бўлиб, “инсон-вақт” муносабатида содир бўлади. Бунда инсоннинг вақтдан қандай мақсадда фойдаланиши билан жамият олдида икки хил имконият пайдо бўлади. Яъни, вақт жамият ривожининг тезлашуви ҳамда маърифийлашувига муҳим омил сифатида таъсир кўрсатиши ёки унинг таназзулга юз тутишига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Дўстмурод Тошпўлатович инсон сифатида жуда камтар ва ғамхўр. Нафақат ишда, балки оила, турмуш каби шахсий ҳаётда ҳам маслахатгўй ва имкони борича ёрдам берадиган инсон. Домланинг ҳар бир нарса эътибор билан ва жиддий қараши алоҳида эътиборга молик. Домла дунёқарашида камчиликларга ўрин йўқ. Мукамалликка интилиш домла характеридаги асосий ҳусусиятлардан бири. Кафедрада бўладиган турли тадбирлар жумладан, бирор бир ўқитувчининг туғилган куними, тўй ёки аъзами, мараками домлада шундай бир одат борки албатта иштирок этиш ва ташкил этиш, керак бўлса ёрдам бериш...

Ишда ишга хос бўлган ёндашув, тадбир тўй ҳашамда ўзига хос ёндашув домланинг кўп қиррали инсон эканлигидан далолат

беради.

Хурматли устоз Дўстмурод Тошпўлотович! Етмиш ёшингиз муборак бўлсин! Доимо Соғ-омон бўлиб, ҳаётингизда доимо нурафшонлик ва илмий-ижодий фаолиятингизда ютуқлар тилайман!

* * *

ИЛМ ЙЎЛИДА ЗАБАРДАСТ, ҲАЁТДА МЕТИНДЕК ИРОДА ВА САБР, ИШ ФАОЛИЯТИДА ЭСА КАМЧИЛИКЛАРГА КЎЗ ЮМА ОЛМАЙДИГАН ИНСОН ҲАҚИДА

Гулямова Азиза Нигматовна

Тошкент тиббиёт академияси ўқитувчиси

Олим ва муаллим камтарин инсон фалсафа фанлари доктори профессор Дўстмурод Норқулов фалсафа илми жонкуярлари орасида ўз ўрни ва ҳурматига эга. Устоз кўп йиллар мобайнида Тошкент тиббиёт академияси Ижтимоий фанлар кафедраси мудири лавозимида ишлаганлар. Шу даврда бир қанча шогирдлар чиқардилар ва илмий асарлар, монографиялар яратганлар. Устоз ўндан ортиқ тадқиқотчиларнинг номзодлик диссертацияларига раҳбарлик қилганлар ва ҳозирда ҳам юртимизга юқори малакали кадрларни, олимларни етказиб бермоқдалар. Профессор Д.Норқуловнинг бир қанча илмий асарлари мавжуд, улар нафақат республикамизда балки чет элда ҳам машҳур. Устоз оилавий муносабатларда ҳам барча шогирдлар учун намунали инсон. Домланинг оилалари олимлар оиласи. Фарзандлари ва келинларлари уларнинг изларидан кетишган.

Мен 2020 йилда Тошкент тиббиёт академиясида иш бошладим. Яъни, кафедрага ишга келганимга кўп вақт бўлмади. Айнан шу вақт оралиғида домладан бир катор яхши хислатларни кузатдим. Айнан устоз ўзларининг кенг маънавият соҳиби эканликлари билан бошқалардан ажарлиб турадилар. Тақдир

тақозаси билан кўп ташкилотлар ва таълим муассасаларида фаолият юритдим, кўп одамлар билан ишладим аммо, Дўстмурод Тошпўлатович каби инсонни учратмадим. Домла илм йўлида ҳам кўп ютуққа эришган эканларки, мен улар ҳақида энди энди билиб боряпман. Домла ҳақида жуда кўп яхши фикрларни эшитганман. Хусусан, кафедрада иш бошлаган илк вақтларда қойил қолганим домла шу ёшга киришига қарамасдан кафедра ва жамоа тўғрисида куйиб-пишиб жон куйдирар эди. Вазифа ва топшириқларни ўз вақтида бажара олмаган ходимларни шундай танбеҳ берадики ходимлар гўё бу танбеҳни ўзини ота-онасидан олгандек қабул қилади. Яъни, домлада кимнидир нафсониятига тегиш умуман йўқ. Кейинчалик билдимки, домлада одамларда жуда кам учрайдиган бир одат бор экан бу ҳам бўлса камчиликларга кўз юма олмаслик. Ҳа мана шу ҳислат яъни, барча нарсани бекаму кўст кўриш домла ҳаётининг ажралмас бир қисми. Кейинчалик домланинг илмий ишлари вақт масаласига бағишланганлигини билдим. Албатта вақт ҳақида гапирганда ҳамма биладиган ягона нарса унинг тезда ўтиб кетиши.

Мен мана шу 2 йил давомида устоздан кўп нарсалар ўргандим яъни, мен оғриқ босиқликни, ишда ишга хос бўлган ёндашув, тадбир тўй ҳашамда ўзига хос ёндашув домланинг кўп қиррали инсон эканлигидан далолат беради.

Дўстмурод Тошпўлатович инсон сифатида жуда камтар ва ғамхўр. Нафақат ишда, балки оила, турмуш каби шахсий ҳаётда ҳам маслахатгўй ва имкони борича ёрдам берадиган инсон. Домланинг ҳар бир нарсага эътибор билан ва жиддий қараши алоҳида эътиборга молик. Кафедрада бўладиган турли тадбирлар жумладан, бирор бир ўқитувчининг туғилган куними, тўй ёки аъзами, мараками домлада шундай бир одат борки албатта иштирок этиш ва ташкил этиш керак бўлса ёрдам бериш.

Дўстмурод Тошпўлатович! Етмиш ёшингиз қутлуғ бўлсин! Соғ-омон бўлиб, ҳаётингизда доимо нурафшонлик ва илмий-ижодий фаолиятингизда бардавомлик тилайман!

ВАҚТДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНА ОЛГАН ОЛИМ

Юсуф Ҳамдамов

*Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
доценти, филология фанлари номзоди.*

Дўстмурод Норқулов билан танишганимизга ана – мана деб, 30 йилдан ошибди. Кечагидек эсимда, баҳор ойларидан бири, яқин дўстимизнинг тўйи куни эди. Шеригим – таниқли ёзувчи Мирзапўлат Тошпўлатов билан ошдан чиқиб, энди катта йўлга чиқаётган эдик, танишларидан кимнидир учратди шекилли, бир зум тўхтаб қолди. Тўйхонадан чиқиб келаётган баланд бўйли, қирқ ёшлар атрофидаги кишини қарши олиб, у билан кучоқлашиб кўришди. Ҳол-аҳвол сўрагач, мени у киши билан таништирди:

–“Яқин дўстим Дўстмурод Норқулов бўлади, файласуф олим”. Шу –шу тўй, издиҳом, тадбирларда Дўстмурод ака билан кўришиб, бир – биримиздан ҳол – аҳвол сўрашадиган бўлдик.

Бунга ҳам ўттиз йилдан ошди, биз 18 нафар зиёлилар Бойбўта домла Дўстқороев бошчилигида “гап” (давра) ташкил қилдик. Турли касб эгалари бўлсакда, гапимиз бир – бирига қовушиб, тезда аҳил оилага айландик. Энди тўйларимиз, турли тадбирлар, туғилган кунларни нишонлашлар оилавий, бирга ўтадиган бўлди. Орамизда ўзаро қуда – андалиқ ришталари ҳам боғланиб кетди. Одатда давра борки, ундаги ҳар бир аъзонинг ўз ўрни бўлади. Мен Дўстмурод акани даврамизда, қолаверса, турли тадбирлару ўзаро суҳбатлардаги ўзини тутиши, фикр юритиши, бағри кенглиги, кенг мушоҳадаларга эгалигини кўрган ҳолда, шунингдек, кузатиб, тинглаб, уни камтар, оғир – босиқ, камгап, тўғри сўз, маданиятли ва билимли инсон сифатида кашф этдим. Унинг яна бир кўпчиликка намуна бўладиган ажойиб хусусияти, ўзи ҳақида кам гапиради, суҳбатдошига ўзидан ёши каттами, кичикми, ҳурмат билан қарайди, уни тинглайди, муҳими, одам ажратмайди.

Дўстмурод Норкулов Қашқадарёнинг Касби кенгликларида туғилиб, шу заминда ўсиб - улғайди. Хув узоқ - узоқларга тутшиб кетган ададсиз далаларда қўй боқиб, дала – даштларнинг ўзига хос тароватидан завқланиб, туғилиб ўсган она замин, ундаги қадимий гўшалар, қишлоқлардаги осори – атиқаларни кўриб хайрати ошар, она табиат бағридаги турфа сир – синоатларга ақли етиб - етмай, баъзан узоқ – узоқларга тикилиб, чуқур ўйга толарди. Ўшанда ёш Дўстмурод бу ажиб дунёни англаб етиш, унинг жумбоқларига жавоб топиш учун ўз олдига келажакда файласуф бўлишни мақсад қилиб қўйган бўлса, ажаб эмас.

Д.Норкулов Дмитрий Менделеев номидаги ўрта мактабни “аъло” баҳоларда тугатгач, 1969 йил Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) “Фалсафа-иқтисод” бўлимига ўқишга кирди. Унинг ҳам тенгдошлари каби талабалик – олтин даври жуда мазмунли ўтди, ўша пайтлари билими, салоҳияти билан нафақат Ўзбекистонда, балки собиқ иттифоқда танилган машҳур файласуф профессор, академиклардан сабоқ олди, устозларининг ўғитларига амал қилди. Дўстмурод республикамизнинг турли худудлардан келиб ўқиётган тенгдошлари орасида намунали талаба бўлди, ўқиш даврида жон- жигари каби яқин, садоқатли дўстлар орттирди.

Д.Норкулов 1974 йилда университетни муваффақиятли тугатгач, иш фаолиятини Тошкент давлат тиббиёт интитути “Фалсафа” кафедрасида ўқитувчиликдан бошлади. 1989-1998 йилларда Тошкент давлат аграр университети “Фалсафа ва ҳуқук” кафедраси доценти лавозимида ишлади. 1998 йилдан 2016 йилгача Тошкент тиббиёт академияси “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири бўлди. Кафедра мудири сифатида ҳар бир ўқитувчининг кўнглига йўл топиб ишлади, уларни бошини қовуштирди, жамоадошларига қўлидан келганча ёрдам берди, ёшларни суяди, уларга керакли маслаҳатлар берди. Меҳнати, астойдил саъи – ҳаракатлари билан ўзи ишлаётган олий таълим муассасасининг намунали кафедрасига айлантирди.

Ҳозирги кунда Д.Норкулов шу кафедранинг профессори лавозимида фаолият олиб бормоқда.

У 1983 йилда фалсафа фанлари доктори, профессор Мираҳмад Абдуллаев раҳбарлигида “Бўш вақт - қишлоқ меҳнаткашлари маданий-техник савиясини оширишнинг муҳим омили” мавзусидаги диссертацияси ишини муваффақиятли ҳимоя қилиб, фалсафа фанлари номзоди бўлди. Ёш олим илмий изланишларини давом эттирди, ўз устида тинмай ишлади, меҳнат қилишдан чарчамади. Меҳнатлари натижаси ўлароқ, 2000 йилда “Вақт – жамият маданий- маънавий равнақи омили: назария ва амалиёт” мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Илмий тадқиқотлари йўналиши ижтимоий фалсафа, вақт тушунчаси, унинг мазмуни, моҳияти, жамият тараққиётининг вақт билан боғлиқлиги, инсон маънавий дунёсининг вақт омилига таъсири масалаларини ўрганишга бағишланган. Ўзининг илмий изланишларида маънавий янгилашни ва ҳуқуқий онг, ҳуқуқий онгнинг ўзига ҳос хусусиятлари ва унинг янада юксалтириш омиллари мамлакатимиз миқёсида соғлиқни сақлаш соҳасида кечаётган туб ислоҳотларни ҳаётга татбиқ қилиш масалаларига ҳам эътибор қаратган. Шунингдек, тарихий-маданий мерос феноменининг миллий ўзликни англаш жараёнларига таъсири, тарихий тафаккур ва тарихий билимларнинг ўзликни англашдаги ўрни, глобаллашув ва тарихий-маданий меросни асраш масалалари, Ўзбекистонда маданиятни ривожлантириш ва тарихий-маданий меросдан фойдаланиш концепцияси каби масалаларни ҳам тадқиқ этган.

Илмий давраларда салоҳиятли тадқиқотчининг мазкур долзарб мавзуларда олиб борган изланишларининг ўрни ва аҳамияти юқори даражада эканлиги эътироф этилган.

Д.Норкулов илмий-педагогик фаолияти давомида 160 дан ортиқ илмий мақолалар, тезислар, рисоалар, ўқув, ўқув-услубий қўлланмалар, дарслик ва монографиялар чоп эттирган. Жумладан, 1993 йилда чоп этилган “Меҳнат, турмуш ва бўш вақт”, 2006 йилда

босилиб чиққан “Вақт ва инсон”, 2011 йилда нашр этилган “Мустақил Ўзбекистон: маънавий янгиликлар ва ҳуқуқий онг”, 2022 йилда чоп этилган “Тарихий-маданий мерос ва миллий ўзликни англаш” каби монографиялари ўзининг мазмун – моҳияти билан соҳа олимлари ва кенг ўқувчилар оммасига манзур бўлган.

Норқулов Д. “Меҳнат, турмуш ва бўш вақт” номли монографиясида мустақиллик Ўзбекистоннинг моддий - техника базасини яратиш борасида меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва айниқса, бунда муҳим аҳамиятга эга бўлган инсонни ҳар томонлама камол топтириш ва турмуш шароитини яхшилашда, ёшлар тарбиясида бўш вақтнинг ўрни, ижтимоий моҳияти атрофлича таҳлил қилинган.

“Вақт ва инсон” номли монографиясида эса, олим инсоннинг вақтга бўлган муносабати, унинг вақтдан қай тарзда фойдаланиши, ислоҳотларнинг бориши, унинг натижаларини кўп жihatдан белгилаб бериши масалаларига эътибор қаратган. Вақт тушунчаси шунчаки фалсафий тушунча бўлиб қолмасдан, ижтимоий, сиёсий-иқтисодий, тарихий маданий маънога ҳам эгадир. Вақтга ана шундай ёндашган пайтдагина, унинг ижтимоий, сиёсий, маданий-маънавий мазмуни ва моҳиятини ҳамда жамиятнинг маданий-маънавий ривожланиши, бир-бири билан боғлиқлиги тўлароқ, яхлит ва аниқ концептуал асосга эга бўлиши, инсоннинг вақтни идрок этиши, унга нисбатан тасаввури ҳам ўзгариши каби масалаларга эътибор қаратиб, атрофлича ўрганган.

Иқтидорли олим-профессор Д.Норқуловнинг фикрича, мамлакатимизда ислоҳотларнинг бориши, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ўзгаришлар, аввало, инсон омили билан боғлиқ бўлиб, “инсон-вақт” муносабатида содир бўлади. Бошқача айтганда, инсоннинг вақтдан қандай мақсадда фойдаланиши билан жамият олдида икки хил имконият пайдо бўлади. Яъни, вақт жамият ривожининг тезлашуви ҳамда маърифийлашувига муҳим омил сифатида таъсир кўрсатиши ёки унинг таназзулга юз тутишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Шу

маънода, жамият ривожига вақт омили ва ундан фойдаланиш билан узвий таркибий функционал боғлиқ бўлиши, вақтга бўлган муносабатга қараб, унда икки хил натижа мужассамлашганлиги маълум бўлади. Шунинг учун мамлакат маданий-маънавий ривожланишида вақт омилининг таъсирини инобатга олиш Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши жараёни билан узвий боғлиқ бўлиб, унга бўлган муносабат ва эътиборни доимо етарли даражада ҳисобга олиш зарурлиги масалалари ўрганилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев айтганидек “Янги Ўзбекистон тенглар орасида тенг бўлишга, жаҳон майдонининг таркибий қисмига айланишга ҳаракат қилмоқда. Бу давлатлар олдида муваффақиятсиз, чиппака чиққан тарихий тажрибанинг фожеали оқибатларини қисқа давр ичида бартараф этиш вазифаси турибди. Улар замонавий бозор иқтисодиётига эга бўлган, одамлар муносиб турмуш кечиришини таъминлай оладиган, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қила оладиган чинакам демократик жамият қуришдек мураккаб вазифани ҳал этиш зарур”. Бу вазифаларнинг кўлами шунчалик каттаки, уни амалга ошириш "инсон-вақт" тизими орқали амалга ошади. Жамият ҳаётининг барча жабҳаси ўзига хос тарзда вақт билан инсон фаолияти орқали аниқ намоён бўлади. “Инсон ва вақт” муносабатида вақтнинг: инсонлар томонидан қандай идрок этилиши, инсон-вақт муносабатларининг мамлакат ривожига, тараққиёт йўлига мос ёки мос эмаслиги турли хил натижалар беради. Буни мамлакат ижтимоий-маданий тараққиётига нисбатан кўрадиган бўлсак: унинг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиши, ё мос тушиши мумкин ёки мамлакат тараққиётининг орқада қолишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бу кўпроқ мамлакатнинг сиёсий жиҳатдан тутган ўрни, мавқеига, мустақил ёки мустақил эмаслигига боғлиқ бўлади. Вақтни ижтимоий жиҳатдан таҳлил этиш орқали, бизнинг вақт тўғрисидаги тасаввурларимиз ўзгариб боради, янгича мазмун билан бойийди.

Демак, вақт муаммосининг фалсафий талқинини йўналишларда кўрганда, мамлакат ижтимоий-маданий ҳаёти ривожини, собиқ ягона мафкура таъсирида, вақтни бир томонлама, инсонлар хоҳиш - иродасига зид ташкил қилинганлиги ва йўналтирилганлиги мамлакатимиз ҳаёти ва унинг ривожига салбий таъсир кўрсатган. Унинг салбий оқибатлари мамлакат миқёсида, 70-йилдан кўпроқ даврни вақт нуқтаи назаридан эришилган ютуқ ва мавжуд муаммоларни қиёслаганда аниқ намоён бўлади. Эришилган айрим ютуқлар, хусусий инфраструктурадаги ўзгаришлар, ана шу мақсадлар учун империяга хизмат қилувчи миллий кадрларни тайёрлаш буларнинг барчаси империянинг манфаатларини қондирилганлиги, бу ҳолда арзон хомашё ва энергия манбаларидан баҳраманд бўлишни кафолатлаши керак бўлганлиги учунгина амалга оширилган. Бунга Чоризм мустамлакаси даврида ҳам қўшиб ҳисоблаганда, қандай “вақт” миқдори бой берилганлиги, бугунги муаммоларнинг маълум жиҳатдан у билан боғлиқ эканлигини тасаввур этиш мумкин.

Вақт ижтимоий-маданий маъноси жиҳатдан “ўтмиш”, “бугун” ва “келажак” тушунчаларини ўзида мужассам этади. Бу мамлакатнинг маданий тараққиётида ўзининг аниқ ифодасини топади. Шунинг учун ҳам вақтни функционал жиҳатдан таҳлил этишигина вақтнинг тузилишини аниқ тасаввур этиш имкониятини беради.

Мустақиллик “иш вақти”, “ишдан ташқари вақт”, “бўш вақт”, “эркин вақт” тушунчаларини янги маъно ва мазмун билан янгилади. Бу жараён давом этмоқда. Ҳозирги кунда вақтнинг ижтимоий тараққиётга таъсири ортиб бориб, инсон билан вақт ўртасида узвий боғлиқлик кучайиб, инсон фаолияти орқали моддийлашиб, маънавий тараққиётга таъсир кўрсатмоқда, деган хулосага келинган.

“Мустақил Ўзбекистон: маънавий янгиликлар ва ҳуқуқий онг” монографиясида эса Ўзбекистон жамиятининг маънавий

янгилашида ҳуқуқий онгинг роли масалаларини ўрганиб, жамиятни маънавий янгиланмасдан туриб, янги, демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш вазифаларини амалга ошириб бўлмаслиги, жамиятнинг маънавий янгиланиши кўпгина омилларга боғлиқ бўлиб, мамлакатда белгиланган туб ислохотларни амалга ошириш, аввало, маданиятнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва родини янгича тушуниш билан боғлиқлиги, жамиятда амал қилиб келган ижтимоий онг шаклларида унинг муҳим таркибий элементи бўлган ҳуқуқий онгдаги ўзгаришлар, янгиланишларни тақозо этиши таҳлил қилинган.

Шунингдек, монографияда маънавий ҳаёт соҳаларидаги ислохотлар жамиятни маънавий янгиланишида янгича ҳуқуқий демократик асослар яратилишига пойдевор бўлиши, ҳуқуқий онгни янгиланиши билан боғлиқ мақсадлар, меъёрлар, вазифаларни нафақат билиш, айти пайтда баҳо бериш ва тартибга келтиришнинг шахс ва жамият даражасида ўзгарганлиги билан боғлиқлиги, унинг ижтимоий-фалсафий жихатларини ўрганиш орқали ҳуқуқий онгни жамиятнинг маънавий янгиланишидаги родини тўғри баҳолаш мумкинлиги, жамиятнинг маънавий янгиланишида ҳуқуқий онгинг ўрни масаласини назарий методологик асослар ҳамда янгича ижтимоий-фалсафий концепцияларга, услубларга таяниш зарурияти масалаларини ўрганилган.

Профессор Д.Норкулов “Тарихий-маданий мерос ва миллий ўзликни англаш” монографиясида янги Ўзбекистонда тарихий-маданий меросни асраш, унга таяниш ва шу асосда миллий тараққиётга эришиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги, мустақилликнинг илк кунларидаёқ халқимиз, миллатимиз тарихига тааллуқли барча меросни объектив ва илмий ўрганиш, тарихий меъморий ёдгорликларни таъмирлаш, советлар мафкураси тазйиқи туфайли унутилган диний, ахлоқий қадриятларни, буюк аждодларимиз

номларини, қадамжоларни қайта тиклашга киришилганини атрофлича асослаб берган.

Дўстмурод Норкулов мамлакатимиз миқёсида соғлиқни сақлаш соҳасида кечаётган туб ислохотларни ҳаётга татбиқ қилишдаги фаол иштироки, билимли, иқтидорли тиббиёт соҳаси мутахассисларини тайёрлашда қўшаётган салмоқли ҳиссаси учун Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан 2013 йил 4 ноябрда ФАХРИЙ ЁРЛИҚ билан;

мамлакатимиз тараққиёти учун етук файласуф, психолог, социолог, сиёсатшунос мутахассисларни тарбиялашдаги хизматлари, ёшларга ватанпарварлик руҳида таълим-тарбия берганлиги, илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси учун 2015 йилда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа факультети ташкил этилганлигига 35 йил тўлиши муносабати билан мазкур университет ректорати томонидан ТАШАККУРНОМА билан;

Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи институти ва Халқаро Турон фанлар академияси томонидан ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашдаги самарали фаолияти учун 2020 йил 27 сентябрда ва 2021 йил 26 сентябрда ФАХРИЙ ЁРЛИҚлар билан, Турон фанлар академияси ташкил этилганлигининг 10 йиллиги муносабати билан, академиядаги фаоллиги эътиборга олиниб, “Турон фанлар академияси 10 йиллиги КЎКРАК НИШОНИ” билан тақдирланган.

Профессор Дўстмурод Норкулов Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш аъзоси. Унинг раҳбарлигида 5 нафар тадқиқотчилар фалсафа фанлари бўйича номзодлик ишини химоя қилган ва у ҳозирда яна 4 нафар тадқиқотчига илмий раҳбарлик қилмоқда.

Дўстмурод Норкулов халқимизнинг “Кимки бўш вақтини оқилона ўтказа олса, шахсий маданияти олий даражадаги кишидир”, деган доно нақлини ўзига шиор қилиб олган. Файласуф

олим айтилганларга амал қилиб, ўзи илмий тадқиқот олиб борган вақтдан унумли фойдаланган ҳолда катта илмий ютуқларга эришди. У тайёрлаган шогирдлари, ёзган дарслик, ўқув қўлланма, монография ва илмий мақолалари унинг заҳматли меҳнатидан далолат бериб турибди.

Доно халқимизнинг “От изини той босади” деган нақли бор. Дарҳақиқат, таниқли файласуф олим Дўстмурод Норқуловнинг ишини садоқатли шогирдлари ва фарзандлари давом эттираяпти. Файласуф устознинг тўрт нафар фарзандларнинг барчаси олий маълумотли, ҳозирда турли соҳаларда ишлашаяпти. Кенжа ўғли Сухроб Норқулов ота касбини танлади, у фалсафа фанлари доктори, профессор. Ҳозирда Тошкент тиббиёт академиясининг “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудирини. Келини Фарида Умарова ҳам фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Айни вақтларда шу олий даргоҳда ёшларга фалсафа фанидан сабоқ бермоқда.

Профессор Дўстмурод Норқулов бугун ҳам одатдагидек эрта туриб, ишга отланди. Тиббиёт Академияси биносига кириб бораркан, унга касбдошлари, шогирдлари, талаба – ёшлар бараварига салом бериб, ҳурмат кўрсатишди. Профессор аудиторияга кириб, маърузасини бошлади. Талабалар устозларидан фалсафий мушоҳада қилиш, дунёни англаш, уни тадқиқ қилишдек қизиқарли мавзунини жон қулоқлари билан тинглашаяпти. Аудиторияда жимжитлик ҳукм сурган, ҳамманинг эътибори устозга қаратилган. Устоз аудиторияда маъруза тинглаётган ёшларга разм солади, гўё уларни ўрганади. Ана, қош – кўзлари қоп – қора, жингалак сочли йигит ёнидаги чиройли қизнинг қулоғига нимадир деб шивирлади, қиз майин жилмайди. Беихтиёр ўзининг талабалик йиллари – олтин давр ёдига тушди. Қаранг-а, ўша талабалик даврдан кейин ҳам қанча йиллар ўтиб, қанча сувлар оқиб ўтди. У мийиғида кулиб қўйди. Ҳа, ҳаёт давом этаяпти. Хаёлидан шу фикрлар ўтди, мана, биз кексалик даврига қадам қўйдик, ёшлар –давомчиларимиз эса, бирин – кетин

изимиздан даврага кириб келишяпти. Бу ҳам ҳаёт фалсафаси, вақтнинг таъсирида.

Биз минглаб ёшларнинг устози, камтар, ўзига инсоний фазилатларни мужассам этган фалсафа фанлари доктори, профессор Дўстмурод Норқуловга узоқ умр, соғлик – саломатлик, илмда янада янги саҳифалар очиши йўлида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

* * *

УСТОЗ МАҚОМИДАГИ ДЎСТ ВА ҲАМКАСБ ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Тўлқин Қўйлиев

*Тошкент давлат Аграр университети “Гуманитар фанлари”
кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди*

1979 йил сентябрида ТошДУ (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети) тарих факультети “Фалсафа” бўлимини тугатиб, Тошкент Давлат Тиббиёт интитути “Фалсафа” кафедрасига ишга келганимда Дўстмурод Тошпўлатович Норқулов профессор Абдуллаев Мирахмад Анаркулович раҳбарлигида “Бўш вақт - қишлоқ меҳнаткашлари маданий-техник савиясини оширишнинг муҳим омили” мавзусида 09.00.04-ижтимоий фалсафа ихтисослигидан номзодлик диссертацияси устида илмий тадқиқот ишлари олиб бораётганини билганман. Мана шундан бери орадан қарйиб 43 йил ўтибди.

Дўстмурод Тошпўлатович ўтган йиллар давомида нафақат номзодлик шу билан бирга докторлик диссертациясини ҳам муваффақиятли ҳимоя қилиб доцентлик ва профессорлик илмий унвонлари соҳиби, Турон фанлар академиясининг аъзоси бўлди.

Бугунга келиб унинг раҳбарлигида 5 нафар илмий тадқиқотчилар фалсафа фанлари бўйича номзодлик ишини

муваффақиятли химоя қилиб, мамлакатимиздаги турли олий ўқув юртларидаги кафедраларда ўз фаолиятларини давом эттиришётган бўлса, яна 4 нафари унинг назорати остида илмий изланишларини давом эттирмоқдалар.

Бўлажак олимнинг Ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳригача кечган умри олис Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги Оқжангал қишлоғида ўтди. Ёшлигидан ўйчан, оғир ва босиқ бўлган Дўстмурод қишнинг узун кечалари, ёзнинг олис кунларининг нима сабабдан баъзи фаслларда вақтнинг узунлиги ва баъзан қисқа бўлиши ҳақидаги тизгинсиз ўйлар, уларни қандай қилиб фойдали вақтга айлантириш устидаги жайдари хаёллар эҳтимол бугунги кунда вақтнинг ижтимоий фалсафий мазмуни ҳақидаги етакчи, зукко олимлардан бирига айланишида қалбига ўша кунларда ошно бўлган некбин туйғулар пойдевор бўлган бўлса ажабмас.

Университетдаги жўшқин талабалик ҳаёти, машҳур устозлардан Шарқ ва Ғарб фалсафасидан олинган сабоқлар, замонавий фалсафанинг долзарб масалаларига бағишланган маърузалардан чиқарилган дастлабки хулосалар, шунингдек, курсдош дўстлар билан илмий семинарлардаги қизгин баҳслар, ҳамда шахсий кузатувлар натижасида олинган мустақил фикрлаш тартиби унинг кейинги ҳаётий позицияси тўғри шаклланишида ўзига хос мактаб вазифасини ўтади.

Яна бир нарса аёнки, вақт инсоннинг тараққиёти ва ҳаётида ҳар доим муҳим роль ўйнаб келган. Фалсафий тафаккур тараққиётининг барча босқичларида зукко олимлар бу масалага жиддий эътибор қаратишган. Шу номдаги номзодлик диссертациясини юзага келишида Республикаимизнинг Тошкент ва Қашқадарё вилоятларининг бир нечта туманларида ўтказилган ўта пишиқ социологик тадқиқотларнинг умумлашма хулосалари бўлажак олимнинг бунданда салмоқли илмий ишлар ола бориш имконияти мавжудлигини намоён қилган эди. Чунки, Дўстмурод Тошпўлатович тарихий тараққиёт жараёнида вақт ва у билан

боғлиқ унинг ҳали маромига етмаган турли-туман қирралари мавжуд эканлиги ҳамда у илму-фан ва техника тараққиёти натижасида такомиллашган назария ҳамда таълимотлар вужудга келишини юқорида биз тилга олган сўровномаларга берилган жавоблар орқали сезган эди. Респондентлар “Сизда бўш вақт бўладими” деб берилган саволга, сўралганларнинг 61 фоизи бўлмайди, 7 фоизи билмадим, 32 фоизи эса бўлади деб жавоб берган.

Дўстмурод Тошпўлатович вақт муаммоси билан боғлиқ масалаларни ўрганиш натижасида жамиятдаги маънавий-маърифий жараёнлар инсон, шахс камолати билан алоқадорликда эканлигини кўра билди ва ўзига хос фалсафий хулосаларга келди ва уни ҳеч иккиланмасдан қуйидаги тезисларда жамоатчилик муҳокамасига тақдим қилди. Улар: биринчидан, вақт ва жамият ривожини узвий боғлиқ ҳолда кечади. Табиат ва жамиятда содир бўлган ҳар бир ҳодиса унинг алмашилиши объектив реал вақтни, унинг функционал жиҳатини ифодалайди. Иккинчидан, вақтни турли хил талқин этишлар мавжуд. Уни муайян макон ва замонда идрок этиш ҳамда ёндашувлар хилма-хиллигини тан олиш билан бирга бугунги кунда унга функционал вақт сифатида қараш, характерлаш муҳим. Учинчидан, бўш вақт тушунчасини янгича таҳлил этиш ва унга янгича ёндошиш зарур, чунки бўш вақт моҳиятан вақтнинг функционал мазмунини тўла англатмайди. Тўртинчидан, функционал вақт, унинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий маъно ва моҳиятини ўзида акс эттиради. Шу сиёсий-ижтимоий жараёнлар орқали вақт, унинг ўтиши, мазмуни, инсон фаолиятининг йўналганлик жиҳатларини ўзида ифодалайди. Бешинчидан, инсон вақтни идрок этиш, ундан мақсадли фойдаланишнинг ягона субъекти ҳисобланади. Инсоннинг вақтга бўлган муносабати, ундан фойдаланиш маданияти даражаси жамият ривожига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу, бизнинг фикримизча, жамият ва вақт ўзаро алоқадорлигининг ўзига хос қонуниятидир. Олтинчидан,

жамиятда амалга оширилаётган ислохатлар жараёнида вақтдан оқилна фойдаланишга бўлган эҳтиёж, вақтнинг ўрни ва роли ошиб боради. Еттинчидан, ижтимоий вақтнинг қайтмаслиги тўғрисидаги қарашларни мутлоқ тарзда қарамаслик керак. Вақт унда яратилган, содир бўлган воқеа ва ҳодисалар, уларнинг инсонлар, мамлакат ҳаётидаги ўрни нуқтаи-назаридан ёндошилса, уни шартли равишда ҳозирги замонда, ўтган вақт, истиқболдаги бугунги вақт ифодасини топади. Саккизинчидан, вақтга статик ёки динамик, циклли ва чизиқли ёндошув билан бирга унинг йўналишларини ҳисобга олиш зарур, деб чиқарган истиқболли хулосалари ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди.

Дўстмурод Тошпўлатович айна чокда катта зиёли оиланинг ғамхўр бошлиғи. Тўрт фарзанд, уч келин, ягона куёв ва 15 дан ортиқ набира ҳамда эвараларнинг суюкли бобоси сифатида маҳаллада эътибор топган нуруний зотлардан биридир.

Ҳамкасб дўст, ака сифатида Дўстмурод Тошпўлатович педагогик ва илмий фаолиятининг биринчи кунлариданоқ ўз маслаҳатларини барча ёшлар каби мендан ҳам узоқ тутмаган. Талабалар билан қандай ишлаш, профессор-ўқитувчилар ўртасида обрў-эътиборда бўлиш, дастлабки илмий мақолаларни ва услубий ишларни қандай тайёрлаш усуллари, механизмларини эринмасдан ўргатган мураббий, баъзида дастлабки қораланма ишларимизни таҳрир этган корректор ва редактор сифатида доимий ўз ёрдамини аямаган камтарин устоз мақомидаги инсондир.

Айни дамларда умрининг шукуҳли, заковатга тўлиқ, золварли ютуқларини дўсту-қадрдонлар, суюкли ўғил-қизлар, набиралар, шогирдлар даврасида нишонлаётган Норқулов Дўстмурод Тошпўлатовичга узоқ-умр, сихат-саломатлик, илмий ва педагогик фаолиятларига давомли ютуқлар тилайман!

IV- БЎЛИМ.
ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

ВАҚТИНГ КЕТДИ – НАҚДИНГ КЕТДИ

Дўстмурод Норқулов - Тошкент
тиббиёт академияси профессори,
фалсафа фанлари доктори, Турон
фанлар академияси академиги

Инсон тез унутадиган, ҳар доим ҳам қадрига етмайдиган нарсалардан бири – бу вақт. Вақт – шафқатсиз, у ҳеч қачон ортга қайтмайди. Айни пайтда вақт энг одил ҳакам. Таъбир жоиз бўлса, инсон умри ҳам турли даражадаги вақт ўлчовлари (соат, кун, ой, йил) мажмуидан иборат. Биз ўз фаолиятимизни бевосита ана шу вақт билан чамбарчас ҳолда юритамиз. Жамиятдаги катта-кичик барча жараёнларнинг аниқ ўлчовини кўрсатиб берувчи омил ҳам вақт.

Инсон мунтазам равишда жамиятда вақтдаги ўзгаришларни ҳис этиб, ўз устида ишламаса, вақтдан орқада қолади. Бундай инсон ва у орқали жамият ҳам зарар кўради. Инсон тафаккури вақт билан уйғун тарзда бўлмаса, оқибатда изланувчанлик, ижодкорлик хусусиятидан узоқлашади. Инсоннинг маънавий борлиғи заифлашиб, унинг бунёдкорлик фазилати сусаяди, фаоллик даражаси пасаяди.

Жамиятда содир бўлаётган ҳар қандай воқеа ва ҳодисалар жараёни вақт билан ўзаро муносабатда бўлади. Вақт ҳар бир воқеа ва ҳодисанинг намоён бўлишида ва давомийлигида аниқ ўлчов бирлиги сифатида иштирок этади. “Вақт – дунёда содир бўлувчи ҳодиса ва жараёнларнинг рўй бериш кетма-кетлиги тартиби ва

давомийлигини ифодалайди”⁴. Ундан оқилона фойдаланиш ёки фойдалана билмаслик ҳолатлари эса меҳнат натижасига таъсир кўрсатади. Вақтнинг бу борадаги боғлиқлигини инсон фаолиятидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди, албатта.

Шу боис жамиятдаги ўзгаришлар доимо вақт билан уйғун ҳолда намоён бўлади. Бунда, вақтни, аввало, вазифаси нуқтаи назардан жамият соҳалари билан боғлиқ ҳолда таҳлил этиш мумкин. Айни пайтда вақтни шартли тарзда “иш вақти” ёки “ишдан ташқари вақт” тарзида жамият билан боғлаб ўрганиш анъанаси ҳам мавжуд. Шунини таъкидлаш керакки, бугунги кунгача иккинчи йўналиш кўпроқ устувор бўлиб келган. Вақт тўғрисида кенг тасаввурга эга бўлиш учун муаммони “инсон - вақт” тизимида кўриб чиқиш лозим.

Инсон фаолиятида ёки жамият ҳаётида вақтнинг ўрни ва ролини “иш” ва “ишдан ташқари вақт”га ажратиш шартли ҳамда зарурий, ижтимоий-ҳуқуқий асосга эга. “Ишдан ташқари вақт”нинг таркибида ҳам қуйидаги унсурларни ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) “Эркин вақт”, 2) “Бўш вақт”. Вақтнинг “Эркин вақт” қисмини инсоннинг ўз ихтиёридаги вақти сифатида, ўз хохишига кўра фойдалана олиш имкониятига эга вақт, деб ҳисоблаб, унга ижтимоий-фалсафий маъно берадиган бўлсак, бу қисмини инсон учун “эркин”, “ихтиёрий” вақт деб белгилаш мумкин. Ундаги ҳар бир инсон қандай ҳоҳласа, шундай фойдаланади. Бундай ёндашув, жамиятда инсонларни муайян фойдали меҳнат жараёнига жалб этиш, уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини кафолатлаш билан бирга унинг “миқдорини” белгилаб қонунлаштирувчи жараёнлар билан боғлиқ. Демак, вақт ва жамият ўртасидаги муносабатга жамият олдида турган мақсад ва инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан ёндошганда, бу табиий жараён. Айни ҳолат жамиятни бошқариш, идора этиш ва тартибга солишда, кишилар фаолиятини аниқ мақсадга йўналтиришда, уларнинг турли хил эҳтиёжларини қондириш ҳамда манфаатларини уйғунлаштиришда муҳим ўрин

⁴ Тураев Б.О. Борлиқ (фалсафий таҳлил). – Самарқанд-Тошкент: Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, 2022. – 33 б.

тутади.

Шу нуқтаи назардан масалани “иш” ва “ишдан ташқари”, “эркин” вақтга бўлиб ўрганиш мумкин. Масалан, саккиз соатлик иш вақтида қандай ҳажмда иш бажарилиши керак, амалда-чи? Муаммога шу тарзда ёндашилса, вақтга муносабат ёки “белгиланган иш” вақтининг унуми ҳаммада ҳам бир хил эмаслигини кўриш мумкин. Бу, бир томондан, гўё табиийдек. Аммо, масалага, меҳнатга ҳақ тўлаш таъриф сеткасидан келиб чиққан ҳолда ёндашилса, вақт эмас, айни шу вақтда қандай ҳажмда иш бажарилганлиги, яъни меҳнат натижаси муҳим омил ҳисобланади. Бу жараёни ҳар бир киши англаб етиши лозим. Онг ва тафаккурдаги ўзгаришлар эса инсоннинг иш вақтига муносабатини ўзгартиришга сабаб бўлади. Бу эса, ўз навбатида, жамият ривожланишига жуда катта ижтимоий туртки сифатида таъсир этади.

Бекор кетаётган маълум бир вақт ишчи ёки ходимлар сонига нисбатан олиб қаралса, қанчалик даражада жамият бойлиги беҳуда кетаётганлигини тасаввур этиш мумкин. Албатта, буни аниқ ҳисоблаб чиқиш жуда мушкул. Жамиятда кечаётган жараёнлар бунга аниқ асос бўла олади. Меҳнат фаолиятидаги қуйидаги омиллар вақтнинг фойдалилик даражасига кўп жиҳатдан алоқадор:

- ишчи ходимнинг онг ва тафаккур даражаси салоҳияти;
- ўрнатилган тартиб-интизом;
- раҳбар ва ходим ўртасидаги муносабат;
- ходимнинг ўз ишини аниқ билиши ва унинг иш билан таъминланганлик ҳолати;
- ишнинг характери ва мазмуни;
- иш жойининг қандай техника ва технологияга асосланганлиги;
- ходимлар меҳнатининг бир-бирига боғлиқлиги;
- меҳнатни ташкил этиш шакли (мулк кўриниши);
- маош миқдорининг меҳнат натижасига боғлиқлиги;

- меҳнат жамоалари манфаатдорлиги билан узвийлиги, меҳнат натижасининг устуворлиги;

- ҳар бир ходимнинг мамлакат олдида турган вазифаларни аниқ идрок этиши ва масъулият ҳисси, фидоийлиги ва ҳоказо.

Бу омилларнинг ҳаётда қандай амалга оширилиши, ҳисобга олинишига қараб “инсон - вақт” – тизими ҳам ўзгариб боради. Натижада, вақт маром жиҳатдан жамият ҳодисалари билан боғланиб, унинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Ёки, кўпгина вақтни беҳуда ўтказиш билан салбий таъсир кўрсатиш ҳам мумкин. Муайян “вақт миқдори” деганда вақтнинг илгарилаб кетиши, унинг қайтмаслиги ҳолати назарда тутилади. “Беҳуда ўтган вақт” инсон фаолияти, мазмунига салбий таъсир этади. Жамият ривожи вақт миқдори билан эмас, аксинча, муайян вақт оралиғида бажарилган иш натижаси билан белгиланади.

Инсон амалий фаолиятида “ишдан ташқари вақт” муҳим аҳамиятга эга бўлиб, аввало, инсоннинг ўзлиги учун ҳам, жамият равнақи учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Иш вақти “ижтимоий вақт” тушунчасининг асосий негизини ташкил этиб уни тадқиқ қилиш, жамиятда ишлаб чиқариш тизими тарзини аниқлашга ёрдам беради.

Иш вақти сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат иқтисодига бағишланган тадқиқотларда атрофлича назарий таҳлил қилиниб, аниқ маълумотлар асосида унинг моҳияти ва мазмуни очиб берилган. Иш вақти социологик таҳлилда, бўш вақт эса иқтисодий таҳлилда зарурий тушунчалар қаторидан муҳим ўрин эгаллаган.

Маълумки, иш вақтида моддий бойликлар ишлаб чиқариш инсоннинг меҳнат фаолияти орқали амалга оширилади ва мазкур фаолият барча моддий бойликларни яратишнинг бевосита манбаи бўлиб хизмат қилади. Иш вақти, унинг тузилиши жамиятнинг сиёсий, ижтимоий-сиёсий тузилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. У индивид вақт фонди тақсимланишига, вақтнинг бошқа фаолиятларига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Жамиятнинг иқтисодий тараққиёти, кишиларнинг турмуш даражасини, моддий

фаровонлиги иш вақтидан қандай фойдаланиш, ташкил этиш, унинг умум технологик ва имконият даражасига бевосита алоқадордир.

Шахс ҳамда турли даражадаги субъектлар иш вақтининг социологик таҳлили муҳим аҳамият касб этади. Масалан, шахсга нисбатан иш вақтининг аҳамияти қўйидагича аниқланади: ходимнинг иш жойида “иштирок вақти”, бевосита меҳнат вақти (“иш вақти”) ва фойдали ишлаб чиқариш вақти. Охирги ҳолатда “иш вақти”дан айрим беҳуда йўқотишлар (масалан, ўзининг бевосита хизмат бурчига кирмайдиган иш билан машғул бўлиш, йўл қўйилган ишдаги айрим бракларни тузатиш кабилар) чегириб ташланади. Табиий ҳолда, меҳнат ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш вақти иш кунининг, ҳафтанинг ва йилнинг норматив узунлигига тўғри келиши лозим. Жамият ривожига содир бўлган ўзгаришлар вақтга доимо таъсир этиб, ижтимоий тажриба бунга ўзи тузатишлар киритади.

Яқин вақтгача, яъни мустақилликгача “марксистик қараш”да вақтга ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёт даражасидан келиб чиққан ҳолда ёндашув устун бўлиб келди. Аммо шунини таъкидлаш керакки, ишлаб чиқарувчи кучларни инсон фаолиятидан алоҳида ҳолда тасаввур ҳамда таҳлил этиш мумкин эмас. Бунда кўпроқ инсон фаолияти, унинг ақл-заковати, муносабатидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш орқали атрофлича хулоса чиқариш мумкин бўлади.

Жамиятдаги иш вақти тўғрисида фикр юритганда, иккита тушунчани ҳисобга олиш мумкин. Биринчидан, ишлаб чиқаришда инсон ва жамиятнинг асосий эҳтиёжларига ажратиладиган муҳнат вақти. Бу ҳолатда экстенсив, интенсив иш вақти ва уларнинг нисбатан катталиклари инобатга олиниши зарур.

Иккинчидан, зарур ва қўшимча меҳнат вақти ишловчининг ўртача уддабуронлиги баробарида жамиятдаги маҳсулотларни истеъмол этиш билан белгиланадиган зарурий иш вақтидир. Бу маънода муайян даврда мавжуд эҳтиёж ва талабни қондира

олмайдиган буюмларни ишлаб чиқаришга сарфланадиган иш вақтини зарурий деб ҳисоблаб бўлмайди.

Аммо бу муаммони аниқлаб олиш ҳамда унда таркибий ўзгариш яшаш жуда мураккабдир. Чунки унумли ва унумсиз меҳнатнинг ҳажми вақт миқдори билан ҳам бевосита боғлиқ бўлиб, ҳар икки ҳолатда ҳам аниқ вақт миқдори сарфланади.

Бундан ташқари, “иш вақти” тушунчаси торроқ маънода ҳам ишлатилади. Бу маънода иш вақти моддийлашган турли шаклларни ўлчаш ва солиштириш, ижтимоий тараққиёт даражасини аниқлаш эквивалентидир. Шу маънода вақт бойлик яратувчи субстанция ҳамдир. Жаҳондаги бозор муносабатлари ривожланган давлатларда “вақт - пулдир”, деган ибора унинг моҳиятини маълум даражада ифодалайди.

Инсоннинг вақтга бўлган муносабати, унинг вақтдан қай тарзда фойдаланиши ислохотларнинг боришини, унинг натижаларини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, вақт тушунчаси шунчаки фалсафий тушунча бўлиб қолмасдан, ижтимоий, сиёсий-иқтисодий, тарихий-маданий маънога ҳам эга.

Мамлакатимизда ислохотларнинг бориши, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ўзгаришлар, аввало, инсон омили билан боғлиқ бўлиб, “инсон-вақт” муносабатида содир бўлади.

Бошқача айтганда, инсоннинг вақтдан қандай мақсадда фойдаланиши билан жамият олдида икки хил имконият пайдо бўлади. Яъни вақт жамият ривожининг тезлашуви ҳамда маърифийлашувига муҳим омил сифатида таъсир кўрсатиш мумкин ёки унинг таназзулга юз тутишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Шу маънода жамият ривожи вақт омили ва ундан фойдаланиш билан узвий боғлиқ бўлиши, вақтга бўлган муносабатига қараб, унда муайян натижалар мужассамлиги маълум бўлади. Вақтга “тараққиёт” ва “таназзул” омили сифатида қараш мумкин.

Республикамиз мустақилликка эришгач, жамият ҳаётининг барча соҳаларида устувор бўлган ягона мафкуравий қарашлар ўрнига ундан фарқ қиладиган янги ғоялар, тамойиллар илгари сурила бошлади. Муаммонинг ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ қилиниши, шаклланган янгича ёндашувлар асосида вақт ва унинг маданий-маънавий ҳаётга таъсири муаммосини мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожлантириш вазифалари билан боғлиқ ҳолда ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда бу соҳадаги илмий тадқиқот ишлари давр талабидан биров орқада қолмоқда.

Вақтга бўлган қараш, унга муносабат, Шарқ ва Европада инсонлар томонидан уни идрок этиш даражасида муайян ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Шарқда, хусусан, мамлакатимизда ҳам вақтни қадрлаш, уни зое кетказмаслик билан боғлиқ кўпгина қимматли фикрлар муаммони ўрганиш борасида таҳлил учун муҳим ғоялар сифатида хизмат қилади.

Вақт муаммосини ўрганишда, “анъанавий” ва “ноанъанавий” тарздаги қарашларни ҳисобга олиш зарурлиги билан бирга унга янгича ёндашиш зарур. Вақтни “иш вақти”, “ишдан ташқари вақт” ва “бўш вақт”га ажратиш анъанаси кенг тарқалган, тадқиқотда “бўш вақт”ни анъанавий тарзда фақат “ишдан ташқари вақт”нинг бир қисми тарзида талқин этиш унинг моҳиятини айнан англамайди. “Ишдан ташқари вақт” ҳамда “бўш вақт”да ҳам жуда кўпгина ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий маъно касб этувчи вазифалар амалга оширилади.

Вақтнинг жамият тараққиётида тутган ўрнига қараб кўп ўлчовли вақт ҳақида мулоҳазалар юритиш мумкин. Шу нуқтаи назардан “иқтисодий вақт”, “сиёсий вақт”, “маданий вақт”, “ижтимоий вақт” тушунчалари қўлланилади. Самарадорлик нуқтаи назардан “фойдали вақт”, “фойдасиз вақт”, “унумли ёки унумсиз”, “тиғиз ёки бемалол вақт” каби атамаларни ажратиб кўрсатилади. Бизнингча, “сиёсий вақт”, “маданий вақт” тушунчалари ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида

ишлатилиши зарур. Чунки вақтда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалар инсонлар, турли сиёсий кучлар, давлат бошлиқлари қарашлари, ёндашувлари, мақсад ва манфаатларининг негизига қўйилган тамойиллар орқали инсонлар онги, тафаккурига ҳам таъсир этади.

XXI асрнинг биринчи чорагида содир бўлган ўзгаришлар вақтнинг кечиши, айти пайтда дунёнинг жуғрофий-сиёсий тузилиши ва харитасида тубдан янгиланган ўзгаришлар, ҳозирги замон ва келажак учун ҳам янги тарихий даврни бошлаб берди. Мамлакат олдида қисқа вақт ичида муҳим ижтимоий, сиёсий, маданий ва мафкуравий вазифаларни амалга ошириш муаммолари пайдо бўлди.

Вақт омилининг ўзгариши инсон маънавий дунёси билан бирга унинг мавжуд маданий-маънавий негизларига ҳам бевосита боғлиқ бўлади. Масалага юзаки ёндашилганда маданий-маънавий ҳаёт соҳалари билан вақт омили ўртасида ҳеч қандай алоқадорлик йўқдек кўриниши мумкин. Аммо вақтнинг функционал жиҳатини ҳисобга олган ҳолда ёндашилса, бу фикрнинг ёки қарашнинг бир томонлама эканлиги маълум бўлади. Жамиятдаги мавжуд маданий ва маънавий жараёнларнинг кечиши вақтга боғлиқ бўлиши билан бирга инсонлар фаолиятида демократик жамият қуриш вазифаларини амалга оширишда муайян маънавий негизларга айланади.

Мустақилликдан сўнг Ўзбекистон халқи эришган ютуқ шу бўлдики, у вақтдан ўз хошиш-иродаси, эркига мос равишда мамлакат равнақи йўлида фойдаланиш имконияти, ҳуқуқига эга бўлди. Ҳозирги вақтда инсонларнинг вақтга нисбатан юксак масъулият ва маданиятини шакллантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Вақтдан фойдаланиш инсон онги ва унинг тафаккур тарзига бевосита боғлиқ эканлиги асосланиб, вақтнинг ижтимоий-маданий ривожланиш билан узвий боғлиқлиги ёки унинг таъсирини оширишга мустақиллик ҳал этувчи сиёсий омил сифатида қаралган. Мустақиллик туфайли: аввало, ижтимоий-

сиёсий ривожланиш миллий-маънавий қадриятлар негизига қўйилган; иккинчидан, инсонлар ақл-идроки, салоҳияти, фикр тарзи, уларнинг ижод маҳсули, вақт нуқтаи назаридан, мақсадли ва Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш йўли билан уйғунлашди; учинчидан, вақтнинг характери, мазмуни ўзгармоқда. У кўпроқ ижодийлик касб этиб бормоқда.

Миллий ғоя вақтга нисбатан муносабатда инсонларни тамомила янги тамойиллар асосида тарбиялашни мақсад қилиб қўйганлиги Янги Ўзбекистонимиз ижтимоий-маънавий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўз вақтидан оқилона фойдалана олмайдиган одамлар кўпроқ ҳаммадан бурун вақтнинг етишмаслигидан нолийдилар. Шу нуқтаи назардан ҳозирги кунда вақтни ҳақиқий бойликка айлантириш жамият аъзоларининг ҳар биридан юксак маданият ва масъулиятни талаб этади. Янгиланаётган Ўзбекистонни ижтимоий-маданий ривожланиш даражаси қанча юқори бўлса, ижтимоий-маданий вақтни ҳис этиш, англаш даражаси ҳам шунчалик юқори бўлишидан иборат ўзига хос қонуният мавжуд.

Вақтнинг ижтимоий, сиёсий, маданий моҳиятини англаб етса ва ўз фаолиятини ундан оқилона фойдаланишга сарфласа, у катта бойлик омили сифатида намоён бўлади. Зеро, халқимизнинг “Вақтинг кетди – нақдинг кетди” деган доно нақли бежиз эмас.

* * *

МИЛЛИЙЛИК ВА УМУМИНСОНИЙЛИК ОПТИМИЗМИ

Ўрол Абилов

*Тошкент тиббиёт академияси профессори, фалсафа фанлари
доктори*

Ҳар бир шахс доимо, турли хил ижтимоий, шу жумладан миллий-этник гуруҳларнинг ҳам кайфиятини, ўзлигини якка

тартибда акс эттирувчиси ҳамдир. Зеро, миллийликдан йироқ бўлган инсоннинг ўзи бўлмайди. Шахснинг миллати, унинг дунёқарашига ўзига хос ранг беради. Бу эса шахснинг оптимистик ва пессимистик қарашлари, кадриятлари ва устивор йўналиши инсон шахси намоён бўлишининг асосий шаклларида биридир.

Инсоннинг жамиятдаги ўрни ва табиий равишда фақат ўзига хос миллийлиги, этноруҳий ва ирқий белгиларни ифодаланиши билан чекланиб қолмайди. Бунда шахс ижтимоий борлиқнинг бошқа жиҳатларини ҳам инкор этмаслиги лозим. Айни пайтда, илмий адабиётда ҳам инсон шахсида акс этадиган ўзига хос миллийлик ва миллий жиҳатлар ўрнини ҳаддан зиёд кўкларга кўтариш каби ҳолатлар ҳам кузатилади. Бу эса табиий равишда бошқа одамларнинг миллий кадр-қимматини камситишига олиб келади.

Мазкур масалада республикамизда истиқомат қилаётган халқларнинг миллий кечинмалари, шу жумладан, руҳиятига ҳам Ўзбекистон раҳбарияти доимо алоҳида эътибор билан ёндашиб келган. Айни пайтда улар ҳам ўзларига бўлган эътиборни ҳис этишлари, ўз халқлари вакиллари сифатида намоён бўлишлари учун шарт-шароит мавжудлиги, миллатлараро ижобий муҳит яратилишига амалий ҳаракатни турли хил миллатларнинг миллий-маданий марказлари фаолияти орқали эътироф этмоқдалар.

Умуминсоний кадриятлар аҳамиятининг ошиб бориши инсоннинг миллий ва кўпмиллатли муҳитдаги мавқеини сезиларли даражада ўзгартиради. Шунинг учун ҳам бугунги кунда унинг учун миллий ва миллатлараро манфаатларни ўзаро боғлашнинг мақбул йўналишлари ва вариантлари белгилаб олинди, республикамиздаги янгиланиш жараёнларининг келажакдаги оқибатларини ҳисобга олган ҳолда ўзининг амалий фаолияти чегараларини тартибга солиш борасида давлат миқёсидаги дастурлар асосида фаолият олиб борилмоқда.

Миллий ва миллатлараро, умуминсоний кадриятлар кўпмиллатли жамиятда шахс борлигининг бир-биридан ажралган

иккита алоҳида шакли сифатида намоён бўлиши мумкин эмас. Улар ягона жараённинг узвий иккита жиҳати сифатида ўзаро бир-бирига боғлиқдир. Шу билан бирга шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шахснинг маънавий дунёсида миллий ва миллатлараро қадриятлар намоён бўлишига кўра бир-бирига тенг эмасдир. Матбуотда одатда, этник жиҳатдан бир-бирига яқин ва бир-биридан узоқ жойлашган миллат ва элатлар бир қаторга қўйилади. Бунда улар ўртасида тил ва маданий бирлик, умумий тарихий ўтмишнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги инкор қилинади, турли хил миллат ва элатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг яқин ўтмишдаги даражаси ҳисобга олинмайди. Ушбу ҳолларда, умуминсоний қадриятлар билан бойиб бориш жараёнини “англаб олиш” жуда мураккабдир. Лекин бу манфаатлар интеграция қилинишидан кўрқиш ёки ушбу ҳолатни шубҳа остига олинишини келтириб чиқариши мумкин. Мулоқотдаги устиворликларнинг хилма-хил “даражалари” турли хил якуний натижага олиб келади. Шунинг учун ҳам бир хил миллатларнинг дунёқарашида умуминсоний жиҳатлар, қадриятлар, шакллар кўпроқ, бошқаларникида эса камроқ акс этади. Ушбу ҳолатга алоҳида урғу берилиб, абсолютлаштирилса, миллийликнинг миллатлараро қадриятлардан узоқлашиб кетиши, биринчиси иккинчисига қарама-қарши қўйилиши ҳам кузатилади. Миллатлараро қадриятларнинг ўрни ҳаддан зиёд ошириб кўрсатилиши ўтмишда миллийлик аҳамиятининг пасайтирилишига олиб келган (уни ҳимоя қилишга бўлган ҳар қандай интилиш кўпчилик учун миллатчиликда айбланиш билан яқунланган эди. Фитрат, Чўлпон ва бошқа кўплаб қатағон қурбонларининг тақдири бунинг мисолидир).

Миллий ўзликнинг сиқувга олиниши пессимизни озиқлантириб турувчи ижтимоий йўқотишларга олиб келган ва олиб келаётган бўлса-да, айни пайтда, миллатлараро, умуминсоний қадриятларнинг инкор этилиши бундан-да ёмон оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Миллий асосдаги

жанжаллар - бу турли хил миллат вакиллариининг биргаликда яшаган узоқ тарихи давомида тўпланган қадриятларни менсимасликнинг оқибатидир. Шунинг учун ҳам, миллатлараро муносабатларда вужудга келаётган оптимизм ва пессимизмнинг турли ўзига хос жиҳатларини аниқлаш мақсадида, муайян шахснинг реал ижтимоий алоқаларини бугунги кун нуқтаи-назаридан ўрганиш, бунда ушбу шахс ўзини мансуб деб ҳисоблаётган миллат томонидан босиб ўтилган тарихий ривожланиш йўлини ҳисобга олишни тақазо этади.

Ўз-ўзидан равшанки, шахс шаклланаётган ва ривожланаётган миллий муҳит муҳим ижтимоий асосларга эгадир. Лекин, бу билан миллий омилларнинг ижтимоий моҳиятини ўзининг барча кўринишлари билан ва барча миллатлар учун бир хил деб бўлмайди. Ҳатто, масалан, жойлашиши, маданияти, динига кўра бир-бирига яқин бўлган, биргаликда ҳаёт кечиришнинг кўп асрлик асосларига эга бўлган ўзбек ва тожик халқларида ҳам кундалик турмуш тарзи ва урф-одатларида, дам олиш шаклларида, руҳий ўзига хосликларида ва албатта, тилида фарқлар мавжуд. Бу жиҳатлар ҳисобга олинмас экан, миллий ўзига хослик ҳам ўз-ўзидан йўқола боради.

Миллий муҳит ўзига ижтимоий тараққиёт, иқтисодий ва ижтимоий-маданий омилларининг ҳар қандай тарихий даври учун умумий бўлган устқурмавий асосларини ўзида акс эттиради. Масалан, бугунги кунда, Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида ўзининг ижтимоий барқарорлиги билан ажралиб туриши умум томонидан тан олинган. Барча омилларида ушбу барқарорликнинг сақланишида ўзбек миллатининг хусусиятлари муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек миллатига мансуб шахслар чуқур мулоҳаза юритадиган инсоннинг обрў-эътибори, кадр-қимматини ҳурмат қилиш каби ҳислатларга эгадир.

Аксарият ҳолларда дунёқарашнинг илдизлари миллий муҳит омили билан белгиланади. Ушбу муҳит халқнинг ижтимоий хусусиятида мустаҳкамланган бўлиб, ўзининг барча таркибий

қисмлари (иш фаолиятининг анъанавий шакллари, турмуш тарзининг хусусияти, дам олиш шакли, муомала тамойиллари) билан инсонларнинг онги, хатти-ҳаракати, қадриятлар тизимига катта таъсир кўрсатади ва шу тарзда шахснинг миллат вакили сифатидаги шахсиятини амалда намоён этади. Демак, бу муайян миллий бирлик турмуш тарзининг ўзига хос муайян-тарихий шаклида намоён бўлаётган объектив ва субъектив омиллар инсоннинг ҳаёт тажрибасида амалга оширилаётган “ижтимоий макондир”.

“Миллий омил”, “миллий ўзига хослик”, “миллий жараёнлар” ва умуман “миллийлик” тушунчалари доимо ривожланишда бўлиб, мунтазам равишда бошқа миллатларнинг, миллатлараро ва умуминсоний мазмун билан бойиб боради. Умуминсоний, миллатлараро қадриятларни миллий қадриятга айланиши механизми, бу уларнинг оддий бир механик қўшилиб кетиши эмасдир. Бу доимо ўзида ўз миллийлигидан келиб чиқиб, англаб етилган, ўзга миллат қадриятининг янгиланиб бориш жараёнидир. Яъни, бу “ўз” ва “ўзга” қадриятларнинг ижодий омукта бўлишидир. Ушбу жараён тараққиётни белгилайди, миллий руҳият ва барча жамият онгига янги хусусиятларни беради.

Турмуш тарзининг турли хил бўғинларида миллий муҳит таркибий қисмлари асосан умумий тарихий тақдир билан белгиланадиган моддий ва маънавий маданият, ижтимоий тажриба, урф-одатлар, этикет, оила ва кундалик турмушдаги анъаналар, географик ва об-ҳаво шарт-шароитлари (бир нечта миллат учун умумий бўлиши мумкин бўлган яшаш макони), дунёқарашнинг ўзига хослиги, яъни муайян халқ: ўзбеклар, руслар, тожиклар, гурзинлар ва ҳ.к. миллий ўзлигининг сақланиб қолишини белгиловчи турмуш тарзининг қарийиб бутун мажмуасидан иборатдир.

Миллатлараро қадриятлар таркибий қисмларга ажралган барқарор хўжалик, маданий, илмий алоқалар, миллий мафкура элементлари, халқлар дўстлиги сифатида талқин қилинадиган

субъектив мойиллик, умумий руҳият кўринишларини киритиш мумкин. Кўпмиллатли муҳит янада кўп қирралидир. Чунки у ўзида миллий ва миллатлараро, ўзига хос ва четдан қабул қилинган, сақланиб қолинган ва ўзгалардан олинган қадриятларни ўз ичига олган умуминсоний қадриятлар жамламасидир.

Ўтмиши, бугуни йўқ бўлган ва келажакка интилмаган, миллийлик билан боғланмаган миллатлараро, яъни умуминсоний қадриятлар бўлмайди. Миллатлараро тотувлик жараёни, агарда уни субъектив суистеъмомликдан холи бўлган жараён сифатида тушунилса, у ёки бу миллат вакилининг миллий хусусиятлари, характери, қизиқишлари, одати ва устиворликлари бир хиллаштириб юборилишини аниқлатмайди.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, миллий хусусиятлар ривожланиб бориши билан бир вақтда рўй бераётган ҳаёт тарзининг барча соҳаларидаги интеграция тамойиллари миллатлараро муносабатлар моделларида устиворликка эгадир. Лекин ушбу ҳолатда миллий уйғониш, мустақиллик, ўзига хослик жараёнлари ўз аҳамиятини йўқотмайди. Бу эса фуқаролик, этник бирлик, тил жиҳатдан умумийлик масалаларини жуда долзарб қилиб қўяди. Аслида миллатлараро хусусиятлар ижтимоий муносабатлар, жамиятдаги одамларнинг ижтимоий ва шахсий манфаатларини (иқтисодиётда, сиёсатда, илм-фанда, маиший турмушда) яққолроқ намойиш этади. Лекин бунда инсонлар ҳаётига хатти-ҳаракат, фикрлаш тарзи, услуби ва шаклини бирхиллаштириш зўрлик билан сингдирилган, шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларининг салбий таъсирини енгиб ўтиш керак. Чунки улар лоқайдлик, иккиюзламачилик, жамиятда оптимистик кайфиятларнинг йўқолишига олиб келар эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда миллий муносабатларда ижтимоий сиёсат юритиш усуллари танлашда ҳар қандай миллатга мансуб инсон шахсида умуминсоний, миллий ва индивидуал бетакрор хусусиятлар борлиги эътиборга олинди.

МДХнинг айрим давлатларида миллий муносабатларнинг

ҳозирги ҳолати жаҳон расмий доиралари, кенг халқ оммасини асосли равишда ташвишлантормокда. Бу эса бир томондан ошкора миллатлараро зиддиятлар бўлмаган барча мустақил республикалардаги руҳий кайфиятга таъсир кўрсатади. Иккинчи томондан, умуминсоний қадриятлар намоён бўладиган ўзига хос миллийлик ёки этнопсихологик хусусиятларнинг ҳисобга олинишини тақозо этади. Булар жумласига, масалан, ижтимоий оптимизм, доимо ижтимоий ўзгарувчан фаолият субъекти бўлган шахснинг фаоллиги кабилар киради.

Бундай фаолиятни оптималлаштириш шуни тақозо этадики, ҳар бир инсон миллий маҳдудликдан холи бўлсин, руҳий тараққиёт ва ижтимоий фаровонликнинг кенг истиқболларига эга бўлсин, миллатлараро алоқаларда нафақат салбий жиҳатларни, балки ҳамма одамларни бирлаштирувчи умумижтимоий манфаатларни кўра билсин. Айнан шулар ўзига хос миллийликнинг нафақат руҳий дунёда, шахснинг йўналишларида, ҳаёт тарзининг ўзига хослигида мустаҳкамланишини тақозо этади, умуминсоний, миллатлараро хусусиятларни ҳам бўлиши лозимлигини кўрсатади. Зеро, миллий суверен давлатчиликнинг мустаҳкамланишини кўп миллатли ташқи дунёдан узилиш, деб тушуниш керак эмас. Аксинча, ҳар бир шахснинг умуминсоний қадриятлари билан бойиши, одамлар онгида миллий дунёқарашни сиқиб чиқармайди, балки уларни бир неча бор кучайтиради ва инсонни ҳамда миллатни дунё маданиятига яқинлаштиради. Аммо бу жараёнга миллийлик, халқчиллик ниқоби остида шахсий манфаатлари учун курашаётган кучлар тўсқинлик қилиши мумкин.

Албатта, миллатлараро дўстликни юзаки тушунувчилар ҳам бор. Масалан, оғизда халқлар дўстлигини улуғлаб, бу “дўстлик” учун бирон-бир миллатни (яхудийлар, турклар, арманлар, руслар ва ш.к.) танлайдилар. Табиийки, бундай ёндошув миллатлараро уйғунликка, демак, миллий тараққиёт, миллатлараро тотувликда оптимистик тенденцияларнинг мустаҳкамланишига халал беради.

Миллатчиликнинг бугунги қиёфаси ўзгача. Масалан, космополит-миллатчилар пайдо бўлишди. Бир-бирини инкор этувчи бу тушунчаларнинг моҳияти шундан иборатки, оғизда улар миллийликни умуман рад этадилар. Лекин бунинг учун бошқа миллатлар уларнинг миллатини қабул қилиши керак. Ватанпарварлик, миллийлик, миллий мустақиллик тараққиёт йўлидаги ғов сифатида инкор этилади. Бироқ, бу инкорлар “ўзга” миллатларга тадбиқ этилади.

Бу эса, миллатлараро муомала маданиятини шакллантириш, ёш авлодга йўналтирилган тарбия борасидаги ишларни янада кучайтиришни тақозо этади. Ваҳоланки, айнан ёшларда муайян мақсадга йўналтирилган, қатъий меъёрланган тарзда миллий, миллатлараро ва умумий қадриятларни ўзлаштириш туйғуси кучли. Зеро, улар биргаликдагина миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришга, республика-миздаги оптимистик шарт-шароитни мустақамлашга қодир. Бундай тарбиявий ишлар шахс сифатида шаклланишида ёшларнинг туб манфаатларига мос, турмушларини оптимистик тарзда йўналтирадиган, турли миллатларга мансуб одамларнинг қадриятлари ва ҳатти-ҳаракатларидан ўрнак олишга қаратилган.

Айни пайтда жаҳонда бир миллат номи билан аталувчи, лекин турфа хил миллат, элат, халқ ва этник гуруҳлар вакилларида иборат аҳолига эга бўлган давлатлар жуда кўплаб топилади. Шулар жумласига аҳолиси, 130 дан ошиқ миллат вакилларида ташкил топган Ўзбекистон ҳам киради. Табиийки, кўп миллатли давлатнинг ижтимоий, сиёсий, маънавий, маданий турмуш тарзи, тараққиётида ҳам ўзига хослик мавжуд.

Турли хил миллат - қадриятлар ва маданият, миллат ва маънавият - булар уйғун тушунчалардир. Маънавиятсиз ва қадриятсиз миллат бўлмайди. Буни ҳар бир киши ҳис қилиши лозим. Энг муҳими, бу борада Ўзбекистон фуқароларида тўла имкониятлар бор.

Муҳтасар қилиб айтганда, оптимизм-келажакка ишонч, бағрикенглик, динга холис муносабат, қадриятлар, миллийлик ва умуммиллийлик нафақат эркин халқнинг хусусиятидир, балки унинг чуқур моҳияти ва ҳаракатлантирувчи кучидир. У миллий ўзликни англаш ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамловчи, миллий маънавият тараққиётини ривожлантирувчи ҳамда миллатнинг, халқнинг тикланиши учун ижтимоий муҳитни кенгайтирувчи, миллий ғурур ва ватанпарварликни мустаҳкамловчи, ор-номус ва имонини покловчи омил ҳамдир.

ТАРИХИЙ ХОТИРАНИ ТИКЛАШДА ТАРИХЧИЛАР ҲАМЖИҲАТЛИГИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ МУАММОЛАРИ

Б.О.Тураев

*Ўзбекистон Республикаси ВМ ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро
маркази. Директор бош маслаҳатчиси, Фалсафа фанлари
доктори, профессор*

Замон ўзгариши билан тарихий ходисаларни тадқиқ этиш, талқин қилиш борасида ҳам ўзига хос ўзгаришлар рўй бериши табиий ҳолдир. Лекин биз мустақилликнинг дастлабки босқичларида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг тарихчиларга қарата айтилган чуқур методологик мазмунга эга бўлган таклифларини⁵ амалга ошириш борасида қандай ютуқларни қўлга киритдик?

Яқинда Ўзбекистон ФА тарих институти жамоаси бу масалада бир қатор янгиликларни жорий эта бошлашди. Бу - ёш тарихчилар учун ташкил этилган онлайн семинар машғулотлари,

⁵ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.- Т.: Шарқ, 1998. 30б.

таниқли тарихчи олимларнинг тарих бўйича методологик семинарлари, Ўзбекистон тарихини холисона ёритиш бўйича олиб борилаётган сайёҳи ҳаракатлар. Бу тадбирлар албатта ўзининг ижобий самарасини беради. Аммо шуни холисона тан олиш керакки, юртимизда амал қилаётган тарих фанида, минг бор афсуски, ҳамон эскича, бирёқлама, тарихий воқеликка тор тирқишдан туриб назар ташлаш, классик тарихчиларнинг эскирган ғояларига суяниш, мавжуд манбаларни синчиклаб ўрганмасдан юзаки, саёз хулосалар чиқариш, ўтмишдаги, ҳатто яқин ўтмишдаги “оқ доғлар”ни ўрганишга ҳамон киришмаслик, тарихий жараёнларни таҳлил этишга самарали имконият берувчи замонавий синалган методологик йўл-йўриқлардан (масалан: герменевтик, структуралистик, феноменалистик, аксиологик, синергетик методлардан) эффе́ктив фойдаланмаслик, бу методларни писанд қилмаслик, ёки улардан фойдаланишни билмаслик яққол кўзга ташланмоқда.

Тарихий жараён мураккаб ва кўп тармоқли система ҳисобланади. Бу мураккаб системани анъанавий чизиқли тафаккур воситасида ўрганишнинг имконияти ниҳоятда чеклангандир. Тарихий ходисалар онгли одамлар фаолияти, уларнинг манфаатлари, эҳтиёжлари ва интилишлари билан боғланган, бу одамлар турли хил дунёқарашга, турлича эътиқодларга риоя қилишади, турлича манфаат ва қизиқишларга эга ва улар турли хил миллат ва элатларга мансуб инсонлардир. Шундай экан, тарихий жараёнлар ҳам уларнинг хошиш ва истаклари билан ҳамоҳанг равишда ўзгариб боради. Жамиятдан қандай манфатли одамлар ҳукмрон бўлишига қараб қадриятлар тизими ҳам шунга мувофиқ равишда ўзгариши ҳам мумкин. Бу ҳар бир тадқиқотчидан ўрганилаётган даврга ҳар томонлама, комплекс ёндашувни талаб қилади.

МИСОЛ:

Айрим китобларни ўқиганда шу китобни нашрга тайёрловчилар наҳотки уни ўқиётган аудиториянинг манфаат ва

қизиқишларини, маслак ва интилишларини инобатга олмабди деб ҳайратга тушасиз. 2012 йили таниқли тарихчи олимларимиздан бири машҳур тарихчи Мирҳонд(1433-1498)нинг невараси Ғиёсиддин Хондамир (1475-1534)нинг Шоҳ Исмоил ҳукмронлиги тарихини таҳлил этувчи “Ҳабиб ус-Сияр”⁶ асарини китобхонлар ҳукмига ҳавола қилишди. Китобнинг ўзи жиддий ва улуғ бир маънавий бойлигимиз ҳисобланади. Лекин, уни бугунги кун ўқувчиларининг тушунчалари нуқтаи назаридан изоҳлаган ҳолда нашр этиш лозим эди, чамаси. Ношрлар китобни нашрга тайёрлашдан олдин китобхонларимиз бу китобдаги “*эси наст ўзбеклар*”⁷ деган иборага дуч келса нима бўлади, китобхонлар “*нима, бизнинг ота-боболаримизнинг эси наст бўлганми?*” – деган ҳаёлга бормайдими, деб ўйлаб кўришганмикин? Ёки Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий”⁸ асарини чиройли дизайнда нашр этиб, юртимизга бостириб келган қизилбошлар сардори Шоҳ Исмоилни жаҳон шоҳи даражасида улуғлашдан ва унинг рангдор портретини кўз-кўз қилишдан мақсад нимада эди? Наҳотки, бу китобни нашр этишга маблағ ажратган “Бобур жамғармаси” Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “замонанинг зайли билан” содир қилган хатоларини яна такрорлаш учун ташкил этилган бўлса? Ахир, Мирзо Бобурнинг ўзи Исмоил Сафавий давридаги адолатсизлик ва дахшатли ҳунрезликларни эслаб, Қарши ва Ғузор шаҳри аҳолисини “қатли ом”⁹ қилишга жазм этган қизилбошлар саркардаларини ўз ниятидан қайтаришга журъат эта олмаганлигидан афсусланиб, ўз қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлган эди-ку?¹⁰ Миллий мафкурамизга зид бўлган ва тарихий хотирамизни оёқ ости қилишга йўналтирилган бундай ғайри миллий ғояларни тарғиб этишга ким мажбур қилган экан? Бу тарихий жараёнларга эътиборсиз қараш - миллий қадриятларга эътиборсизлик, миллий ғурурга эътиборсизлик натижаси эмасми?

⁶ Хондамир. Ҳабиб ус-Сияр.-Т.: Фан, 2012.

⁷ Ўша асар. - Б.36.

⁸ Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. – Т.:Шарқ, 2010. 720-б.

⁹ Қатағон қилиш. Репрессия.

¹⁰ Қаранг. Мирзо Бобур. Бобурнома.

Бу эса охир оқибатда инсон қалбига ўқдай санчилади. Шоир Абдулла Орипов ёзганидек:

Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз,
Унда миллат яшар, унда тил яшар.
Унда аждод фахри яшайди сўзсиз,
Унда истиқомат қилади башар.
Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз,
Унда она яшар, яшайди Ватан,
Уни жўн нарса деб ўйламанг ҳаргиз,
Ҳайҳот! Қўзғалмасин бу Қалб дафъатан!..¹¹

Нега шу чоққача ўзбек халқининг “Авесто” давридаги, исломгача бўлган давридаги, Кушонлар империяси давридаги, илк ислом давридаги, сомонийлар, қорахонийлар давридаги, теурийлар ва шайбонийлар давридаги бунёдкорлик тарихи ҳақида китоблар ёзилмади? Ахир Марказий Осиёда якка тангрига эътиқод қилиш исломдан илгари бошланган эдику, олий таълим берувчи мадрасалар очишни қорахонийлар бошлаб беришгандику? 1066 йили қорахонийлар буйруғи билан Самарқандда очилган олий таълим мадрасаси бугунги Самарқанд давлат университетининг бобокалони эмасми? Ёки, бу ҳақдаги манбаларни ҳамон тан олишмаяпдими? (Яқинда Бухоролик олим профессор Н.Х.Авлияқулов қорахонийлар томонидан очилган олий мадрасанинг вақф ҳужжати топганлиги ҳақида маълумот берган эди)¹².

Нега Имом Бухорийнинг “Тарихи ус-сағир”, “Тарихи ал-кабир”, Берунийнинг “Осори ал боқия”¹³, “Ҳиндистон”, Ибн

¹¹ Абдулла Орипов. Инсон қалби // Муножот. Сайланма.. Т.: Ғафур Ғулом, 1992. Б.300.

¹² Авлияқулов Н.Х. Начало дидактики. Т.: Fan va texnologiya, 2013. С.83.

¹³ Масалага адолатли қараш лозим. Берунийнинг “Осори ал боқия” асари 2015 йили таниқли шарқшунос олим Ашраф Аҳмедов томонидан М.Сальенинг арабчадан таржимасига таяниб, рус тилига қайта таржима қилиб, нашрдан чиқарилди. Таржиманинг сифати ниҳоятда юқори. Қаранг: Беруни Абу Райхан. Памятники минувших поколений (хронология). Т.: Фан, 2015. 664с.; Шунингдек Абу Райхон Берунийнинг “Минералогия” асари ҳам 2017 йили ўзбек тилига академик Азизхон Қаюмов таржимаси ва Ўзбекистон Қаҳрамони, техника фанлари доктори, проф.Қ.С.Санакулов сўзбоши билан нашрдан чиқди: Қаранг: Беруний, Абу Райхон. Қимматбаҳо жавоҳирлар ҳақида билимлар китоби (Китоб ал-жамоҳир фи-маърифат ал-

Синонинг “Зафарнома”, Махмуд Қошғарийнинг “Девони луғати турк”, Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билик”, Абдуллоҳ Ансорийнинг “Тухфат ул-мулк”, Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” ва бошқа шулар каби кўплаб нодир асарларни ўзбек китобхонларига чиройли дизайн билан нашр этиш мумкин эмасми? Ахир булар миллий маънавий меросимиз дурдоналари эмасми? Нега ана шундай тарихий заруриятни амалга ошириш ўрнига миллий ғуруримизни топтайдиган, миллатлараро можароларни кўзгайдиган асарларни чоп этиш керак бўлди?

Шайбонийлар давридаги илму-маърифат, бунёдкорлик ишларини нега ёддан чиқардик? Инсоний шаън ва ориятни ҳимоя қилишда, халқимизнинг бошини бириктиришда, миллатнинг ахлоқий қадриятларини ҳимоя қилишда теурийлардан сўнг шайбонийлар ҳам астойдил меҳнат қилишмаганмиди?¹⁴

Бизнинг тарихни ўрганиш методологиямиз энг аввало тарихий ходисаларга холислик ва миллий манфаатларга мувофиқлик призмасидан туриб қарашни талаб қилади. Мустақилликкача ўзбеклик, ўзбекларга хослик тушунчаларига нигилистик ёндашув ҳукмронлик қилган эди. Ҳатто, айрим зиёлиларимиз ўз фарзандлари ва невараларининг “ўзбек эмаслиги” билан “фахрланишган”. Таниқли бир жамиятшунос олим, 70-йиллари профессор О.Файзуллаев ёнига келиб: “Омонуллахон, биласизми, менинг неварам ўзининг паспортидаги “миллатингиз” деган графага кеча “рус миллатидан” деб ёздириб келибди, неварамнинг бу ишидан мен ниҳоятда фахрландим, хурсанд бўлдим”, – деб мактанган экан. О.Файзуллаев, унга қарата: “Ўртоқ профессор фалончиев, бу ишдан фахрланиш эмас, ачиниш, йиғлаш керак эди. Минг афсус, миллатимиз шу қадар оёқ ости бўлдими?” – деб ниҳоятда хафа бўлган эдилар. Бугун ана шу хатоларни тузатиш вақти келмадими? Наҳотки, ҳали ҳам қаддимизни тик

жавохир). Минералогия.- Т.: Ўзбекистон МЭ ДИН, 2017.488б. Лекин бу китоблар жуда кам тиражда нашр этилганлиги ачинарли ҳол.

¹⁴ Бартольд В.В. Шайбаниды. Сочинения. Т.2 (ч2).- Москва, 1964.; Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. (1 – 2 китоблар). – Т.:Шарк, 1999-2000.; Бобур. Бобурнома.Т., 2002.

тутиб тура олмасак. Бизнинг бу қадар журъатсизлигимиз учун келгуси авлодларимиз бизни кечирармикин?

Тоталитар советлар режими инсонларни ўз миллатидан, миллий ўзига хосликларидан, миллий менталитетидан шу қадар бегоналаштириб қўйган эканки, бундай тафаккур инерцияси (тафаккур стернотипи) тарих фанида ҳанузгача давом этаётганга ўхшайди.

Миллий манфатларни ҳимоя қилиш миллий мақтанчоқлик ва миллий кеккайишдан ҳоли бўлиши, масаланинг холисона ёритилиши асосий мезон бўлиши лозим эди. Юқорида тилга олинган китобда ўзбекларни қатли ом қилган қизилбошлар ҳукмдори Исмоил Сафавийнинг сурати алоҳида меҳр билан безатилган ҳолда қўйилиши ва уни “шоҳларнинг шоҳи, улуғ ҳукмдор”¹⁵ деб аташ миллий ғуруримизнинг оёқ ости қилиниши эмасми?

Ёки таниқли археолог олим Аҳмадали Асқаровнинг “Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент: Ўзбекистон, 2015”¹⁶ деган деган ажойиб асари нашрдан чиқди. Лекин бу китобда ҳам Афросиёбни ҳаётда бўлмаган миф, афсона деб аташ, (643-б), 636-637 бетларда эса уни бир “мифологик образ” деб, ўқувчиларда ўз тарихий саркардасининг реаллигига шубҳа уйғотиш шартмиди?

Мавжуд тарихий манбаларда эса Афросиёб туркий хоқонларнинг шажараси бошида турувчи забардаст ҳукмдор Алп Эр Тўнга тарихий шахс бўлган дейилади. Ғарб тарихчилари Афросиёбни афсонавий, мифологик образ деб аташга интилган бўлса, Шарқ олимлари ва ҳатто Юнон олимларининг тарихий асарларида ҳам у реал тарихий шахс бўлган дейилади¹⁷. Нега энди биз Табарий, Беруний, Маҳмуд Кошғарий сингари бобокалонларимизнинг асарларига эмас, Турон тарихини атайлаб камситувчи ғарб олимларининг фикрига эргашишимиз керак?

¹⁵ Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. – Т.: Шарқ, 2010. 720 б. (Суратлар қисмининг 11-бети)

¹⁶ Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Т.: «O`zbekiston» НМИУ, 2015. Б.643.

¹⁷ Хрестоматия по истории Древней Греции (под ред. Д.П.Каллистова). М.: Мысль, 1964.

Қадимги Юнон тарихчиларининг асарларида Широқ ва Тўмарисни реал тарихий шахслар деб атаган-у, нима учундир бизнинг ўзимиз бу тарихда бўлиб ўтган қаҳрамонларимизни мактаб дарсликларида мифологик шахслар деб ҳисоблаганмиз?

Яна бир масала, биз ўз бобокалонларимизни “ўзбек” деб аташга ҳам истиҳола қиламиз. Шу қадар журъатсиз, иродасиз, кўрқоқ миллатмизми? Рус олими С.П.Толстов 50 йиллардаёқ Берунийни “буюк ўзбек олими”¹⁸ деб дадил айта олдику? Ҳалигача ватандошларимиз ичидан шундай фикрни дадил такрорлай оладиган тарихчи чикмади. С.П.Толстов ёзади: “Беруний хоразмликдир, хоразмликлар эса ўзбек халқи асосий этник ядросининг муҳим қисми ҳисобланадилар. Хоразмлик ўзбеклар қадимги ва Ўрта асрдаги хоразмликларнинг авлодларидирлар, уларнинг маданияти ва улар орқали бутун ўзбек маданияти қадимги хоразмликлар маданиятининг давомидир. Беруний ўзидан олдин ўтган буюк ватандоши Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий сингари ўзбек маданиятининг классиги, ўзбек фанининг яратувчиси Ўзбекистонда етишган Ўрта аср олимларининг энг буюкларидан бири – буюк ўзбек олимидир”¹⁹. Нега Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек сингари буюк ватандошларимизни ўзбек мутафаккирлари деб айтишга журъатимиз етмайди. Чунки, “ўзбек” атамасини яқин тарихда шаклланган “ўзбек” уруғи номи билан янглиштириб тушунамиз. Мелодий эрадан минг йил илгари чизилган харитада бизнинг ҳудудимиз номи “Ўзбекия” деб аталганига ишонгимиз келмайди. Ўзбекия ҳудуди ҳозирги Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Шарқий Туркистонни тўлиқ қамраб олган йирик мамлакат бўлган. Биз эса буни тан олишга кўрқамиз. Чунки, катта-катта оғаларимиз бунга асло йўл қўймайди. Улар бизнинг халқимизнинг қадимийлигига ишонишимизни ишашмайди.

Халқимизнинг қадимий номи бўлган “турон” атамасини

¹⁸ Қаранг: Толстов С.П. Беруний ва унинг замони //Беруний - ўрта асрнинг буюк олими.(Беруний вафотининг 100 йиллигига бағишланган мақолалар тўплами). Тошкент: ЎзССР Фанлар Академияси нашриёти, 1950. Б.24.

¹⁹ Ўша манба. Б.4.

ишлатишга ҳам журъатимиз етишмайди. Бизга энг яқин қўшнилардан ва мустамлакачилик даврининг ҳукмдорлари ҳисобланган чор ҳукумати амалдорлари, “туркчилик”, “туркий”, “турон” деган атамаларидан ҳасад ва алам билан нафратланишганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Уларнинг бу нафрати шу қадар кучайганки, ҳатто, турон номи билан аталувчи жониворларга ҳам қарши кураш олиб боришган. 1959 йили бу оғаларимиз Зарафшон водийси тўқайларида яшовчи “Турон йўлбарси” деб номланган турдаги йўлбарснинг сўнги вакилини ҳам, гарчи бу йиртқич халқаро қизил китобга киритилган бўлсада, шафқатсизлик билан отиб ўлдиришган. Ҳозир шу йўлбарснинг терисига сомон тиқилган экспозицияси Самарқанд давлат университетининг биология ва зоология музейида сақланмоқда. Турон атамасини истеъмолдан чиқариш мақсадида ноҳолис “дўстларимиз” Буюк Турон юртини майда-майда хонликларга парчалаб ташлаш ва улар орасига фитна уруғини сочишга эришганлиги ҳам ҳаммага тарихдан маълумку?!.

Ахир, буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур ҳам ўз салтанатини “Буюк Турон давлати” деб атамаганмиди? Бу салтанат ўз даврида инсониятга юксак маданият ва маърифат зиёсини тарқатган эмасмиди? Турон цивилизацияси инсониятнинг ўзлигини англашида, айниқса, жумладан, Европа халқларининг ҳам ўзлигини англашида қудратли уйғотувчи куч ролини ўтаган эдику! Амир Темур ҳар бир фармонини “Бизким, Буюк Турон юртининг ҳукмдори Амири Туркистонмиз”- деб бошлар эди. Ўзбекистан Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов 1996 йил 18 октябрда Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиши маросимида сўзлаган оташин нутқида бундай деган эди: «Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши

керак!»²⁰. Бу одилона ва ҳақ гапдир. Биз тарихни ўрганишга одилона киришар эканмиз, унутилаётган миллий манфаатларимизни қайта англашга эътибор қаратишимиз зарур, шундагина тарихдаги “оқ доғлар” йўқолади, дўст ва душманнинг фарқига етамиз.

Тарихий тараққиётимизга холисона методологик ёндашиш таклифини таниқли ўзбек олими, филология фанлари доктори, профессор Шуҳрат Сирожиддинов ўзининг бир қатор монографиялари ва мақолаларида ўртага ташлади²¹, лекин нима учундир бу ғояга, С.Холбоевдан бошқа, жиддий эътибор билан қарайдиган зийрак тарихчи-олимлар тарихчилар топилмади.

Бугунги кунда ўзбек халқининг бутун тарихий тараққиёт йўлини равшан ва холисона ёритиб берувчи тарих китоблари ўқувчиларимиз учун сув билан ҳаводек зарур. Бундай китобларни ёзишга уринишлар бўлганлигини одилона қайд этиш лозим. Жонкуяр тарихчи-олимларимиздан Аҳмадали Асқаров (“Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи” 2015), Исо Джаббаров (“Ўзбеки: этнокультурные традиции, быт и образ жизни. – Ташкент, 2007”), Азамат Зиё (“Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент: Шарқ, 2001”), А.Р.Муҳаммаджонов (“Ўзбекистон тарихи”), Анатолий Сагдуллаев (“Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Т., 1996”), Ашраф Аҳмедов, Насимхон Раҳмон, Ҳайдарбек Бобобеков, Эдуард Ритвеладзе, Рустам Сулаймонов, Фозила Сулаймонова, Норкул Уралов, Аблад Ходжаев, Карим Шаниязов кабилар бу заруриятни қондириш йўлида фидокорона изланишлар олиб боришди, лекин уларнинг бу ҳаракатлари тарихий изланишларни бирлаштирувчи, миллий манфаатларимиздан келиб чиқувчи ягона мақсад асосида бир ёқадан бош чиқаришга чорловчи ҳаракат эмасди. Агар бу салоҳиятли кучлар бирлашиб ҳаракат қилишса, жиддий фундаментал ишларни амалга оширишлари мумкин. Бу

²⁰ <http://temurtuzuklari.uz/uz/pages/honour>

²¹ Сирожиддинов Ш. XV-XVI асрлар тарихий ва тазкира-эсдалик асарларида Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти талқини. Самарқанд: Зарафшон, 1997.; Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. Тошкент: Янги аср авлоди, 2011.

борада тожикистонлик тарихчиларга қойил қолиш лозим. Уларнинг ватанпарварликка асосланган меҳнат услубидан андоза олса бўлади. Албатта, илмий холисликдан чекинмаган ҳолда.

Тожикистон тарихчилари бир ёқадан бош чиқаришиб, “уларнинг ота-боболаригина Марказий Осиё тарихининг бунёдкорлари” деган тезисни исботлашга бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишмоқда. Википедия энциклопедиясидаги Марказий Осиёга оид барча мақолаларни тожикистонлик муаллифлар ёзишмоқда. Шу сабабли Хоразмий ҳам, Беруний ҳам, Ибн Сино ҳам, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, ҳатто Мирзо Улуғбек ҳам тожик фарзандлари бўлиб қолган.

Биз эса бундай бирёқлама ёндашишни ёқламаймиз. Тарихга миллий манфаатлар кузгусидан назар ташласакда, илмий холисликдан чекинмайлик. Тарихчиларимизни бирлаштириб турувчи “Ўзбекистон тарихчилари миллий жамияти”ни фаоллаштириш, бошқа жамиятлар, айниқса “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” билан алоқаларини, ҳамжиҳатлигини кучайтириш зарур. Бундай бирлаштирувчи жамият бўлмаса, уни ташкил қилиш, бор бўлиб ишламаётган бўлса, уни ишлатиш лозим. Балки Ўзбекистонда ижтимоий фанлар ассоциациясини ташкил қилишга тўғри келар. Ўзбекистон тарихини қайта тиклашда балки бутун дунё олимларини ҳамкорликка чақиришга тўғри келар. Бу борада машаққатли меҳнатни ҳам, маблағни ҳам аямаслик лозим. Чунки, бундай ташкилотнинг миссияси замирида юртимиз манфаати, миллатимиз истиқболи, Ватанимиз равнақи тақдири ётибди.

Тарихчилар, файласуфлар, тилшунос ва адабиётшунослар, хуллас барча ижтимоий фан вакиллари бир ёқадан бош чиқариб, ўзаро ҳамжиҳатликда тарихий хотирани тиклаш йўлида фидойилик кўрсатишлари лозим. Бу эса жамиятимиз тараққиёти ва ёрқин истиқболи йўлидаги тақдирилмон вазифадир.

Адабиётлар:

1. Авлиякулов Н.Х. Начало дидактики. - Т.: Fan va texnologiya, 2013.64б.
2. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. - Т.: «O`zbekiston» НМИУ, 2015. 672б.
3. Бартольд В.В. Шайбаниды. Сочинения. Т.2 (ч2).- Москва, 1964.
4. Беруни Абу Райхан. Памятники минувших поколений (хронология). - Т.: Фан, 2015. 664с.;
5. Беруний, Абу Райхон. Қимматбаҳо жавоҳирлар ҳақида билимлар китоби (Китоб ал-жамоҳир фи-маърифат ал-жавоҳир). Минералогия.- Т.: Ўзбекистон МЭ ДИН, 2017.488б.
6. Бобур. Бобурнома.Т., 2002.
7. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.- Т.: Шарқ, 1998. 30б.
8. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. – Т.:Шарқ, 2010. 720б.
9. Орипов А. Муножот. Сайланма.. - Т.: Гафур Ғулом, 1992. 432б.
10. Сирожиддинов Ш. XV-XVI асрлар тарихий ва тазкира-эсдалик асарларида Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти талқини. - Самарқанд: Зарафшон, 1997;
11. Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2011.
12. Толстов С.П. Беруний ва унинг замони //Беруний - ўрта асрнинг буюк олими. (Беруний вафотининг 100 йиллигига бағишланган мақолалар тўплами). - Тошкент: ЎзССР Фанлар Академияси нашриёти, 1950. 248б.
13. Хондамир. Хабиб ус-Сияр.-Т.: Фан, 2012. 206б.
14. Хрестоматия по истории Древней Греции (под ред. Д.П.Каллистова). - М.: Мысль, 1964.

15. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. (1 – 2 китоблар). – -
Т.:Шарқ, 1999-2000.;
16. <http://temurtuzuklari.uz/uz/pages/honour>

ОНГ МОҲИЯТИ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МУЛОҲАЗА

Сухроб Норқулов - *ТТА Ижтимоий фанлар
кафедраси мудури, фалсафа фанлари доктори*

Онг – жамият тараққиётининг маҳсули ҳисобланади. “Онг – ақл, тафаккур, фалсафадаги марказий категориялардан бири”²². У фақат кишиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятлари, уларнинг меҳнат ва ўзаро мулоқоти жараёнида келиб чиқади ҳамда ривожланади. Бу жараёнларга киришиб, одамлар тегишли тарздаги тасаввурлар, қоидалар, нормаларни ишлаб чиқадилар. Булар эмоционал бўёқлар билан бирга, инъикоснинг ўзига хос шакли сифатида онгнинг мазмунини ташкил этади. Ижтимоий ишлаб чиқариш амалиётининг тараққиёти, жисмоний ва ақлий меҳнатнинг бир-биридан ажралиши онгнинг “ишлаб чиқариш” соҳасининг ҳамда шакллариининг ажралишига олиб боради (ахлоқ, дин, санъат, фан ва бошқалар).

Шундай қилиб, онг инсоннинг маънавий ҳолати, унинг воқелик билан ўзаро муносабатларини назорат қилиш ва бошқаришнинг намоён бўлиш шакллариини ҳосил этади, уларнинг бирлигини таъминлайди ҳамда бир бутунликда таҳлил қилишда бошланғич фалсафий тушунча сифатида майдонга чиқади.

Маълумки, “онг – воқеликнинг инсон миёсида мақсадга мувофиқ, фаол, мазмунли инъикос этиши”²³. Инъикос шакллари келиб чиқиши ва ривожланишидаги ҳаракатлантирувчи, белгилаб

²² Фалсафа. Қомусий луғат. – Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти”, 2004. – 314 б.

²³ Тураев Б.О. Борлиқ (фалсафий таҳлил). – Самарқанд-Тошкент: Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, 2022. – 213 б.

берувчи омилларни атрофимиздаги воқелик билан ўзаро муносабатлари ва ўзаро таъсирининг ўзига хос турларидан қидирмоқ керак. Бу тизимларнинг борлиқдаги тури қандай бўлса, уларнинг оламга киришувининг зарурий воситаси ва шароитлари сифатида майдонга чиқадиган инъикос шакллари ҳам шундай бўлади. Информацион инъикос ўзини ўзи сақлаш ва қайта ишлаб чиқаришга қодир бўлган тирик организмларда, психик инъикос ташқи дунёга йўналтирилган фаолиятни амалга ошириш ва шу муносабат билан пайдо бўладиган вазифаларни фаол ҳал қилишга қодир бўлган ҳайвонларда келиб чиқади. Инъикос шаклларини таҳлил қилишга бу фалсафий – методологик ёндашув ўзидан олдинги инъикос шаклларида қатъий назар сифат жиҳатидан фарқ қилсада, инсон онгига ҳам тааллуқлидир.

Онгга тадбиқан бу ёндашув шуни билдирадики, инсоннинг оламда борлиги, шу олам билан ўзаро таъсири усули онгнинг қайси тизим ичида пайдо бўлиши ва ривожланишини изоҳлашда ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Шундай сифатда амалиёт, воқеликка, атроф-муҳитга, ижтимоий муҳитга, ўз-ўзига, ҳаёт фаолияти шаклларига амалий ўзгартирувчилик фаолиятини тадбиқ этади, инсон ўзининг “ноорганик танаси”, “иккинчи табиат”, ишлаб чиқариш қуроллари ва воситалари, яшаш муҳитининг ўзига хос шаклини яратади, мулоқот ва ижтимоий ташкиллашув шаклларини вужудга келтиради, қисқача қилиб айтганда, маданиятни яратади. Мана шу яратувчилик тажрибаси ҳайвонлар инъикос шаклларида фарқ қилувчи ижтимоий жиҳатдан ривожланган инсон онгининг мазмунини ташкил этади.

Онгнинг келиб чиқиши, энг аввало, кишиларнинг амалий ўзгартирувчилик ижтимоий фаолияти асосида маданиятнинг шаклланиши, инъикосининг алоҳида турлари воситасида шу фаолиятнинг меъерини мустаҳкамлаш кўникмаларини, усулларини қайд қилиб бориш зарурати билан боғлиқ. Бу кўникмалар, усуллар, меъёрлар инсоннинг ўзига хос фаолияти ижтимоий табиатга эгаллиги ҳамкорликда, жамоавий фаолиятида

ҳосил бўлиши, амалга ошириши ва қайта тикланиши туфайли уларни мустаҳкамловчи инъикос шакллари ҳам доимий, худди шундай ижтимоий характер касб этади, ўзига хос “жамоавий тасаввурлар” сифатида вужудга келади. Ҳамкорликдаги амалий ҳаракатлар, юриш-туриш нормалари, кўникмаларини қайд қилиш доимо инсонларнинг маълум мулоқоти, уларнинг кооперациясини тақазо қилади. Бу мулоқот, кооперация у ёки бу тарзда маданиятнинг тажрибаси акс эттириладиган инсон тасаввурлари мазмуни таркибига киради. Кишилар ўз индивидуал психикасида “жамоавий тасаввурлар” мазмунини мужассам этади, зеро, улар ҳамкорликдаги фаолиятда реал иштирок қиладилар.

Индивидуал ҳаракатларнинг маданият шаклланиши ва қайта ишлаб чиқариши бўйича ҳамкорликдаги жамоавий фаолиятга бундай жалб қилинганлигида инсон онги ижтимоий табиатнинг асослари мавжуддир. Индивидуал психикага ижтимоий таъсир, унинг ижтимоий онга бирикувининг мавжудлиги ва шунинг асосида индивидуал инсон онгига бирикувнинг шаклланиши нафақат инсонлар томонидан ижтимоий онг нормалари ва тасаввурларининг оддий, пассив ўзлаштирилиши, балки уларнинг реал ҳамкорликдаги фаолияти, шу фаолият жараёнида мулоқотнинг аниқ шаклларига фаол киришувдан иборат. Маълум изчиллик ва таркибга эга бўлган ҳамкорликдаги фаолиятга бундай киришув индивидуал фаолиятни йўналтиради.

Онгда ҳамкорликдаги фаолият режаси, унинг бир бутунлигининг мустаҳкамлаши, қайд қилиниши ҳамкорликдаги фаолиятнинг ишлаб чиқилган усулларини изчил тарзда яратишнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Ижтимоий жиҳатдан ривожланган инсоннинг ташқи табиий ва ижтимоий оламга, ўз-ўзига муносабатини бошқарувчи, дастурлаштирувчи маълум тасаввурлар онг, меъёр ва қоидалар тарзида мустаҳкамланмаса, бир авлодга мансуб кишиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти ҳамда маданият тажрибасини иккинчи бир авлодга узатиш мумкин эмас. Онг – инсоннинг маданият

шакллари яратиш ва ривожлантириш бўйича жамоавий ҳамкорликдаги фаолиятини дастурлаштириш шарти сифатида майдонга чиқади. У инсоният томонидан тўпланган тажрибани тиклаб, схемалари “матрицалари”ни ишлаб чиқиб, инсоният хотираси функциясини бажаради.

Инсонни ҳаётий фаолиятини онгли тарзда дастурлаштириш шуни тақозо қиладики, инсон муаммовий вазиятга маданиятнинг, мулоқотнинг ишлаб чиқариш, ахлоқий, билиш ва ҳоказо тажрибалари мустаҳкамланган, акс эттирилган онг меъёрларини ҳисобга олган ҳолда ёндашади. Инсон бу вазиятни у ёки бу меъёр нуқтаи назаридан, уларнинг ташувчиси сифатида майдонга чиққан ҳолда баҳолайди ва қараб чиқади. Вазиятга баҳо беришни амалга ошира бориб, инсон ўзининг воқеликка муносабатини қайд қилиш ва шу билан бирга ўзини шу муносабат субъекти сифатида ажратишга, ўзини шу тахлитда англашга мажбур. Маълум вазиятга нисбатан мавқеининг бундай қайд қилиши инсоннинг ўзини шу мавқеининг ташувчиси сифатида ажратиши, шунга тегишли тарздаги фаол муносабати онгнинг, инъикоснинг ўзига хос шакли сифатидаги характерли қиррасини ташкил этади. Онг субъекти унга таъсир қилувчи омиллар орқали вазиятга киришади, у бу вазиятга “ташқаридан” муносабатда бўлишга, вазият доираларини, ушбу вазиятда ўзининг мавқеи ва имкониятларини белгилаб, объектнинг кенгроқ томонларини қараб чиқишга қодирдир.

Вазиятга “ташқаридан” муносабатда бўлиш ва уни тадқиқотнинг кенгроқ контекстига киритишнинг бундай имконияти воқеликни акс эттиришнинг шакли сифатида онгнинг асоси ҳисобланади. Бу асос инсон билан оламнинг реал амалий ўзгартиришдаги ўзаро таъсирининг ўзига хослигига таянади. Мана шу ўзаро таъсир асосида ва жараёнида инсон табиатга муносабатнинг биологик бевоситалиги, “экологик қашшоқлик” билан биологик қўшилиб кетишни бартараф этади ва ўзи яратган маданият орқали воқеликка муносабат воситасини яратади. Мана

шундай онгнинг ҳамма амалий – предмети, назарий, бадий, ахлокий ва ҳоказо турлари учун характерли бўлган инъикоснинг ўзига хос тарзда иккиланиши – бевосита шу вазиятни қайд қилиш ва уни онг умумий меъёри нуқтаи назаридан қараб чиқиш келиб чиқади. Шу билан онг воқеликни мақсадга йўналтирилган ҳолда акс эттириш характерига эга бўлади, унинг меъёр, қоидалари, тасаввурлари доимо ўзида воқеликка маълум муносабатни акс эттиради.

Инсоннинг оламга, мақсадга йўналтирилган фаол муносабатини дастурлаштириб, ўзгартирувчи реал ҳаракатга сафарбар қилиб, онг инсон куч-қудратини бутун тўлалиги ва бойлиги билан қамраб олади; у инсон имкониятларини бойитади, унинг психикасини йўналтиради ва ўзгартиради. Онг меъёр ва тасаввурлари ўзининг келиб чиқиши, мавжуд бўлиш усулига кўра ижтимоий характер касб этади (ҳамкорликдаги ҳаракатни дастурлаштириш функцияси, ижтимоий хотира). Лекин онгнинг шу меъёр билан иш кўриши ва шу меъёр инсон психикасини шакллантиради, фақат ўзи учун хос бўлган олий психик функциялар – тафаккур, хотира, ирода, эмоцияларини ривожлантиради. Психология, маданият тарихи бўйича махсус илмий тадқиқотларнинг далолат беришича, ўзининг келиб чиқиши бўйича ўзини-ўзи бошқаришга индивидуал психик қобилият сифатида ироданинг шаклланиши онгли юриш-туришнинг жамият томонидан ишлаб чиқилган меъёрига амал қилиш қобилиятини тарбиялаш билан боғлиқ. Инсон бошқа одамлар билан ҳамкорликдаги фаолиятга кириб, бу ерда мавжуд жамоавий меъёрга амал қилиб, ташқаридан бевосита аралашувларсиз ўз юриш-туришини бошқариш қобилиятини ривожлантиради. Рационал тафаккур психик фаолиятнинг шакли сифатида оламга “жамият кўзлари” билан қараш ва у ишлаб чиққан абстракция ва тушунчалар воситасида намоён бўлади. Индивидуал психиканинг эмоционал соҳаси – севги, дўстлик, бошқа одамлар билан рақобат, фикр, уят ва ҳоказолар каби ўзига хос инсоний ҳис-туйғулар –

инсоният маданияти тараққиёти жараёнида ижтимоий онг, меъёр ва идеаллар таъсирида тарбияланади. Ўзини оламдан шу оламга маълум муносабат элтувчиси сифатида ажратиб, инсон маданий тараққиётининг илк босқичлариданоқ ўз онгида ўзини оламга маълум маънода киритишга эришади.

МАЪНАВИЙ МЕРОСНИ ЎРГАНИШДА СИНЕРГЕТИК МЕТОДОЛОГИЯНИНГ ЎРНИ

*Тураев Бахтиёр Оманович – фалсафа фанлари доктори,
профессор, Ўзбекистон Республикаси ВМ ҳузуридаги Имом
Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори Бош
маслаҳатчиси.*

Кириш. Бир қарашда “маънавий мерос” ва “синергетика” тушунчалари мантиқ нуқтаи назаридан бир-бири билан сиғиштириб бўлмас тушунчаларга ўхшайди. Аслида бу тушунчаларнинг умумий жиҳатлари ҳам бор. Маънавий мероснинг мазмуни, моҳияти, хилма-хиллиги²⁴, фазода ва вақтда ўзига хос ўрин эгаллаши ҳамда турли-туманлиги, фракталлиги²⁵, бифуркацион жараёнларга бойлиги, ночизиқли эволюцион ривожланишга эгалиги, турли цивилизацион қатламлар билан боғланганлиги, барқарорлик ва беқарорлиги узлуксиз алмашиб туриши ва бошқа кўпгина хусусиятлари билан унинг ниҳоятда мураккаб тузулишга эгаллигини намоён қилади. Бундай объектни чизиқли, даврий кетма-кетликдаги бир текис реаллик сифатида тадқиқ этишнинг имконияти чекланган.

Мазмуни. Шу сабабли маънавий меросни шу чоққача

²⁴ Қаранг: Тураев Б.О. Синергетика: моҳияти ва қонуниятлари // Синергетика: моҳияти, қонуниятлари ва амалиётда намоён бўлиши. Тошкент: НАВРЎЗ, 2017. Б.17.

²⁵ Қаранг: Ниязымбетов М.Қ. Синергетикада фракталлар // Синергетика – 2: назария ва амалиёт. Т.: Фан зиёси, 2022. Б.220 (Фрактал сўзи лотин тилида fractus – фракталлардан тузилган деган маънони билдиради. ... Б.Мандельброт “fract” лотинча илдизидан келтириб чиқариб (лот.“fractare” – синдирмоқ, майдаламоқ..) нотекис, норавон маъносида қўллайди).

ўрганиб келинган чизиқли ёндашув билан тўлақонли ва ҳар тарафлама тадқиқ этиб бўлмайди. Метафизик ва диалектик ёндашувлар маънавий мероснинг яхлитлигини, детерминистик узлуксизлигини, барқарорлигини, ўзгармаслигинигина англаш имкониятини беради. Маънавий мерос тараққиётида шундай кескин, катастрофик (ҳалокатли) портлаш жараёнлари, бифуркациялар рўй берганки, уларни фақатгина синергетика қонуниятлари воситасида тўлиқроқ тушуниш мумкин.

Синергетика методологияси қонуниятлари, - деб ёзади М.Х.Эргашева, -«борлиқдаги воқеа ходисаларни “қайтарилувчан” эмас, балки “беқарор ва флуктуациявий”²⁶, “тасодифий ва қайтарилмас”²⁷ эканлигини исботлаб бермоқда»²⁸, - деб тўғри таъкидлаган.

Масалан, Марказий Осиёда рўй берган тарихий жараёнларда цивилизацияларнинг ўзаро тўқнашуви оқибатида рўй берган бифуркация натижасида янгича маданий қатламлар шаклланган. Бу ҳақда америкалик социолог Самюэль Хантингтон ўзининг “Цивилизациялар тўқнашуви”²⁹ номли асарида батафсил тўхталиб ўтган. Профессор А.Д.Тойнбининг “Цивилизациялар назарияси” га кўра, бир цивилизация структураси бошқа цивилизацияларнинг яшашига, ривожланишига ёки аксинча, инкирозга учрашига, ҳатто ўчиб қолишига, янгича ва ўзгача маданият сифатида уйғонишига таъсир қилади³⁰. Марказий Осиёнинг форс босқинчилари томонидан босиб олинishi форс маданиятининг “Авесто” ғоялари билан бойишига таъсир қилди, юртимизнинг Александр Македонский кўшинлари томонидан босиб олинishi эса бир томондан Осиёда эллинистик маданиятни вужудга келтирган бўлса, бошқа томондан эса халқ муайян даражада ўзининг

²⁶ Николис Г., Пригожин И. Познание сложного. Введение – Москва: Мир, 1990. С.7.

²⁷ Пригожин И., Стенгерс И. Порядок и хаос. Новкй диалог человека с природой. – Москва: Прогресс, 1985. С.50.

²⁸ Эргашева М.Х. “Авесто” синергетикаси // Синергетика: моҳияти, қонуниятлари ва амалиётда намоён бўлиши. Тошкент: НАВРЎЗ, 2017. Б.69-70.

²⁹ Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. (Пер Т.А.Велимеев) — Москва: АСТ, 2016.

³⁰ <https://forum-msk.info/threads/istoricheskie-ehpoxi-po-porjadku-xronologija.2457/>

қадимий миллий анъаналаридан, “Авесто” ғоялари ва тангричилик диний-ахлоқий қадриятларидан бегоналашди.

VII аср араб истилочиларининг босқини эса Марказий Осиёда юз йил мобайнида маънавий инқирозни вужудга келтирди ва ниҳоят 8-9 асрларга келиб, исломнинг маърифатпарварлик ғоялари таъсирида Марказий Осиё халқлари яна қайта уйғона бошлайди, сомонийлар ва ундан кейин қорахонийлар давлатчилиги ислом цивилизациясининг янада равнақ топишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Бу жараён 9-12 асрларда ўзининг юксак тараққиёт чўққисига кўтарилади, жаҳоннинг энг илғор илм-маърифат чашмаларидан озиқланган Марказий Осиёлик мутафаккирларни энди бутун дунё таний бошлади. Бу тарихий тараққиёт жараёнидаги ёрқин флукутуациялар эди.

Марказий Осиёда энг қадимги даврлардан цивилизация даражаси юқори бўлган эди: қадимий тангричилик (яъни якка тангрига эътиқод қилиш), зороастризм (оловга эътиқод қилиш) динларидаги инсонпарварлик ва адолатпарварлик қадриятлари бу халқни ҳамжиҳатликка, инсоф ва диёнатга чақирган, улардаги бағрикенглик табиати дунёнинг турли ҳудудларини туташтирувчи савдо йўлларида келган йўловчилар билан ўзаро ҳамкорлик қилишига, мамлакатнинг бутун дунё маданий ютуқларини тез ўзлаштиришига кенг имкониятлар яратган. Бу халқларнинг қадимий ёзув системаси, қоғоз тайёрлаш технологияси ва китоб ёзиш анъаналари маданий юксалишни янада кучайтирган. Халқнинг урф-одат ва анъаналари, одоб-ахлоққа оид қоидаларини диний китобларга кодекс ва қонунлар шаклида ёзиб боришган ҳамда уларга қатъий риоя қилишган. Халқнинг моддий ва маънавий бойликларини умумжамоа, умуммиллат мулки сифатида биргаликда асрашган. Уларнинг қимматбаҳо тақинчоқлари, жавоҳирлари ва тилла-кумуш шаклидаги турли хил қимматбаҳо буюмлари шу моддий бойликлар таркибига кирган. Ўзга юртлардан келган босқинчиларни ана шу буюмлар кўпроқ қизиқтирган.

Халқнинг ўзаро ҳамжиҳатлилиги ва ўз халқини ҳимоя қилувчи кучли аскарларининг борлиги бу халқнинг ҳимояланганлигини кўрсатади. Аскарлар шу юрт аҳолисини ва бу юртга келувчи савдогарларни ташқи кучлардан, қароқчилар ҳужумидан ҳимоя қилган.

Бу юртда Широқ, Тўмарис, Спитамен сингари халқ лашкарбошилари етишиб чиқиши замирида мана шу ҳамжиҳатлилик ғояси ётади.

Ўн учинчи асрдан бошлаб мўғуллар истилоси Марказий Осиё маънавий меросини яна ер билан яқсон қилиб, илм-фан ва маданиятда чуқур инқирознинг вужудга келтишига сабаб бўлади.

Қадимдан мутафаккирларимиз, инсоният тамаддун тараққиётининг юқори чўққисида турган бир халқ, қуйи даражадаги халқни босиб олса, бу халқнинг тамаддун тараққиёти юксалади ва аксинча, тамаддун тараққиёти даражаси қуйида бўлган халқ юксак даражали халқни босиб олса, бу жойда инқироз рўй беради, деб таъкидлашган. Муғуллар цивилизацияси тараққиёт даражаси Марказий Осиё халқлари тараққиёти даражасидан анча паст эди. Шу туфайли фаровон, маданияти юксак халқ мўғуллар истилоси оқибатида инқирозга юз тутди. Мамлакатда муҳтожлик, очлик, қашшоқлик авж олади.

Бу истило оқибатида бой, фаровон шаҳарлар ер билан яқсон бўлди, фан, маданият, санъат, таълим издан чиқди. Мўғуллар истилоси қарийб икки аср давом этди. Бу даврда халқ ўзининг миллий тарихидан, қадриятларидан, фан ва маданиятидан бегоналашди. Ишлаб чиқариш жараёни яна ибтидоий даражага тушиб қолди. Бу жараёнларни қайта тиклаш учун мўғулча бошқариш тизимини тубдан ўзгартириш лозим эди.

14-асрнинг охири 15 аср бошларида Амир Темурнинг саркардалиқ маҳорати ва бунёдкорлик тадбиркорлиги муғуллар ҳукмронлигини ағдариб, жамиятда қайта тикланишни амалга оширишга имкон берди. Бу даврда Самарқанд яна илм-маърифат марказига айланди. Дунёнинг турли мамлакатларидан, турли

миллат ва турли динга эътиқод қилувчи олимлар Самарқандга кела бошлайди. Бу жойда олий мадрасалар, хонақоҳлар, зиёратгоҳлар, ҳаммом ва кўприклар қурилади, йўллар текисланади. Самарқандда яна қоғоз тайёрлаш технологияси такомиллаштирилади, ипак, пахта ва жун толаларидан газмоллар, гиламлар тўқиш яна изга тушади. Халқнинг хунармандчилик фаолияти юксалади. Фан ва маданият марказлари вужудга кела бошлайди. Ўтмишда ўтган мутафаккирларимизнинг диний ва дунёвий адабиётларини ўрганиш изга тушади. Амир Темур саройида риёзиёт (математика), ҳандаса (геометрия ва тригонометрия), фалаккиёт (астрономия) илмларидан баҳс юритувчи илмий тўғараклар фаолият олиб бора бошлайди. Уларнинг Сукрот, Платон, Аристотел, Птоломей, Евклид асарларини, Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Чағминий рисоаларидаги назарий ғояларни амалиётга, айниқса меъморчилик ва деҳқончилик соҳаларига тадбиқ этилиши ўзининг самарасини бера бошлади.

Бу том маънода мусулмон шарқининг иккинчи уйғониши эди. Шу даврда Темурийлар империяси билан кўплаб Осиё, Африка ва Европа мамлакатлари билан савдо, илм-фан, маданият, ишлаб чиқариш, хунармандчилик соҳаларидаги алоқалар кучайди. Дин соҳасида тасаввуф мактаблари шаклланди, калом фалсафаси тараққиёти давом этди.

Темурийлар даврида шаклланган Мирзо Улуғбек раҳбарлигида фаолият олиб борган илм-фан академияси бутун инсоният учун керакли фан ютуқларини амалга оширди³¹. Тригонометрик жадваллар тузилди, π -сонининг ва синус 1 градусли ёй қийматлари аниқлаштирилди, ўнлик касрлар системаси жорий этилди, “Зижи Жадиди Курагоний” астрономик жадваллари бугунги кунгача ўзининг аҳамиятини йўқотмаган³². Осмон ёритқичлари координатларини аниқлашнинг янгича

³¹ Кары-Ниязов Т.Н. Астрономическая школа Улугбека. Москва, Ленинград: Изд-во АН СССР, 1950. С.96-97.

³² Ахмедов А. Улугбек, 1394-1449 : (Жизнь и деятельность) / А. Ахмедов. - Ташкент : Фан, 1991. – С.5

усуллари кашф қилинди. Бу даврда Қозизода Румий, Гиёсиддин Жамшид Коший, Мирам Чалабий, Али Қушчи сингари олимларнинг шуҳрати бутун дунёга ёйилди. Ўша даврда Кўҳак тепалигида қурилган астрономик обсерватория иншоатининг сирасори ҳозиргача олимларни ва меъморларни ҳайратга солади. Бу иншоатнинг ўзи бир улкан астрономик инструмент эди. Осмон ёритқичларни кузатишда аниқ вақтни ва юлдуз координатларини жамоавий тарзда кузатиш самарали натижа берган. Кузатувчилар турли бурчак остида, белгиланган вақтда ёритқичнинг уфқ чизиғидан қандай баландликда туриши турли нуқталардан туриб аниқланган, натижалар умумлаштирилган. Шу сабабли Улуғбек академияси олимлари осмон жисмларини кузатиш борасида фавқулодий аниқ натижаларга эришган.

Биринчи ва иккинчи ренессанс даврларида ижод қилган мутафаккирларнинг маънавий меросини таҳлил этишда синергетик методология тамойиллари ва қонунларига таяниш мазкур мероснинг хилма-хил қирраларини очиш имкониятини беради. Биз кўпинча чизиқли ёндашувда ўрганилаётган объектнинг яққол кўзга ташланувчан жиҳатлари ва муҳим белгиларига эътиборни қаратамиз. Аслида, объектнинг бир қарашдан кўзга ташланмайдиган, у қадар муҳим бўлмаган, иккинчи даражали жиҳатлари ҳам унинг тараққиётида муҳим детерминант бўлиб келиши мумкин. Объектнинг бу жиҳатларига эътибор қаратиш учун эса ночизиқли (синергетик) тафаккурни ишга солишга тўғри келади. Ночизиқли тафаккур системанинг хилма хил алоқадорликларини, тармоқларини аниқлаш имконини беради.

Маънавий меросни ўрганишда фақатгина мавжуд, сақланиб қолган, кўзга ташланувчан, кўпчиликка машҳур, фундаментал асарларни ўрганиш, тадқиқ этиш билан чегараланиб қолмасдан, иккинчи даражали, эътиборга тушмаган манбаларни, у қадар машҳур бўлмаган авторларнинг асарларига ҳам эътибор қаратишга, турли тил ва лаҳжаларда ёзилган манбаларга ҳам

диққатни йўналтиришга тўғри келади. Тадқиқотчи бирор мавзунини ёритишда кўпинча ишинини мавзуга алоқадор бўлган таниқли асарларга муурожаат қилишдан бошлайди ва тадқиқот объектинини имкон қадар чегаралашга, селлекция қилишга интилади. Бу масалага чизикли ёндашувдир. Аслида чегаралаш ва селлекция қилиш – тадқиқот учун муҳим бўлган манбалардан эътиборни чалғитади. Ким билсин, сиз селлекция қилиб эътибордан четга чиқарган арзимас деб ҳисоблаган ҳужжатда тадқиқотингиз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган далил мавжуддир. Синергетик ёндашув ана шу эътибордан четда қолган жихатларга ҳам эътиборни қаратади.

Чизикли тафаккур соҳибларинини янглиштирувчи яна бир жихат шундаки, тадқиқотчилар кўпинча ёзилган вақти қадимийроқ бўлган манбани ёзилиш вақти кейинроқ бўлган манбадан устувор ҳисоблашади. Бу соғлом ақл учун тушунарли омил. Ҳақиқатдан ҳам қадимийроқ манбалар воқеага яқинроқ бўлганлиги сабабли ҳақиқатни тўлароқ акс эттиради (одатда). Аммо, ходисани кейинроқ қайд қилган тарихчи, илгарироқ фикр билдирган тарихчига нисбатан ҳаққонийроқ манбага таяниб фикр билдирган бўлса-чи? Бу борада ночизикли тафаккурнинг объектга тотал, биратўла, бирваракайига, яхлит холда ёндашиш лозим, деган тамойилига таяниш лозим бўлади. Шу сабабли, баъзан кейинроқ ёзилган манба, олдинроқ ёзилган манбага нисбатан тўғрироқ, тўлароқ бўлиши мумкин. Манбанинг қадимийлигидан кўра унинг аниқлиги, ишонарлилиги ва тўғри асосланганлиги муҳимроқ-ку аслида.

Чизикли тафаккурда жамоатчилик фикринини, одатдаги қарашларни эътирозсиз қабул қилиш хато хулосага олиб бориши мумкин. Шу сабабли маънавий меросни ўрганишда пухта асосланган ва ишонарли манбаларга таяниш лозим бўлади. Кўп ҳолларда жамоатчилик фикри аҳолининг айрим қатлами доирасида келишилган нуқтаи назар бўлиши ҳам мумкин. Бундай нуқтаи назарлар реал воқеликка зид бўлиши ҳам мумкин. Олим

бошқаларнинг, ёки кўпчиликнинг фикрига қараб эмас реал воқеликни ҳаққоний акс эттирувчи пухта илмий ва мантиқий асосланган фактларга таяниб, ўзининг хулосасига таяниб иш кўриши лозим. Чунки, бетўхтов ривожланиб борувчи воқеликнинг манзараси бифуркация нуқтасигача бир кўринишда, бифуркация нуқтасидан кейин эса бутунлай бошқача кўринишда бўлиши мумкин. Бу маънавий мерос тараққиётидаги узлуксизликнинг узилишига мисол бўла олади.

Маънавий меросни баҳолаш ва қадриятларга муносабат ҳам мавжуд мафкуравий системага боғлиқ бўлади. Масалан, хукмрон мафкура вакиллари бир гуруҳ ўз озодлиги учун кураш олиб борган кучларни ўз манфаатларига зид кучлар сифатида “босмачи”, “қароқчи” деб баҳолаган бўлса³³, бошқа мафкура шароитида айнан шу кучлар “миллий озодлик кучлари”³⁴ сифатида баҳоланади. Тарихий фактларни ҳар иккала мафкура намоёндаларининг ҳужжатларидан топиш мумкин, лекин уларга баҳо беришда реал тарихий вазиятдан келиб чиқиб баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Маънавий мерос ўзининг мураккаблиги, кўп тармоқлилиги, фулуктуацияларга эгалиги, фрактал бўлаклардан ташкил топганлиги, маънавий меросни ташкил этувчи ходисаларнинг орқага қайтмаслиги ва бошқа ночизикли белгиларга эгалиги туфайли у синергетик тадқиқот объекти ҳисобланади. Маънавий мероснинг бир шакли бўлган фалсафа тарихини, деб ёзади Г.Султонова, “тўла ва бир бутун ҳолича олиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Кўп минг йиллик фалсафий фикрлар ривожланиши тарихида мавжуд бўлган турли қарашлар, нуқтаи назарлар, фалсафий оқимлар ўртасидаги ғоявий курашларни истисно қилиш мумкин эмас. Ички зиддиятлари билан тўлалигича ўрганиш, таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқариш мақсадга мувофиқ”,

³³ Кунин, А. И. Южная Киргизия в годы Гражданской войны (1918—1920) / А. И. Кунин. — Фрунзе : Илим, 1981. — 144 с.

³⁴ Ражабов Қ. Биз билган ва билмаган Мадаминбек.// <https://e-tarix.uz/maqolalar/1028-maqola.html> // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2002 йил 21-сонидан олинди.

- деб ёзади.³⁵ Бунда синергетик ёндашув муҳим аҳамият касб этади.

Маънавий мероснинг мураккаблиги бу объектнинг кўзга яққол ташланмаслигида, кўплаб таркибий қисмлардан ташкил топганлигида, иерархик тармоқланганлиги ва алоқадорликларининг кўплигида, уни ўрганишга бўлган имкониятларнинг чегараланганлигида³⁶ намоён бўлади.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, маънавий меросни фақат синергетик тафаккур воситасидагина тадқиқ этиш лозим деган хулоса чиқармаслик керак. Маънавий мероснинг синергетикага зид келувчи жиҳатлари ҳам бор. Улар баъзан маънавий мерос объектларининг консерватив характер касб этишида ва ёпиқлигида кўзга ташланади. Консервативлик жиҳати маънавий мерос объектларини қадимда қандай яратилган бўлса, ўшандай ҳолда, ўзгаришсиз сақлашга интилишимизда. Бу моддий кўринишдаги маънавий мерос объектларига хос бўлиб, айниқса қадимий қўлёзмаларни ўзгаришсиз сақлашнинг зарурлигидан келиб чиқади. Аммо улардан олинган нусхалар ва кўчирмалар ўрганилиши, тадқиқ этилиши, ундаги ғоялар ривожлантирилиши лозим. Бундай объектларнинг ҳолатини бузмаслик ва бошқа мафкуравий сабабларга кўра кўплаб ҳужжатларни ёпиқ сақлаш – уларнинг тадқиқотчи истеъмолидан четда қолишига, кўплаб зарурий манбаларнинг тадқиқотчиларнинг фаол изланишларидан бегоналашувига ва ҳатто мутлақо унутилишига сабаб бўлади. Кўпгина архив ҳужжатлари, яширилган, кўмиб ташланган ва расшифровка қилинмаган манбалар шулар жумласига киради.

Ўтган асрнинг ўрталарида Мўғулистонда бой қўлёзмалар ҳазинаси топилганлиги ҳақидаги хабар тарқалди. Аммо бизнинг арабшунос тадқиқотчиларимиз, бу манбалар ичида арабча қўлёзмалар йўқ экан, деган баҳона билан бу қўлёзмаларнинг бизга

³⁵ Қаранг: Султонова Г.С. Синергетик тафаккур тарзи: муаммолар ва ёндашувлар // Синергетика – 2: назария ва амалиёт. Т.: Фан зиёси, 2022. Б.45.

³⁶ Тураев Б.О. Синергетика: асосий тушунчалари ва қонуниятлари. // Синергетика – 2: назария ва амалиёт. Т.: Фан зиёси, 2022. Б.19.

тааллуқли жиҳати йўқ экан деган хулосага келишди. Аслида бу тадқиқотчиларимиз ичида қадимий уйғур ёзуви, сўғд ёзуви, қадимги хитой ёзувларини ўқий оладиганлар бўлмаганлиги сабабли маънавий меросимизнинг қадимий нусхаларига эътибор беришмаган. Маънавий мерос объектларининг кўпчилиги, уларни ўқий олмайдиган яъни расшифровка қила олмайдиган тадқиқотчи учун ёпиқлигича қолаверади. Бу ходиса бизга, ёпиқ маънавий мерос объектларига ёндашишда чизиқли ва ночизиқли тафаккур шаклларида уйғун равишда фойдаланишни, ночизиқли тафаккурнинг креативлигига³⁷ (ижодкорлигига) таянишни талаб қилади.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, синергетик ёндашув ва синергетик тафаккур маънавий мерос объектларини янада тўлароқ, янада мукамалроқ, янада чуқурроқ, янада самаралироқ, янада ҳаққонийроқ тадқиқ этиш имконини беради.

Адабиётлар

1. Аҳмедов А. Улугбек, 1394-1449 (Жизнь и деятельность) / А. Ахмедов. – Т.: Фан, 1991.
2. Кары-Ниязов Т.Н. Астрономическая школа Улугбека. Москва, Ленинград: Изд-во АН СССР, 1950.
3. Кунин А. И. Южная Киргизия в годы Гражданской войны (1918—1920) . — Фрунзе: Илим, 1981.
4. Султонова Г.С. Синергетик тафаккур тарзи: муаммолар ва ёндашувлар // Синергетика – 2: назария ва амалиёт. Т.: Фан зиёси, 2022.
5. Николис Г., Пригожин И. Познание сложного. Введение – Москва: Мир, 1990.
6. Ниязымбетов М.Қ. Синергетикада фракталлар // Синергетика – 2: назария ва амалиёт. Т.: Фан зиёси, 2022.
7. Пригожин И., Стенгерс И. Порядок и хаос. Новкй диалог человека с природой. – Москва: Прогресс, 1985.

³⁷ Қаранг:

8. Ражабов Қ. Биз билган ва билмаган Мадаминбек.// «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2002 йил 21-сонидан олинди.
9. Тураев Б.О. Синергетика: асосий тушунчалари ва қонуниятлари. // Синергетика – 2: назария ва амалиёт. Т.: Фан зиёси, 2022.
10. Тураев Б.О. Синергетика: моҳияти ва қонуниятлари // Синергетика: моҳияти, қонуниятлари ва амалиётда намоён бўлиши. Тошкент: НАВРЎЗ, 2017.
11. [Хантингтон С.](#) Столкновение цивилизаций. (Пер Т.А.Велимеев) — Москва: [АСТ](#), 2016.
12. Эргашева М.Х. “Авесто” синергетикаси // Синергетика: моҳияти, қонуниятлари ва амалиётда намоён бўлиши. Тошкент: НАВРЎЗ, 2017.
13. <https://e-tarix.uz/maqolalar/1028-maqola.html> //
14. <https://forum-msk.info/threads/istoricheskie-ehpoxi-po-porjadku-xronologija.2457/>

МАРКАЗИЙ ОСИЁ АРАБЛАРИНИНГ БОЛА ТУҒИЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАРИ

Шерзод Искандаров - *Тошкент тиббиёт академияси*
Ижтимоий фанлар кафедраси доцент

Ҳозирги даврга келиб маҳаллий араблар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий ҳолатларининг ривожланишига катта эътибор бермоқда. Мучал ёши, бешик тўйи, биринчи қадам тўйи, суннат тўйи, никоҳ тўйи каби турмуш тарзи маросимлари анъанавий маросимлар билан боғлиқ ҳисобланади.

Ёш тўйи – бу ҳам оилавий муносабатлар билан боғлиқ бўлган удум бўлиб, фарзанднинг кўпинча 1, 12, 24 ва кейинги мучал ёшларини тантана сифатида нишонлашдир. Бунда фарзандга янги

либослар тикиб кийдирганлар, уларнинг тенгқурлари таклиф этилиб, ўйин-кулги қилинган.

Меҳмонлар, яқин қариндошлар тўй эгасига, болага ҳам кийим-кечаклар, сарполар қилиб келган. Тўй эгаси ҳам уларга сарпо бериб кузатган. Кейинги йилларда эса бу каби маросимлар чегара билмай кундан-кунга оммалашиб, кенгайиб бормоқда. Бешик тўйларда қилинадиган бош-оёқ сарпонинг (чақалоққа ва унинг ота-онасига) бутун оғирлиги келин томонга тушмоқда. Тўйда сарфланадиган барча харажатлар: озиқ-овқатдан тортиб дастурхондаги барча нозу неъматларгача уларнинг зиммасида бўлади. Ахборотчиларнинг маълумотларига кўра, ўзига тўқ келин томон тайёрлаб келган сарпо, кийим-кечаклар ёш оиланинг кийим-кечакка бўлган бир неча йиллик эҳтиёжини қондиради.

Араб оилаларининг ҳозирги кунгача давом этаётган кўп фарзандли бўлишга йўналтирилганлиги, араблар ҳаётида болаларнинг ҳаётида катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Бола туғилган пайтдан бошлаб чақалоқнинг соғлиғини сақлаш ва уни турли хавф-хатарлардан ҳимоя қилишга қаратилган муайян маросим Тожикистон арабларида ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.³⁸


Сўровнома таҳлили шуни кўрсатдики, 40 фоиз респондент янгича тўйларни ўзгариш ижобий эканлигини эътироф этишади.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, арабларда тўй маросимларида ўзига хос этномаданий ўзгаришлар юз бермоқда. Исломий анъаналарга хос хусусиятлардан бири янги туғилган боланинг ўнг қулоғига 11 марта азон, чап қулоғига 12 марта такбирни айтиб, ундан кейин чақалоққа исм қўйиш одатидир. Чунки азон эшитган бола мусулмон фарзанд бўлиб, вояга етади.

Бешик тўйи маросими боланинг 6 ой ёки 1 ёшга тўлгунича ўтказилади. Бешик билан барча бешик анжومي ва совғалар олиб келинади. Нозу-неъмат, қўй-қўчқорлар ва сарполар қилинади. Кўп ерларда бешикни бобоси олиб келиб куёвнинг ўнг елкасига қўяди.

³⁸. Мадамиджанова, З.М. Арабы Южного Таджикистана. автореферат М. 1994.

Айтимлар айтиб боланинг соғлигига тиловат қилишади.



Респондентларга «Арабларда бола туғилиши билан боғлиқ маросимларда қандай ўзгаришлар юз берди?» деб берилган саволга уларнинг 12 фоизи «янгича анъаналар кириб келди», 20 фоизи «ўзгаришлар юз бермади», 68 фоизи «миллий анъаналаримиз ўзбекча анъаналар билан уйғунлашди» деб жавоб бердилар.

Юқоридаги таҳлиллар асосида шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистондаги арабларнинг катта қисми ўзбеклашиб, бола туғилиши ва тарбиясидаги анъанавий маросимларда унчалик катта фарқ кузатилмайди. Бу арабларнинг маҳаллий халқлар билан уйғунлашиб кетганлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда яшаб келаётган араблар чилла маросимини бир неча асрлардан бери анъанавий маросим сифатида ўтказиб келишган. Чилла маросимида чақалоқ туғилган уйга маълум вақт бегоналар киритилмайди. Шунингдек, жўги (лўли) кириб келса, шу уйдан уларга ҳеч нарса берилмайди. Агар лўлига нимадир бериладиган бўлса, болага чилла тушади, деб ҳисоблашади. Аммо айрим арабларда яна бир одат бор, у ҳам бўлса, бола дунёга

келгандан сўнг фарзанд кўрмаган аёлнинг олдига йўргаклаб беришган. Бу билан фарзанд кўрмаган аёл келажакда фарзанд кўришини тилашган³⁹. Бироқ, айрим халқ ва ҳудудларда, аксинча, фарзанд кўрмаган аёлларнинг чақалоқ бор жойга кириши тақиқланган.

Ўзбекистон арабларининг аксариятида чақалоқ туғилган уйда 3–4 кунгача мол сўйилмайди. Ахборотчиларнинг таъкидлашича, хом гўшт оилага олиб кирилса, мол сўйилса, чақалоққа чилла тушади. Бу маросим баъзи оилаларда ҳозирги кунгача сақланиб қолган⁴⁰.

Оила турмушига дахлдор бирорта тадбир ёки маросим аёллар жамоасининг бошлиғисиз (кайвонисиз) ўтмаган. У аёл доимо тўп (маҳалла) оқсоқоли билан маслаҳатлашиб иш тутган. Бола ҳаётидаги барча маросимлар: чилла, бешик тўйи, ақиқа, оёқ тўйи ва бошқа тадбирларни у аёлларнинг рўзғор юмушларидан бўш вақтига қараб, оқсоқол билан ўзаро келишиб белгиланган. Агар маълум сабабга кўра, уруғ ёки жамоа кайвониси тадбирда иштирок эта олмаса, жамоани қушноч, доя аёллар, биби халфа, хўжаларда отинойи ёки бувотин бошқарган. Баъзи қишлоқларда аёлларнинг каттароқ йиғинларида кайвони ва дастурхончи аёлларга ёш қизлар орасидан ёрдамчилар ҳам тайинланган⁴¹. Чақалоқнинг киндиги тушгандан сўнг бешикка боғлайдилар. Бунинг учун бир-иккита момоларни иштирок этишга чақириб, бешикнинг ичига ризқи бутун бўлсин, деб кулча қўйилади. Инсу жинслар озор бермасин, деб пичоқ, исириқ қўйилади⁴². Ўзбекистон арабларининг бола билан боғлиқ маросимларига «бешик тўйи», «суннат тўйи», «мучал тўйи» каби ўзига хос маросимлар киради.

Ўзбекистон арабларининг бола туғилиши ва тарбиясига қаратилган маросимларидан яна бири – «Биби Мушкул» ошидир. Биби мушкул маросимининг бошқа маросимлардан фарқли жиҳати

³⁹ Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Нуриддин Муродов қишлоғи, 2011 йил.

⁴⁰ Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Работ қишлоғи, 2011 йил.

⁴¹ Бўриев О. ва бошқалар Ўзбек маҳалласи. – Т.: Тафаккур, 2016. – Б. 89.

⁴² Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Работ қишлоғи, 2011 йил.

шундаки, маросим иштирокчиларига иккита нон, икки ҳовуч майиз ва ширинликлар улашилади⁴³. Ахборотчиларнинг таъкидлашича, бу каби маросимларнинг ўтказилишидан асосий мақсад болани зиён-заҳматсиз улғайтиришдир. Биби мушкул маросими ўзбек, тожик ва бошқа халқлар турмуш тарзида ўз аксини топган.

Бухоро вилояти Вобкент туманидаги Арабхона қишлоғи арабларида бола туғилса, қариндош аёллар тўпланиб чақалокқа исм қўйишади. Чунки ахборотчиларнинг таъкидлашларига кўра, араб қавмида исм қўйиш аёллар иши, унга эркаклар аралашмайди. Бу уларда этник ўзига хосликни сақлаб қолиш омили бўлса керак, шу сабабдан ҳам этномаданий идентиклик анъаналари сақланиб қолган. Арабон маҳалла гуруҳлари бошида араб оқсоқоллари туради. Улар маҳалладаги тўй, суннат тўйи ва таъзия маросимларини ўтказиш, сарф-харажатларни белгилаш, тарбия масалалари билан шуғулланади⁴⁴.

Суннат тўйи – бу маросим ислом кириб келгандан сўнг Ўрта Осиё ҳудудида ҳам кенг тарқалди. Аслида бу маросим нафақат мусулмонларда балки яҳудийларда ҳам кенг тарқалган. Суннат маросими исломий мамлакатларнинг асосий маросимларидан биридир. Суннат тўйи ўғил болаларга, соч тўйи, асосан, қиз болаларга қилинган. Соч тўйида қиз болаларнинг сочига қайчи урилиб, сочининг 3–4 бўлаги қайчи билан кесилади. Суннат тўйини ўтказишдан мақсад ислом дини пайғамбари Муҳаммад с.а.в. суннатини бажаришдир.

Арабларда ўзбеклар каби болаларнинг тоқ ёшида суннат тўйи қилинади. Ахборотчиларнинг таъкидлашича, суннат қилишда тоқ ёшда қилиш деган шарт йўқ. Бироқ, айрим ахборотчилар бола 9 ёшга киргунича шу маросимни ўтказиш шарт деб таъкидлайди⁴⁵.

Жейнов қишлоғида суннат қилинган бола бошидаги – ёстик тагига «туз ва пичоқ» қўйилган. Эшикка бирор нишона – гулли, оқ ёки яшил баргли рўмолча илиб қўйилган. Бу араблар тасаввурида

⁴³ Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Жейнов қишлоғи 2018 йил.

⁴⁴ Ражабов Р. Ўзбекистон араблари // Мозийдан садо. – Т., 2004. – № 2 (22). – Б. 39.

⁴⁵ Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Косон тумани Пўлати қишлоғи, 2017 йил.

суннатли бола билан тулпор тил топишади, бир-бирига мадад беради⁴⁶, деган маънони англатган.

Арабларда суннат тўйи маросимини ўтказишда ўзига хос хусусиятлардан бири фарзанд ўғил бўлса, кейинги ўғил фарзанд дунёга келгунига қадар кутиб турилган. Суннат тўйи маросимининг ўзига хос яна бир жиҳати – уста томонидан боланинг суннат қилинишига унинг вояга етганлигини билдирувчи омил деб қарашган. Аслини олганда, суннат маросимини ўтказишнинг моҳияти шундан иборатки, янги туғилган ўғил болани ҳалол қилиб олиш ҳисобланади. Бунда ўзбекларга ўхшаш бир ҳолатни кўриш мумкин. Яъни болани суннат қилган устага оила аъзолари совға-саломлар беришади: пул, нон, гўшт ва бошқа нарсалар. Айрим ҳудудларда суннат (чукран) қилиб олинган аъзосидан кесиб олинган тери отиб юборилган ёки дарё сувига ташланган. Бу бола келажакда яхши инсон, сердавлат, оиласи баракали бўлсин, деган мақсадда қилинган⁴⁷. Суннат чукрани мевали дарахт тагига кўмиб ёки чўпга илиб қўйилади. Жуда кўп жойларда 4 кундан сўнг мевали дарахтнинг остига, яъни узум, хурмо каби мевали дарахтнинг тагига кўмишади. Бу бола яхши бўлсин, серфарзанд бўлиши унга мусулмончилик қутлуқ бўлсин, деган маънода қилинади. Суннат қиладиган пайтда уста бир сўзга, яъни «хуйида-хуйида»⁴⁸ сўзига урғу беради. Сўнг боланинг оғзига битта нон тишлатилади. Бунинг сабаби бола чупрон қилинаётганлигини кўрмаслиги лозим деб ҳисоблашган.

Ўзбекистон араблари ҳам бола тарбиясига катта эътибор қаратишган. Араб ёшлари бошқа халқ ёшлари сингари ижтимоий соҳада таълим-тарбия муассасалари ва меҳнат жамоаларида муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистондаги арабларнинг фарзанд тарбиясидаги ўрни ва

⁴⁶ Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 304.

⁴⁷ Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Косон тумани Арабхона маҳалласи, 2011 йил.

⁴⁸ Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Нурдиддин Муродов қишлоғи, 2015 йил.

мавқеи бугунги кунда қайси даражада эканлигини аниқлаш мақсадида этносоциологик сўров ўтказилди. Сўров Қашқадарё вилояти Миришкор туманига қарашли Жейнов қишлоғи ва Самарқанд вилояти Пастдарғом туманига қарашли Арабхона қишлоғида олиб борилди. Тадқиқотлар жараёнида респондентларга «Сизнингча, фарзанд тарбияси оиланинг моддий ва ижтимоий аҳволига боғлиқми?» деб савол берилди. Уларнинг фикрича, фарзанд тарбиясига оиланинг моддий аҳволи таъсир этиши мумкин. Бироқ, фарзандни тарбия қилиш моддий аҳволга боғлиқ эмас, деб ҳисобловчилар ҳам бор. Демак, уларнинг 16 фоизи «йўқ» ва 77 фоизи бола тарбиясида моддий аҳвол бирламчи деб ҳисоблайди, 7 фоизи эса аниқ фикрга эга эмас. Респондентларнинг 77 фоизи бола тарбиясида моддий аҳвол бирламчи эканлигини эътироф этади. Бу ҳам бугунги кундаги замонавий трансформацион жараёнлар таъсири ҳисобланади.

Респондентлардан «Агар сизнинг фарзандларингиз арабча урф-одатларга амал қилмаса, бунга қандай қарайсиз?» деб берилган саволга респондентларимизнинг 20 фоизи «ижобий», 28 фоизи «салбий», 22 фоизи «бефарқман», 30 фоизи «жавоб беришга қийналаман», деб жавоб беришди. Умуман олганда араблар турмуш тарзида фарзанд тарбиясига бугунги кундан катта эътибор қаратишади. Ўзбекистон арабларининг маълум маънода ўз миллий урф-одат ва анъанавий маросимларга катта эътибор қаратиши ҳам бежиз эмасдир. Ўзбекистонда олиб борилган дала тадқиқотлари натижасида араблар томонидан тавсифий характерда бўлса-да, кўпгина маълумотлар ёзиб олинди.

Марказий Осиё араблари бир ёшдаги ўғил болаларни маҳалла ва уруғлар жамланиб суннат қилишган. Дала тадқиқотларимиз даврида аниқланишича, араб қизлари улғайгандан сўнг шу ерда махсус вакил унинг кўйлагини йиртиб ва шундан сўнг бегона кўздан асранмоғи лозим эканлини таъкидлашади.

INTERNET VA IJTIMOIIY TARMOQLARNING YOSHLAR ONGI VA MA'NAVIYATIGA TA'SIRI

B.O'.Ro'ziyev -*Toshkent tibbiyot akademiyasi o'qituvchisi*

Hozirgi kunda hayotimizni internetsiz tasavvur qilish juda mushkul. Internetning ommalashib borishi bir qancha qulayliklarning kashf qilinishini, xayot sur'atlarining tezlashishini va turli ahamiyatga ega bo'lgan o'ziga xos yangiliklarning kirib kelishiga, tarqalishiga sabab bo'ldi. Internet dunyoning turli nuqtalarida yashovchi odamlarning o'zaro muloqotini hamda axborot almashinuvini mukammal darajada osonlashtirdi. Uning natijasida masofalar qisqardi, kam vaqt evaziga ko'pgina ishlarni amalga oshirish imkoniyati yuzaga keldi .

Yurtimizda ham internet tizimi rivojlanib, undan foydalanuvchilar safi jadal sur'atlar bilan kengayib bormoqda. Tarmoq orqali axborot izlash, qabul qilish, uzatishning juda qulay va ommabopligi undan foydalanuvchilar sonining tobora ortib borishini ta'minlamoqda.

2022 yil yanvarida dunyo bo'yicha undan foydalanuvchilar soni yer yuzi aholisining 62,5 % ⁴⁹ tashkil etmoqda va bu ko'rsatkich yildan-yilga oshib bormoqda. Mamlakatimizda 2022 yilning yanvar oyi ma'lumotlarga ko'ra internetdan foydalanuvchilar soni (mobil internet foydalanuvchilari bilan qo'shib hisoblaganda) 27,2 milliondan oshiqni tashkil etgan.⁵⁰ Bu esa yurtimizda yurtimizda axborot olish va uni tarqatish imkoniyatining tez sur'atlarda oshib borayotganligini bildiradi.

Internet va ijtimoiy tarmoqlarning jadallashib borishi global o'zgarishlarni ham keltirib chiqarmoqda. Bunday tarmoqlar orqali istalgan joyingizda turib, jahonda ro'y berayotgan hodisalardan boxabar bo'lishingiz, do'st-birodarlaringiz holidan xabar olishingiz yoki hayotingizning muhim onlari aks etgan fotosuratlar, video lavhalar va boshqa turdagi axborotlarni almashishingiz mumkin. Hozirda bir

⁴⁹ <http://wearesocial.com>

⁵⁰ <https://review.uz/>

joyga borish, kim bilandir bog'lanish, og'irimizni yengil qilishda global tarmoqning bizga bergan imkoniyatlarini ta'riflash shart emas. Kerak bo'lsa ish yuritishimizning raqamli shaklda bo'lishi, ijtimoiy tarmoqlar orqali kerakli ma'lumotlar va xizmatlarning ommalashganligi tufayli ishimizni oson hal qilayapmiz. Ammo, globallashuvning ijobiy va salbiy tomonlari bo'lgani kabi, internet va ijtimoiy tarmoqlar ham shunday xususiyatlarga ega ekanini unutmaslik zarur.

Internetning bugungi kundagi rivoji aholi ongiga, ayniqsa yoshlarga g'oyaviy ta'sir o'tkazishning miqyosi va ko'laming keskin darajada o'sishiga olib keldi.

Undan ba'zi mamlakatlar siyosiy bosim o'tkazish vositasi sifatida foydalansa, ba'zilari uchun madaniy ta'sir o'tkazish vositasi, mafkuraviy qurol sifatida, terroristik kuchlarga targ'ibot vositasi tarzda, yoki maxfiy aloqa vositasi sifatida qulay imkoniyat tug'dirmoqda. Qo'shtirnoq ichidagi ba'zi "ixtirochilar" undan birovning pulini olishni yoki uning oilasiga tegishli sirlarni ham bilish va hatto tajovuz qilish yo'llarini ham o'ylab topishdi. Ma'lumot uchun, 2017 yilda MDH davlatlarida yashaydigan o'smirlar orasida internetdan turib boshqariladigan oxiri o'limga, o'z joniga qasd qilishga, yoki yaqinlarini o'ldirishga undovchi qonli o'yinlar ("ko'k kit", "tinch uy" kabilar) keng tarqalishi oqibatida juda ko'pgina 14-19 yoshli o'smirlar uning qurboniga aylanganligini ko'pchilik zamondoshlar yaxshi bilishadi. Shunday ekan yoshlarni, kelajak avlodni bunday xavfu-xatardan asrash doimo diqqat, e'tiborni, sergaklikni talab qiladi.

Ta'bir joiz bo'lsa birinchi Prezidentimiz I.Karimov aytganlaridek "Bugungi kunda yoshlarimiz nafaqat o'quv dargoxdarida, balki radio-televideniye, matbuot, internet kabi vositalar orqali ham rang-barang axborot va ma'lumotlarni olmoqda. Jahon axborot maydoni tobora kengayib borayotgan shunday bir sharoitda bolalarimizning ongini faqat o'rab-chirmab, uni o'qima, buni ko'rma, deb bir tomonlama tarbiya berish, ularning atrofni temir devor bilan o'rab olish, hech shubhasiz, zamonning talabiga ham, bizning ezgu maqsad-

muddaolarimizga ham to'g'ri kelmaydi"⁵¹.

Shunday ekan internet bu zamon talabi. Uni inkor etish mumkin emas, ammo internet va ijtimoiy tarmoqlar yoshlar ongi va hissiyotlariga, tafakkur tarziga, xulq-atvorlariga umuman yoshlarning ma'naviyatiga ta'sir ko'rsatishda katta imkoniyatlarga ega.

Bunday imkoniyatlarning virtual olamda kengayib borishi, bugungi kunda insonlardan yanada hushyorlikni talab qiladi. Chunki, hozirgi vaqtda dunyo bo'ylab keng foydalanilayotgan ijtimoiy tarmoqlardagi muloqotlar chegara bilmayapti. Silliqlik qilib aytganda, virtual hayot kundalik turmushimizning ajralmas qismiga aylanib ulgurdi. Shunday ekan, virtual olam insonning o'z qobig'idan chiqishi dunyoni yolg'on va soxta nigohlar bilan ko'rishiga ham sabab bo'lmoqda. Ijtimoiy tarmoqlardagi munosabatlar odob-axloq chegarasini buzib o'tmoqda. Bu o'zgacha olam insonni ishdan chalg'itayotgani bir masala bo'lsa, soxta muhabbat va do'stlik munosabatlari ko'plab oilalarning buzilishiga olib kelayotgani achinarlidir. Bu tuzoq nafaqat yoshlarni, balki hali-hanuz o'zini anglamagan katta va o'rta yoshlilarning ham hayotiga chuqur kirib kelmoqda. Juda ko'p odamlar virtual muloqot deb, haqiqiy voqyelikdan voz kechmoqda. Ma'lumotlarga ko'ra, virtual muloqot ummoni katta-kichikni birdek qa'riga tortayotir.

Virtual olam ta'sirida haqiqiy hayot bilan virtual borliqni almashtirib qo'yimoqdamiz. Internetdagi rasmlaru izohlar, shirin so'zlari uchun "sevib" qolgach, ko'pchilik yengil-yelpi munosabatlarga o'rganib qolayapti. Hamma narsa haqiqiy hayotdagiga nisbatan juda oson. Tez tanishasan, osongina do'stlashasan va tezda ajrashish ham mumkin. Nima bo'layotganini hatto o'ylab o'tirish ham shart emas. Keyinchalik nimadir yoqmay qolsa, unutilib yuboraveradi. Hayotda turli qiyinchiliklar va muammolarga uchrayotganlar ijtimoiy tarmoqlarda juda faol. Shu o'rinda bir gap. Ijtimoiy tarmoqlar asosan o'z hayotidan norozi bo'lgan odamlarni birlashtirayotgandek ko'rinadi. Ammo o'sha olamda sizni qo'llab-quvvatlab turgan insonlar sizga do'st bo'la oladimi? Og'ir kunda yoningizda turadimi? Kezi kelsa yillar davomida

⁵¹ Каримов И.А. Юсак маънавият-енгилмас куч. Т. "Маънавият". 2008 й . 71-бет

tanigan-bilgan “yaqinlar“ingiz pand beradi.

Ko'p hollarda bir-birini tanimaydigan odamlar nima haqida suhbatlashadi? Tanishuv saytlarida vaqtini o'tkazayotganlar maroqli suhbat qurayotgandek bo'ladi. Hamma narsa o'z me'yorida bo'lishi kerak. Bu maroqli suhbatlar natijasi shaxsiy hayotingizni buzmayaptimi?

Tanishuv saytlarida kulib turgan, yangi topgan “tanishlar”ining “suratlar” iga, undan kelgan chiroyli so'zlargayu, chiroyli guldastalarga mahliyo bo'lib, haqiqiy muhabbatni virtual muhabbatga almashib qo'yayotganlar yo'q deb o'ylaysizmi ?

Afsuski bunday holatlar, ayniqsa yoshlar orasida uchrab turibdi. Shu o'rinda Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning “Bugun zamon shiddat bilan o'zgaryapti. Bu o'zgarishlarni hammadan ham ko'proq his etadigan kim - yoshlar. Mayli, yoshlar o'z davrining talablari bilan uyg'un bo'lsin. Lekin ayni paytda o'zligini ham unutmasin. Biz kimmiz, qanday ulug' zotlarning avlodimiz, degan da'vat ularning qalbida doimo aks-sado berib, o'zligiga sodiq qolishga undab tursin”⁵² deb ta'kidlashi ayni haqiqatdir.

Virtual olam insonni manipulyasiya qilmoqda. Manipulyasiya – bu fikriy qaramlik orqali o'ziga bo'ysundirish demakdir. Mutaxassislar fikricha, virtual olamda insonning vaqtni idrok qilish tizimi buziladi, ijtimoiy faolligi kamayadi. Eng dahshatlisi, bu jarayonda virtual vositalarning salbiy ta'siri ma'naviy-axloqiy tanazzul bilan chegaralanib qolmay, ko'p kasalliklarni ham keltirib chiqarar ekan...

Bu ma'lumotlarning ilmiy asoslari amerikalik shifokorlar Gvenn va Klarke o'z tadqiqotlarida tahlil qilib, “ijtimoiy tarmoqlardan ko'p foydalanish unga o'rganib qolish va natijada undan uzoqlashish esa ruhiy tushkunlikni, yakkalanib qolishni, o'zini baxtsiz his qilishini va bu muammolar jismoniy kasalliklarni ham keltirib chiqarishini”⁵³ asosli ta'kidlashadi”

⁵² Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. Т. “Ўзбекистон” 2017 й.486 бет

⁵³ Gwenn Schurgin O'Keeffe, Kathleen M. Clarke Clinical Report-The Impact of Social Media on Children, Adolescents, and Families // PEDIATRICS March 2011,127(4):800-4

Mutaxassislar fikricha, axborot-kommunikasiya texnologiyalari ayni paytda “kiberjinoyatchilik” deb nomlangan yangi turdagi jinoyatlarga ham yo‘l ochmoqda. Virus va boshqa zararli dasturlar, qonunga zid axborotlar tayyorlash va tarqatish, elektron xatlarni ommaviy tarqatish, xakkerlik hujumi, veb-saytlarga noqonuniy kirish, firibgarlik, mualliflik huquqini buzish, kredit kartochkalari raqami va bank rekvizitlarini o‘g‘irlash kabi jinoyatlar shular jumlasidandir. Shunday buzg‘unchilikni o‘z oldiga maqsad qilib qo‘yganlar axborot-kommunikasiya texnologiyalaridan ustalik bilan foydalanib, jamiyatga ham, ko‘plab shaxslarga ham moddiy va ma‘naviy zararlar keltirmoqda. Axborotlashgan jamiyatda aholini, ayniqsa yoshlarni kiberjinoyatchilikdan himoya qilish dolzarb vazifalardan biriga aylangan.

Shunday ekan ijtimoiy tarmoqlar yoshlar ma‘naviyatiga katta ta‘sir o‘tkazishini esdan chiqarmaslik lozim . Buning uchun har bir yosh, o‘smirlar o‘z vaqt taqsimotini nazorat qilila bilishi, ma‘lum bir ezgu maqsad sari harakat qilishi va o‘z ilmini muntazam boyitib borishi lozim bo‘ladi . Chunki ko‘pgina inson axloqiga zid ma‘lumotlar bo‘sh vaqtdan to‘g‘ri foydalanishni bilmaydigan, ilmsiz kishilarni o‘z domiga tortadi . Virtual olamdan foydalanishda me‘yorni bilish va undan oqilona foydalanish kerak. Buning uchun, avvalo, ta‘lim dargohlarida internetdan foydalanish madaniyatini o‘rgatuvchi mashg‘ulotlarni yo‘lga qo‘yish, ota-onalar farzandlarining bo‘sh vaqtlarini nazoratga olishi va bolaning yoshiga qarab, unga ijtimoiy tarmoqdan foydalanishga ruxsat berishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar va manbalar :

1. Mirziyoyev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat‘iyat bilan davom ettirib yangi bosqichga ko‘taramiz. T. .O‘zbekiston.2017
2. Karimov I.A. Yuksak ma‘naviyat – yengilmas kuch. –T.: Ma‘naviyat, 2008.
3. Gwenn Schurgin O’Keeffe, Kathleen M. Clarke Clinical Report-The Impact of Social Media on Children, Adolescents, and Families //

4. www.wearesocial.com

5. www.review.uz

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНИШИ ЖАРАЁНИДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ ЎРНИ

Л.Ю.Махмудов - *Тошкент тиббиёт академияси ўқитувчиси*

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, эркин фуқаролик жамиятининг шаклланиши жараёнида ҳуқуқий маданиятнинг ўрни ва мавқеи беқиёсдир. Чунки, қонун устувор бўлган демократия шароитида ҳуқуқий маданият жамиятдаги мавжуд муносабатлар сифати ва моҳиятини белгиловчи асосга айланади. Ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият бир-бири билан боғлиқ тушунчалардир. Ҳар бир фуқаро ҳуқуқларини билиши, қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлса, ҳуқуқ ва қонунчилик устуворлигини тан олса давлатда тартиб, жамиятда ривожланиш бўлади. Мамлакатимизда аҳолининг турли қатламлари ўртасида бир сўз билан айтганда, ҳар бир фуқарода ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда уни юксалтириш борасида мустақиллик йилларида юқорида айтиб ўтилган ўнлаб қонун ҳужжатлари, фармойиш ва қарорлар билан бирга юзлаб конференция ҳамда ўқув-семинарлар ташкил қилинмоқда-ки, буларнинг барчасидаги асосий мақсад ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган.

Бугунги кунда аҳолида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва юксалтириш борасида тўпланган тажриба асосида оддий ва самарали механизмлар ишлаб чиқилган-ки, бу ўз навбатида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Инсоният тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданиятни тарғиб қилиш ўзига хос эволюцион босқичларни босиб ўтганлигини кузатамиз. Шу ўринда аввало,

ҳуқуқий маданият тушунчасига таъриф бериб ўтиш ўринлидир.

Ҳуқуқий маданият бу – ҳар бир фуқарони аввало ҳуқуқий онгга, ҳуқуқий билим ва саводхонликка эга бўлган ҳолда, жамиятда ҳуқуқий муносабатларга киришишидир. Шунингдек, фуқароларнинг конституцияга ва турли қонунларга ҳурмат билан бирга, ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар орқали ёндашиши ҳам ҳуқуқий маданиятнинг маълум бир даражаси ҳисобланади. Агар бу тушунчага илмий ёндашадиган бўлсак, фуқароларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш учун аввало, уларда ҳуқуқий онгни шакллантириш кераклигига дуч келамиз. Ҳуқуқий онг – инсонда ҳуқуқий маданият шаклланишида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади. Фуқаролар ҳуқуқий онгининг шаклланиши ва ривожланишига, уларда конституциявий-ҳуқуқий тамойиллар ва нормалар, ҳуқуқий муносабатлар, шунингдек, конституциявий жавобгарлик ҳақида тўғри тасаввур шаклланишига таъсир кўрсатади. Ҳуқуқий онг – ҳуқуқни рўёбга чиқариш жараёнида, юридик муносабатларни ҳал этишда тартибга солиш вазифасини ўтайди. Шунингдек, ҳуқуқий онгнинг тартибга солувчилик роли ҳуқуқий нормаларнинг онгли равишда бажарилишида намоён бўлади. Жамият, ижтимоий гуруҳлар, шахс ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онги даражаси қанчалик юқори бўлса, мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот шунчалик мустаҳкам бўлади.

Шундан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси хусусан ёшларда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда энг самарали усул бу – узлуксиз ҳуқуқий тартибот олиб бориш десак, муболаға бўлмайди. Аммо минг афсуски собиқ шўро тузуми ва бу тузум олиб борган сиёсат фуқароларда ҳуқуқий маданият у ёқда турсин, ҳуқуқий онгни шаклланишига ҳам шу қадар кескин таъсир ўтказганки, унинг асоратлари бугунги кунда ҳам ҳамон сақланиб қолмоқда. Жумладан, XIX-XX асрларда миршаб, пристав ва бошқа номларга эга бўлган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларини кўрганда, нафақат оддий фуқаролар балки, ўша даврларда маълум бир лавозимларда фаолият олиб борган мансабдор одамлар ҳам

ўзларини олиб қочишган ёки улардан беркинишган. Ёшларнинг ҳуқуқий маданияти тўғрисида гап борганда, биринчидан, унинг ўз ҳуқуқ эркинлик ва мажбуриятларини билиши тушуниши ва тўғри англаши баҳолаши учун иккинчидан эса улардан амалий фаолиятида фойдаланиши ҳақида сўз юритиш жоиздир.

Ҳуқуқий саводхонлик, бу фақат маълум бир ҳуқуқий нормалар, ҳуқуқ тармоқлари ҳақида маълумотга эга бўлишгина эмас, балки турли хил ҳуқуқий кўринишлар, давлат ва жамият ҳаётини ҳуқуқий асосларини ривожлантириш тўғрисида хабардорлик ҳам демакдир. Шундай қилиб ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий билимларга эга бўлиш ҳуқуқий маданиятнинг базасини ташкил этади ва жамиятда инсонларнинг хулқ-атвориға ўзига хос таъсир кўрсатади. Ҳуқуқий саводхонлик, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, фақат ҳуқуқни билишгина эмас балки, тўғри тушуниш ҳамдир, қонун амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қиладиган сиёсий, иқтисодий, маданий вазифаларни бажаришдир. Бугун ёшларда қонунларга бўлган чуқур ҳурматни шакллантириш давр талабларидан бири. Қонунга ҳурмат билан ёндошиш, бу ҳурматни амалда намоён этишнинг ўзи ҳуқуқий маданиятининг олий даражада намоён бўлишидир. Ҳуқуққа ҳурмат – шахс ҳуқуқий маданиятининг муҳим хусусиятларидан биридир. Бу эса ҳуқуқнинг ижтимоий қадр-қимматини, унинг кўрсатмаларини бажаришнинг зарур ва фойдалилигини, ҳуқуқ билан қоникқанлик туйғусини ундаги талабларнинг адолатлилигини, қонуний ва бурчларни амалга оширишда фаол ва ижодий муносабатни тан олишдан иборат. Айниқса, инсоннинг оила олдидаги ижтимоий – ҳуқуқий жавобгарлиги ва бурч туйғуси бебаҳодир. Чунки, бу туйғуларни қарор топиши аввало улар тарбияланаётган оилада шаклланади ва келажакда жамият, давлат олдидаги масъулият, жавобгарлик ҳис-туйғуларининг пойдеворига айланади.

Бугунги кунга келиб мамлакатимиз таълим тизимида ҳам ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жамият ҳаётининг барча бўғинларида ҳуқуқий

тарғибот масаласи устувор йўналишлардан саналмоқда. Айтиш мумкинки, сўнгги йиллар ичида кўрилган чора-тадбирлар бесамар кетмади. Катта авлод вакиллари, устозларимизнинг эътироф этишича, бугунги юртдошларимизнинг ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқий маданияти даражаси сезиларли даражада ўсди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Б.Андерсон, М. Хрох, О.Бауэр, Э.Смит. Нация и национализм. – М.: Праксис, 2002. – С. 224.
2. К.Вэрдери . Куда идут «нация» и «национализм». – М.: Праксис, 2002. – С 302.
3. Мадаева Ш.О Миллий менталитет ва демократик тафаккур. Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти. – Т, 2007 12 бет.

МАХТУМҚУЛИ ФИРОҒИЙНИНГ ИНСОН МОҲИЯТИ БОРАСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

*Мадамин Абдуллаев - Урганч давлат университети мустақил
изланувчи-тадқиқотчиси*

Маълумки, жамият тараққиётининг турли босқичларида инсон моҳияти, унинг ҳаётий мақсад ва қарашлари фалсафий таълимотларнинг муҳим мавзуларидан бири бўлиб келган. Инсон табиатнинг бир қисми сифатида минг йиллар давомида бошқа мавжудотлардан ўзининг ижтимоий хусусиятлари билан фарқланиб тараққий этиб келган. Инсоннинг моҳияти шундаки, у бир вақтнинг ўзида ҳам биологик, ҳам ижтимоий белгиларни намоён қилади. Унинг биологик ривожи табиат қонуниятлари асосида амалга ошса, ижтимоий шаклланиши жамият тараққиёти қонуниятларига мувофиқ онгли равишда содир бўлади.

Инсоннинг моҳияти, унинг мақсад ва интилишлари, ҳаётда

амал қилиши лозим бўлган ахлоқ қоидалари, инсондаги фазилат ва иллатлар Махтумқули панд-насихатларида ҳам муҳим ўрин тутади. Мутафаккир жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилар экан, аввало, бу жараёнда инсон омилини англаб, мушоҳада этади. “Табиатни бир бутун ҳисоблайди, одам эса ана шу табиатнинг олий маҳсули ва муқаддас бир мавжудоддир. Шунинг учун инсонни қадрлайди, барча бойликлар инсонга хизмат қилиши керак, дейди”⁵⁴. Одамларнинг феъли, ҳулқ-атвори, характери, илму тафаккури жамият тараққиёти билан узвий боғлиқлигини тушунади. Шу боис инсон мавзусида ёзилган асарларида инсонийликни улуғлаб, мавжуд иллатларни кескин қоралайди.

Одам бўлиб одам қадрин билмаса,
Ундан кўра ўтлаб юрган мол яхши.
Сўзлаганда сўз қадрини қилмаса,
Ундан кўра сўзламаган лол яхши⁵⁵.

Мутафаккир бундай ўзаро зид бўлган таъсирли ўхшатишларни қўллаган ҳолда, инсоннинг фазилат ва иллатларини янада теранроқ англаш, мушоҳада қилишга чақиради. Бугунги ривожланган жамиятда қабул қилинган ҳуқуқий нормаларда инсон қадри, шаъни ҳурмат қилиниши қатъий белгилаб қўйилган. Аммо ушбу ҳуқуқ нормаларига зид ҳатти-ҳаракатни амалга оширувчи инсонлар ҳам кўплаб топилиши мазкур масаланинг долзарблигини кўрсатади. Интернет, ижтимоий тармоқлардаги турли-туман маълумотларни кузатиб, улар ҳақида тайинли мулоҳаза қилмаётган, тарбияси бузилаётган ва энг ачинарлиси, ўзгалар соғлиги ва жонига қасд қилишгача бораётган ёшларнинг кўплаб учраши исбот талаб қилмайдиган ҳолатга айланмоқда. Ота-оналарнинг бефарқлиги, тирикчилик баҳонасида фарзанд тарбиясини унутиб қўйишлари оқибатида,

⁵⁴ Каримов И., Рустамова М. Фалсафа фани тарихи ва назарияси (методик қўлланма) Тошкент, 2006, -Б.63.

⁵⁵ Махтумқули. Севмишам сени: шеърлар. (тарж. Музаффар Ахмад).- Т.: «DAVR PRESS» НМУ, 2016, -Б.60.

афсуски, жамиятимизда бундай ноҳуш ҳолатлар тез-тез содир бўлмоқда. Шу боис мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда Махтумқули панд-насихатларини кенг оммага тарғибот-ташвиқот қилиш бу вазиятни яхшилашга хизмат қилиши мақсадга мувофиқ.

Махтумқули инсоннинг ниҳоятда мураккаб мавжудот эканлиги, уни тушуниш мушкуллиги, сифатларидаги ранг-баранглик ўзаро муносабатларда бирмунча қийинчиликлар туғдиришини англаб етади. Мутафаккир инсоний сифатлар хусусида мушоҳада қилар экан, хушмуомалалик, ўзаро ҳурмат-иззатни улуғлаб, бадхулқ, дилозор, кўпол, беандиша одамларни кескин танқид қилади. Ўзининг панд-насихатларида бундайлардан йироқда туришни, ҳамсухбат бўлмасликни маслаҳат беради.

Махтумқули, харгиз топмади омон,
Ёмон тилнинг захри тифлардан ёмон,
Ёмон тил ёнида захри кўп илон –

Чақса-да, бир чивин чаққанча бўлмас⁵⁶., дея одамларни огоҳликка чорлайди. Асли тарбияси бузук, тили захар одамдан ҳеч вақт яхши сўзу яхши амал кутмасликни уқтиради. Ҳатто захарли илон ҳам ёмон сўз қаршисида ожиз қолишини таъсирли тарзда ифодалайди.

Мазкур панд-насихатлар бугунги кунда одамлар орасида учрайдиган ўзаро муомаладаги кўполлик, бировнинг дилига озор берувчи ҳақоратомуз муносабатларни тўғри йўлга солишда муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Айниқса, бугунги кунда маълум даражада мол-дунё орттириб, димоғи кўтарилиб, одамийлик сифатларини йўқотганча ўзларидан иқтисодий имконияти пастроқларни менсимай, кўпол муомала қилувчилар кўп учраётгани бу каби иллатларни ўз вақтида бартараф этишни тақозо қилади. Мутафаккир ўз панд-насихатларида одамларга қарата яхши билан ёмонни ажрата олишни, ёмон хулқли кишилардан

⁵⁶ Махтумқули. Дунё ўтиб борадир. (Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Э.Очилов) –Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2007, - Б.22.

узоқроқ юришни, яхши инсонларга яқин туришни ва улар билан дўст бўлишни маслаҳат беради.

Махтумқули инсон тарбияси ниҳоятда муҳимлигини ва бунда оиладаги тарбиявий муҳит алоҳида ўрин тутишини кўп бора таъкидлаган.

Махтумқули, элга ёйдинг насиҳат:

Ёмон билан сира бўлмагил улфат.

Худо берса эсли-хушли бир фарзанд,

Қариган чоғингда ёш этар сени⁵⁷.

Бу каби мисраларида мутафаккир инсон тақдирида оилавий муҳит, ундаги таълим-тарбиянинг аҳамиятини юксак баҳолаб, фарзанд камолотига муҳим масала сифатида қарашни уқтиради. Фарзанд эсли-хушли бўлса, ота-она кексайганида уларга тиргак, суянч бўлиши, уларнинг хурматини жойига қўйиб жамиятда ўз ўрнини топишини таъкидлайди. Жамият тараққиётида баркамол авлод тарбияси долзарб масалага айланган бугунги кунда Махтумқулининг мана шундай панд-насиҳатлари муҳим ғоявий-тарбиявий вазифани бажаради.

Махтумқули инсоний сифатларни тавсифлар экан, аввало, одамларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишларини, мақсад, интилишларини тўғри белгилаб олишларини, муҳими, инсонийликни йўқотмасликларини уқтиради. Ўткинчи дунёнинг ташвишлари деб атрофдаги инсонларнинг кадр-қимматини унутмаслик, ўзаро ҳурматни сақлаш лозимлигини кўп бора таъкидлаган. Мутафаккир одамларга қарата ҳаётнинг кадрига етишни таъкидлар экан, бунда турли мисоллардан унумли фойдаланади.

Соғлиғинг кадрини билгил, хаста бўлмасдан бурун,

Хасталик шукрини қилғил, токи ўлмасдан бурун,

Туз ер кадрини билгил, дарё тўлмасдан бурун,

Кемада хушёр ўтиргил, гирдоба келмасдан бурун,

Ёшлигинг кадрини билгил, то тарк этмасдан бурун⁵⁸.

⁵⁷ Махтумқули. Ҳикматлар. (Таржимон ва тузувчи Э.Очилов) –Т.: “O’zbekiston”, 2013, -Б.26.

⁵⁸ Махтумқули. Севмишам сени: шеърлар. (тарж. Музаффар Ахмад).- Т.: «DAVR PRESS»

Мазкур ўғитлари орқали шоир одамларга қарата бу дунёнинг ўткинчилигини, Аллоҳ берган қисқагина умрни савоб амалларга сарф этиш лозимлигини, кейин афсус қилиш ярамаслигини тушунтирмоқчи бўлади. Буюк бойлик бўлган соғлиқни уни йўқотмасдан олдин асраш, ёшлиқни кексаймасдан аввал қадрига етиш зарурлигини уқтиради. Инсон феъли одатда кўп нарсаларнинг кадр-қимматини улардан ажралгандагина англашида. Шу боис, мазкур панд-насиҳатлар одамларда ҳаётнинг, соғлиқнинг, ёшлиқнинг, бориники, барча нарсанинг қадрига етишни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Махтумқули ўз панд-насиҳатларида инсоннинг энг мукаррам, олий жонзот эканлигини, борлиқдаги барча мавжудотларнинг мукаммали ҳам шу инсон саналишини кўп бора таъкидлаган. Инсоннинг маърифатли бўлишини, Ҳақни таниб, иймон-эътиқод йўлидан юриб янада комилликка эришишини истайди. Профессор Н.Комиловнинг таъкидлашича: “Одам боласининг ҳаёти ҳам мутлоқ яхшилик ёки мутлоқ ёмонлик ичра кечмайди. Лекин шунга қарамай, дунёга келган ҳар бир одам ҳайрли-савоб ишлар билан банд бўлса, мардлик, саҳоват кўрсатса, у гўзалдир, севимлидир. Ҳаётга маъно берадиган, уни безайдиган ана шулардир”⁵⁹.

Дарҳақиқат, инсон нопок, разил ёки доно, оқил бўлиб туғилмайди. Мавжуд ижтимоий муҳит уни тарбиялайди, камолга етказди. Муҳит соғлом бўлса инсон тарбияси мукамал бўлади, аксинча, носоғлом муҳитда улғайса тарбияси бузилган, маънавий қашшоқ, жоҳил бўлиб қолиш эҳтимоли юқори бўлади.

Инсоннинг энг такомил хусусияти – бу ўзини англаганлиги. Ўзини англаган инсон дунёга нега келдим, нима қилаяпман, эртага қилган ишларимга қандай жавоб бераман, деган саволларни ўз олдига қўйиб мушоҳада қилади. Инсоннинг ҳақиқий фожеаси – ўзлигини йўқотиши. Ҳаётда бемақсад яшашга маҳкум қанча инсонлар борки, уларни тўғри йўлга солиш, тарбиялаш, ўзлигини

НМУ, 2016, -Б.94.

⁵⁹ Махтумқули-Фироғий. Сайланма.(Таржимонлар Жумаев А, Зулпиев Ж.) –Т.: “O’zbekiston”, 2008, -Б.6.

англашга кўмаклашиш жамиятнинг асосий вазифаларидан саналади. Қурбон Муҳаммадризо таъкидлаганидек, “...инсон тарбияси бобида уни нуқсонлардан, гуноҳлардан қутқаришни мақсад қилиб олган Махтумқули шеърлари кишини ҳаёт билан, илоҳиёт билан боғлайдиган воситага ўхшайди. Унинг шеърларини мутолаа қилиб, инсон ўз қалбига назар ташлаб, ўзини тафтиш-имтиҳон қилиб, бу оламда мавжудлигини қайта англайди, зиммасида катта маъсулият сезади”⁶⁰.

Махтумқули ўз панд-насихатларида одамлардаги нуқсонларни тасвирлар экан, уларни бартараф этиш учун нима қилиш кераклигини ҳам айтиб ўтади. Жумладан, ўзининг “Ёр айлар” деган шеърда:

Махтумқули, энди ўзингни кўзла,
Яхшини таърифла, ёмонни тузла,
Оз егин, оз ухла, яна оз сўзла,

Кўп сўз сени эл ичинда хор айлар⁶¹., дея муҳим тарбиявий аҳамиятга эга фикрларини баён этади. “Яхшига ёндош, ёмондан қоч”, “Яхши ейди ошини, ёмон ейди бошини” каби халқ мақолларидан усталик билан, унумли фойдаланган мутафаккир одамларга қарата кам емоқ, кам ухламоқ, кам сўзламоқлик элда азиз қилишини, аксинча бўлса ҳаётда хор қилишини уқтиради. Инсонларни тўғри йўлга бошловчи, маърифатга, комилликка етакловчи бундай панд-насихатларнинг бугунги кундаги аҳамияти жуда катта. Инсоннинг туб моҳиятини таҳлил қилишга қаратилган панд-насихатлари мутафаккир маънавий меросининг асосини ташкил этади ва бугунги даврда кўпроқ ўрганишни, тадқиқ қилишни тақозо қилади.

Инсонийликни улуғлаган шоирнинг ҳамиша эзгулик йўлида яшаш, одамларга яхшилик, ҳайру саҳоват амалларини қилиш борасидаги фикр мулоҳазалари баён қилинган ҳикматлари

⁶⁰ Қурбон Муҳаммадризо. Махтумқули дунёси. “Хоразм” нашриёти, 2013, -Б.16-17.

⁶¹ Махтумқули. Сайланма. (таржимон М. Пирриев) — Тошкент: „O'qituvchi“ НМИУ, 2019. – Б.24.

диққатга сазовордир. Бугунги шиддатли замонда бу каби панд-насихатлар инсонларни тўғри яшашга, ўзгаларнинг кадр-қимматини эъозлаш руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшади, албатта.

ХОДИМЛАР КОМПЕТЕНТЛИГИ ВА ИНСТИТУТНИНГ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ЮРИТИШИ

**Сауров Равшонбек Русланбек ўғли - Урганч давлат
университети таянч докторанти**

Ахборот билимлар кадрлар тайёрлашнинг энг муҳим асоси ҳисобланади, догматик қарашлардан холи устозларгина малакали кадрларни етиштириши мумкин. Ахборот билимлар қанчалик муҳим бўлмасин, фундаментал қарашлар, шахс билан жамият, фуқаро билан давлат ўртасидаги алоқаларнинг фалсафий моҳиятини илғайдиган устозлар, уларнинг назарий ва амалий тайёргарлиги, маданияти ва ахлоқи ўқув тарбия жараёнини самарали қилади⁶².

ДХКМлари учун кадрлар махсус юридик ва иқтисодий билимларга эга шахслар ичидан саралаб олинади. Бундай тажриба АҚШ, Франция, Германия ва Буюк Британия каби давлатларда шакллланган, шу сабабли айрим мутахассисларимиз ушбу тажрибаларни ўрганишни тавсия этадилар⁶³. Президентимиз ҳам

⁶² Қаранг: Махов Е.Н. Инновационная культура в кадровой сфере. - Москва: “Евразия”, 2015. С.124 126

⁶³ Қаранг: Исламкулов А., Абдуллаев Т. Давлат фуқаролик хизматчилари касбий ўсишини бошқариш тизимини такомиллаштириш масалалари // “Жамият ва бошқарув”, 2020, №2 (88). 122 127 б.; Саъдиева Г. Давлат хизматига номзодларни тайёрлашнинг хорижий намуналари // “Жамият ва бошқарув”, 20, №2 (88). 138 140 б.; Рахматуллаева Ш. Давлат фуқаролик хизматчиларининг масофавий амалиёт ўташи масалалари бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси // “Жамият ва бошқарув”, 2020, №2.(88). 118 122 б.; Иномов Ҳ. Ходимларни бошқаришда замонавий раҳбарлик услубларидан фойдаланиш: қиёсий таҳлил // “Mahalla ko‘zgusi”, 2021, №1. 26 30 б.

намунавий хорижий тажрибалардан келиб чиқиб, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, давлат фуқаролик хизмати тизимини зарур мутахассислар билан таъминлашнинг янги тизимини шакллантириш Янги Ўзбекистон учун ўта долзарб масала эканини таъкидлайди⁶⁴. Гап шундаки, илғор давлатлардаги тажрибалар борлиги уларнинг ютуғи, улар бунга узоқ изланиш, ўзгаришлар ва жамият ҳаётини, аввало кишилар онгини трансформация қилиш натижасида эришган. Бу мураккаб, зиддиятли ва анъанавий нарсалардан, айниқса самарасиз иш усулларидадан воз кечиш, ижтимоий алоқаларни, ишлаб чиқаришдаги муносабатларни янгилаш, мудом, беором изланишлар маҳсули бўлган. Бу уларнинг ижтимоий маданий меросига, воқелигига айланган. Биз ушбу тажрибаларни тайёр ҳолда ўзлаштирмоқчимиз. Улар бизга гоҳо, айниқса юқори ёшдаги, кекса кишилар учун бегона, ёт, этноретромухитга зид ҳодисалар туюлмоқда. Масалан, ХЕМЕС тизимига ёки бошқаришда рақамли технологияга ўтиш атрофида бўлаётган югур югурларни эслайлик. Бизда хизмат кўрсатиш соҳасида онлайн алоқалар ва дарслар ўтиш тажрибаси энди бошланмоқда. Бу тажрибанинг бошқариш тизимидаги ижобий аҳамиятини инкор қилиб бўлмайди, виртуал алоқалар яхши ташкил этилган жойда онлайн вақтни тежайди, бошқариш жараёнини очиқ ва шаффоф қилади, коррупцияга имкон қолдирмайди. Бироқ уни кадрлар тайёрлашдаги бевосита алоқа, анъанавий тажрибадан самарали дейиш қийин. ДХКИ (ДХКМ)лари фаолиятини такомиллаштириш механизмлари фуқароларнинг мурожаатлари ва уларнинг қонуний талаб, эҳтиёжларини ҳамда интенцияларини қондиришдир. Агар мурожаатларни регуляция қилиш, тартиблаштириш ва рационаллаштириш мумкин бўлса, талаб, эҳтиёж ҳамда интенцияларни бошқариш анча қийин кечадиган жараёндир. Шундай бўлса-да, уларнинг ижтимоий-фалсафий масалаларини,

⁶⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Ўзбекистон Республикаси кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”. www.lex.uz 2019, 3 октябрь

жиҳатларини белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

ДХКИ (ДХКМ)ларига Ўзбекистон Республикасининг деярли барча фуқаролари, шу жумладан, вояга етмаган шахслар ҳам мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, уларга фуқаролиги бўлмаган, мамлакатимизда яшаётган хорижий давлатларнинг фуқаролари ҳам мурожаат этиши мумкин. Мурожаат қилаётган шахсдан унинг, миллати, ирқи, жинси, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, маслағи, эътиқоди, мулки, ушбу мулкнинг жойлашган жойи, ташкилий ҳуқуқий шакллари, ички ишлар ва солиқ идораларига оид маълумотлар талаб этилмайди. Истаган фуқаро ДХКИ (ДХКМ) фаолиятдан, хизмат турларидан фойдаланиш, олган маълумотларининг расмийлиги, тасдиқланганлиги кафолатланишини талаб этиш ҳуқуқига эга. ДХКИ (ДХКМ) берган маълумотлар расмийлиги билан фарқ қилади, улар республикамиз ҳудудида ишончли ахборот манбаи ҳисобланади. Шахс билан жамият, фуқаро билан давлат, институтлар ўртасидаги муносабатларда, бу муносабатларни бошқариш жараёнларида ана шу расмий манбаларга таяниш мумкин. Бу расмий манбалар ва уларда қайд этилган саналар, исм ва фамилиялар, манзиллар ўзбошимчалик билан ДХКИ (ДХКМ) ходимлари томонидан ҳам, мурожаат этувчи шахслар томонидан ҳам, ўзгартирилса, улар ҳақиқий саналмайди ва ҳисобга олинмайди. Бу ҳужжатларни сохталаштириш ҳисобланади ва маълум бир жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Фуқаролар давлат органлари (вазирликлар, кўмиталар, агентликлар ва бошқалар);

давлат муассасаларига (давлат мактаблари, университетлар, кутубхоналар ва бошқалар);

давлат иштирокидаги ташкилотлар (устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилоти ёхуд тўлиқ ёки қисман давлат органи томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган нотижорат ташкилоти. Унга “Ўзбекистон ҳаво йўллари” АЖ, “Ўзбекнефтгаз” АЖ, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ);

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (йиғинлари); мансабдор шахслар (давлат органларида, муассасаларида, давлат иштирокидаги ташкилотларда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида тайинланадиган ва сайланадиган ёки маълум вазифа юклатилган шахс)га мурожаат этиш ҳуқуқларига эга⁶⁵. Ушбу қўлланмада, кўрсатилишича, нодавлат ташкилотлар “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун (2017 йил 11 сентябрь) уларга тадбиқ этилмаслиги сабабли жисмоний шахсларнинг мурожаатларига жавоб беришга мажбур эмас. Лекин бу ўринда давлат раҳбари, яъни Президентга, Вазирлар Маҳкамасига, Бош прокурорга, Қонунчилик палатаси раиси ва Сенатга мурожаатлар юбориш масаласи кўрсатилмаган. Тўғри, унда агентликларга мурожаат этиш мумкинлиги (бу, бизнинг фикримизча, Президент ҳузуридаги Давлат хизматлари кўрсатишни ривожлантириш Агентлигига ҳам тааллуқли) бидирилган, аммо Президентнинг бевосита ўзигачи? Бош вазир, Бош прокурор, Қонунчилик палатаси раиси ва Сенат раисига мурожаатлар тилга олинмаган. Бу олий органларнинг ишонч телефонлари ва веб-сайтлари мавжуд, юқоридаги услубий тавсияда уларнинг келтирилгани маъқул эди.

Фуқароларнинг ДХКИ (ДХКМ) мурожаати оғзаки, ёзма ёки электрон тарзда бўлиши мумкин. Агар хизмат малакали ҳуқуқшунос аралашишини тақозо этадиган ва баҳсли муаммоларга ечим топишга қаратилган, томонларнинг бир бирларига даъволарини ДХКИ (ДХКМ) ҳал этолмаётган бўлса, бу тақдирда мурожаат ёзма ёки электрон тарзда ваколатли органга юборилади. Давлатнинг ваколатли органи деганда мурожаатларни профессионал, юридик нуқтаи назардан ҳал эта оладиган, баҳс ва даъволарни ҳуқуқий баҳолай оладиган расмий ташкилот, институт тушунилади. Ходимлар компетентлиги ва институтнинг самарали фаолият юритиши ана шу расмий статусга мувофиқлигидадир. Бу ўринда гап аввало раҳбар ва ходим, институт ва истеъмолчи,

⁶⁵ Қаранг: Давлат органларига мурожаат ва сўров қандай юборилади? Услубий қўлланма. - Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2021. 5 6 б.

мурожаатчи ва давлат органи ўртасидаги мулоқот (расмий ва норасмий)да, ДХКИ (ДХКМ) фаолиятини самарали қилувчи ижтимоий, маънавий-ахлоқий детерминантлардадир.

* * *

**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1050
ЙИЛЛИГИГА БЕРУНИЙНИНГ “ҚАДИМГИ ХАЛҚЛАРДАН
ҚОЛГАН ЁДГОРЛИКЛАР” АСАРИ МУҲИМ
ЭТНОГРАФИК МАНБА СИФАТИДА**

Очил Бўриев - *Қарши давлат университети профессори*
Тошмуродов Хусан - *ҚарДУ Тарих факультети талабаси*

Ўрта Осиёнинг буюк мутафаккири ва қомусий олими Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад (973. 4. IX, қад. Кат (Кат) ш: - 1048. 11. XI. Ғазна (ҳозирги Афғонистонда) ўзининг ноёб асарлари ҳамда оламшумул кашфиётлари билан жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган мислсиз даҳо, илк Ренессанс (Уйғониш) даврининг ёрқин намояндаси ҳисобланади[1.].

Жаҳоншумул олим Абу Райхон Берунийнинг аниқ, табиий ва ижтимоий фанлар соҳасидаги 160 дан зиёд (айрим манбаларда 200 дан ортиқ) асарлари ниҳоятда ноёб мерос саналади[2.]. Ўз даврида “Берунийнинг шуғулланган соҳасидан кўра, шуғулланмаганини санаш осон” дейишган. Инглиз шарқшуноси Ж. Сартоннинг «Беруний - IX асрнинг Леонардо да Винчисидир» - деган фикрига жавобан машҳур рус археологи ва этнографи С.П. Толстов (1907-1976) шундай ёзган: «Берунийни Леонардо да Винчи билан таққослаб, уни “IX аср Леонардо да Винчиси” дейишган. Бу нотўғри қиёслаш. Ахир Птолемейни «II аср Берунийси» дейишмайди-ку! Аслида, Леонардо да Винчини «XVI аср Берунийси» десак, мантикли бўлар эди» [3.]. Жаҳон илмий

жамотчилигида “ХІ аср Беруний асри” деб тан олинганлиги бежиз эмас, албата.

Манбаларга кўра, алломанинг исми Муҳаммад, отасининг исми Аҳмад, Беруний эса унинг насаби, яъни келиб чиқиши ва насл-насабини билдирувчи номдир», «Беруний» форсча «Берун» (ташқари) сўзидан олинган бўлиб, шаҳар ташқарисида туғилган ёки «ўша ерда яшовчи» деган маънони билдиради. Абу Райҳон эса унинг куняси, яъни лақаби бўлиб, араб тилида «Райҳоннинг отаси» ёки «райҳонли киши» деган маъноларни англатади. Бундан ташқари, “райҳон” сўзи арабчада раҳмат» ва «ризқ маъноларини англатади. Шу нуқтаи назардан қаралганда, Абу Райҳон «марҳаматли», «раҳмдил» деган мазмунга ҳам эгадир. Берунийнинг биринчи муаллими ва устози Абу Наср Мансур ибн Али Кот ҳокими Абу Абдулло Ироқнинг қариндоши эди. Абу Райҳон болалигидаёқ жуда идрокли, анча талабчан ва билим олишга иштиёқи зўр бўлиб, у 18 ёшидан Хоразм расадхонасида кузатиш ишлари билан шуғуллана бошлаган.

995 йил ягона Хоразм давлати пайдо бўлиб, пойтахти Урганч (Гурганч, Жургония - ҳозирги кўҳна Урганч) эди, ҳоким эса Хоразмшоҳ деб аталган. Шундай қилиб, Беруний (995 йилда) 23 ёшида Хоразмни ташлаб чиқиб, Рай шаҳрига жўнаб кетиб, бу шаҳардаги расадхонада у яна бир устоз ва дўст орттирган. Ватандоши машҳур астроном Абу Махмуд Хошим ибн ал Хидр Хўжандий астрономия асбобларини тайёрлар ва сарой астрономи ҳам эди.

Бу орада Хоразмда сиёсий вазият ўзгариб, тахтни янги ҳоким Абул Аббос Маъмун эгаллаган. Маъмун ақлли ва маърифатпарвар одам бўлиб, у ўз мамлакатини мустаҳкам ва мустақил қилишга интиланган. Абу Райҳоннинг таърифини эшитган Хоразмшоҳ уни тезда Хоразмга чақиртирган. У 1004 йилда ватанига қайтиб келган бўлиши эҳтимол ва 1010 йилда (37 ёшда) Хоразмшоҳ уни ўзининг энг яқин маслаҳатчиси қилиб тайинлаган. Абу Райҳон Маъмун Хоразмшоҳ саройида кўп вақт бўлган, ҳамиша у билан ҳамкорлик

қилиб яшаган. Шунчалик ишонч орттирганки, Хоразмшоҳнинг барча ишига ишониб маслахатчи сифатида қарайдиган бўлиб қолган. Олим 7 йил (1010-1017 йиллар) муқим ўрнашган.

Илм-фан аҳлининг қадрига етувчи Маъмун ва илмни бошқарувчи Абу Райхон Беруний шу даврда жами хоразмлик олимларни уюштириб, «Фанлар академияси» га ўхшаш бир илмий макон барпо этишган, бу «Маъмун академияси» деб аталган. Бу салоҳиятли олимлар орасида Абу Али ибн Сино, Абу Али Маскабия, Абу Сахл Масихий, математик Абу Наср Ироқ, табиб Абул Хайр ибн Ҳаммор, адиб ас-Саолибийлар бўлишган. Шунингдек бу даврда Хоразмда булардан ташкари ҳам ўнлаб шоирлар ва тарихнавислар ҳам самарали ижод қилишган.

Берунийнинг ўзи тузган рўйхатдан кўринадики, у «Зижга оид» (жадвал ва таквимлар тўғрисида) 18 та асар, «Шаҳарларнинг бўйи, эни ҳамда бир-бирининг қайтарафида эканлиги ҳақида 15 та асар, «Ҳисоб фанига оид» 8 та, «Қуёш йўллари ҳақида 4 та, «Зиж асбоблари ва уларни ишлатиш ҳақида 5 та, «Думли юлдузлар ҳақида» 5 та, «Ой манзилларини текшириш ҳақида» 12 та, «Юлдуз ҳукмлари ҳақида» 7 та асар ёзган. Унинг қўлида нусхаси қолмаган ҳамда умрининг охирги дамларида ёза бошлаб, тамом қила олмаган ва оққа кўчирилмаган китоблар ҳам маълум бўлган.

Аллома айтиб ўтилган рўйхатни тузганидан кейин, 13 йилча яшаб (75 ёшда) вафот этган. Ана шу қисқа даврда ҳам у 50 тага яқин асар ёзган. Шарқшуносларнинг тахминича, Беруний 150 га яқин, баъзи манбаларга кўра 200 та асарларнинг муаллифидир. Муаррих Ёқутнинг «Муъжам ал-удабо» асарида ёзишича, Беруний нафси пок, суҳбати ширин, хушмуомала, ширинсухан, ифбатли, номусли, ростгўй ва дангалчи одам бўлган, асло ножўя ишлар қилмаган. Яна у ёзади: «Берунийнинг бирон вақти қўли қаламсиз, кўзи назарсиз, ақли ва дили фикрсиз бўлмаган. У йилда фақат икки бор Наврўз (мартдаги янги йил) ва Меҳржон (кузги ҳосил йиғиш) кунларидагина тирикчилик учун етарли овқат ва бироз кийим-кечак жамғариб қўярди».

Муаррих Ёқут Ҳамавий Марв шаҳридаги Жомий масжидининг вақфномасида Беруний асарларининг 60 саҳифага майда қилиб ёзилган рўйхатини кўрган. Абу Райҳон бу рўйхатни 65 ёшида бир дўстининг илтимосига кўра тузган. Мазкур рўйхат «Фихрист» номи билан машҳурдир. Бошқача қилиб айтганда, у Абу Бакр Закария, Ар-Розий асарининг рўйхатига илова қилинган алоҳида библиографик рўйхат ҳисобланиб, унда Берунийнинг 113 та асари кўрсатилган экан. Ҳар бир асарнинг ким ва нима учун ёзилгани айтиб ўтилган, 70 та асарининг эса ҳажми ҳам келтирилган.

Шарқшуносларнинг энг сўнгги маълумотларига кўра, Беруний асарлари қуйидагича тақсимланади: Астрономияга оид 70 та, математикага оид 20 та, география ва геодезияга оид 12 та, харитаграфияга 4 та, иқлим ва об-ҳавога оид 3 та, минералогияга оид 3 та, фалсафага оид 4 та, физикага оид 1 та, диншуносликка оид 2 та, тарих, этнографияга оид 15 та, адабиётга оид 28 та.

Манбаларга кўра, Беруний жами 10 минг қўлёзма варақ асар ёзган. Агар шуларнинг ҳаммаси босма усулда нашр этилса, ҳар бири 35 босма тобоқдан иборат - 40 жилд «Беруний асарлари тўплами» ҳосил бўлар экан. Аммо унинг «Хоразм тарихи», «Иқлимлар тақсимоти» («Дунё географияси») асарлари йўқолган. Берунийнинг ёзган ҳар бир асари ўзига хос қомус ҳисобланган. Буюк аллома таъкидлаганидек: «Барча китобларим - менинг фарзандларим, кўпчилик одамлар ўз болалари ва неваралари билан фаҳрланадилар». Абу Райҳон Беруний фаннинг ҳамма соҳаларида самарали ижод қилган эди. Унинг илмий мероси жуда кенг ва рангбаранг. Олимнинг илм соҳасидаги зўр қобилияти унинг кўпчилик замондошлари ва кейинги олимлар томонидан эътироф этилган.

Беруний ижодини ўрганиш, унинг асарларини нашр этиш, бошқа тилларга таржима қилиш ишлари XIX аср охирларидан бошланган. Унинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Геодезия», «Минералогия», «Масъуд қонуни» «Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар» ва бошқа

асарларининг матни нашр этилиб турли тилларга таржима қилинган, танланган асарлари рус ва ўзбек тилларида нашрдан чиққан.

Абу Райҳон Беруний жаҳон фани тарихида қимматбаҳо манба ҳисобланган (“Ал-осор ал-боқия ан ал-қурун ал-ҳолия”) (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) дастлабки асарини ёзиб (1000 йил), уни “Шамс ал-маолий” (“Олий мартабалар қуёши”) лақаби билан машҳур бўлган ҳукмдор Қобус ибн Вашмгир (ваф. 1012)га бағишлаган. Қобус ибн Вашмгир ҳукмдорлар орасида илм-маърифатли ва адолатпарвар инсон ҳисобланган. Ўз саройида бошпана бериб, илмий ишлар олиб боришга имкон яратган Журжон ҳокими Шамс Маолий Қобус ибн Вашмгир (ваф.1012) бағишланган. Қобуснинг ўзи ҳам шоир ва санъат мухлиси бўлган. «У ҳунарпарвар амир - Абу Райҳоннинг ақлига ва ҳикматига таажжуб - қилди ва вазирликка чақирди. Абу Райҳон илм бойлигини, камол ҳашаматини ҳар нарсадан юқори қўярди».

Мазкур асарини Журжонда муҳожирлик даврида ёза бошлаган ва 1000-йилда тамомлаган. Олим уни ёзишга жуда катта тайёргарлик кўрган. Қунт ва матонат билан турли халқлар тарихи, маданияти ва тилларини ўрганган. Илм-фанга оид асарлар жуда кам нусхада ва қўлёзма шаклида айрим шахслар қўлида сақланган бир даврда ёш олим фаннинг турли соҳаларини бу қадар эгаллаб олиши, унинг ниҳоятда истеъдодли эканини кўрсатади.

Берунийнинг ёзишича, у “халққа адолатли, тангрининг дини ва халқига ёрдамчи, мусулмонлар ҳарамларини қўриқловчи, улар мулкларини талон-тарожлардан асровчи йўлбошчи қилиб, бандаларини ўзидан миннатдор этди”. Шуниси борки, бу ҳукмдор шиа мазҳабининг тарафдори бўлган. Беруний унинг саройида яшаган даврларида ўзини шиа мазҳабига ён босгандай қилиб кўрсатган, аммо “Ал-осор ал-боқия” асарида шиаларни нодонлар деб атаган. Олим динда мўътадилликни ёқлаган ва барча мазҳабларга нисбатан бағрикенглик билан қараш тарафдори

бўлган.

Асар подшоҳлар ва машҳур шахслар тарихини ёритувчи ва ўша даврнинг маданиятини ақс эттирувчи тарихий - этнографик асардир. Асарнинг қиммати шундаки, у исломгача бўлган (Хоразмда) бутун бир даврни очиш имкониятини туғдирди. Бу китобда юнонлар, римлик, эроний, суғдий, хоразмлик, ҳарроний (юлдузга сиғинувчилар), қибтий, христиан, яҳудийлар, исломгача бўлган арабларнинг йил ҳисоблари, турли байрам ва машҳур кунлари муфассал тасвирланган, унда кўп халқларнинг маънавий ҳаёти ва тарихига оид қимматли маълумотлар мавжуд.

Мазкур асар қадимги Хоразмда ўтган халқларнинг, қадимги яҳудийлар, насронийлар, мажусийлар ва мусулмонларнинг урф-одатлари, анъаналари, байрамлари, календарлари, динлари, пайғамбарлари, муқаддас китоблари ҳақидаги барча маълумотларни ўзида тўплаган яхлит қомуси бўлиб, у Европада “Хронология” номи билан машҳурдир. Бу асарни олим 27 ёшида, яъни 1000 йили араб тилида ёзиб тугаллаган. Буюк алломанинг бир қатор асарида Хоразм, Мовароуннаҳр ва Ўрта Осиёнинг бошқа минтақаларда яшаган халқлар ҳақида ҳам муҳим тарихий-этнографик маълумотлар баён этилган [4.].

Берунийнинг “Ҳозир ҳам Яқин Шарқнинг бутун илмий адабиётида тенги йўқ асари ” [5.]. “Ал-осор-ал боқия анал-қурун ал-холия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, – Таржимон А. Расулов.-Танланган асарлар 1-том,-Т.: 1968), асарида юнонлар, римликлар, эронийлар, суғдийлар, хоразмликлар, ҳарронийлар, (юлдузларгаа сиғинувчилар), қибтийлар, христианлар, яҳудийлар, исломгача даврдаги араблар, йил ҳисоблари байрам ва машҳур кунлари, жумладан Хитой чегараларигача бўлган минтақаларда яшовчи туркий халқлар, ўғуз турклари ва уларнинг эътиқодлари, урф-одатлари ҳамда байрамлари баён этилган. Унда кўп халқларнинг маънавий ҳаёти ва тарихига оид маълумотлар мавжуд. Олим Журжонда истиқомат қилган пайтда тахминан 1000 йилда - 27 ёшида шу биринчи йирик

асарини ёзиб тамомлаган.

Берунийнинг Суғд ва Хоразмга оид маълумотлари биз учун аҳамиятлидир, чунки уларда тарих, дин, урф-одат, одоб-ахлоқ ва анъаналарнинг турли халқлардаги кўринишларини ўрганб, ҳар бир халқнинг инсоният тараққиётида ўз ўрнини илмий жиҳатдан исботлаб берган [6.].

Алломанинг ёзишича, суғдийларда, Мовсат ойининг биринчи куни-Наврўз ҳисобланади. Аллома Хоразмликлар байрами ҳақида алоҳида тўхталиб, навсержий ойида йил боши (Наврўздир) деб таъкидлаган. Беруний хоразмликлар байрамини икки турга бўлган: табиат ҳодисаларига бахишланган -йил боши байрами (Наврўз), очилиш байрами, гулҳанда исиниш байрами, ёғли нон ёпиш куни Мано кечаси ва х.к. Диний маросимлар: (исломгача бўлган даврда) арвоҳлар учун қабирга овқатлар қўядиган кун ва бошқалар. Берунийнинг таъкидлашича, йил фаслларидаги ҳар бир ойнинг ўз байрамлар ва машҳур кунлари бўлган. Масалан, “Фарвардин моҳ ёз боши, терамоҳ куз боши, меҳр моҳ киш боши, моҳ боҳор боши эди уларнинг ойлари ичида тўртта фаслга қараб ишлатиладиган ҳайити кунлари бор эди”.

Беруний Наврўз ҳақида шундай ёзган: ”Наврўз.: ўтмиш замонларда.: куёшнинг саратон буржига кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди. Энди у бутун йил бўйи унга ҳизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллагандан мевалар етулгунча, ҳайвонларда уйғониш мавсуми бошланишдан то насл қолгунча давом этган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган”. Берунийнинг уқтиришича, “Одамлар шу куни, яъни Наврўз куни тонг пайтида ўрнларидан туриб канал ва ҳовузларга борадилар, кўпинча оқиб турган сувларга рўпара туриб баракали бўлиш ва офатларни даф этиш учун устиларидан сув қўядилар”.

Куз мавсумидги энг катта байрам Меҳржон (ёкий Меҳргоҳ

Хоразмда - Черуж, суғдийларда Нимсарда) бўлиб, жон севгиси, Қуёш деган маъноларни билдиради. Берунийнинг ёзишича, “Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек Наврўз Меҳржонинг икки кўзидир”. Аллома бу икки байрамни бир-биридан ривоят келтирган: “Бир гуруҳ кузни баҳордан ортиқ билгандек улар Меҳржонни Наврўзидан ортиқ билган. Буни исботлашда Искандар, Арастудан у икки кунни қайси афзал, деб сўраган Унинг: “Эй подишоҳ, баҳорда ҳашаротлар пайдо бўла бошлайди. Кузда эса улар йўқолиб кетадилар. Демак шу жиҳатдан куз баҳордан афзал”, деган жавоби асослидир [7.].

Аллома ушбу асарда ёзадики: Хоразмликларнинг расм-русумлари суғдийларникига ўхшайди уларда ҳам ёз боши новсоржининг аввалидир. Хоразмликларнинг ҳайитлари бўлиб, исломдан олдин шу “Улуғ ва азиз тангри хоразмликларга уларни улуғлашни буюрган”, - дер эдилар. Улар ўзларидан олдинги кишиларидан қолган бошқа кунларни ҳам ҳайит қиладилар. Ҳозир уларнинг маъжузийлари қолмаган, фақат динида қаттиқ турмаган, динларининг юзаки нарсаларини таниб, ҳақиқат ва маъносини текширмайдиган бир гуруҳ қолган, холос. Ҳатто бу гуруҳ ҳайитларни ойларга нисбатан берилган жойларига қараб эмас, улар орасидаги узоқликларга қараб байрам қиладилар [8.]. Беруний ушбу асарида Зардуштийлар байрам тақвимлари, бошқа турли сайиллар (узум, сув ва х.к) ҳамда урф-одатлар ҳақида муфассал маълумотлар берганки, бу алоҳида илмий тадқиқотни талаб қилади албатта.

Буюк аллома халқларнинг хабар ва ривоятларидан унумли фойдаланган ҳамда уларнинг кўпчилигини ўз асарларида қайд этган. Масалан, бой маданий ўлкалар - Суғд ва Хоразмдаги халқлар байрамлари, анъаналари ва эътиқодларини бир-бирига ўхшашлиги ҳақида фикр юритган. Бу эса ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган қадимий халқлар-суғдийлар ва хоразмликлар маданиятидаги муштаракликдан далолат беради. Дарҳақиқат, X-XI асрларда суғдийлар ва хоразмликлар ҳозирги Тошкент,

Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларидаги бошқа турли қавмлар билан бирга ўзбекларнинг этник шаклланишида энг муҳим роль ўйнаган.

Ўз даврида ушбу нодир асарга С.П.Толстов юксак баҳо берган эди: “Бу асар Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг, биринчи навбатда Ўрта Осиё халқларининг хўжалик ҳаёти, урф-одатлари, маросимлари, эътиқодлари ҳақидаги ўзига ҳос бир қомусдир” [9.]: Ўша давр муаллифлари таъкидлашича, Беруний ушбу асарини ёзишида “Ўзидан олдиги олимларни китобларидан сочилган дурларга ўхшаш нафисларини териб, тарих ипига теран шарҳ қилган”.

Бу асарнинг биринчи нашрини немис берунийшунос олими Эдуард Захау 1876–1887 йилларда Лейпцигда босиб чиқарган. 1879 йили унинг инглизча таржимаси нашр этилган. 1950 йили ўзбек шарқшунос олими А.Расулов мазкур асарнинг бир қисмини ўзбекчага таржима қилган, 1957 йили бу асар арабшунос олим Салье М.А. томонидан рус тилига ўгирган. 1968 йили А.Расулов томонидан бу асарнинг ўзбек тилидаги тўлиқ таржимаси Тошкентда босилиб чиққан ва аллома. “Танланган асари”нинг 1-жилдига кирган, Асар 2015 йили рус тилида Тошкентда қайта нашр этилган [10.]. Мазкур асарни биринчи жилди бошида И. Абдуллаевнинг Беруний ва унинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар асари” (Б. 3-20), О. Файзуллаевнинг Абу Райҳон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асаридаги баъзи масалалар (Б.21-31), А. Расуловнинг “Таржимондан” (Б.33-35) мақолалари ўрин олган [11.].

Ўзбек элшунослик мактабининг дарғаси, академик К. Шониёзов жуда тўғри таъкидлаганидек: «Беруний асарларидаги маълумотлар Ўрта Осиё халқларининг ўрта асрлар давридаги жойлашиши ва уларнинг ҳаётини ўрганиш учун етарли манба ҳисобланади» [12.].

Демакки, жаҳон цивилизацияси равнақига ўзининг йирик илмий кашфиётлари билан салмоқли ҳисса қўшган, Ўрта Осиё

биринчи Уйғониш (Ренессанс) даврининг йирик намояндаси, қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асаридаги бой этнографик маълумотлар ўзбекларнинг тарихи, келиб чиқиши (этногенези), этник тарихи ва этномаданиятини янада теранроқ ўрганиб, янада салмоқли ва тўлақонли илмий-тадқиқотлар яратишда энг қимматли ва ноёб манбалардан бири саналади.

Янги Ўзбекистонда ҳозирги миллий юксалиш даврида буюк аломанинг илмий асарларини чуқуроқ ва ҳолисона ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. 2022 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, ЮНЕСКО шафелигида ўтказиш белгилаб берилди [13.]. Айни вақтда ушбу юқори мақомдаги қарор ижросини рўёбга чиқариш мақсадида кўзда тутилган комплекс тадбирлар изчилик билан рўёбга чиқарилмоқда.

Адабиётлар рўйхати

1. Хайруллаев М. Абу Райҳон Беруний. 1 - ж. –Т.: ЎзМЭ ДИН, 2000. -Б. 719-733.
2. Тўраев Б. Абу Райҳон Беруний.-Буюк юрт алломалари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. - Б. 37 - 47.
3. Тўраев Б. Кўрсатилган асар. - Б. 47.
4. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.-Т.: Шарқ, 2001. Б. 39 - 41.
5. Крачковский И. Ю. Избр.соч.т. IV-.М-Л., 1965.С. 244.
6. Отахўжаев А. Абу Райҳон Беруний. –Т.: “Abu matbuot konsalt”, 2011. Б. 14 - 15.
7. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари, -Т.: “Шарқ,” 2002. Б. 33 - 43.
8. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. 1-ж. -Т.: Арабчадан А. Расулов таржимаси “Фан”, 1968. Б. 280.

9. Толстов С.П. Бируни и его “Памятники минувших поколений” - Абу Райхан Бируни. Избр. произв. Пер. Салъе М. А. т. 1.-Т., 1957.
10. Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар.
11. Абу Райхон Бируни. “Памятники минувших поколений”. Избр. прозв т. 1.-Т.: Изд-во Ан ЎзССР. 1957; Шу муаллиф Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. 1-т. -Т.: “Фан”, 1968; Шу муаллиф Памятники минувших поколений.(Хронология) -Т.: “Фан”, 2015.
12. Шониёзов К. - Беруний асарларида этнографияга оид материаллар. - Беруний ва ижтимоий фанлар. -Т.: «Фан», 1973. Б. 29.
13. “Халқ сўзи”, 2022 йил 26 август.

«ДЕВОНУ ЛУҒАТИТ-ТУРК»ДА ХАЛҚ ТАБИБИНИ СЕҲРЛИ ВА РАЦИОНАЛ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ

Наврўз Рўзиев Ихтиёр ўғли -

Тошкент тиббиёт академияси ўқитувчиси

XIX асрда Қашғарлик Маҳмуд томонидан луғат тайёрлаш мақсадида ёзилган “Девону Луғатит-турк” асарида турк тарихи, географияси ва маданияти билан боғлиқ турли мавзулар тўғридан-тўғри ёки билвосита мақола бошига сўзлар билан тўхталган. Дивону Луғатит-турк билан мулоқот қилган ва мурожаат қилган мавзулардан бири халқ табобати эди. Турли номлар билан аталган халқ табобати халқ ҳимояси ва даволаш ташҳиси натижасида вужудга келган ва ўзига хос даволаш усуллари ишлаб чиққан. Халқ табобатининг даволаш усуллари сеҳрли ва оқилона жараёнлар ва амалиётлар атрофида шаклланади. Ўз ичига олган материали жиҳатидан қомусий луғат бўлган “Девону Луғатит-турк” тиббиёт терминологиясининг бой тўпламига ва жиддий тушунча дунёсига эга. Бироқ, булар орасида даволаш усуллари

сифат жиҳатидан алоҳида эътибор ва таснифни талаб қилади. Ушбу талаб ушбу тадқиқотнинг бошланғич нуқтасини ташкил қилади. Шунинг учун ушбу тадқиқотда "Девону Луғатит-турк" асарида келтирилган халқ табобати даволаш усулларидан қайси бири сеҳрли ва ақлли?" деган саволга жавоб изланмоқда.

Девону Луғатит-турк ҳақида биринчи нашрни яратган Килисли Рифат Билге, унинг кашфиёти ҳақида: "Бу олмос жуда кўп меҳнат талаб қилади" деган мақола ёзган. (1970, 270-бет).1 Ўтган вақт Билгенинг ҳақлигини исботлади. Девону Луғатит-турк ҳақидаги турли тадқиқотлар унинг турк тили ва маданият олами учун нақадар муҳимлигини исботлади.

Бошқа томондан, Аҳмет Б. Эрсиласун ва Зият Аккоюнлу Девону Луғатит-турк ҳақида тайёрлаган кенг қамровли матнда, луғатда арабча муқобили бўлган 9000 га яқин туркий сўз борлигини таъкидлайдилар (2018, XVII-бет).

Девону Луғатит-туркда ҳар бир банд бўйича 8000 га яқин сўз қўлланган (Қаҳалин, 1994, 448-бет). Уларнинг тушунтиришларида бевосита ёки билвосита турли мавзуларга ҳам тўхталиб ўтилди. Ушбу контактлардан бирининг манзили халқ табобати ҳисобланади. Кашгарли Маҳмут ўз луғатида касалликларнинг номларини ва уларни даволаш усулларини тез-тез тилга олган. Луғатда ҳамроҳлари билан жиддий даражага етган халқ табобати бу борада Девону Луғатит-туркда муҳим ўрин тутади. Шу даражадаки, Девону Луғатит-туркдаги тиббиёт терминологияси, айниқса, ҳар бир сўз билан солиштирилса, деярли ўндан бир нисбат пайдо бўлади.

Ҳозирги кунда Девону Луғатит-туркнинг халқ табобати билан алоқасига оид баъзи тадқиқотлар (Тружарски, 1992; Аккоюнлу ва Чинар, 1994; Баят, 2003)мавжуд. Бироқ, уларга кенг нуқтаи назардан ёндашилди. Сатрлар орасидаги бир оз эътиборни четга суриб қўядиган бўлсак, бу тадқиқотларнинг халқ табобатининг сеҳрли ва оқилона даволаш усуллари билан алоқаси, қуйида батафсилроқ изоҳланади, чекланган даражада. Шу боис

мазкур тадқиқот билан зикр этилган камчиликни бартараф этиш, луғатдаги сеҳрли ва оқилона даволаш усулларини мавзуга мустақил нуқтаи назар билан таснифлаш мақсад қилинган. Шу мақсадда тадқиқотда "Девону Луғатит-турк"даги даволаш усулларидан қайси бири сеҳрли ва оқилона? саволига жавоб берилади.

Бугунги кунда айтиш мумкинки, асосан замонавий диагностика ва даволаш усуллари билан машҳур бўлган ва ўзи бошидан кечирган техник янгиликлар билан саноат йўналишида ривожланишини давом эттираётган тиббиёт моҳиятан анъанага асосланади. Бошқача айтганда, илк даврларда табобат амалиётлари анъаналар атрофида мужассамлашган, дейиш мумкин. Бу ерда тилга олинган анъаналарни синов ва хатога асосланган, тажриба билан мустаҳкамланган, аммо унинг асослилиги нисбий, яъни одамдан одамга, вақти-вақти билан, жойдан жойгача ўзгариб турадиган билимлар мажмуаси сифатида ҳам таърифлаш мумкин. Булар умумий ном билан халқ табобати соябони остида тўпланган бўлиб, халқ табобати ўзининг юқорида қайд этилган хусусиятларига кўра қайсидир маънода бугунги тиббиёт фанининг ибтидоий шаклини ифодалайди.

"Халқ табобати", "анъанавий табобат", "тиббий фольклор", "уйда даволаш", "муқобил тиббиёт", "қўшимча тиббиёт", "маҳаллий табобат" (Сайғи, 2018, 9-бет) каби турли номларга эга бўлган. Халқ табобати – бу имкони бўлмаган, шифокорга бормайдиган ёки боролмайдиган кишилар қўллайдиган усул ва муолажалар мажмуасидир (Боратав, 2013, 139-бет). Қайд этилган усул ва жараёнларга маҳаллий ёки уй қурилиши дори воситалари ҳам киради (Мисол, 1973 й. 32-бет). Бу амалиётлар одатда табиий ва сеҳрли хусусиятга эга (Асипаямли, 1978, 31-бет).

Ҳимоя, профилактика ва даволаш ғамхўрликлари натижасида ривожланган халқ табобатининг даволаш усуллари сеҳрли ва оқилона бўлган иккита асосий текисликда намоён бўлади. Улардан биринчисида муқаддас жойларнинг маънавияти ва ғайриоддий

қудратига эга бўлган одамлар ва буюмлардан, яъни Ятирлар, ўчоқлар, туморлар ва бошқалардан фойдаланиб, шифо топиш мақсад қилинган. Иккинчи гуруҳдаги даволаш усуллари эса бутунлай реалистик-рационал хусусиятга эга бўлиб, улар бугунги кунда “эрнинг давоси” ёки “уй давоси” деб аталади (Боратав, 2013, 140-145-бетлар). “Девону Луғатит-турк”да халқ табобатининг юқорида тилга олинган ҳар икки даволаш усулларига мисоллар келтирилган. Бироқ, шуни таъкидлаш керак. Девону Луғатит-туркдаги рационал даволаш усуллари, сеҳрли усулларга қараганда, айниқса хилма-хиллик нуқтаи назаридан анча кенгрок оралиқда тарқалган. Бундан ташқари, луғатда даволаш усуллари XII. Бу 19-асрда яшаган туркларнинг эътиқод ўлчовлари ва тиббий ривожланиш даражалари ҳақида баъзи хулосалар чиқариш имконини беради.

Хулоса ўрнида, Девону Луғатит-туркдаги сеҳрли даволаш усуллари Ислом ва қадимги турк динининг бир хил синтези кабидир. Қуйида мисоллар келтириладиган шифо усуллари асосан туркийлар ҳаётига янги диннинг қабул қилиниши билан кириб келган ва аввалги барча яхши-ёмонни ўзида жамлаган метафизик мавжудот бўлган “жин” ҳодисаси атрофида мужассамланган. Улар янги динга эътиқодларини “жин ва фаришталарга эътиқод” тамойилига таянган ҳолда давом эттирдилар (Акарпинар ва Арслан, 2010, 343-бет). Бошқа томондан, туркча ном билан аталган бу мавжудот келтириб чиқарган касаллик давоси ҳам эски турк динининг қолдиқларидан бўлиб, бир вақтлар руҳонийлардан тортиб медицинагача, шоирдан мусиқачигача кўплаб касбларни эгаллаган ва ҳозир ҳам мумкин. Улардан бир ёки бир нечтасини бажаринг (Копрулу, 2014, 97-бет) ва луғатда “фолбин” сифатида кўринадиган “кам”. “Девону Луғатит-турк”да ўрин олган оқилона даволаш усуллари эса анъанавий табобат, яъни халқ табобати билан бир қаторда, бугунги кунда “замонавий” деб таърифланган илмий табобатнинг ҳам савия ва хилма-хилликда мавжудлигини кўрсатади. Бу ёшнинг эҳтиёжларини қондира олади. Дарҳақиқат,

яқинда шифокорлик касби билан шуғулланадиган одамлар кўрсатилгандек, унинг уч хил ном билан аталиши ва ўсимлик дори-дармонлари ва тиббий материалларнинг номлари билан аталган. Мавзу бўйича луғат буни тасдиқлайди. Ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмай келмоқда.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ВА ДЕМОКРАТИЯ: ИЖТИМОИЙ ФАЛСАФИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА КОНЦЕПЦИЯЛАР

Абдурахманова Нодирахон Хуснутдиновна - Тошкент
тиббиёт академияси Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси

Борликдаги барча нарсалар ўз тартиблари ва қонунларига эга. Ш.Л.Монтескьенинг фикрига кўра, инсон илоҳий қонунларга ва ўзи яратган қонунларга мувофиқ яшайди, биринчиси барқарор, ўзгармас, иккинчиси эса беқарор, ўзгарувчан⁶⁶. Одам тез унутувчи мавжудот, шунинг учун Яратган илоҳий тартиблар, қонунлар борлигини, файласуфлар ва қонуншунослар эса унинг эсига фуқаролик бурчи, ижтимоий вазифалари борлигини эсига солиб туради⁶⁷. Одам яратадиган тартиблар, қонунларга мувофиқ жамиятда қандай бошқариш демократиями, аристократиями ёки монархиями мавжудлигини билса бўлади. Монтескье фикрига кўра, аристократик ёки монархистик бошқаришда ҳукмдор ўзини қонунлар, тартиблардан юқори қўяди, демократик бошқаришда эса барча, шу жумладан, ҳукмдор, давлат бошлиғи ҳам, уларга бўйсунди. Бундан ташқари, демократик бошқаришда эзгулик, эзгу амаллар ҳам устуворлик қилади, барча институтлар, қисмлар бир бирларидан эзгу ишларни амалга оширишда ўзишга ҳаракат қиладилар. Агар ҳуқуқий маданият қонунлар, тартиблар устуворлигини эътироф этишга, улар орқали эзгуликни қарор

⁶⁶ (Қаранг: Монтескье Ш.Л. О духе законов. - Москва : Изд.АСТ, 2022. С. 9-10).

⁶⁷ (Ўша жойда).

топтиришга хизмат қилса, демак, у демократик бошқариш механизмидир. Мазкур пастулат ҳуқуқий маданият ва демократия тўғрисидаги замонавий қарашлардан келиб чиқади; уларга бир бирига диалектик боғлиқ воқелик сифатида уйғун қараш шаклланган. Шунинг учун ҳуқуқий маданият билан демократия бир бирини тақозо этади, ҳуқуқий маданият демократияга хизмат қилганидек, иккинчиси ҳам биринчисига хизмат қилади; улар диалектик уйғунликда ривожланиш хусусиятига эга. Мазкур пастулатни деярли барча фалсафий ёндашувлар ва концепциялар, улар ўртасида маълум бир ғоявий фарқлар ва гносеологик мақсадлар бўлишига қарамай, тасдиқлайди. Улар ҳақида зарур қарашларга эга бўлиш муаммонинг қанчалик илмий муҳимлигини ва объект доирасининг қанчалик кенглигини кўрсатади. Бундан ташқари, ҳуқуқий маданият муаммоларига бағишланган адабиётларда унинг демократия билан боғлиқ жиҳатлари негандир тилга олинмайди, улар ўртасидаги диалектик боғлиқлик фалсафий таҳлил қилинмайди. Бу эса ҳуқуқий маданиятни фалсафий тадқиқ этиш ҳали етарли амалга оширилмаганини билдиради.

Ҳуқуқий маданият ва демократия уйғунлиги мавзусини тадқиқ этганда, бизнинг фикримизча, ҳуқуқ феноменига урғу бериш матиқан тўғри бўлади. Демократияга оид фалсафий ёндашувлар ва концепциялардаги ҳуқуқнинг ўрни, инсон эрки, озодлик, меҳнат ҳуқуқи, яшаш ҳуқуқи, сайлаш ва сайланиш, давлат ишларини олиб боришда иштироқи ҳуқуқи, ҳурфикрлик, ижод эркинлиги кабиларга эътибор қаратилади. Айнан улар ҳуқуқ фалсафасининг предмети ҳисобланади ва бизни ижтимоий-сиёсий таълимотлар томонга оғиб кетишдан асрайди. Бизга демократик ёндашувлар ва концепциялардаги ижтимоий-сиёсий воқеликлар эмас, улардаги инсон ҳуқуқи ва эркинликларига оид қарашлар зарур. Улар негиздаги фалсафий моҳият, инсоннинг давлат билан алоқалари, бошқариш тизими билан инсон эрки масалалари тадқиқотимиз мақсадига мувофиқдир. Мавжуд илмий сиёсий ва фалсафий адабиётларни ўрганишдан келиб чиқиб демократияга

оид ёндашувлар ва концепцияларни қуйидагиларга гуруҳлашимиз мумкин: 1. Афина демократияси.

2. Мумтоз либерал демократия.

3. Замонавий либерал демократия ёки неолиберализм концепцияси.

4. Элитаризм ёки элитар демократия.

5. Сиёсий плюрализм концепцияси.

6. Конституционализм концепцияси.

7. Полиархия концепцияси.

8. Вакиллик демократияси.

9. Иқтисодий демократия.

10. Ҳуқуқий демократизм.

Мазкур ёндашувлар ва концепцияларни яна давом эттириш мумкин, бироқ ушбу йўналишларнинг ўзи мавзумиздаги мақсадни очиб беришга етарли материаллар бера олади.

1. Демократия тўғрисида гап кетганида, тадқиқотчилар аввало Афина тажрибасини тилга олишади, уни мумтоз мисол, инсоният тарихидаги ибратли сиёсий ва ҳуқуқий тажриба сифатида эслашади. Айнан Афина демократияси Платон ва Аристотелнинг сиёсий-фалсафий қарашларига таъсир этган, улар асарларидаги фикрлар Афина демократияси (эр авв. 594-321 йиллар)ни англашга, ундаги тажрибалар ҳақида маълум бир хулосалар чиқаришга имкон беради. Манбаларда айтилишича, Афина демократиясига архонт Солон асос солган. Халқ йиғини сайлаган стратеглар Афина давлати учун зарур бўлган қонунларни қабул қилган. Қонунларни бажариш ҳамма учун баб-баробар тенг тааллуқли эди. Қуллар, аёллар ва муҳожирларнинг ҳуқуқлари чекланган бўлса-да, умумий қонунларга риоя этиш уларга ҳам мажбурий эди. Маълумки, Қадимги Афинада аввал шоҳлик давлат тизими мавжуд эди, давлат бошқариш ҳуқуқи ушбу қатлам қўлида эди. Шоҳликдан архонтатга ўтиш осон кечмаган, албатта⁶⁸ Дракон қонунлари илк ёзма нормалар бўлган. Уларда белгиланган жазолар

⁶⁸ (Қаранг: Безускул В. Афинская демократия. Общий очерк. -Харьков: Изд. “Союз”, 1920. С.15- 16).

бешафқатлиги билан ажралиб туради. Оддий кишилар, демос кун кўриш учун, Периклнинг хабар беришича, ҳатто “болаларини ҳам сотишган” Бу қонун томонидан қўллаб- қувватланган⁶⁹. Солон даврида эса қонунга итоат этишнинг демократик даври бошланган. Унинг фикрича, давлат ҳаётини бошқариш, жамиятдаги осойишталик қонунлар туфайлидир, қонунлар йўқ жойда бетартиблик, бошбошдоқлик, хаос юзага келади. Демосни “қарздорлик балоси”дан халос қилгани учун Солонни улуғлашган. Кишилар қарз тўлови сифатида соғлиги, танасини қўйишган, давлат бу тартиб тарафдори бўлган. Солон бу тартибни бекор қилиб, “қарздорлик балоси”ни бекор қилади. Демосга эркинлик берилади. Энг муҳими шундаки, Солон шахснинг сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқини қўллаб -қувватлади, у ҳуқуқлари паймол этилган кишиларга эрк берди, ватандан чиқиб кетишга мажбур бўлганларни орқага қайтарди. Айрим шахсларнинг ҳаддан ташқари катта ерга эга бўлишини, ҳаддан зиёд бойлик тўплашга интилишини чегаралади. Кишиларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши учун суд тизимини жорий этди. Унинг давлат бошқариши демократик хусусиятга эга бўлганини Аристотель алоҳида қайд этади⁷⁰ Файласуф фикрига кўра, Солон фуқароларнинг раҳбарларни сайлаш ҳуқуқини ўрнатган, сайланган раҳбарлар эса иш кўзини биладиган кишилар билан маслаҳатлашиб турган, натижада демократик бошқариш сайлаш ҳуқуқидан униб чиққан⁷¹ Баъзи тадқиқотчилар Афина демократиясини Сукрот ҳаёти ва ижоди билан боғлайдилар ва ўша даврдаги инсон ҳуқуқининг идеал тасвирини яратадилар. Сукротнинг фалсафий-ахлоқий позициясини шахс ҳуқуқининг идеал кўриниши сифатида қараш позитив ёндашув, бироқ унинг қатл этилишида мазкур идеални асослашга ҳожат қолмайди. Бегуноҳ кишининг афиналик демократлар томонидан суд ва ўлимга ҳукм қилиниши демократия

⁶⁹ (Ўша асар. С. 19- 20).

⁷⁰ (Қаранг: Аристотель. Сочинения в четырех томах. - Москва : Мысль, 1983. С.465- 466.).

⁷¹ (Ўша асар С.465).

тамойилларига сиғмайди.⁷² Демак, демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг идеал шакли йўқ, инсон характери, когнитив тажрибалари, эҳтирослари билан боғлиқ ҳар қандай ҳаёт тарзида ғайриҳуқуқий ҳодисалар учраши мумкин. Аммо ушбу ғайриҳуқуқий ҳодисалар нормага, турмуш тарзи ва одатга айланмаслиги лозим.

ЎЗБЕКЛАРДА БЕЛБОҒ БИЛАН БОҒЛИҚ ЭЪТИҚОД ВА УДУМЛАР (ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ МИСОЛИДА)

Холида Очилова - ҚарДУ тадқиқотчиси

“Белбоғ” - чорси, қийикча-белга боғланадиган тўртбурчак шаклдаги мато, миллий кийимнинг таркибий қисми. Туркистонда эркаклар кийими (тўн, яктак ва бошқалар) устидан белга боғланади, баъзан икки ва ундан ортиқ бел боғлаб юриш одати мавжуд. Гулли, гулсиз матолар (бўз, лас, шойи, атлас ва бошқа) дан таёрланиб кашта билан безатилади. Бел боғлаш қадимдан мавжуд бўлган, кишилар учун зеб, миллий урф-одат тусига айланган. Маросимларда, жумладан уйланиш тўйида куёвга тўн кийдириб белбоғ боғланади. Эркаклар, аёллар ҳам яқин кишиларидан бири вафот этганда белбоғ боғлашади. Ёшлар безакли рангдор белбоғ, қариялар эса оқ матодан тикилган сидирға белбоғ боғлайдилар. Белбоғ асосий вазифаларидан ташқари бошқа вазифаларни ҳам ўтаган: ўртасига майда- чуйда нарсалар солиб боғланган; узоқ сафарларида дастурхон ёки жойнамоз вазифасини ҳам бажарган [1.].

Эркакларнинг энг муҳим кийим-кечак белгиларидан ҳисобланган белбоғ ўзбек ва тожиклар миллий кийимларининг қадимий таркибий қисми саналади. Белбоғ эркаклар кийимининг

⁷² (Қаранг: Зберовский А.В. Сократ и афинская демократия (социально- философское исследование). -Краснодар: КГАУ, 2007).

устки кийимларидан бири бўлиб, асосан ундан кундалик ҳаётда яктак, тўн ичидан ёки остидан боғлаб юришда фойдаланилади. Белбоғ эркак баданига ёпишиб турувчи, қадди қоматини тўғри тутувчи, ихчам ва ҳушбичим ўсишига ёрдам берувчи восита ҳисобланади. Қадимда белбоғ эркак ёшини ифодалаган ҳамда шахсинг эр йигит, эр киши сифатида шаклланганлигини ҳам кўрсатган. Белбоғ XI асрда “қур”, “қурмоқ” деб аталган [2.].

Ўзбек тилида “белбоғ” атамаси кундалик ҳаётда тез-тез ишлатилади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да қайд этилганидек: 1. “Белбоғ белга боғланадиган тўрт бурчак рўмол шаклидаги гулли ёки гулсиз ёнлари тикилган мато парчаси қийик, қийиқча. 2. Умуман белга белбоғ каби боғланадиган нарса. 3. Ҳар нарсанинг ўрта белидан ўтган, фаразий чизиқ ёки ҳалқа; экватор. 4. Қувват, мадор, кўмакдош.

Шунингдек халқимиз ўртасида белбоғ билан боғлиқ иборалар кўплаб қўлланилади: белбоғли - белида белбоғи бўлган, белбоғ боғланган; белбоғлик-белбоғ учун яроқли ёки етарли; белбоққа ёлчимаслик-бойимаслик, бири икки бўлмаслик (“Бўзчи белбоққа ёлчимас”) [3.].

Баъзи ношуд, уқувсиз йигитларга қуйидаги иборалар ҳам ишлатилади: “Белингда белбоғинг борми?, Йигитмисан?, Йигитлик ғуруринг борми?”. Мард йигитлар белида белбоғи бор жўмардлар саналган. Белбоғ Фарғона вадийсида “қийиқча”, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида “белқарс”, “қарс” деб ҳам аталади. Куёвга никоҳ тўйи куни тоғаси ёки амакиси тўн, дўппи кийгизган ва албатта белига белбоғ боғлаган.

Белига боғланадиган иссиқ пахталик белбоғ “бедамча” дейилади. Тилшунос олим Н.Мирзаевнинг ёзишича, белқас-белбоғ, қарс, қийик. Тўрт бурчак шаклидаги пахталик шойи мато Тўн ёки бошқа устки кийимлари ташқарисидан белни боғлаб қўйиш учун ишлатилади [4.].

Мамлакатимиз ҳудудида белбоғ “белқарс”, “қарс”, “чорси”, “қийик”, “қийиқча”, “қўшша”, “миёнбард”, “рўпоқча” деб ҳам

аталади. Эркаклар иш билан машғул пайтида эски тўни устидан белбоғ сифатида ипни-чилвирини ҳам боғлаб олишади[5.].

Алишер Навоий асарлари луғатида “миён”-ўрта, бел, миёнбаста-боғланган каби изоҳлар келтирилган [6.].

Захириддин Муҳаммад Бобур “ Бобурнома”сида “Фўта ” – белбоғ деб изоҳ берилган [7.].

Зардуштийлар удумига кўра йигитлар балоғат нишони ва маздапарастлар сафига кўшилишнинг аломати сифатида сидра кийиб, белига камар, белбоғ боғлашган. Камарбанд боғламоқ ҳар бир зардуштий ҳаётида энг муҳим воқеа ҳисобланган [8.].

Бу маросимга кўра, Ахура-Мазда фарзандлари ҳамда Зардушт ўғитларини тўла бажарадиган, ҳар жиҳатдан пок, юксак ахлокли, устоз фотиҳасини олган Зардуштийга оқ матодан чакмон, кўйлак кийизиб, бошига салла ўраш, белига эса оқ кўйнинг 72 толали жунидан боғлаш одат тусига кирган.

Белбоғни боғлашда белидан уч марта ўралган ва орқа, олди тарафидан тугун қилиб боғланган. Эътиқодли зардуштий бутун умри давомида ушбу белбоғни боғлаб, сидрапўшни кийиб юрган, фақатгина ҳар бир ибодатдан олдин ечиб кўйиб, қайта боғлаган.

Зардуштийлар белбоғ боғлашларининг рамзий маъноси юз йиллар мобайнида шаклланган бўлиб, 12 толадан иборат 6 та ип ришта, жами 72 та толали белбоғ “Авесто”нинг муҳим қисми бўлган 72 та отлари, 12 ой ва йил маздапарастлар нишонлайдиган 6 та диний байрамга нишонадир ва уларнинг рамзий белгисидир. Бу ўринда уч марта белбоғни боғлаш зардуштийларнинг уч қисмли этикаси (эзгу сўз, эзгу фикр, эзгу амал) билдирган [9.].

Белни боғлаб юриш жуда қадимдан қолган одат ҳисобланади. Марказий Осиё, шу жумладан Ўзбекистоннинг турли худудларида ўтказилган археологик қазишмалар вақтида топилган хилма-хил ёдгорликлар бу фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Улар орасида деворга солинган расмларда белини боғлаган эркаклар тасвири кўп учрайди. Жумладан Сурхондарё воҳаси ёдгорлиги Болаликтепадаги деворий суратларнинг бирида бели боғланган

эркак киши қандайдир маросимни ўтказаетганлиги тасвирланган [10.]

“Авесто” даврида ўспиринлар фақат 15 ёшга тўлгандан кейин 72 рангли ишлардан тўқилган белбоғ билан боғланган белларини ўраш ва ўзларини яхшилик йўлига бахшида этиш ҳуқуқига эга бўлганлар. “Видеват”нинг 18-фаргарди 19 бандида таъкидланади:...”Ўрнингдан кўзғал. Белингни сиқиб боғла. Енгил бош кий. Қўлларингни ювгил, сўнгра мени ҳузуримга ошиқ!... [11.]

Ўзбекистонда зардуштийлар “Сидрапўшлик” удумининг ўзига хос ўз излари сақланган Масалан, XX аср биринчи чорагида эркакларнинг оқ яктак кийиб, белларига белбоғ боғлаши, бошига салла ўраши расм эди. Белбоғ ва салла ўраш болаликдан ўсмирликка ўтган даврида бажарилган. Белбоғ доимо уч тугун килиб, маҳкам боғланган.

Халкимизда меҳмонларга белбоғ кўйиш, куёвга тўн, дўппи кийдириб, белига белбоғ боғлаш удуми мавжуд. Бу сидрапўшлик маросимини ўзгаришларга учраган шакли ҳисобланади.

Сидра яктак пахтадан тайёрланиб, оқ рангда бўлган, чунки оқ кийим зардуштийлар рамзи ҳисобланган, 15 ёшли ўсмирга сурп кийдириб, "бел боғлаш" маросими ўтказилган. Бола бундан кейин ўсмирликдан йигитлик даврига ўтган.

Эркаклар ўртасида белбоғни ибодатдан олдин, таҳорат қилинаётган вақтда ечилиши ва бир кунда беш марта бўшатилиши каби ҳолатлар зардуштийлар удуми билан боғлиқдир.

Хитойдаги Тан ва Сун салтанатлари даврида фуқароларнинг белбоғ боғлашлари давлат томонидан аниқ ва қатъий белгилаб кўйилган эди. Хитойликларнинг белбоғлари ранги матоси, материали ва безаклари турли даражадаги одамлар орасидаги ўзаро фарқли жиҳатларини англатган.

Мазкур мамлакатда ҳар бир гуруҳ ва табақанинг маълум ранг ва шаклдаги камари бўлган. Масалан 1-2 даражали давлат раҳбарларига олтин қопламали, 3-6 даражали шахсларга каркидон суяги, 7-9 даражадагига кумуш, оддий фуқароларга эса темир

камар тақиш ҳуқуқи берилган.

Туркий халқларда ҳам қадимдан белбоғ анъанавий миллий кийимнинг бир қисмини ташкил этиши билан бирга жамиятда тутган мавқеини ҳам билдириб турган. Кишининг белидаги белбоғига асосланиб, уни қанча маблағи ва мол-мулк эгаси эканлигини англаш ҳам мумкин бўлган. Белидаги белбоғини кўплиги шахс мол-дунёсининг кўплигидан нишона берган.

Аждодларимиз жуда қадим замонлардан бошлаб, ўзларининг ишга хизматга тайёр эканликларини белбоғ орқали изҳор қилишган. Ҳозирда ҳам бирор тўй маросими ўтказилаётган бўлса қариндош-уруғ, ёру биродар, кўни-қўшнилар “Эй, тўй бўлсин, белимизни маҳкам боғлаб хизмат қиламиз!” дейишади. Устоз шогирдига мустақил иш бошлашга фатво бераётганида ҳам шогирди белига белбоғ боғлаган.

Сарой аҳллари хизматда юрганларида белига камар тақишган, хон, амир, султон, ҳоқимлар кийими, тўни устидан камар боғлашмаган. Аммо уларнинг хизматида бўлган сарой амалдорларининг ҳаммаси камар тақишган. Белбоғни турли ҳолатларда ҳар хил боғлашган, албатта.

Тўн (чопон) тугмаланмайдиган бўлгани учун юрганда, юмуш бажараётганда халақит бермаслиги учун белбоғ ичкаридан чопон устидан, тўн ёки чопон ўзи кийилганида яктак устидан боғланган. Энг кўп тарқалган чорси белбоғ квадрат шаклида гулдор, нақшдор қилиб тикилган.

Фўта жуда узун бўлиб, белга бир неча марта ўраб боғланган. Айрим ҳолларда белбоғ устидан чорси ҳам боғлаб юрилган. Ҳатто бир йўла бир нечта белбоғ боғлаш ҳоллари ҳам кўп учрайди. Белбоғ боғлаш урф-одатлари ҳам анчагина кўп. Масалан, никоҳ куни куёвга чорси билан бир нечта белбоғ боғланади. Эртаси куни “Келин салом” вақтида эса белбоғ ечилган.

Халқимизда “Белбоғи бор эр йигитнинг бели бақувват бўлади”, “Белдаги белбоғ бўшашмасин” каби ибораларни тез-тез эшитиш мумкин. Чунки, белбоғ азал-азалдан мардлик, орият,

жасурлик тимсолига айланган. Эр йигитнинг мардлиги белидаги белбоғига қараб белгиланган. Ҳатто миллий курашларимиздан бирининг “Белбоғли кураш” деб аталиши ҳам бежиз эмас, албатта. Шунингдек каратэчилар орасида ҳам “Қора белбоғ” соҳибларини учратамиз.

Йигитлик ёшига қадам қўйган ўсмирларнинг белига отаси ёки тоғаси “Илоҳим, белинг бақувват бўлсин” деган яхши ният билан шойи белбоғ боғлашда ҳам ана шу маъно ётади. Юкорида таъкидланганидек, “Авесто”да ўсмир 15 ёшга тўлганида махсус “Белбоғ боғлаш” маросими ўтказилганлиги ҳақида маълумот берилган. Бу эса белбоғ билан алоқадор удумларнинг тарихи ғоят қадимийлигини тўла исботлайди.

Белбоғ-белқарс йигитлик рамзи. Аёллар рўмоли каби эркаклар белбоғи ҳам тарихий асосларга қўра жинсларни фарқлаш учун ҳизмат қилади. Даврлар ўтиши билан белбоғ тимсолининг рамзий маъноси кенгайиб бойлик, давлат тушунчаларини ҳам англатган. Ўзбек белбоғлари амалий маросимий аҳамиятга эга. Эркаклар ва аёллар аза ва тўйларда бел боғлашлари маросимий аҳамият касб этади. Хотин-қизлар йигитлар ва эрлари учун турли эътиқод ва иримлар билан белбоғ тикканларки, бу белбоғнинг афсунгарлик, ишонч рамзи эканлигини никоҳ маросимларидаги, “Белбоғ боғлаш” маросими тўла тасдиқлайди.

Белбоғ азалдан йигит куч-қудрат, бой-бадавлатлик ва хотиржамлик тимсоли саналиб келингани сабабли никоҳ туйи расм-русумларида ҳам рамзий моҳиятига алоҳида эътибор қаратилади. Куёвга аталган бўҳча чопон, дўппи, белбоғ ва рўмолчанинг мавжуд бўлиши куёвнинг зиммасига катта масъулият юклаши, бир рўзғорнинг бошлиғи бўлганига ҳам ишорадир.

Белбоғ билан боғлиқ кўплаб халқ удум ва анъаналари мавжуд. Чунки, белбоғ халқимиз руҳиятига ниҳоятда сингишиб кетганлиги сабабли ҳатто белбоғига қараб кишининг мақсадини билиши мумкин бўлган. XIX аср бошларида қуйи Қашқадарёдаги Жейнов

қишлоғи араблари орасида рўмол шаклидаги белбоғлардан эмас, балки узунлиги 3-4 метрдан бир неча марта ўралувчи вазракамардан фойдаланилган [12.]

Жейновлик араблар (эркаклар)да белни боғлаб юриш одати мавжуд. Белбоғ, белқарс (кўпинча қарс ҳам дейилади). Тун яктаҳия ёки камзул устидан боғланган. Қарслар оддий газмоллардан сатин рўмол шаклида тўртбурчак шаклида тикилган. Бундан ташқари нафис матолардан ипакдан ғоят гўзал қилиб четларига кашта тикиб безалган белқарслар урфда бўлган.

Бундай белқарслар ёш йигитларга, айниқса куёвларга ярашиб туради. Кекса араблар қарс эмас, аксинча узун матодан тикилган, "қушоқ" (вазра)ни белларига уч-тўрт бор айлантириб боғлаб юришни хуш кўрганлар. Далада, совуқ кунларида ишлайдиган араблар эса жундан ёки тивитдан қилинган кўшоқ, (фўта)ни боғлаганлар. Фўталар кулранг кўринишда бўлиб, араблардан ташқари Қашқадарё воҳасининг бошқа аҳолиси ва юкори Зарафшон тожиклари орасида кенг расм бўлган [13.].

Жейновлик эркаклар тўйга борганида узун ок сурпдан тикилган кўйлак, куёвлар эса рангин кўйлак, йўл-йўл пахта матодан тикилган иштон, олача ёки беқасам тўни остидан яктак (ок рангда), шойи, атлас белқарслар келин томонидан тикилган кўшоқ белбоғларни боғлаб хушбичим кийинишган [14.]

Қашқадарё воҳасида белбоғни, белқарс, белбок, кийик, миёнбард, рўпакча деб ҳам номлашади. Воҳада белбоғнинг "Қўш белбоғ", "Куёв белбоғ", "Тўй белбоғ", "Маърака белбоғ" каби турлари мавжуд. Ўз навбатида, воҳанинг айрим туманларида белбоғ билан белқарснинг маълум фаркли жиҳатлари ҳам бўлган. Жумладан, Яккабоғ ва Деҳқонобод туманларида эркакларнинг белларига боғлайдиган оддий ва кашталанмаган қимматбаҳо мато бўлаги эса белқарс деб номланади [15.].

Қашқадарё воҳасида белқарсга куёв белқарсига гуллар, шохлар, кашта билан тикилган, четларида темир халкача-жомчалар ва турли кичик мунчоклар осилиб туради. Воҳада тўрт

томони кашталанган безакли белбоғлар ҳам тикилади. Баъзан газламани ўртасидан бўлмасдан ҳам белбоғ тикадилар ва бундай белбоғлар “кўш қийиқ” дейилади. Воҳада чит, сатин, бўз ва бошқа матолардан белбоғ тикилган. Чорвадор аҳоли орасида тери ва жундан тўқилган шол белбоғ, фўта белбоғ, матри белбоғ ҳам мавжуд бўлган. Воҳада белбоғнинг рангига ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, кекса ёшли одамлар оқ ва кўк рангдаги, ёшлар эса кўпинча қизил, баъзида тўқ қизил ҳамда сариқ рангдаги белбоғ боғлаганлар.

XX асрнинг 30-йилларида белбоғ боғлаш анъанаси воҳадаги эркакларнинг кундалик турмуш тарзидан чиқа бошлаган. Лекин қишлоқларда белбоғ боғлаш одати узоқ муддат сакланиб қолган ва ҳозирда ҳам кекса ёшли одамлар тўнларининг ичидан белбоғ боғлаб юрадилар.

Эркаклар кийимининг устки қисмларидан бири бўлган белбоғ одамлар кундалик ҳаётда доимо яктак ва тўн устидан белбоғ боғлаб юришга одатланилган. Эркакларнинг белбоғ боғлаб юриши ўзига хос рамзий маънони ҳам англатган. Жумладан, Қашқадарё воҳасида бўйинга осилиб, учлари кўкракка туширилган белбоғ ўзига хос ғам-қайғуни ва бу беҳаловат дунёдан воз кечишини ҳам англатган. Тошкент шаҳри ва Тошкент воҳасида белбоғ боғлаш азадорлик тимсоли ҳисобланган. Қолаверса, қадимда белни боғлаш қандайдир хизматга тайёр эканлигини ҳам билдирган.

Қашқадарё вилоятидаги Яккабоғ тумани аҳолиси удумига кўра, куёв томонидан қизга совчи юборилаётганда йигитнинг бобоси ёки отаси гапдон, пухта совчиларнинг белига белбоғни қаттиқ боғлайдида, унга: “Қиз отасини бўшаштирмасдан қайтма” деб жўнатади. Қиз хонадонига борган совчи ўтириб гап бошлаш асносида белидаги белбоғини аста-секин бўшатиб кўяр экан.

Баъзан бу ҳаракатни кўрган қизнинг отаси ё онаси ҳижолатга тушиб, ўнгайсизланган. Куёв ўзларига ҳам маъқул бўлса, розилик беришни чўзиб ўтирмаган. Маҳаллий аҳолининг айтишича, белбоғ ечилса, қиз томон ҳам аста секин бўшашиб, қудалашишга рози

бўлармиш.

Водийдаги удумга кўра, Андижонлик совчилар қиз хонадонига олиб борадиган совға-саломлари орасига битта кичкина оқ тугунча ҳам кўшиб кўядилар. Бу оқ тугунча “Қудалашаётган икки оила орасига совуқлик тушмасин, муносабатлари ҳамиша илиқ, совчиларнинг йўли очик, оқ бўлсин. Йўлдан урувчи кишилар ниятига етмасин” деган мақсадни англатган. Шундан сўнг агарда қиз томон қудалашшига мойил бўлса, совчиларга тўн кийгизилган ва белларига белбоғ боғланган.

Куёв томон эса совчиликдан қайтган кишилардан “Бўрими, тулкими?” деб савол берганлар. Агар совчиларнинг иши ўнгидан келган бўлса бўри” деб жавоб қайтарган ва бўлажак куёвнинг отаси ёки бобоси совчининг белига белбоғ боғлаб, миннатдорчилик билдирган. Қиз болага ёшлигидан белбоғ тикиш ўргатилиб, унинг сепига кўпроқ белбоғ солинган. Бу белбоғлар никоҳ тўйидан кейинги маросимларда ҳам ишлатилган. Келин кўргани келган эркакларга ҳам белбоғ қўйилган.

Никоҳ тўйидаги “Йўл тўсиш”, “Боқон солиш” удумига ҳам белбоғ берилган. Чунончи, йигитлар ёш яланглар, болалар, келинни олиб келаётган улов ўтадиган йўлга чиқишган ва икки йигит белбоғнинг икки учидан тутганча “йўлни тўсишган” Келиннинг ёнида келаётган янгалари йўл тўсувчиларга пул, рўмолча ёки белбоғ беришган. “Келин-куёв бахтли бўлишсин” деб тилак билдириб, сўнгра унга йўл очилган. Мазкур удум Қашқадарё воҳасида “пўта”, “пўта тутиш”, “хон таёқ”, “арқон тутиш”, “таёқ ушлаш”, Самарқанд воҳасида боқон”, “арқон тутиш” ўйинлар [16.]. Бу анъана ўзбек қаҳрамонлик достони “Алпомиш”да ҳам ёрқин тасвирланган.

Ўтмишда Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги айрим маҳалла, қишлоқларда никоҳ тўйида тортишмачок удуми ўтказилган. Удумга кўра, куёвни чимилдиққа киргизиб қўйиб, кейин қизнинг чодирини (яъни палак, кўрпа, тагдўзи) билан бирга кўтариб уйга олиб кириб, бир томонда қиз тараф, иккинчи томонда йигит тараф

турган. Ёш, соғлом, кучли жувонлардан бири белига белбоғ боғлаб ўртага тушганда, қиз-жувонлар қийқириб тортишган. Охири, бир томон ғолиб чиқиб енгган. Куёв йўл очилгандан сўнг қизни кўтариб, чимилдикқа олиб кириб кетган.

Тошкент вилоятининг Пискент туманидаги одатга кўра, куёвнинг белбоғини куёв жўралар талашиб-тортишиб, йиртишга уринишади. Чаққон куёв жўралар энг биринчилардан белбоғни йиртишга интиладилар. Йиртилган белбоғ энг олғир куёв жўрага берилган. Бунинг замирида “Биз ҳам куёв бўлайлик” деган эзгу ният маъно мужассамдир.

Жиззах вилоятининг Зомин, Бахмал, Фориш туманларида никоҳ маросимларида чимилдикқа келин-куёв киргизилаётганда келин сепидан рўмолча олиниб, куёв жўралар ва болаларга тарқатилган. Болалар келиннинг чеварлигини билгандан сўнг қийқиришиб, бахт тилашган.

Анъанага кўра, белбоғ куёвликнинг асосий белгиси саналади. Замонавийлик қанчалик ҳаётимизга сингиб бораётган бўлсада, барибир куёвни белбоғсиз асло тасаввур этиб бўлмайди албатта.

Атоқли ёзувчи Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида Отабекнинг никоҳ кундаги либослари моҳирона тасвирланган: “Бошида симоби, шойи салла, устида қора, мовут сирилган сувсар пўстин, ичида ўзининг Шомайда тиктирилган осмони ранг мовут камзул, мовут шим, оёғида қора пойафзали, белида Кумушбибининг уста қўли билан тикилган шойи қийиқ...» [17.].

Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Наманган, Андижон вилоятларида куёвнинг бош оёқ сарпоси билан бирга келиннинг ўз қўли билан йўрмаланган белбоғи бўлган. Жиззах вилоятининг Зомин туманида келин белқарсга ғазал битиб йўрмалаган. Бухоро воҳасида куёвлар парча белбоғ боғлашади [18.].

Ўзбекистонинг баъзи минтақаларида вояга етган қиз хонадонининг йигитга белбоғ бериш удуми мавжуд. Бу қизнинг йигитга унаштирилганлиги, яъни боши боғланганлигини

англатади. Белбоғ бериш билан боғлиқ анъана “Белбоғ” бадий филмида ишонарли тарзда тасвирланган.

Маълумки, Шарқ аёлларининг муҳаббати пинҳонийлиги билан суюклидир. Аждодларимиз ўз муҳаббатларини юракларининг тубида асрашлари билан турли рамзлар орқали қалб кечинмаларини аён қилишган ва у қизнинг муҳаббати нишонаси хисобланган. Бундай белбоғлар учун асл, сара матолар танлаб олинган. Турли безаклар, гуллар билан безатилган белбоғларга ишк-муҳаббат, меҳр, самимият, садоқатни тараннум этувчи гўзал ишқий байтлар ҳам нақшлар воситасида битилган.

Сайил-томошалар, Наврўз байрами, Рўза ва Қурбон ҳайитлари, бошқа тантаналар севишган ёшлар бир-бирларига турли совға-саломлар йўллашган ва улар орасида айнан нақш солинган белбоғлар икки ёшнинг турмуш куриб бирбирларига етишишга йўл очган. Йигитлар ёш болалар орқали ўзлари кўнгил қўйган қизларга турли ширинликлар, рўмол ва бошқа ҳадялар юбориб, ошиқлигини билдиришган, қизлар эса янгалари орқали унаштирилган йигитига дўппи ва белбоғ (белқарс) тақдим этишган.

Хотин-қизларнинг йигитлари ва эрлари учун турли инон иримларга асосланиб белбоғ тикканлари белбоғнинг афсунгарлик вазифасини белгилайди. Буни никоҳ маросимидаги “Белбоғ боғлаш” маросимини тўла исботлайди. Қашқадарё воҳасида куёвни никоҳ кунини тоғаси ёки амакиси тўн, дўппи, белига белбоғ боғлайди.

Этнолог А.Ашировнинг ёзишича, Фарғона водийсидаги никоҳ тўйи тантаналари ўтказиладиган кун куёвнинг яқин дўстлари билан куёвникига “Куёв навкар”га борган. “Куёв навкар”га маҳсус зиёфатдан сўнг куёв ёки иккита яқин дўсти ва келиннинг янгалари иштирокида “Белбоғ боғлаш” маросими ўтказилган.

Куёв жўралар келин оиласи томонидан тикилган белбоғларни куёвнинг белига боғлаганлар. Бу жараёнда куёв жўралар белбоғ тугунининг мустаҳкамлигини сақлашга ҳаракат қилишган. Қаттик

тугун мустаҳкамлик тимсоли сифатида куёвнинг бели бақувват эканлигига ишорадир. Ўзбекларда тугун магиясига ишонч жуда кучли бўлган. Аслида тугун йўл боғлиқлиги, чигаллик ва ноиложлик белгисидир. Тугунларнинг ечишга, висолга етишиш, мушкул аҳволдан халос бўлишнинг афсунгарлик воситаси деб қаралган[19.].

Сурхондарё воҳасида ҳам қиз бўлажак ёрига атаб, чопон, белбоғ, дўппи тиккан. Бу либослар тўй куни куёв қизни уйига олиб кетиш учун келганида ўтказиладиган "Куёв кийинтирар" удуми пайтида куёвга кийгизилган ва белбоғ боғланган.

Хоразм воҳаси никоҳ тўйларида "Белбоғ ечар" деб аталувчи ўзига хос ажойиб удум бўлган. Белбоғ қадимдан эркак кучи, қудрати ва баҳодирлигининг тимсоли ҳисобланганлиги учун ҳам куёв йигитнинг белига боғлаётганда қаттиқ қисиб тугилган. Бу куёвнинг оила бошлиғи, яъни эр бўлганлиги, унинг кучкуввати ёмон суқ-назардан ҳимояланганлигига ишорадир. Удумга кўра, куёв белбоғи тўй куни янгалар томонидан ечилган.

Ечиш мушкул бўлсин деб ҳам куёв жўралар белбоғини маҳкам боғлаганлар. "Белбоғ ечар" удуми келин билан куёвнинг ҳаёт йўли боғлансин, кийинчиликлар бартараф бўлсин, барча тугунлар ечилсин, деган рамзий маънони англатган. Янгаларнинг сўзга чечани, уддабуруни ва чакқонроғи куёвнинг белбоғини ечган ва жўровозликда қўшиқ айтишган.

Агар йигит жўралардан бирор киши "Келин кўрди"га келса белбоғ қўйилган. Одатда бирон хушхабарни етказган кишига суюнчи сифатида ҳам белбоғ берилган.

Қашқадарё воҳасида дафн-таъзия маросимида яқин қариндош аёллар агар эркаги вафот этса белбоғ, аёл вафот этса матодан белбоғ боғлашган. Марҳумнинг яқин эраакларига жаноза куни улуғ сифат рангдаги-матодан қийиқча, белбоғ берилган. Эркаклар белбоғини бўйинларига ташлаб, бошларини ўраб, четларини кўкракларига туширишган. Азадор аёллар то мотам либосини ташлагунча бирор жойга таъзияга боришса белини боғлаб, давра

(садр)га тушишган.

Азадор эркаклар оҳорли-янги тўн, қалпоқ кийиб, белларига белбоғ боғлашади, қўлларига эса даструмом бўлади. Улар марҳумнинг етти, йигирма, қирк, йил маросимлари ўтказилганда ҳам шу либосда бўлишади. Шунингдек эркаклар Рўза ва Қурбон ҳайитларида ҳам шундай кийинишади ҳамда белларига белбоғ боғлайдилар. Марҳумнинг еттиси куни охирида азадорлар белбоғини ечишган.

Элшунос олим Қ.Насриддиновнинг ёзишича ёш йигит вафот этса унинг хотини тўнини кийиб, белини боғлаган. Азадор аёллар белларига белбоғни ходим ёки бибиҳалифа аёллар боғлашган. Аммо Деҳқонобод туманида азадор аёлларнинг белбоғ боғлаш одати мавжуд эмас [20.]

Халқимизда "Бели боғлиқнинг дили боғлиқ" ибораси мавжуд. Бунинг маъноси шуки, халқимиз удумига кўра яқинларидан бирор киши вафот этса белларини боғлайдиларки, бу мотам аломати, таъзия белгиси ҳисобланади. Азадорларга ҳазил мутойибалар билан эмас балки улар кўнглини очиш, тасалли бериш лозим [21.].

Фарғонача кураш беллашуви, асосан белбоғ орқали амалга оширилади. Беллашувда полвонлар белбоғини маҳкам боғланишида баковул назорат қилиб борган. Агар белбоғ бўшаб қолса ёки ечилиб кетса беллашув дарҳол тўхтатилган ва белбоғ яна қайта боғлаб қўйилган. Шунингдек эркаклар сафарда белбоғидан чўнтак, носқовоқ ўрашда, сочик, намоз ўқиш учун жойнамоз сифатида фойдаланишган. Хонадонда уста ишласа унга кўйлак ҳамда белбоғ берилган, ҳашарда қатнашганларга ҳам белбоғ қўйилган. Фарғона водийсида эркаклар белбоғини тўн устидан боғлашади, баъзан дўппи устидан боғланиб устидан қийиқча сифатида фойдаланишади. Кексалар уйқу олтидан бошига белбоғ ўрашади.

Миллий либосларимиз туркий ва Шарқ халқларининг қадимги маданияти салмоқли ўз ўрни ва аҳамиятига эга. Хусусан, белбоғнинг пайдо бўлиши жуда кўп ривоят ва анъаналар билан

боғлиқ халқ мақоллари ҳам анча бисёр. Айнан ўзбек фольклорида – ўлан ва айтишувларда қаҳрамон ёки ошиқ йигит кўп ҳолларда белбоғ билан тасвирланганлиги бежиз эмас, албатта.

“Белида белбоғи бор” тушунчаси йигитнинг балоғат ёшига етганини билдиради. Белбоғ – ошиқлик, бардамлик, қаҳрамонлик, муайян мушкул вазифа, қийин ишларни зиммасига олиш рамзларини ифодалаган.

Афсуски, ҳозирги вақтда белбоғ боғлаш кўпинча сахнавий кўринишларда ёки тўй ва дафн-таъзия маросимларидагина сақланмоқда. Белбоғ боғлаш, асосан эркакларга хос бўлиб, уни фақат муайян бир маросим, масалан, тўй ёки азада эмас, бошқа пайтларда ҳам доимо боғлаб юриш фойдадан холи эмас, албатта.

Белбоғ белга боғланишдан ташқари, айрим нарсаларни бир-бирига боғлаш, масалан, нон, қанд-курс ва бошқа егуликларни туғиб олишда ҳам ишлатилган. Баъзи ҳудудларда бу удум ҳалигача сақланиб қолган. Қанд-курсни қийиқчага туғиб, қудалар томонидан келин ёки куёвга юборилиши келгусида тўкин-сочин, бахтли, ширин умргузаронлик қилишга ҳам бир ишора дейиш мумкин.

Тиббиёт нуқтаи назаридан бел кисми инсон организмидаги энг асосий таянч нуқта ҳисобланади. Барча ҳаётий кучлар-энергия бел кисмдан тақсимланганлиги учун донишманд аждодларимиз белбоғини доимо белидан маҳкам боғлаб юришганлиги бежиз эмас.

Бел сиқиб боғланганда инсон ўзини анча бардам тута бошлайди. Чунончи оғир атлетика билан шуғулланувчи спортчилар ҳам ўзига хос белбоғ боғлашади. Қадимий анъанага кўра, белбокқа – ёвуз кучлардан асраш воситаси деб ҳам қаралган. Бел боғланган кишининг танаси ташқи кучлар таъсиридан магик доира воситасида ҳимоя қобиғи ҳосил қилади. Шунинг учун белбоғи бор кишига суқ назар ёки ёвуз кучлар асло таъсир кўрсатолмайди, деб ишонилган. Бурун аёлларнинг кўзи ёриганда чақалоқ атрофини белбоғ билан айлантириб ўраб қўйиш

одатининг замири ҳам ана шу эътиқод билан боғлиқ дейиш мумкин.

Хулоса қиладиган бўлсак, орият, куч-қувват ва мардлик тимсоли сифатида йигитларнинг ғурурининг рамзи бўлиб келган. Шундай экан, ўз юртининг ҳар бир қарич тупроғини муқаддас билган, оила кўрғонини ҳимоя қилган ҳар бир йигит белида албатта белбоғи бўлиши лозим. “Белида белбоғи бўлсин йигитнинг” деган халқ ибораси бежизга айтилмаган. Шу боисдан ҳам халқимизнинг белбоғ билан азалий анъаналари ва удумларини ўрганиш ҳамда ёшларга етказиш ҳозирги даврда ниҳоятда долзарб бўлиб турибди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-ж. –Т.: ЎЗМЭ ДИН, 2000. Б.685
2. Маҳмуд Қошғарий. Девону луғатит турк. 1-ж. –Т., 1960. Б.43
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-ж. –Т., 2006. Б. 220
4. Н. Мирзаев. Ўзбек этнографизмларининг изоҳли луғати. – Т., 1991. Б.75
5. Бу ҳақда батафсил қаранг: С.Давлатова. Ўзбек кийимлари атамалари изоҳли луғати. –Т., 2017. Б. 39-41
6. Навоий асарлари учун қисқача луғат. –Т., 1993. Б.169
7. “Бобурнома ” учун қисқача изоҳли луғат. -Андижон, 2000. Б.187
8. “Авесто”, А.Маҳкам таржимаси. –Т., 2001. Б.317
9. А.Аширов. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. –Т., 2007.Б.62
10. Альбаум Л.И.Балаликтепа.Т.,1960.с.128
11. Т.Маҳмудов. “Авесто” ҳақида Т.:“Шарк”, 2000.Б.21
12. С.Давлатова. Қашқадарё миллий кийимлари анъанавийлик ва замонавийлик -Т.,2006.Б. 19
13. Р.Ражабов. Ўзбекистон араблари тарихи ва этнографияси - Т.,2012.Б.327-328

14. Шу асар.Б.330-331
15. С.Давлатова. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик .Б.18
16. Ҳ.Исмоилов. Ўзбек тўйлари. –Т., 1992, Б.172
17. Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. –Т.,1974. Б.59
18. Г.Мардонова. Уй тўла нур –Т., 1992.Б.43
19. А.Аширов. Кўрсатилган асар.Б.63-64
20. Қ.Насриддинов, Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари.-Т., 1996.Б.36
21. Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедов. Маънолар махзани. -Т., 2001.Б.30-31

ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИДА ҲОКИМИЯТ РАМЗЛАРИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ахрорбек Азизов Аъзамжонович -
ЎзРФА Тарих институти кичик илмий ходими

Давлат рамзи қадимдан турли халқлар ва давлатларнинг асосий белгиларидан бири сифатида вужудга келган. Уларда ушбу халқ диний қарашлари, тарихи, мифологияси, мақсадлари ифода этилган. Рамзлар давлатнинг мавжуд-лигини тасдиқловчи махсус белгилар бўлиб, бошқа халқлар томонидан унинг тан олинишида муҳим аҳамият касб этган.

Дунё халқлари тарихини қадимдан бугунги кунга қадар таҳлил қиладиган бўлсак, мавжуд бўлган давлатларнинг маълум бир белгиси, рамзи бўлган. Тарихда мавжуд бўлган кўплаб қадимий ва ҳозирги кундаги давлатлар рамзлари сифатида турли ҳайвонларни тасвирлаганликларини кузатиш мумкин. Қадимдан ҳайвонот олами инсон турмуш тарзи ва олам тўғрисидаги тасаввурларининг муҳим манбаси бўлиб келган. Уларга нисбатан ижобий ва салбий муносабат айнан ушбу омиллар туфайли шаклланган ҳамда

замонлар ўтиб маълум ўзгаришларга учраган.

Дунёдаги турли халқлар хотирасида бугунга қадар ҳайвонот оламига нисбатан ўзига хос қараш ҳукмрон бўлиб, улар сиёсий аҳамият касб этган. Сиёсий даражада тасаввурга эга бўлган жониворлар тасвирлари деворий суратларда, тамгаларда, давлат байроқларида ва ҳунармандчилик буюмларида гавдалантирилган.

Ўзбек халқи давлатчилигида аҳамият касб этган жониворларнинг тасвирлари ҳам қадимий манзилгоҳларда, тангаларда, идишларда сақланиб қолган. Айниқса, илк ўрта асрларда ҳайвонлар суратидан сиёсий мақсадда кенг фойдаланилган ва бизгача археологик топилмалар сифатида етиб келган.

Ҳайвонлар суратидан фойдаланиш тарихий илдизлари анча қадимга бориб тақалсада, ушбу даврда ўзининг санъат ва сиёсат нуқтаи назаридан юқори даражасига чиқди. Улар маълум бир ҳудуд, халқ ёки сиёсий тузилманинг ташриф қоғозига айланган.

Илк ўрта асрлардаги аждодларимиз томонидан сиёсий тамға сифатида қатор жониворлар суратлари ишлатилган. Улар: бўри, қўчқор, тоғ эчкиси, барс, арслон, бургут, туя, от ва бошқа жониворлар. Улардан айримлари тотем (аждод) жонивор бўлган бўлса, айримлари диний аҳамият (зардуштийлик пантеонида алоҳида аҳамият) касб этган.

Умуман туркий қабилалар ижтимоий ҳамда сиёсий ҳаётида жониворлар билан боғлиқ тасаввурлар ўрни салмоқли бўлган. Айниқса, Турк хоқонлиги даврида тотем жониворнинг ўрни беқиёс бўлган. Бўри эмизиб сақлаб қолган шахзода Кунмак (Кунмуо) тўғрисидаги ривоят нафақат туркий халқлар, балки, хитойликлар орасида ҳам машҳур бўлган⁷³. Натижада бўрини илоҳийлаштириш, ундан дастлаб уруғ рамзи сифатида, кейинчалик давлат рамзи сифатида фойдаланилган. Бундай афсоналар кейинчалик сиёсий тус олган ва дастлаб маълум бир қабиланинг, кейинчалик ҳудуднинг ёки давлатнинг рамзига

⁷³ Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар. Ф., Фарғона, 2013. Б. 43.

айланган. Ёки уларнинг рамз сифатидаги аҳамияти турли афсона ва ривоятлар билан янада мустаҳкамланган.

Хоқонликдаги етакчи қабилалардан бири “Ашина” нинг маъноси бўрини англатган⁷⁴. “*Аша*”, “*ашин*” сўзлари туркий-ларда бўрини англатган⁷⁵. Умуман туркийлар ўзларининг келиб чиқишини шахзода ва она бўрига тақаганлар. Шунинг учун ҳам “турк хони” ва “бўри” тушунчалари синоним ҳисобланган. Турк байроқларида бўрининг олтин боши бўлган⁷⁶. Кўк бўри образи қозоқ байроқларида ҳам ишлатилган⁷⁷. Бундай байроқлар билан жангга кириш маълум даражада дунманлар орасида саросимага олиб келганлиги ҳусусида манбаларда маълумотлар қайд этилган.

Қадимги турк асотирларида бўри, рангига кўра, Кўк бўри, Оқ бўри, Қизил Бўри деб аталган. У турк асотирларида Бўри, Бўрта, Бўржу, Оссано, Сино, Жино, Жина, Жину, Яшқар, Қашқир, қурт номлари билан юритилади⁷⁸.

Муҳрлар ва тамғаларда тотем жонивор ёки ижтимоий табақани белгиловчи ҳайвонлар сурати учрайди. Ҳусусан, Ўрта Осиё ҳудудидан топилган илк муҳрларда аждар, лочин, илон, от, ҳумо, кийик тасвирлари туширилгани аниқланган⁷⁹.

Туркий халқларда кенг тарқалган тамғалар жониворлар билан боғлиқ тасаввур кўринишларидан бири ҳисобланади. Ушбу тамғаларда ҳам асосан жониворлар тасвири мавжуд бўлган. Дастлаб чорва ва йилқини бир-биридан ажратиб олиш учун жорий қилинган тамғалар кейинчалик маълум қабиланинг сиёсий белгиси – туғига айланади⁸⁰.

Баъзи туркий қабилаларда насл қолдирувчи жониворни

⁷⁴ Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. Т., Фан, 2007. Б. 27.

⁷⁵ Йўлдошев М., Йўлдошева С. Қадимий манбаларда умумтуркий сўзлар. // *Moziydan sado*. 1(45) 2010. Б. 18.

⁷⁶ Гумилев Л.Н. Қадимги турклар Б. 28.

⁷⁷ Рысбаева Г.К. Верования и обычаи, связанные с тотемом животных. // *НАУКА И НОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ* № 7, 2012. С. 267.

⁷⁸ Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Т., Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. Б. 15.

⁷⁹ Ботиров И. Илк давлатчилик муҳрлари. // *Moziydan sado*. 4.(60). 2013. Б. 2.

⁸⁰ Страны и народы востока. Средняя и Центральная Азия. География, Этнография, История. Книга 2. М., Наука, 1980. С. 92.

ажралиб туриши учун ҳам тамға босилган. Бу орқали уни хўжалик мақсадида сўйилиши ёхуд оғир ишларга ишлатилиши олди олинган⁸¹. Тамға-белгилардан турли мақсадларда фойдаланилган ва улардан бири таъқиқ маъносини ҳам англатган. Масалан, Саян-Олтой ҳудудида истиқомат қилувчи бошқа туркий халқлардан хонгор овчилари қонунига кўра ҳеч ким белгили айикни ўлдириши мумкин бўлмаган. Бундай жониворни ўлган ҳолда учратган овчи ҳам вафот этишига ишонганлар⁸².

Айрим тамғалар эса уруғнинг умумий мулки сифатида характерланган. Яъни жамоавий тамға белги остида мулкка эгалик қилишган⁸³. Бундай тамғалар ҳам асосан маълум бир ҳайвон шаклида бўлган.

Туркий қавмларнинг кейинги даврдаги сиёсий бирлашуви туфайли етакчи қабила тамғаси давлат рамзига айланади. Бундай белгиларнинг дастлабкилари Ўрхун-Энасой битик-тошида ҳам учрайди. Белгилар асосан буқа, эчки ҳамда кийикнинг пиктографик кўринишидан иборат бўлган⁸⁴.

Маҳмуд Қошғарий ўғуз қабилаларининг уруғлари тамғаларини йигирмадан ортиқ бўлганини қайд этган⁸⁵.

Ҳусусан, етакчи Ашина уруғининг тамғаси “*тоғ эчкиси*” бўлган. Ю. Зуев фикрига кўра эса Хитой манбаларида Ашина тамғаси қарға шаклида бўлган⁸⁶. Туркийларнинг пайдо бўлиши ҳусусидаги афсонада шаҳзодага дастлаб қарға ғамхўрлик қилгани ҳикоя қилинади. Шунинг учун ҳам туркийларда бўри, кийик билан биргаликда қарға ҳам муқаддас саналган ва тамғаларда унинг ҳам сурати ифодаланган.

Туркий халқларда бундай белгилар нафақат чорва моллари

⁸¹ Тюлюш А.Ч. История бытования тамговых знаков у тюрков Саяно-Алтая. // Вестник Томского государственного университета. 2016. № 411. С. 158.

⁸² Тюлюш А.Ч. История бытования тамговых знаков у тюрков Саяно-Алтая С. 159.

⁸³ Масанов Н.Э. Кочевая цивилизация казахов. А-М., Социнвест, Горизонт, 1995. С.163-164.

⁸⁴ Страны и народы востока. Средняя и Центральная Азия. География, Этнография, История. Книга 2. М., Наука, 1980. С. 93.

⁸⁵ Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. I том. Т., Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1960. Б. 89-91.

⁸⁶ Тамги доисламской Центральной Азии. Самарқанд. МИЦАИ, 2019. Б. 353.

ҳамда хужжатларга қўйилган, балки, кейинчалик чолғу асбоблари, идишларга, қуролларга ва бошқа буюмларни безашда ҳам ишлатилган⁸⁷. Бундай безаклар асровчи-тумор ҳусусиятига эга бўлган.

Аждод жонивор эъзозланиб, уларнинг номи ҳам тамға каби асраш ҳусусияти борлигига ишонганлар. Масалан, ўғузларда қадимдан буқага эътиқод мавжуд бўлиб, унинг номини олган уруғ вакиллари ўзида тотем руҳини олиб юришига ишонганлар⁸⁸. Бундай тасаввур шаклланиши асосий омили анимистик қарашларнинг ҳайвонлар билан боғлиқ ишонч тизимига қоришиб кетганлигидир.

Туркий қавмларда ишлатилган тамғалардаги ҳайвонлар асосан қўчқор шохи, эчки, буқа ва қушлар тасвирларини акс эттирган⁸⁹. Улар туркий халқлар тарихини ўрганишда асосий манбалардан бири ҳисобланади⁹⁰. Бугунги кунда ҳам уларнинг излари сақланиб қолган бўлиб, анъанавий хунармандчиликда яққол кўзга ташланади. Улар безак вазифасида ҳамон хизмат қилиб келаётганини кўришимиз мумкин. Ислом дини кириб келиши билан зооморфик безакларидан фақатгина қуш тасвири яхши сақланиб қолган⁹¹. Қолганлари эса исломий безакларга айланган.

Ҳайвон бошли безак шакллардан асосан кулолчилик ва бошқа уй-рўзғор буюмларини ясашда кенг фойдаланилган. Бундай идишлар кўплаб ёдгорликлар қатори Панжикентдан ҳам топилган⁹². Улар зооморфик орнаментлар сингари сақловчи

⁸⁷ Тюлюш А.Ч. История бытования тамговых знаков у тюрков Саяно-Алтая. С. 159.

⁸⁸ Аристов А. Труды по истории и этническому составу тюркских племен. Б., Илим, 2003. С. 187.

⁸⁹ Тюлюш А.Ч. История бытования тамговых знаков у тюрков Саяно-Алтая С. 160.

⁹⁰ Хабижанова Г.Б. Тамги тюркских племен и их отражение в происхождении тюркских этнонимов. // Известия НАН РК. Серия общественных наук. 2010. №2. С. 57.

⁹¹ Гюль Э.Ф. Поливная керамика Узбекистана. // Поливная керамика Средиземноморья и Причерноморья X-XVIII вв. Том 2. Под редакцией С.Г. Бочарова, В. Франсуа, А.Г. Ситдикова. Казань-Кишнев. 2017. С. 783.

⁹² Археология Центральной Азии: архивные материалы. Том I. / Соколовская Л.Ф. Неглазуванная керамика средневекового Самарканда как фактор экономики городского ремесла (по материалам городища Афрасиаб конца VII - начала XIII в.). - Самарканд: МИЦАИ, 2015. С. 62.

характерга эга ҳисобланган. Қовунчи маданиятига таалуқли бўлган қуйма идишларда ҳам безак сифатида тутқичлар кўчқор шохи сифатида ясалган⁹³.

Айрим шаҳарлардан топилган тангаларда ҳайвон ёки бошқа жониворларнинг сурати тамғаларда учрайди. Булар: Нахшаб ҳудудидан топилган тангалардаги тамға аждар ёки илонни билдирган⁹⁴; Самарқанддан топилган тангаларда чаён шакли орнаментли тамғалар бўлган⁹⁵.

Қадимдан ҳайвонлар суратидан безак сифатида фойдаланиш, уларнинг айрим қисмларини ҳунармандчиликда тасвирлаш диний-мифологик асосга кўра шаклланган. Асрлар оша улардан фойдаланиш маълум ўзгаришларга учраган ва санъат даражасига кўтарилган.

Турли даврларда ҳайвонлар суратидан ҳунармандчилик ва бошқа соҳаларда фойдаланиш турлича кечган. Ҳусусан, X асрда энг кенг тарқалган безак жониворларнинг қанотли суратлари ҳисобланади. Уларга ит, бўри, сенмурв каби суратлар киради⁹⁶. Ҳайвон тасвири ҳамда безакларининг Ўрта Осиё ва унга туташ ҳудудлардан топилиши аждодларимиз тасаввурларида жониворга нисбатан шаклланган қарашларни кўрсатади. Зооморфик безаклар учун фигура ёки унинг қисмлари муҳим ҳисобланади. Масалан, бош, панжа, оёқ, тирноқ, шох каби ҳайвон қисмлари ҳам кенг қўлланилган⁹⁷.

Фарғона ҳудудидан тутқичлари тик турган эчки кўринишидаги безак билан ясалган қозон топилган⁹⁸. Бундан ташқари ҳайвон кўринишидаги камарлар туркий халқларда ҳам кенг тарқалган⁹⁹.

⁹³ Археология Центральной Азии: архивные материалы С. 68-69.

⁹⁴ Тамги доисламской Центральной Азии. Самарқанд. МИЦАИ, 2019. Б. 342.

⁹⁵ Тамги доисламской Центральной Азии. Б. 343.

⁹⁶ Азбелев П.П. Древние кыргызы. Очерки истории и археологии. <http://kronk.narod.ru/mono/mono.htm> С. 104.

⁹⁷ Байпаков К.М., Терновая Г.А. О мифологических животных и «зооморфном коде» вселенной по материалам коллекции художественного металла из средневекового города Невакет. // Известия НАН РК. Серия общественных наук. 2006. №1. С. 109.

⁹⁸ Скифо-Сибирский звериный стиль в искусстве народов Евразии. / Ильинская В.А. Современное состояние проблемы скифского звериного стиля. М., Наука, 1976. С. 26.

⁹⁹ Таиров А.Д. Раннесакские боевые пояса. // Российская археология. 2004. №1. С. 143.

Туркийларда ҳайвонларнинг камарда ифодаланиши нафақат тумор, балки, ижтимоий қатламни ҳам билдирган.

Қирғизистон худудидан ҳам зооморфик безакли буюмлар қадимдан мавжуд бўлиб, аждар шаклидаги безакли билакузук Талоснинг Жалатепа кўрғонидаги қабрдан топилган¹⁰⁰. Панжикентдаги Йўлсой қабристонини қабрларининг бирида буғу бош қисми тасвирланган бронза билакузук борлиги аниқланган¹⁰¹. Сирдарёнинг ўрта қисмидан дастасида уч кийик ва қарама-қарши томонда иккита кийик тасвири туширилган ханжар топилган¹⁰².

Фарғонанинг яна бир ёдгорлиги бўлмиш Тўратош қабрларидан тутқичи кўчқор шаклли идишлар топилган¹⁰³. Қоратепадан ҳам шундай дастали идишлар борлиги аниқланган бўлиб, улар кушон ва сосонийлар даврига тегишли ҳисобланади¹⁰⁴. Ҳайвон шаклли тутқич билан ясалган идишларнинг Жанубий Қозоғистон худудидан ҳам топилиши жониворлар билан боғлиқ қарашлар кенг тарқалганлигини кўрсатади¹⁰⁵. Тутқичларда ва безакларда ҳайвон суратининг ишлатилиши уни асровчи сифатидаги магик аҳамиятини кўрсатади.

Қадимги Кува археологик қазишмалари натижасида манзилгоҳда туя ҳайкалчаси борлиги аниқланган. Ўрта Осиёнинг турли худудларида бундай ҳайкалчалардан ташқари деворий суратларда ҳайвонларнинг тасвирлари ҳам учрайди. Хусусан, Панжикетдаги деворий суратлардан бирида хукмдор туя шаклидаги тутқични ушлаб тургани тасвирланган. Бу туянинг давлат рамзи ҳамда эътиқодий аҳамияти бўлганлигини тасдиқлайди¹⁰⁶.

¹⁰⁰ Литвинский Б.А. Украшения из могильников Западной Ферганы. М., Наука, 1973. С. 12.

¹⁰¹ Литвинский Б.А. Украшения из могильников Западной Ферганы. С. 28.

¹⁰² Древние и средневековые кочевники Центральной Азии : сборник научных трудов / отв. ред. А.А. Тишкин. – Барнаул : Азбука, 2008. С. 40.

¹⁰³ Брыкина Г.А. Юго-Западная Фергана в первой половине I тысячелетия нашей эры. М., Наука, 1982. С. 69-70.

¹⁰⁴ Бактрийские древности предварительные сообщения об археологических работах на Юге Узбекистана. Л., Наука, 1976. С. 49.

¹⁰⁵ Байпаков К.М., Подушкин А.Н. Памятники земледельческо-скотоводческой культуры Южного Казахстана. (I тысячелетие н.э.) А., Наука., 1989. С. 58.

¹⁰⁶ Булатова В.А. Древняя Кува. Т., Фан, 1972. С. 37.

Жониворларга нисбатан мавжуд бўлган эътиқодий қарашлар тарихини шу минтақада ҳукмронлик қилган давлат ҳамда сулолаларнинг тангаларида учратишимиз мумкин. Тангаларда жониворлар суратларининг акс этиши ушбу ҳудуддаги тотем жонивор ёки ҳомий-асровчи ҳайвонни кўрсатади. Илк тангаларда асосан тамға тасвирланган ҳамда уларнинг кўриниши турли геометрик шаклли бўлган. Тангаларда турли хил жониворлар, қуш, балиқ, шер, тошбақа, укки қаби суратлар мавжуд бўлган¹⁰⁷.

Ўрта Осиёда вужудга келган кейинги давлатлар тангаларида ҳам ушбу ҳудудга хос ёки бошқа бир қўшни мамлакатларнинг таъсири натижасида ҳайвонларнинг тасвири туширилган тангаларни зарб этиш урф бўлган. Масалан: Кушон таркибига Ҳиндистон бир қисмининг қўшиб олиниши натижасида тангаларда бир қатор жониворлар суратлари пайдо бўлади. Улар: фил, зебу буқаси, қоплон¹⁰⁸. Айрим ҳудудларда ушбу анъана араблар истилосигача давом этган. Улардан бири Уструшона ҳисобланади. Уструшонада филга нисбатан эътиқодий қараш узок вақт сақланиб қолган¹⁰⁹.

Айрим тангаларда эса ҳайвонлар давлатнинг таянчи сифатида баҳоланган. Шунинг учун улар тахт атрибутлари сифатида қўлланилган. Улардан бири Чоч тангаларида тасвирланган ҳайвонлар ҳисобланади. Чоч тангаларида ҳукмдор ўтирган тахтда иккита ҳайвон боши тасвири зарб этилган¹¹⁰. Бошқа бир Чоч тангасида эса олд оёқларини кўтарган барс тасвирланган. Шер тасвири Чоч тангаларидаги ҳайвонлар орасида асосий зарб этилган жонивор ҳисобланади¹¹¹.

Олд оёқларини кўтарган ҳайвон тасвири Чочдан ташқари Ўтрорда зарб этилган тангаларда ҳам учрайди. Ўтрордан топилган

¹⁰⁷ Ртвеладзе Э. Древние монеты Средней Азии. Т., Гофу Фулом, 1987. С. 27-28.

¹⁰⁸ Ртвеладзе Э. Древние монеты Средней Азии. - С. 31.

¹⁰⁹ Gritsina A.A., Mamadjanova S.D., Mukimov R.S. Archeolog y, HISTORY and architecture of medieval Ustrushana. Samarkand: ICCAS, 2014. P. 12.

¹¹⁰ Ртвеладзе Э. Древние монеты Средней Азии. - С. 39.

¹¹¹ Смирнова О.И. Каталог монет городища Пенджикент. М., Издательство восточный литературы, 1963. С. 33.

илк туркий тангаларда орқа оёқларида тик туриб ҳамла қилаётган шер тасвири мавжуд¹¹². Бундай суратлар нафақат тангаларга зарб қилинган, балки, медалёнларда ҳам ҳудди шундай ҳомий ҳайвон тасвирлари бўлган.

Тангаларни ҳайвонлар сурати билан зарб этиш анъанаси араблар босқинига қадар Суғдда ҳам мавжуд бўлган. Илк суғд тангалари олд қисмида ҳукмдорнинг сурати зарб этилган бўлса, орқа томонида асосан ҳайвонларнинг суратлари мавжуд бўлган. Булар суғд тарихига оид энг қадимги тангалар ҳисобланади¹¹³. Суғд танга зарб этиш анъанасига кўра тангаларда албатта шахар ҳомийси бўлган худонинг бош қисми, қахрамони ёки муқаддас ҳайвони сурати акс эттирилган.

Бундан ташқари ҳудудларда алоҳида эътироф этилган ҳайвонлар суратлари тангаларда акс эттирилган. Масалан Суғдда қанотли шерни тасвирлаш анъанага айланган бўлса, Чочда барс ёки арслон тасвирланган¹¹⁴.

Хулоса тариқасида шуни айтиш мумкинки, ҳайвонларга нисбатан эътиқодий қараш қадим илдизларга эга. Археологик, геральдик, нумизматик манбалар бунга далил бўла олади. Жониворларга нисбатан шаклланган дунёқараш тизими асрлар оша ўзининг ибтидоий шаклидан ижтимоий, иқтисодий, диний, маданий, сиёсий ўзгаришлар туфайли трансформацияга учраган. Ҳозирги кунда ҳам ҳайвонлар билан боғлиқ тасаввурларнинг кўринишлари давлат гербида ўз ифодасини топган.

Ислом дини кириб келгандан сўнг анъанавий дунёқарашдаги ҳайвонларга нисбатан бўлган тасаввурлар қоришиқ тарзда шаклланган. Натижада, қадимдан мавжуд бўлган ҳайвон култи ўзининг хусусиятини ўзгартирган. Шунга қарамай ҳайвонлар билан боғлиқ қадимий тасаввурлар маросимларда, инсон турмуш тарзида, ҳайвонларга нисбатан ахлоқий муносабатда сақланиб қолган.

¹¹² Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет бронза С. 18.

¹¹³ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет бронза С. 15.

¹¹⁴ Бобоёров Ғ. Чоч тарихидан лавҳалар. Т., YANGI NASHR, 2010. Б. 65-66.

Давлат рамзларида турли ҳайвонларнинг тасвирланиши халқ турмуш тарзи ва тасаввурлари маҳсули бўлиб, унда инсон ва табиат ўртасидаги уйғунликни кўриш мумкин. Айниқса, рамз сифатида йиртқич ҳайвонларнинг танланиши ёки тасаввурий нуқтаи назардан алоҳида аҳамият касб этиши дунё халқлари давлатчилиги тарихида муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Чунки, рамз бошқа халқларга давлат ва унинг аҳолиси тўғрисидаги дастлабки маълумотларни етказди. Шунинг учун ҳам рамз сифатида аجدодларимиз танлаган ҳайвонлар мифологик, зооморфистик аҳамият касб этган. Натижада, бундай байроқлар душман юрагига ғулғула солувчи руҳий восита сифатида ҳам хизмат қилган. Ҳусусан, туркийларнинг олтин бошли бўри тасвирланган байроғи хитойликлар қўшинлари орасида доимо ваҳима уйғотган.

Давлат рамзлари ҳамиша халқаро майдонда ўзларини ажратиб туриш учун ҳам жорий этилган. Бир халқнинг рамзи бошқа бир халқнинг рамзига деярли ўхшамаган. Ҳусусан, бугунги Ўзбекистон гербидаги Ҳумо қуши сиймоси бунга яққол мисол бўла олади. Бундан ташқари шу рамзлар давлатнинг қудратини ёки унинг фалсафасини намоён этувчи восита сифатида ҳам фойдаланиб келинган. Бу омил бугунги дунё мамлакатлари гербларида ўз ифодасини топган.

Яна бир ўзига хос жиҳат шундан иборатки, рамз сифатида танланган жониворнинг ҳусусияти ва феъл-атвори шу давлат тараққиётида муҳим ўрин тутишига ишонч шаклланган. Шунинг учун ҳам давлат рамзи сифатида қайсидир жониворни белгилашда унинг ҳусусиятларига алоҳида аҳамият берилган. масалан, АҚШ оқ бошли бургутни ёки Австралия эса кенгуруни унинг феъл атвори ва ҳусусиятидан келиб чиқиб жорий қилган ҳисобланади. Яъни оқ бошли бургут шиддатли ва тез қарор қабул қилиши билан таснифланса, кенгуруни орқага умуман юра олмаслик ҳусусияти рамз сифатида жорий этилишига сабаб бўлган.

Ҳумо қушининг Ўзбекистон давлат рамзи сифатида

танланишига куйидаги қатор омиллар олиб келган. Қуш ўзбек халқи дунёқарашида озодлик, беғуборлик, узокни кўра олувчи ва аждодларнинг руҳини ўзида мужассам этган жонивор деб қаралади. Ҳумо қуши “бахт қуши” сифатида тасаввур қилинади ва абадий бахт халқ билан ҳамроҳ бўлиб юриши истаги ифодаланади. Бундан ташқари Ҳумо қуши зардуштийлик ва шомонлик тасаввурларида эзгу илоҳларнинг кўринишларидан бири сифатида тасвирлаб келинган. Ҳумо қуши халқ истаклари, келажакка бўлган ишончининг сиймоси сифатида муҳим аҳамият касб этади.

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАВЖУД МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

*Ғ.Ғ.Утаев - Тошкент тиббиёт академияси Ижтимоий фанлар
кафедраси катта ўқитувчиси*

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг янги қиёфаси таълим соҳасидаги ижобий ўзгаришлар билан ҳам ҳамоҳангдир. Ҳар соҳада каби ногиронлиги бўлган болалар таълимида ҳам жаҳоннинг илғор тенденциялари асосида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Соғлом болалар билан бир қаторда у ёки бу алоҳида эҳтиёжлари бор болаларнинг ўқишини боланинг ноёб ҳамда яширинган имкониятлари учун мос инклюзив таълимни ташкил этиш мақсадида ҳуқуқий меъёрлар ишлаб чиқилди.

Мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, бир қатор қонунлар қабул қилинди ва уларда бола ҳуқуқлари кафолатлаб қўйилди, жумладан умумэътироф этилган халқаро ҳужжатлар, хусусан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида инсоннинг таълим олиш бўйича ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Инклюзив таълим дейилганда – бу барча болаларнинг турли

хил эҳтиёжларига мослашиш нуқтаи назаридан ҳамма учун таълим мавжудлигини назарда тутадиган умумий таълимнинг ривожланиш жараёни, бу алоҳида эҳтиёжли болалар учун таълим олиш имкониятини таъминлайди.

Инклюзив сўзи “жалб қилиш” ва “мен хулоса қиламан” маъноларида қўлланиб – бу махсус эҳтиёжга эга болаларни умумий таълим (оммавий) мактабларда ўқитиш жараёнини тавсифлаш учун ишлатиладиган атама.

Инклюзив таълим ҳамма учун таълим жараёнларини очиқлиги маъносини билдиради. Шунингдек, инклюзив таълим барча турдаги болаларга таълим олиш имкониятини яратиб, ногиронлиги бор болалар таълим жараёнларига тўлиқ жалб қилинади.

Ривожланган мамлакатларда XX асрнинг 70 йилларидан бошлаб инклюзив таълимни ривожлантиришга доир турли хил меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш жараёни бошланган.

Бугунги кунда таълим олиш шакли сифатида жаҳон ҳамжамиятида жадал суратлар билан инклюзив таълим ривожланиб келмоқда. Чунки, айнан инклюзив таълимнинг ривожланиши ногиронлиги бор болаларнинг соғлом болалар билан бир хил мактаб ва бир хил синфхоналарда – бир хил шароитда таълим олишини англатади.

Инклюзив таълим тизимини ривожлантиришдан асосий мақсад – таълим олиш учун тенг имкониятни таъминлаш ва барча болаларнинг индивидуал хусусиятларидан, олдинги таълим ютуқларидан, тили, маданияти, ота-оналарининг ижтимоий ва иқтисодий ҳолатидан қатъий назар таълимда муваффақиятга эришиши учун зарур шарт-шароитларни яратишдир.

Бунинг натижасида соғлом болалар ва шахслар турли хил ёрдамга муҳтож алоҳида эҳтиёжли болалардаги ногиронлик муаммоларини тушуниши натижасида улар ўртасидаги деворларга барҳам беришга олиб келади. Ногиронлиги бор шахсларнинг жамиятдан ихоталаниши (изоляцияси) камаяди.

Натижада ногиронлиги бўлган шахслар жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида намоён бўлади ва жамият ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиш имкониятига эга бўладилар. Ўзбекистонда ҳам инклюзив таълимни ривожланишига бугунги кунда катта аҳамият қаратилмоқда Инклюзив таълим тизимини жорий қилиш бўйича қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Жумладан янги таҳрирда қабул қилинган «Таълим тўғрисидаги» қонунда биринчи марта инклюзив таълим шакли тушунчаси киритилди. Ушбу қонуннинг 20-моддасида инклюзив таълимни ташкил этиш тартиби киритилди.

2020 йил 13 октябрда қабул қилинган “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги президент қарорида 2020–2025 йилларда халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” ҳамда Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар таълимини 2025 йилгача ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари тасдиқланди.

Мазкур ҳужжатларда жамиятимизнинг бир бўлаги бўлган махсус ёрдамга муҳтож болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга таълим-тарбия бериш, уларнинг соғлом болалар қаторидан ўрин олиб ўз қобилияти, имкониятларини кўрсата олишига, маънавий камол топишига қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Бугунги кунда республика бўйича жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун жами 86 та ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларда (кейинги ўринларда - ихтисослаштирилган таълим муассасалари) 21,2 минг нафар, 21 та санаторий туридаги мактаб-интернатларда 6,1 минг нафар ўқувчилар таълим-тарбия олади. Шунингдек, узоқ муддат даволанишга муҳтож бўлган 13,3 минг нафар ўқувчилар уйда якка тартибда ўқитилади.

Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни ўқитиш учун

инклюзив таълим тизимини ташкил этиш, кадрларни тайёрлаш, ўқув жараёнини ташкил этиш ва молиялаштириш соҳасида уларнинг таълим олишга бўлган тенг ҳуқуқларини таъминлаш борасида кўплаб муаммо ва камчиликлар мавжуд.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки имконияти чекланган болалар бошқалар сингари бир хил шароитда таълим олиши, уларга дарсликлар, ўқув қўлланмалари билан таъминланиб барча шарт-шароитлар яратилиб берилиши лозим. Бундай болалар ҳам соғлом болалар каби қийналмасдан мактабга бориши, албатта келажакда вақти келиб ўз йўлини осонроқ топиши мумкин.

Шунингдек, биз жамиятимизнинг онгини тубдан ўзгартиришимиз керак, чунки соғлом болаларнинг ота-оналари ва умумий мактаб ўқитувчилари ногиронлиги бўлган болаларни барча болалар билан бирга бир хил шароитда таълим олиш ҳуқуқига эга эканлигини англаб етиши керак. Шундагина жамият ҳам имконияти чекланган шахсларга бегонадек ажабланиб қарамайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. 1948 й.
2. Бола ҳуқуқлари декларацияси. 1959 й.
3. Таълим олишда камситишга қарши курашиш конвенцияси. 1960 й.
4. Ўзбекистон Республикаси таълим тўғрисидаги қонуни 23.09.2020 й. ЎРҚ-637-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2020 йил 13 октябрь ПҚ-4860-сон.
6. Нишанбаева Э., Абдухалилов А. “Инклюзив таълимни ривожланишида ижтимоий шерикликнинг тутган ўрни”. Ижтимоий тадқиқотлар журнали 4-сон, 3-жилд. Тошкент 2020 й. 126-133 б.

МОДЕРНИЗАЦИЯ НИМА?

Умарова Фарида Саидикрамовна – *Тошкент тиббиёт академияси катта ўқитувчиси, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

“Модернизация” (французча “moderne”) тушунчаси, этимологик нуқтаи назардан, модерн, мода, модернизм, модификация каби сўзлар билан боғлиқдир. Уларнинг барчаси француз тилидан, лексикасидан олинган. Мазкур тушунчалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш, бизнинг фикримизча, модернизациянинг турли ижтимоий соҳалар билан боғлиқлигини, уни кенгроқ тушуниш зарурлигини англашга ёрдам беради.

“Модерн” (французча “modern”) сўзининг этимологик маъноси замонавий демакдир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, модерн сунъий макондаги бир хилликка, стандарт тасаввурларга ноодатийлик, табиатдаги ранг-барангликни олиб кириш ҳисобланади. XIX аср охири XX аср бошларида у амалий эҳтиёжлар ифодаси ўлароқ архитектурада, уй-жойлар безакларида, шаҳар дизайнида пайдо бўлади. Италия, Франция, Бельгия, Англия каби мамлакатларда иншоотларни, панжараларни, йўлакларни, хоналарни табиий белгилар, элементлар ва артефактлар билан безатиш замонавийлаштириш услуги сифатида қаралади. Индустириал жамият томон ривожланиш шаҳар дизайни ва муҳитида маълум бир стандартларни шакллантирган эдики, ижодий изланишларга мойил мусаввирлар, ҳайкалтарошлар, дизайнерлар ва архитекторлар бу стандартларни табиий элементлар билан бойитишга интиладилар. Улар учун замонавийлик табиатга қайтиш эди. У АҚШ да “Тиффани услуги”, Англияда “стайл услуги”, Германияда “югенштиль услуги”, Австрия, Венгрияда “сецессион”, Франция ва Бельгияда “ар нуво”, Россияда “модерн услуги”, “синтетик санъат” деб аталган. “Табиатга қайтиш” аслида

француз файласуфи Ж.Ж.Руссо ғояси эди. Айнан ушбу ғоя XIX аср охири ва XX аср бошларидаги санъаткорларни илҳомлантирган, уларда сунъий маконга табиий элементларни олиб кириш истагини уйғотган¹¹⁵. Муҳим томони шундаки, ижтимоий муҳитдаги унификациялашув, бир хиллик, сон кетидан кувиб сифат, ранг-барангликни унутиш ўша даврда яшаган иждоқкорларни изланишларга, янгилик олиб киришга, услубиятни замонавийлаштиришга етаклади. Бу янгиликларнинг субъектлари ноодатий фикрлашга, замонавий тасаввурларга ниманидир олиб киришга мойил ақл эгалари эди. Модерни шунчаки изланиш деб тушунмаслик керак, у тафаккурга, тасаввурларга туртки берадиган, уларни фаоллаштирадиган ва долзарблаштиради-ган ёндашув эди. “Мода” ҳам ана шундай истак ва интилишлар ифодаси сифатида юзага келади.

“Мода” (французча “mode” ёки латинча “modus”) сўзи этимологик нуқтаи назардан, французча талқинда меъёр, тасаввур, образ, усул деган маъноларни беради. Ён-атрофни замонавийлаштиришга, янгилик олиб киришга интилиш инсоннинг кийиниши, юриш-туриши, ўзини безатиши кабиларда ҳам ўз ифодасини топиши табиий ҳолдир. Бу эстетик тасаввур “Дид билан баҳслашмайдилар” (“Со вкусом не спорят”), деган қоидага, қарашларга зиддир. Агар мазкур қоидага амал қилсак, ҳар ким ўз билганича кийиниши мумкин, бу унинг соф шахсий иши, ўз диди, деган хулосага келамиз. Мода эса маълум бир андоза, образ ва усулнинг кишилар, гуруҳлар даврасида тарқалишини тақозо этади.

Модада ажойиб бир хислат, белги бор. У мудом замонавийлашиб туради, янгиланиб туриши билан кишилар диққатини ўзига тартади. Ҳаёт бир жойда қотиб турмаганидек, мода ҳам бир жойда қотиб туришни ёқтирмайди. Мода фақат кийиниш, безаниш эмас, у ижтимоий ҳаётни, муҳитни ва тасаввурларни ўзгартириб туриш ҳамдир. Ижтимоий борлик

¹¹⁵ Қаранг: История мировой культуры. - Москва: КФМЦ “ТКИСО”, 1997. С. 328 - 329; Борисова Е.А., Стернин Г.Ю. Русский модерн. - Москва: “Советский художник”, 1990. С. 6-8.

талабларига мувофиқ янгиланиб, замонавийлашиб туришда бадий-эстетик ва дидактик моҳият мавжуд. Биз шунчаки кийинмаймиз, ижтимоий муҳитдаги анъаналарни, тасаввур ва эстетик қадриятларни, уй- хонадонларимизни, йўлакларимизни шунчаки безатмаймиз, ўзгартрмаймиз, балки янгиланишга, замонавийлашишга бўлган истакларимизни ифода этамиз. Экзистенциал маънода олиб қараганда, модернизация мустақил тараққиёт йўлига кирган давлатлар учун мода. Бугун уларнинг деярли барчаси жамиятни модернизациялашни мақсад қилиб қўйган, бу борада ўз моделларига эга. Масалан, у Россияда “радикал модернизация”, Тожикистонда “ижтимоий йўналтирилган бозор хўжалиги”, Туркманистонда “позитив бетарафлик”, Ўзбекистонда “эволюцион ривожланиш”, Қирғизистонда “тақлидчилик йўли”, Қозоғистонда “индустриал ривож-ланиш” моделлари деб аталади¹¹⁶. Модернизациялаштиришни модага айлантирган омил ижтимоий тараққиёт талабидир.

“Модернизм” (французча – “modernism”)нинг этимологик талқини уни “модерн” таърифидан келиб чиқиб қарашга ундайди. Махсус адабиётларда у санъат ва адабиётга тааллуқли воқеа сифатида қаралади. Француз символизми ва декаданс унинг негизи экани қайд этилган ҳолда, у экспрессионизм, сюрреализм, кубизм, дадаизм, абстракционизм, поп арт каби ижод турларининг давр талабларига, ўзгараётган эстетик дидларга ва янгиланишга оид жиҳатларини қамраб олиши таъкидланади. Мутахассислар фикрича, номумтоз услубга мойиллик, мавжуд ёндашишлар доираларини кенгайтиришга интилиш, нормативликдан ўзиш, ҳатто радикал, экстравагант кўринишда ўзини намоён этиш модернизмга хос хислатлардир¹¹⁷. Бироқ модернизмнинг бундай бадий-эстетик талқини унинг негизидаги этимологик моҳиятни

¹¹⁶ Қаранг: Зикирова Н. Марказий Осиё давлатларида миллий тараққиёт моделлари. - Тошкент: “TAMADDUN”, 2017. 39-96 б.

¹¹⁷ Қаранг: Побережников И.В. Модернизация: теоретико-методологические подходы.- Екатеринбург, РАН, 2002. С.148-149; Moore W.E. Social change. Englewood cliffs.-N.Y.: Prentice-Hall, 1994. - P. 36.

рад этмайди, уни янги фикрлар билан тўлдиради. Этимологик талқин аввало сўзнинг илк маъноси, генезисдан келиб чиқишни тақозо этади. Юқоридаги мисолимизда эса негиз “модерн” деган сўздадир. Замоनावийлашиш, давр эҳтиёжларига мувофиқлик, замон билан ҳамнафаслик ана шу сўзнинг этимологик моҳиятини ифода этади.

“Модификация” (французча “modification”) объектнинг ўзгариши, объектда янги хислатнинг, сифатнинг пайдо бўлишини англатади. Бунда объект иккинчи бир объект талабларига мослаштирилади, бир шаклдан иккинчи шаклга ўтади ёки ушбу шаклга хос хислатларни ўзлаштиради. Аммо модификация объектнинг тўла бошқа объектга мослашишини англатмайди, унинг айрим бир хислатлари ёки жиҳатлари ўзгаришини назарда тутаяди. Агар объект тўла равишда ҳам шаклан, ҳам мазмунан мослашганида ассимиляция рўй берган бўларди. Шунинг учун модификацияни объектнинг қисман ўзгаришига тадбиқ этиш ўринлидир. Бу фикр модернизациялашга ҳам тааллуқлидир.

Модернизация сўзи ҳам, воқелик сифатида қўлланилиши ва илм-фанда истеъмолга киритилиши ҳам Ғарб кашфиёти ҳисобланади. Ғарбдаги XIV-XVI асрларда рўй берган Ренессанс ва Реформация мутаассиблик, догматизм ва тоталитаризмга қарши эркинлик, ҳурфикрлик ва маърифий тараққиёт масалаларини қарши қўйдик, бу кейинчалик ижтимоий ҳаётни янгилаб туришни, замонавийлаштиришни анъанага айлантirdи. XIV асрда Италияда бошланган Ренессанс (Уйғониш) кейин бутун Европага тарқалди, XVI асрда Англияда кенг тарқалган маърифатпарварлик, гуманистик ғоялар либерализмни устувор тамойил сифатида шакллантирди. Шунинг учун мутахассислар либерализмни жамиятни янгилаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, маданий тараққиёт омили бўлганини қайд этадилар. Модернизация жараёнларини либерализм ва феодад тартибларига қарши қўйилган эркинлик, ҳурфикрлик, тараққиёт, айниқса инсоннинг иқтисодий ҳуқуқлари,

тадбиркорлик, янги ишлаб чиқариш воситаларини яратиш ва жорий этиш каби фаолияти билан боғлаб қараш шаклланди. Аммо илмий адабиётларда унинг генезисини ҳатто антик даврдан излаш ҳам учрайди. Масалан, либерализм эркинлик сўзи маъносида Цицерон нутқларида 338 марта учрайди¹¹⁸. Тўғри, либерал ғоялар, айниқса шахс эрки билан боғлиқ ғоялар антик даврда энг кўп ишлатилган ва файласуфларни безовта қилган муаммолардан бири эди. Г.Херворнг ва Ейсенсманд фикрича, шахс билан жамият, фуқаро билан давлат, сиёсий тузум ўртасидаги муносабатлар моҳиятини эркинликда кўрган мутахассислар бир томондан, давлатни бутун, шахс эркинлигини таъминловчи институт сифатида қабул қилган, бу борада ўз жонларини аямасликни афзал кўрган бўлсалар, иккинчи томондан, эркин фикрлаш, эркин яшашни ҳаётий мақсад, индивиднинг яшаш принципи деб билганлар¹¹⁹. Полис давлатга хизмат қилиш, у ўрнатган тартибларни эъзозлаш қадимги юнонликларнинг “бутун”ни, яъни давлатни асрашга оид асосий ғояси эди. Сукротнинг Афина суди қарорини мутлақ ҳақ билиб, ўзини ўзи ўлдириши (заҳар ичиб ўлдириши) бу ғоянинг тасдиқидир. Шу билан бирга, Сукротнинг файласуф сифатида фаолияти, фикрлаш тарзи эркинликнинг намунаси эди. Платон ва Аристотелнинг давлатни “бутун” атаб, шахс эркинлигини ушбу “бутун” доирасида тасаввур этишлари, идеал жамият, бахт саодатли ҳаётни “бутун” орқали мавжудлигини исботлашлари ана шу анъананинг ифодаси эди, албатта. Либерализмнинг кенг тарқалиши ва демократиянинг мафтункор томонига айланиши айнан ана шу эркинлик, шахс эрки ва ҳуқуқлари билан боғлиқдир. “Қадимги Юнонистонда “эркинлик” деганда шахсий ва сиёсий эркинлик назарда тутилган. Бу давлатдан айри эркинлик эмас, балки шахснинг давлат олдидаги бурчи ва фуқаролик мажбуриятлари билан уйғунлашган

¹¹⁸ Қаранг: Умаров Б. Концепция либерализма (История и современность). - Тошкент: Akademiya, 2011.- С.10- 12.

¹¹⁹ Қаранг: Eisenstandt S. N. Modernization; Protest and Change.-N.Y. Prentise Hall 1966. - P.82; Therborng. New Perespectives on Historical Writing;-Cambridge, 1993. – P. 238.

эркинлик эди. “Тенглик” эса эркин фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги, яъни давлатнинг ўз фуқароларига муносабатлари ифодаси сифатида қаралган. Фақат демократия эркинлик ва фуқароларнинг тенглигига қуриладиган давлатнинг асосий модели бўлиши мумкин эди. Шунинг учун либерал руҳ ўзини антик республикаларда намоён этгани бежиз эмас эди”¹²⁰.

Ренессанс ва маърифатпарварлик даври мутафаккирлари шахс эрки ва ҳуқуқларини ижтимоий борлиқдаги энг муҳим қадрият сифатида тарғиб этдилар. Масалан, Ренессанс даврининг йирик вакили Пика дела Мирандола (1463 - 1494)нинг фикрича, худо одамни мутлақ эркин мавжудот сифатида яратган, унинг қандай фазилатларга эга бўлиши, ахлоқий ва ижтимоий шаклланиши, аввало, унинг ўзига боғлиқ. Инсондаги бу бетакрор хислатни, олийжаноб фазилатларни қандай аҳамият ва кучга эга эканини Ренессанс даврининг йирик вакиллари Леонардо да Винчи, Б.Микеланжело, С.Боттичели, Рафаэль, Эл Греко, Веласкес, Петрарка, А.Данте, Э.Роттердамский ўз ижодий фаолияти билан намоён этдилар. Кейинчалик либерализм ғоясини Ж.Локк, Д.Юм, А.Смит, М.Монтескье, Ж.Пристли, Ж.Ж.Руссо, Вольтер, Гельвеций каби файласуфлар давом эттирдилар ва уни янги, айниқса, ижтимоий-сиёсий ёндашувлар билан бойитдилар¹²¹.

Хулоса қилиб айтганда, илмий адабиётларда “модернизация” тушунчасига турли таърифлар берилади, унинг имманент хусусиятлари ва ижтимоий тараққиётдаги ўрни ёритилади. Европа олимлари, мутахассислари модернизациянинг илмий-техник ва иқтисодий тараққиётга оид жиҳатларини очиб беришга эътибор беришади. Европа тараққиёти илмий-техник кашфиётлар, янгиликлар орқали рўй бераётгани боис улар муаммонинг шу томонига катта эътибор қаратадилар. Кейинги пайтларда бундай

¹²⁰ Ўша асар. - С. 15.

¹²¹ Қаранг: Manning D J Liberalizm. - L., 1976; Arblasster A. The Rise and Decline of Western Liberalizm. - Oxford, 1984; Wallerstain I. After Liberalizm. - N. Y. 1999; Современный либерализм Сб. Статей. - Москва: Дом интел. Книги, Традиция, 1998; История политических и правовых учений. Под ред. В.С.Нерсесянца. - Москва: Юристь, 1997; Антология мировой либеральной мысли (1 половина XX века). - Москва: Прогресс Традиция, 2000.

ёндашув ривожланиш йўлига кирган ва модернизацияни стратегик мақсад қилиб олган давлатларда ҳам кўзга ташланади. Демак, модернизация ва инновация глобал хусусиятга эга воқеликка айланиб бормоқда. Инсониятнинг келгуси тақдири, иқтисодий ва халқаро интеграция ана шу воқеликлар асосида кечмоқда. Бундан Шарқ давлатлари цивилизацияси ҳам орқада қолаётгани йўқ.



ХУЛОСА

Хурматли ва азиз китобхонлар, ушбу китоб Турон фанлар академияси академиги, фалсафа фанлари доктори, профессор Норкулов Дўстмурод Тошпўлатовичнинг ҳаёти, илмий, ижодий, педагогик фаолиятига бағишланган.

У кўп йиллардан буён ўзининг фалсафий асарлари, мақолалари, тезислари, суҳбатлари билан сизларга таниш. 1983 йили фалсафа фанлари доктори, профессор М.А.Абделлаев раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ва 2000 йили фан доктори диссертациясини ҳимоя қилган.

Д.Т.Норкулов илмий тадқиқотлари йўналиши ижтимоий фалсафа, вақт муаммоси, унинг мазмуни, моҳияти, жамият тараққиётининг вақт билан боғлиқлиги, инсон маънавий дунёсининг вақт омилига таъсири масалаларини ўрганишга бағишланган. Ўзининг илмий изланишларида маънавий янгиланиш ва ҳуқуқий онг, ҳуқуқий онгнинг ўзига хос хусусиятлари ва уни янада юксалтириш омиллари, мамлакатимиз миқёсида соғлиқни сақлаш соҳасида кечаётган туб ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш масалаларига ҳам эътибор қаратган.

Китобнинг биринчи бўлимида Д.Т.Норкуловнинг халқаро, республика миқёсидаги илмий журналларда ва конференцияларда эълон қилинган мақолалари, тезислари, шунингдек, расмий оппонентлиги, илмий раҳбарлигидаги номзодлик, докторлик диссертациялари мавзулари, уларнинг муаллифлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Китобнинг иккинчи бўлимида Дўстмурод Норкуловнинг устозлари, дўстлари, синфдошлари, шогирдлари, оила аъзолари фикр мулоҳазалари, учинчи бўлимида эса юбилярнинг фаолиятига

бағишланган анжуман материаллари жой олган.

Хулоса қилиб айтганимизда, файласуф олим, фалсафа фанлари доктори, профессор Дўстмурод Норқуловнинг умри узок бўлсин, оиласи, дўстлари, яқинларининг бахтига омон бўлсин, илмий – ижодий, педагогик фаолиятида улкан ютуқлар кўп бўлаверсин, орзуларига ҳамоҳанг ҳаёти сермахсул бўлиб, кадрдонлари ардоғида бўлишини тилаб қоламиз.

Муҳаррирлар



МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ.....	4
I БЎЛИМ. Профессор Д.Т.Норкуловнинг илмий-ижодий фаолияти	
Монография, дарслик, ўқув, ўқув-услубий қўлланма ва рисоалар...	10
Халқаро илмий журналлар ва конференцияларда эълон қилинган мақола ва тезислар.....	13
Республика миқёсидаги илмий журнал ва конференцияларда эълон қилинган мақола ва тезислар.....	14
Илмий раҳбарлигидаги тадқиқотчилар.....	24
Диссертацияларга расмий оппонентлик.....	25
II БЎЛИМ. Орзуларга ҳамоҳанг ҳаёт	
Инсон тафти.....	28
III БЎЛИМ. Д.Т.Норкулов ҳақидаги фикрлар	
Ш.А.Боймурадов - Самарали меҳнат ташкилотчиси.....	62
Т.А.Бобомуратов - Юрт учун, ватан учун фидоий инсон.....	63
Б.Т. Халматова - Таълим-тарбияга фидоий инсон.....	65
И.Саифназаров, Ф.Саифназарова - Файласуф олимлар оиласи соҳиби.....	67
Б.О.Тураев «Соддадиллиги билан бизни мафтун этади»	71
С.Отамуратов Кўнгли очик, камтарин олим.....	74
Ў.М.Абилов - Садоқатли дўст тимсолига молик ҳаёт фалсафасига амал қилган инсон.....	75
Қ.Назаров - Эмас осон бу майдон ичра турмоқ.....	81
Б.Т.Тўйчиев - Муродига етган дўст.....	88
Н.Х.Ҳакимов - Фалсафа фани фидоийси.....	91
Н.А.Шермухамедова - Ибратли умр.....	94
Ҳ.Ҳамидов - Илм-фанимизнинг тиниб-тинчимас фидоийси.....	98
З.Давронов - Инсонийлик ва ақлий камолот соҳиби ҳақида.....	100
В.Алимасов - Дўстим-Дўстмурод.....	104
Б.Алиев - Теран салоҳиятли инсон.....	107
И.Эргашев - Талабаликдан бошланган дўстлик.....	109
О.Д.Нишонова - Камтар ва самимий инсон.....	112
М.С.Ҳажиева - Фан боғининг боғбони.....	114
М. Исмоилов - Эзгуликдан умр чароғон.....	117
В. Қўчқоров - “Вақт фалсафаси” билан тиллашган олим.....	119

Н.Назаров - Эзгуликка йўғрилган умр.....	127
Ф.Юлдашева - Тарихий-маданий мерос муаммосига янгича ёндашган олим.....	130
О.Бўриев - Одамийлик мулки соҳиби ва етук файласуф олим.....	134
Р.Т.Зоҳиров - Қалби қайноқ, меҳри дарё Қашқадарёлик – У.....	138
Б.Х.Джалилов - Дўстим Дўстмуродга дўстона табрик.....	146
С.Д.Норкулов - Ўз фарзандларини бахтли бўлишга сабабчи бўлган инсон.....	149
И.Отамуродов - Дўстмуроджон.....	152
С.Ғ. Алимова - Комил инсоннинг ибратли фазилатлари.....	153
О. Муҳамедяров - Бўш вақтнинг хуш вақтлигини исботлаган олим	154
С.Р. Халиков - Илмга баҳшида умр.....	158
А.М. Махматов - Донишмандликка интилиб.....	160
Н.Ш.Ниёзова - Илм-фанга баҳшида умр.....	163
А.Мухтаров - Янги Ўзбекистоннинг илму-маърифатига хисса қўшган олим.....	166
Ф.С.Атамуратова - Устозга эҳтиром.....	168
Ф.С.Умарова - Биз отамдек ҳурмат қилган инсон.....	170
Ш.А. Искандаров - Дўстмурод Тошпўлатович Норкуловнинг ҳаёт йўлларига чизги.....	173
А.Худойкулов - Устоз-отангдек улуғ.....	175
Б.Расулов - Ярим асрлик дўстлик нашидаси.....	179
Б.С. Турдиев - Маърифат истаб, изидан ибрат ёғдирган файласуф	182
Л.Ҳайдарова - Ҳаёт ва “хаёлат”да мукамал инсон.....	184
Б.У.Рўзиев - Касбига содиқ, меҳнатсевар ва чинаккам иродали инсон!	189
Н.И. Рўзиев - Устозлик мақомига эришиш йўли.....	191
Ғ.Ғ.Утаев - Меҳнатдан қадр топган файласуф олим.....	193
З.Э.Маркаев - Меҳри дарё устоз!.....	194
Л.Ю.Махмудов - Ҳам ҳаётда, ҳам илмда, ҳам ишда барчага ўрناق инсон тўғрисида.....	196
А.Н.Гуломова - Илм йўлида забардаст, ҳаётда метиндек ирода ва сабр, иш фаолиятида эса камчиликларга кўз юма олмайдиган инсон ҳақида.....	198
Ю.Ҳамдамов - Вақтдан оқилона фойдалана олган олим.....	200
Т.Кўйлиев - Устоз мақомидаги дўст ва ҳамкасб ҳақида икки оғиз сўз.....	209

IV БЎЛИМ. Илмий мақолалар тўплами

Д.Т.Норқулов - Вақтинг кетди – нақдинг кетди.....	213
Ў.М.Абилов - Миллийлик ва умуминсонийлик оптимизми.....	221
Б.О.Тураев -Тарихий хотирани тиклашда тарихчилар ҳамжиҳатлигини янада кучайтириш муаммолари.....	229
С.Д.Норқулов - Онг моҳияти ҳақида қисқача мулоҳаза.....	240
Тураев Бахтиёр Оманович -Маънавий меросни ўрганишда синергетик методологиянинг ўрни.....	245
Ш.А.Искандаров - Марказий Осиё арабларининг бола туғилиши билан боғлиқ маросимлари.....	255
В.О'.Ро'зиёев - Internet va ijtimoiy tarmoqlarning yoshlar ongi va ma'naviyatiga ta'siri.....	262
Л.Ю.Махмудов - Фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида ҳуқуқий маданиятнинг ўрни.....	267
М.Абдуллаев - Махтумқули Фироғийнинг инсон моҳияти борасидаги қарашлари.....	270
Р.Р.Сауров - Ходимлар компетентлиги ва институтнинг самарали фаолият юритиши.....	276
О.Бўриев, Ҳ.Тошмуродов - Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигига Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асари муҳим этнографик манба сифатида	280
Н.И.Рўзиев - Девону луғатит-туркда халқ табибини сеҳрли ва рационал даволаш усуллари.....	290
Н.Х.Абдурахманова - Ҳуқуқий маданият ва демократия: ижтимоий фалсафий ёндашувлар ва концепциялар.....	294
Х.Очилова - Ўзбекларда белбоғ билан боғлиқ эътиқод ва удумлар (Қашқадарё воҳаси мисолида).....	298
А.А.Азизов - Ўзбек давлатчилигида ҳокимият рамзларига оид айрим мулоҳазалар.....	313
Ғ.Ғ.Утаев - Инклюзив таълимни ривожлантиришда мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари.....	323
Ф.С.Умарова – Модернизация нима?.....	327
ХУЛОСА	334

ОРЗУЛАРГА ҲАМОҲАНГ ҲАЁТ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«FAN ZIYOSI» нашриётига 2021 йил 14 февралда
берилган 308197041-сонли лицензияси
Нашриёт манзили: Тошкент шаҳри, А. Навоий кўчаси, 30 уй.

Times гарнитураси. Босма тобоғи 18,25.
Босишга рухсат этилди 11.12.2022. Буюртма № 56
Қоғоз бичими 60x84^{1/16}. Шартли б. т.-21,25.
Адади 100 нусхада.
«Munis design group» МЧЖ босмахонасида чоп этилган.
100170, Тошкент ш. Бўз – 2 мавзеси 17А уй.